

ЮСУФ СИДДИҚОВ

# ТОКЧАДАН ТОПИЛГАН ХАЗИНА



Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2004


*Юсуф Сиддиқовнинг ушбу китоби ўтирип сюжет асосида яратилган бўлиб, воқеалар шиддат билан ривожланади. Асар ҳаҳрамонларининг характерлари кескин тўқнашувлар орқали очилади ва кишини ўзига ром этади.*

*У Сизга манзур бўлади деб, умид қиласиз.*

H 30896  
293

ISBN 5-633-01634-3

© Юсуф Сиддиқов. «Токчадан топилган хазина».  
«Янги аср авлоди», 2004 йил.



*Устози аввалим ва падари буз-  
рукворим Шеров Сиддиқ бобонинг  
порлоқ хотираларига бағишлайман!*

## **МУАЛЛИФДАН**

*Кўлнингиздаги китобни очиб, унинг саҳифаларини варақ-  
лашингиз билан гўёки эски танишларингизни учратгандек  
бўласиз. Аслида ҳам шундайми?*

*Китобнинг айрим парчалари газеталарда эълон қилин-  
гандан сўнг менга бу ҳақда кўп саволлар беришганди:*

*— Фалончини танирдим. Ҳа, бу — ўша!*

*— Жой номларини айтмаса, воқеалар бизнинг шаҳар ва  
қишлоқларда бўлиб ўтганга ўхшиди...*

*Аммо шуни ишонч билан айтаманки, китобдаги барча  
персонажслар тўқума, уларнинг ҳаётда шериклари йўқ.  
Баъзи воқеа-ҳодисалар маълум даражсада шу китобнинг  
ёзилишига озроқ туртиси бўлган бўлиши мумкин, холос.*

*Таниш қиёфалар, таниши тақдирлар учун аввалидан узр  
сўрайман.*

*Ушбу китобнинг дунёга келишида қимматли масла-  
ҳатларини аямаган адабиётшунос олим Поён Равшанов-  
га, адабиёт гулшанига етаклаб кирган устозларим Малика  
момо Маматқуловага, Элмирза бобо Маҳмандарим  
чиқариш корхонаси директори Н.Хусайниновга, «Наврўз»  
корхонаси директори С.Фаниевга, Муборак газни қайта  
ишилаш заводи директори Ў. Умаров ва касаба қўмитаси  
раиси М.Нурмуровдага самимий миннатдорчилигимни  
билдираман!*

## МУҚАДДИМА

Эшонгузар — жүгөфия китобларига кирмай қолған тоғ (бу ерлик-лар уни тоғ десаларда, аслида каттакон тошлоқ тепалик) этагида жойлашған қишлоқ, район марказы. Сал юқоририкдан Сарқашдаре ўтган. Дарёнинг феъли номига мос — саркаш, девона. Бирда сокин, юваш, бирда қутирган, қонхўр. Тез-тез тошиб вайронагарчилек келтиради, одамларни саросимага солади-ю, уч-түрт кундан сўнг юваш тортиб, ўз ўзанига қайтади.

Эшонгузарлар одамохун, меҳнаткаш. Бог-роғга ишқибоз. Улар етишитирған аввойи олмалар, ширин-шакар шафтолилар, ҳар бири ҳаядалақдек келадиган аиорларнинг, айникса, тилини ёрадиган «келин бармоқ» узумларининг таърифи довон ошган. Эшонгузарнинг бозори доим гавжум. Бухоро-ю Самарқанд, Конибодому Хўжанддан деҳқонлару олиб-сотарлар кўп келади бу бозорга.

Қиши кирмай туриб қор ёғиб берди. Йўлакларни қалин қор босди. Куз юмупларидаи бир қадар бўшаган одамлар қўлларига белкурак олиб, қор курашга киришдилар. Қор, айниқса, болалар учун кутилмаган қувонч олиб келди. Ким Қорбобо ясаган, ким қорбўрон ўйнагав. Ёш-яланглар бир-бирига қорхат ёзиб, кимгадир тутқазиб қочиш пайядада йўлга отланган.

Хуллас, қиши эмас — байрам, осмондан қор эмас, қут-барака ёққан, деб ўйлайсиз. Табиатнинг бу ажаб, ҳузурбахш таровати абадий давом этадигандек...

Кутилмаганда қари тут ёнидаги ҳашаматли ғиштинкор ҳовлидан фарёд эшистилди. Ададенз туюлган гўзал ҳислар тўзғиб кетди. Одамлар фарёд зиштилган томонга отилдилар.

Дарвоза олдида милиция машинаси турибди. Ҳовлиниң қуббакор дарвозаси ланг очиқ. Ундан таниш-нотаниш одамлар кириб-чиқаяпти. Дақиқа сайн тўпланганлар сафи кенгамоқда.

— Тарқалинглар, ўртоқлар, тарқалинглар! — деб амр қўлди милиция майори одамларга. — Фақат уч-тўрт киши қолсин, қолганлар чиқаб туринглар!

Холисликка танлаб олинган кишиларни уйга киритиб юборишиди. Уйда ҳар ер-ҳар ерда қизил қонига бўялган жасадлар чўзилиб ётарди. Бундай даҳшатли манзарадан ўтакаси ёрилган «холис»лардан бири — ёшгина жувон ҳушдан кетиб, шилқ этиб йиқилди, қолганлар орқага тисарилди.

Эшонгузарда рўй берган бу мудҳиб воқеа бир зумда ҳаммаёққа тарқалди...

# I. ГЎЗАЛ

## 1

Сирож бобо эскичадан анчагина саводли. Янгичадан ўргамиёна даражада. Отасидан қолган томорқаси, бир жуфт ҳўқизи, омоч-бўйинтуруги бўлгани учун қулоқ қилиниб, Украина томонларга сургун этилди.

Йигитнинг кўзи мусофиричиликда очилди, сиёсатни тушунадиган бўлди. Аммо осуда ҳайтни севгани сабабли сиёсатта аралашмайди. Мабодо унинг ҳузурида сиёсатдан гап очилса, оғзига талқон солиб, жим ўтиради ё бўлмаса, киши билмас қилиб жўнаб қолади. Унинг феълини билган билади, билмаган одамови экан, деб ўйлади.

Отахон сургунда ҳам, ўз элига қайтгандан кейин ҳам беш вақт намозини канда қилмади. Мафкура тазиқига қарамасдан, гуноҳларини ювиш учун (айбиз Парвардигор) садақалар улашди, онда-сонда оши худойи, ифторликлар қилиб едирди. Унинг бу қилиғи маҳалла корчалонларига, албатта, ёқмайди. Улар маҳаллада атеистик тарғиботни бўшаштириб қўйғанликлари учун неча марта райкомга чақирилиб, дакки эшитишган. Чолнинг бу билан неча пуллик иши бор. Ана шуниси уларга оғир ботади. Охири бу иш билан райкомнинг ўзи шуғулланадиган бўлди. Диндорларнинг ҳақиқий душманига айланниб улгурган, келиб чиқиши бетайин бўлган инструктор йигит бу вазифани ўз бўйнига олди.

— Сиз хурофот тарқатаяпсиз! — деди райком вакили папирос тутунини чолнинг бетига қараб пуфларкан.

— Хурофот? — сўради Сирож бобо кафти билан тутунни ҳайдай туриб. — Азизим, хурофот деганини тушунтириб беролмайсиэми?

— Диний маросимлар, феодал қолдиқлар, ирим-сиirimларга хурофот дейилади. Хурофот одамларнинг, айниқса, ёшларнинг онгини заҳарловчи ижтимоий хавфли ҳодиса. Билдингизми?

Отахон босиқлик билан тинглади, гўё ҳеч нарсага ақли етмагандек суҳбатдошининг кўзларига тикилди.

«Ёпираи, кўзлари банги одамнинг кўзига ўхшайди-я. — Бунақа кўзларни у сургун йилларида ҳар қадамда учратарди. — Ўлай агар, бу одам дори тортган!»

— Дин одамларни йўлдан оздиради, бузук йўлларга бошлайди, она ватанга муҳаббатни сўндиради, — деда ҳамон давом этарди бообруй идоранинг фахрий вакили.

Отанинг астойдил жаҳли чиқди:

— «Ватанни севмоқ иймандандир», деган гапни эшитганмисиз, болам?

— Қария, оғзингизга қараб гапириңг! Биринчидан, мен сизнинг болангиз эмасман, райкомпартиянинг официалний вакилиман. Иккинчидан, Ватан билан иймон айри-айри нарса!

— Билдим, билдим. Демак, сиз ўзингизни иймонсизларданман, деб ҳисоблайсиз. Тўғрими?

— Вопервих, мен коммунистман. Демак, дин, иймон деган нарсалар менга бегона.

Чолники тутиб кетди:

— У қулоғингиз билан ҳам, бу қулоғингиз билан ҳам эшишиб кўйинг, зй иймонсиз одам! Ҳамма қасофатларнинг, барча иллатларнинг боши иймонсизликда. Иймонсиз одам одамларни бузук йўлларга бошлайди, шайтонга ошно қиласди. Бундай одамлар ота-онасини, ака-укасини, эл-юртини бир пулга сотади. Дин эса иймонли бўлишни тарғиб қиласди. Ота-онани, ака-уканни, қавму қариндошни, Ватанни севишни тарғиб қиласди. Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Синоларни биларсиз, ҳар ҳолда?

Вакил жўшиб гапираётган отанинг оғзига анграйиб, жим қараб тураверди.

— Иймони бутун бўлғанлиги сабабли бу аждодларимиз минг йиллардан бери эл ардоғида.

— Мен Али десам, сиз Вали дейсиз. Бутун прогрессив инсоният бир овоздан «Дин афюндири», деб турган бир пайтда сиз фалсафа тўқийисиз, мени ўқитмоқчи бўласиз!

— Сизни ўқитмоқчи эмасман, фалсафа ҳам тўқимайман. Фақат бир ҳақиқатни айтмоқчиман, холос. Ҳа, афюн — заҳар, оғу. Аммо баъзан оғу билан оғир хасталикларни даволашган. Айниқса, заҳарга қарши восита сифатида қўлланилган. Илон чақ-қангага қарши илон заҳри ишлатилганга ўхшаб. Диннинг афюнга нисбат берилиши ҳам жамиятдаги иллатларга қарши дин даволовчи кучга эга эканлигига ишора.

— Бекор гап! Сиз Лениннинг дин ҳақиқати гапларини билмас экансиз.

— Яна бир оз сабр қилинг. Мен гапимни охиригача айтиб олай.

— Гапириңг.

— Сизнинг тушунчангиздаги афюн ҳақиқатдан ҳам хавфли. Одамни одамгарчиликдан чиқаради, оиласаларни бузади, миллатни емиради. Ҳозир ёшлар ҳам, ёши бир ёрга бориб қолганлар

ҳам, ҳатто мўътабар идораларда ишлайдиган баъзи бир амалдорлар ҳам афюн тортиш касалига гирифтор бўлишган.

Райком инструкторининг кўзи косасидан чиқиб кетаёди. Тили калимага келмай қолди. Бу ҳол чоннинг назаридан четда қолмади.

«Лаънати сассиқ чол, менинг наша чекканимни қаердан била қолдийкан. Кўйиб қўйсам ёқамдан ушлаб, мана бу дори тортган, деб милицияга тутиб беришдан ҳам қайтмайди. Тезроқ бу кўнгилсиз суҳбатни тугатиш керак».

— Ҳа, сиёsat бобида анча пишиқ экансиз, ота. Қойилман. Айтганларингизда жон борга ўхшайди.

Даҳрий йигитнинг муросасозлик қилаётганини сезган Сирож бобо ҳам ҳовридан тушди. Тилининг учидаги турган аччиқ-аччиқ гапларни сиртига чиқармади. Суҳбатдошининг шопа-пиша узатган титроқ қўлини истамайгина ушлаб хайрлапшиди. У чиқиб кетгач, отахон хонага ўтириб қолган қўланса ҳидни ҳайдаш учун эшик-деразаларни лант очиб юборди.

## 2

Сирож бобо уч марта уйланди. Биринчи хотийидан фарзанд кўрмади. Бояқиши сургун азобларини бирга чекди. Ўпкасини соvuққа олдирди. Ватангага қайтиш унга насиб этмади. Бегона тупроқда қолиб кетди.

Ўзига қолса, бутун умр сўққабош ўтмоқчи эди. Қариндошлири қўймай қўшни маҳаллалик ёшгина жувонга уйлантириб қўйишиди. Хотини кетма-кет уч кўз туғиб берди. Аёли ниҳоятда сулув эди. Шу билан бирга суюғоёқ чиқиб қолди. Орага кўнгилсизлик оралади. Эр тергашни, хотин алдашни қўймайди. Орада бир эмас, уч нафар фарзанд борлиги отанинг қўлини боғлаб қўйган. Бўлмаса, тирик дўзах билан (Сирож бобо хотинини орқаваротдан шундай дерди) бир кун ҳам яшамасди.

Ниҳоят, рўзгор бузилди. Хотин қизларини тирик етим қилиб, аллақайсиdir жазмани билан қочиб кетди. То фалон шаҳарда «дўкон» очиб олгани ҳақида хабар келмагунча, хотиннинг қариндошлири отага кун беришмади. Гап нимадалигини билишгач эса ҳаммаси ўз-ўзидан пилдир-пис бўлиб кетди.

Отанинг назарида қизлари униб-улғайса онасига ўхшаб суюғоёқ бўлиб кетишиади. Шу тариқа ота дилига ташланган ғашлик уруғи кўкариб, жаҳолатта айланга борди. Оқибатда у сабаб-бесабаб қизларига қўл кўтаришга одатланди.

— Бургага аччиқ қилиб, күрпага ўт қўйманг, — дейишди на-  
вбатдаги мажаронинг устидан чиққан қариндошлар. — Пушти  
камарингиздан бўлган норасидаларда нима айб? Сиздек художўй  
одамдан буни кутмагандик. «Ҳар неки келса худодан келади,  
худодан келганини бандасидан кўриш гуноҳи азим», деб ўзингиз  
ўргатмаганмисиз? Нега энди ўзингизга қолганда, бунга ақлин-  
гиз етмайди? Уйланинг. Қизларга бошпана бўлардек она керак.

— Хом сут эмган бандалармиз. Мендан ўтган бўлса, маъзур  
тутинглар, — леди ота синиқ товушда. — Шайтони лаъин баъзан  
галаба қилиб қолади. Оллоҳим мени ўзи кечирсин. Бузуқлик йўли-  
га кириб, фарзандларини тирик етим қилиб кетган дажжолни ҳам  
Оллоҳинг ҳукмига топширдим. Биз бандай ожизмиз. Омин!

Қўярда-қўймай бобони шу маҳаллалик солиҳа кампирга уй-  
лантириб қўйишди. Кампир келиши билан рўзгорга гўё қуёш  
чиққандек бўлди. У бир четда дир-дир қақшаб турган опа-син-  
гилларни бағрига босди, оқ ювиб-оқ таради. Отанинг ўрин-ноў-  
рин зулми барҳам топди.

Қизларнинг тўнгичи Марғуба, ўртанчиси Гўзал, кенжаси Мақ-  
суда. Бири-биридан сулув. Аммо Гўзал баридан-да сулув.

Марғуба ёшига нисбатан анча эсли-ҳушли, кўп нарсага ақли  
стади. Онасининг «ёмон иш» қилиб қўйганидан ўзича орланади.  
«Бизлар ақлли қиз бўламиз», деб пинҳона аҳди паймон қиласди  
опа-сингиллар.

Марғубанинг умри қисқа экан. Бир куни унинг қорнида оғриқ  
пайдо бўлди. Дард зўридан думалаб-думалаб йиглади. Ота-она  
тиричилаб қолишиди. Ноиложликдан қушиноч кампирни чақириб  
келишиди.

— Сулув экан, пари чалибди, — деб бошини сарак-сарак қил-  
ди кампир исқирип панжалари билан қизни «текшириб» кўраркан.

— Энди нима қиласми? — ваҳимага тушиб сўради ўгай она.

— Жонлиқ сўйиб, кўчирма қилиш керак. Қора қўчқор! Қора  
қўчқор сўрасаятти париларим!

Бемор оғирлашди. Қўшинилардан кимдир «Тез ёрдам» чақир-  
ган экан, бир пасда етиб келди. Тамом ҳолдан тойган Марғуба-  
ни дўхтирлар ўзлари билан олиб кетишиди.

Касалхонага етмай йўлда қизнинг жони узилди...

Марғубанинг ўлими отанинг белини буқди. У «Онасининг ка-  
софати қизимга урди», деб афсусланар, оппоқ соқолларига ша-  
шқатор ёш қуйиларди.

### 3

Диний маросимлар тақиқланган дамлар. Биронта фаол ходим энг яқын қариндошининг жанозасида қатнишган бўлса ҳам шўри қурийди. Нафақат фаоллар, балки бошқалар ҳам диний маросимлардан йироқ юрадиган бўлиб қолишиди. Мулла дегани анқонинг уруғига айланди. Машҳур артистни тўйга олиб келиш учун навбат турганга ўхшаб, мулла учун ҳам навбат турит, «юқори»нинг розилигини олиш зарур бўлиб қолди. Розилик олиш учун маҳалланинг ижобий тавсифномаси ҳамда диний идорага хизмат ҳақи тўлангани тўғрисидаги тўлов қоғози таълаб қилинарди. Аммо фалончи фалон куни ўлади, деб пешонасига ёзиб қўйилмаган-ку, оддиндан навбатта тиркаб қўйилса. Ана шундай пайтларда одамлар Сирож бобони йўқлаб келишади. На илож, ахир фалончи отасини ё бўлмаса онасини жанозасиз кўмди, деган иснодга қолишни ҳеч ким истамайди-ку! Боради. Жанозани ўқиб беради. Бир кун, ярим маъракасида ҳам ўтиради. Ана шу қилиғи учун уни маҳалладан қувғин қилишларига бир баҳя қолди. Аммо кеч қолишиди.

Сирож бобо саккизинчи синфни тутатган қизи Гўзални вилоят марказидаги тиббиёт билим юртига етаклаб бориб, ўз қўли билан ўқишга киритиб қўйди. Бу жасорат эди! Ўз навбатида мафкурачилар ҳам буни ўзларининг тенгсиз галабаси деб билдилар:

— Биз битта диндорни диндан чиқардик! — деб айюҳаннос солишиди улар. Ҳатто район газетасида ота номидан «Мен нега диндан қайтдим» деган мақола зълон қилиб юборилди (Табиийки, бу ҳақда отадан сўраб ҳам ўтиришмади).

### 4

Йиллар чопагон. Ҳаш-папи дегунча Гўзал билим юртини та- момлади. Қўлига диплом тегди. Ишлап учун ўзи яшаётган шаҳарга йўлланма беришиди.

Одатда янги битириб келувчиларни ишга жойлаштириш учун қавму қариндошлар, таниш-билишларнинг югуриб-елишларига тўғри келарди. Гўзалнинг фавқулодда сулувлиги қўл келди. Уни «Тез ёрдам» станцияси илиб кетди. Бошқалар ҳасаддан бўзариб қолаверишиди.

Гўзал ишга энди кўника бошлаган кунлар эди. Райкомга «Тез ёрдам» чақиришди. Биринчи котибининг тоби қочиб қолибди. Рай-

ондаги якқа-ю ягона тиббиёт фанлари номзоди бўлмиш врач на-  
вбатчи ҳамшира — Гўзални олиб, раикомга етиб келди.

Биринчи котиб ёши ўтинқираган, ҳаётнинг ўнқир-чўнқир  
йўлларида юрак ўйноги ортириб олган, алп қоматли киши эди.  
Сал кайфияти бузилса, касали хуруж қиласидиган бўлиб қолганди.  
Бугун ҳам кайфиятини бузишди.

Хўжаликлардан бирида пахта планинг бажарилиши хавф  
остида қолганди. Раиком комиссия юбориб, сабабларини ўрган-  
ди. Раис бошлиқ мутахассислар бюрога чақирилди. Уларнинг  
роса пўстаги қоқилди. Кимгадир «қаттиқ ҳайфсан», кимгадир  
бундайроқ «ҳайфсан» тегди. Раиснинг вазифасида қолиш-қол-  
маслигини пахта йигим-терими мавсуми тугагач, кўриб чиқиш  
колхоз правлениесига «тавсия» этилди.

Бюро йифилишидан кейин раис биринчи котибдан уни алоҳи-  
да қабул қилишни сўради. «Йифлаб-сиқтаб, ишда қолдиришим-  
ни сўрайди», деб ўйлади биринчи. Қабул қилди.

— Хўш, нима демоқчисан?

— Кўпнинг орасида тилимни тийдим, раикомбува. Айтмай  
кетсан виждоним қўйналади.

— Нимани?

— Комиссия текширувидан мен қаноатланмадим. «Колхоз да-  
лаларида пахта мўл, фақат иш ёмон ташкил этилган», деб бизни  
айблашган. Бу туҳмат, ёлғон! Мен колхозни қабул қилганимдаёқ  
«Чигит экиш плани ошириб ёзилган, пахта учун ажратилган ер гек-  
тарчиларга бўлиб берилган, кузда пахта ўрнига ерёнгоқ билан қовун-  
тарвуз топширамизми, чорвачилиқда ҳам аҳвол бундан баттар»,  
деб келиб айтганимда, мана шу кабинетда, мана шу ерда сиз ўзин-  
гиз елкамга уриб «Боравер, кузгача бир гап бўлар», деб чиқариб  
юборгансиз. Экилмаган ерлар экилди қилиниб, қанчадан-қанча маб-  
лаф елга соврилганида раиком қаерга қаради, нега ўшандада комис-  
сия чақартириб текширитирмадингиз?

Биринчи раисни аврашга ўтди:

— Бошқа хўжаликларда чигит тўлиқ экилганди, деб ўйлай-  
санми? Уларда план бажарилайти-ку? Сен ҳам ёш раиссан. Ке-  
лажагинг олдинда. Бир йил-икки йил планларни бажариб, ўзинг-  
ни кўрсат — раижроқум раиси бўласан. Бизларни ҳам амалга  
боғлаб қўйишгани йўқ. Ўрнимизга сен, сенга ўхшаганлар кела-  
ди. Озроқ тадбиркорроқ бўл, йигит.

— Нима, планни пахта сотиб олиб тўлдирайми?

— Күшни колхоз-совхозларнинг раҳбарларидан сўраб кўр, улар қандай бажаришаётган экан?

— Тўғри, улар сотиб олишашаётпти. Мен улар қилаётган ишни қилолмайман. Пахта сотиб олиб умримни қамоқда ўтказмоқчи эмасман. Уруғимизда ҳеч ким раис бўлмаган.

— Шунақами, ҳали?!?

— Ҳа, шунақа!

— Демак, план бажарилмайди, де?!

— Далада борини териб топшираман.

— Очиқ айт, план нима бўлади?

— Планга яна йигирма процент керак. Менда унча пахта йўқ.

— Хўп, яхши. Боравер. Бошингга иш тушганда йиғлаб келмасанг бўлди!

— Бошга тушганини кўз кўради, ўртоқ Ҳақбердие!

— Йўқол! — деб бақирди биринчи юрагини чангллаганича.

Унинг юрак хуружи бошланаётган эди.

Ҳайбатли қичқириқни эшитиб кабинетта чопиб кирган котиба «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди...

Биринчининг хаёлинини котиба аёл бузди:

— Докторлар келишди.

— Киришсин.

Тиббиётномзоди икки букилиб салом берди, унинг бу қилиғи Гўзалнинг кулгисини ҳистади. «Райкомбува» салқи тортган қовоқларини кўтариб, рўпарасидагиларга қаради. У номзодни танирди. Аммо унинг ёнидаги сулув ким бўлди экан? «Е, тавба, одам боласи ҳам шунчалик гўзал бўладими!»

Доктор беморнинг қон босимини текширди, юрак уришларига қулоқ тутди. Сўнг ҳамширага қандай укол қилиш лозимлигини айтди.

«Райкомбува» аллақачон ўз дардини унугтанди, ҳатто ҳамшира укол қилганини ҳам сезмай қолди.

— Қани, қизим, игнангни санчимайсанми? — сўради «райкомбува» қизнинг туртиб турган сийналарига ҳирс билан боқаркан.

— Игнамни санчиб бўлдим, райкомбува, — деди Гўзал ийманиб, ҳам қувониб.

— Ростданми?

Қизнинг ўрнига врач жавоб берди:

— Рост-рост.

— Кандидат!

— Лаббай, райкомбува?

— Бунақа оғримтый игна санчадиган гүзәл қызыни қаердан топ-гансизлар?

Врач құл қовуштириб, мамнун тиржайды:

— Үзимиздан чиққан. Эшонгузарнинг фарзанди, райкомбува.

— Оббо, шунақа де. Эшонгузар фақат мөваси билан машхур десам, париваш қызылари билан ҳам машхур эканда-а?

— Ҳа, ҳа, шундай, райкомбува.

— Кандидат!

— Лаббай?

— Яқында қанақадир сеанс ҳақида гапиргандинг. Эсингдами?

— Албатта, эсимдә. Соғломлаштириш сеанси, яни уқалаб да-волаш сеанслари ҳақида гапиргандим. Инсоният бундай сеанс-ларни икки минг йилдан ҳам ортиқроқ вақтдан бери құллаб кела-ди. Тури жуда күп. Бу метод күхна Шарқда көнг тарқалған...

— Бўлди-бўлди, ишонтиридинг. Демак, мен ҳам сеанс олишим мумкин эканда-а?

— Нафақат мумкин, балки жуда ҳам зарур. Ўзингиз розилик бермаганингиз учун...

— Яхши, мен розиман.

— Эртагаёқ сеансларни бошлиб юборамиз, райкомбува.

— Нега зартага, бугун эмас?

— Мутахассис ходимамиз пахтада. Бугуноқ чақириб оламиз.

Эртадан иш бошлиайди.

— Пахта тераётган бўлса, кўй, тегма, пахтасини тераверсин.

Одамларни ишдан чалғитиш яхши эмас. Балки... сеансни мана бу қызимиз қиласан?

Врач биринчи котибнинг муддаосини англолмай ўйланиб қолди.

— Қызим, исминг нима? — «райкомбува» ҳамширага көзланди.

— Гүзәл.

— Исминг жисмингга мос экан, қызим. Қалай, сен райкомбу-вангни соғайиб кетишини истайсанми?

— Албатта.

— Ундей бўлса, сеансларни сен қиласан. Бир ойга сени ме-нинг ихтиёримга командировка қилишади. Пахтага чиқмайсан, ҳар хил ишлардан озод қилинасан.

— Райкомбува, ахир...

— Эътиrozга ўрин йўқ.

— Ахир мен монуал терапиядан ҳеч нарса билмайман-ку?

- Монуал терапия, дейсанми?
- Монуал терапия — уқалаб даволаш дегани, — шопиб изоҳ берди тиббиёт номзоди.
- Мана, номини биласан-ку. Билмаганларингни иш жараёнида ўрганиб кетасан.

Гўзал врачга илтижо билан қаради. Врач «Рози бўл, тентак, омадинг келди, қўлдан қочирма», деган маънода зўр бериб имоишора қила бошлади.

Қиз ноилож рози бўлди.

Биринчи котиб бетоблигини ҳам унугиб турди. Хона бурчигидаги пўлат сеиф эшигини даранглатиб очди. Ундан иккита қутича олди.

— Мен бугун сизлардан ниҳоятда хурсанд бўлдим, — деди биринчи котиб қутичалардан бирини кўл учиди тиббиёт номзодига узатаркан. — Арзимаган совға. Мана бу сенга, қизим, оғритмай укол қилганинг учун. Қани, билагингни тут-чи.

«Райкомбува» қутичадан жажжигина тиyllа соатни олиб, қизнинг оппоқ билагига тақиб қўйди. Қария бундай ширин лаҳзаларни анча вақтдан бери татиб кўрмаганди, шу сабабдан юраги қари қирчанганикидеқ гупуриб ура бошлади. Ўзини зўрга тийиб, қизнинг билагини ноилож қўйиб юбораркан:

- Муборак бўлсин, — деди.
- Раҳмат! — деди тиббиёт номзоди икки букилиб. Қиз уятдан қип-қизариб, срга тикилди.

## 5

Даволали сеанслари шифохонада ёки раёном биносида эмас, балки биринчи котибнинг коммунал уйдаги квартирасида давом эттирилишини эшигтан Гўзални ваҳима босди. Негаки, ҳайҳотдек катта уйда «райкомбува» сўққабош яшарди ва қиз бола кириб-чиқиши ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўлишини у юракдан ҳис эта бошлаганди. Мулоҳазаларини бош врачга айтганди, у чаён чаққандек салчиб тушди:

— Нодон қиз, сен фақат ўзингни ўйлама! — деди қўлларини пахса қилиб. — Райдравнинг тақдири сенинг қўлингга қараб қолди. Ҳа, ҳа, сенинг қўлинга! Шалаги чиққан хизмат машинализни сен туфайли янгисига алмаштирадиган бўлишди. Палаталар ремонтига пул ваъда қилишди. Диагностика марказини очмоқчимиз. Бу ҳам, қизим, сен туфайли. Бир оғиз «Йўқ», десанг бари елга учади-я.

— Ахир...

— Тушуманан. Гап-сўз бўлишидан қўрқасан. Бу туйғу ҳаммамизда ҳам бор. Аммо сен қўрқма. Ватан манфаати деб урушда одамлар ўзларини танк остига ташлаганлар. Сен Ватанинг бир бўлаги — райздрав учун фидойилик қилишинг керак, қизим. Буни ҳамиша қулогингда тут...

Биринчи котиб ўн йиллардан бери бўйдоқ эди. Хотини ўлгач, ўғил-қизлари унинг уйланишига рўйхўплик берипмади. Аслида уйли-жойли бўлиб кетган фарзандлар амалдор отанинг мол-мулкига янги меросхўрлар чиқишини истапмасди. Бахтига Эшонгузар районига биринчи котибликка сайланди-ю, бағрига офтоб тегди...

«Райкомбува»нинг илондек аврашлари, қимматбаҳо совсаломлари Гўзалнинг ақлини ўғирлади. «Отам тенги одам, юрт раҳбари, менга ёмонликни рано кўрармиди», деган юпанч бор эди бечора қизнинг кўнглида. Аммо у кун сайин тузоққа бошини кўпроқ тиқаётганидан бехабар эди. «Райкомбува»нинг соғлиги учун ичилган бир қадаҳ коняқ қизнинг ақл-ҳушини ўғирлади...

Қиз ҳуши жойига келганида бадном этилганлигини англади. Кучи кўзёшларига етди. «Райкомбува»ни бўғиб ўлдиришга тайёр эди шу топда.

— Тентак қиз, ўзинг суйкалдинг, ўзинг қўйнимга кирдинг-ку! — деди «ғазабланган» биринчи котиб. — Кел, қўй, йиғлама. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Барибир додингни ҳеч ким эшитмайди. Истасанг... сенга уйланаман.

Қиз бир нарса демасдан чиқиб кетди.

Биринчи котибни ваҳима босди. «Ёшлик қилиб бирорга сирни очса, шарманда бўламан-ку! Нима қилиш керак? Бунинг чораси борми?»

Орадан икки-уч кун ўтди. «Демак, ҳеч кимга гапирмаган. Қизиқ устида гапирмадими, энди гапирмайди». Биринчининг хулосаси шу бўлди.

Кутимаганда ярим тунда Гўзалнинг ўзи кириб келди. Қўлида чоғлиkkина тугунча.

— Мана, мен келдим, — деди қиз кўзларини ердан узмасдан. — Ҳайдаб юборсангиз ҳам кетмайман.

Биринчи котибнинг невараси тенги қизга уйланишдан бошқа чораси қолмади.

Бир-иккита обрўли оқсоқоллар ўргага тушиб, ҳар хил ғийбат сўзларни бости-бости қилишди.

— Эл отаси сўққабош юргани яхши эмас. Қайтанга уйлангани яхши бўлди, — деб фатво бериб юборишди. Енг учидан никоҳ маросими ўтказилди.

## 6

Шу куни Сирож бобонинг уйида қиёмат қўпди. Бечора ота «Қазисан, қартасан, асл зотингта торгасан», деб ер муштлаб, Гўзални қарғади, оппоқ соқолидан шашқатор ёшлигини оқизди...

Гўзал эрига қўчкордек ўғил туғиб берди. «Бахтимни йўқотиб топган бахтим», деб ўғлининг исмини Бахтиёр қўйди. Бола унинг ягона овунчогига айланди. Шу туфайли гулдек ёшлигини поймол қилган «тўридан гўри яқин» эрига нисбатан бўлган нафрати бироз юмшади. Балки бир кун келиб у зрини кечириши ҳам мумкин эди.

Кекса отанинг юзи кулса-да, ичини бир дард ўртайди. Кечалари алаҳсираб, туриб кетади. Телефон жирингласа ҳам эшикка қараб ранги ўчади. Дардини айтмайди, айтолмайди. Ёш жувон иш билан банд пайтлардан фойдаланиб, ўғилчасини бағрига босиб, унсиз йиглайди.

Бир кун тунда эшик қўнғироғи қаттиқ жиринглади.

— Қара-чи, телефон жиринглаётганга ўхшайди, — деди эр титраб-қақшаб, зора бу сафар ҳам эшик эмас, телефон қўнғироғи бўлса, деган умидда.

— Телефон эмас, эшикнинг қўнғироғи, — деди хотини. Унинг гапини маъқуллагандек қўнғироқ босиб-босиб жиринглади.

— Бундай бемаҳалда ким келиши мумкин? — сўрайди зрининг безовталиги ўзига кўчган жувон. Эр лом-мим деёлмайди, фақат имо-ишора қиласди.

Ташқаридагилар энди эшикни гурсиплатиб ура бошлайдилар.

— Ким?

— Давлат хавфсизлик комитетидан. Эшикни очинг!

Гўзал эрига «стингчликми?» маъносида қарайди. Нимқоронгида зрининг ранги девор бўлиб кетганини сөзмайди.

— Оч, — дейди эр. Товуши ўзиникига ўхшамайди. Бурунги ўқтамликдан нишона ҳам қолмаган. — Аввал чироқни ёқ.

Эшикдан шиддат билан тўрт киши кирди. Барининг қўлида яланғочланган тўшонча.

Бегона «камакилар»нинг бемаҳал ташрифи, бақириб-чақириши болани қўрқитиб юборди. Чинқириб йиглай бошлади.

— Боланинг чакагини ўчир! — деб ўшқирди «амаки»лардан бири. Жувонга кўзи тушди-ю, қотиб қолди. У Рембрант чизган мўъжиза картиналардан бирига тўсатдан дуч келиб қолган санъат муҳлиси каби лол бўлиб қолганди.

— Болангиз билан нариги хонага чиқиб туринг, опа,— деди ҳафғизилик қўмитасининг ходими табиатига хилоф равишда мулойимлик билан.

Гўзал қўшни хонада бўлаётган гап-сўзларни эшишиб, билиб ўтирди. КГБчилар ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлашди. Нарсаларни ҳатлашди. Тонгга яқин «райкомбува»ни олиб, чиқиб кетишли. Эр эшик олдида бир сония тўхтаб, Гўзалнинг қўйнида ухлаб қолган ўғлига мўлтираб қаради. Бир сўз ҳам демай остона ҳатлади. Бир оздан сўнг ҳовли тарафдан машиналарнинг ўрнидан қўзғалгани эшитилди.

Гўзал эрини қайтиб кўрмади. Собиқ амалдор қамоқ жазосини ўтаёттанди ўзини осиб қўйгани хабари келди.

Элнинг оғзига злак тутиб бўлмайди. Бирор у дейди, бирор бу. Бари бир тахмин. Бари даҳшат. Ҳақиқат эса бир неча йилдан кейин маълум бўлади. Фалончи «Мени шу одам туҳмат қилиб қаматганди. У энди бу ердан тирик чиқиб кетмайди!» деб дағдаға қилган экан. Оқланиб чиққанлардан бири миш-мишларни тасдиқлади. У кайф устида «Олдин ўлдириб, кейин осишганини ўз кўзим билан кўрдим», деб оғзидан гуллаб қўйди. Ҳуши ўзига келганда эса айтганиларидан тонди. Барibir бу гап шов-шув бўлиб кетди.

Кулфат бир келса қўша-қўша келаверар экан.

Эри тириклигига «аллада азиз» бўлиб юрган жувоннинг ҳолидан хабар олгувчи зот йўқ. Бир вақтлар Гўзал туфайли янги машинали бўлиб олган «райэздрав»нинг раҳбарлари жувонни соvuққина қарши олишди.

— Эрингиз туфайли идорамиз шаъни булғанишини истамаймиз, — деди соғлиқни сақлаш бўлимининг яқинда тайинланган раҳбари. Сизни ишга олсак гап-сўз кўпаяди. Шундай ҳам ҳамма-ёқ алғов-далғов бўлиб ётибди. Бизни кечирасаниз, синглим, ҳеч ҳам иложимиз йўқ. Бошқа ердан иш қидиринг.

Бошқа гапга ўрин қолмаганди. Жувон бу масканни бир умрага тарқ этди.

Тафтиш давомида рўзгорда қўлга илингудек ҳамма нарса рўйхатга тушган. Гўзалнинг шахсий ва совфага олган буюмлари, тақинчоқлари ва кийим-бошлари ҳам мусодара бўлиб кетган. Бахтига уйда тинтуб ўтказилишидан олдинроқ Гўзал кир

ювганди. Тилла билагузугини ва соатини ечиб, дараҳт бутогига илиб қўйди-ю, ишга андармон бўлиб унуди. Тинтув, эрининг қамалиш воқеалари билан тамоман эсдан чиқарди. Бир неча кундан сўнг тасодифан кўзи тушди. Одам бутун бошли ҳазина топиб олганда ҳам бу қадар сенинмас!

Гўзал ўзи билган олибсотар аёлнинг олдига чопди. Тилла билагузукни унинг олдига қўйди. Олибсотар илон шаклида ишланган бу қимматбаҳо буюмни кафтида салмоқлаб, ҳаяжонини билдирамай, беписандлик билан камзулининг чуқур киссасига тиқди. Сўнг кўрпа тахларини титкилаб, бир даста пул олди. Бари уч сўмлик билан беш сўмлик. Онда-сонда ўнталик ҳам учраб қолади. Кампир бамайли хотир ўтириб пул санади. Сўнг бир дастаси ни Гўзалнинг олдига қўйди.

— Ўлимлигимга асраб қўйгандим, айланай. Сизнинг тўйла рингизга ярасин.

Пул жувоннинг мўлжалидагидан анча кам эди.

— Холажон, — деди Гўзал, — билагузукнинг ўз нархи беш минг туради. Сиз ярмидан ҳам оз бердингиз?

— Ундан бўлса, олиб боринг, синглим. Мен ҳалиям сизга қайишдим. Атказ нарса. Худо кўрсатмасин, органдагилар билиб қолишиша нақ хонумоним куяди-я.

— Ҳеч бўлмаса яна беш юз сўм қўшинг?

— Майли, кетса мендан кетсин. Яна юз сўм қўшаман.

— Тўрт юз!

— Манг, матоҳингизни олинг! Харидор топсангиз, қимматроққа сотарсиз.

— ... майли, пулни беринг.

— Бу бошқа гап, синглим. Ҳизмат бўлса тортинимай келаверинг.

Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Билагузукдан кейин тила соат ҳам пул бўлди. Пул-кул, деган эканлар.

Бу сафар нажот қаердан келишини билолмай жувон гаранг. Ўзи-ку майли, ўғлининг очликдан чинқириб йиғлашига чидомайди, қўшилиб аччиқ-аччиқ кўзешлари тўқади. Ҳатто бир гал «Ўлиб қўяқолсам-ку, ҳаммасида бир йўла кутилардим», деган шум хаёллар ақлини ўғирлаб қўйди. Азоб-уқубатлардан кутилишнинг энг осон ва энг қисқа йўли — ҳаёт билан видолашиб!

Сўнгти сониялардаги на ҳуши жойига тушиб, атроғига олазарак назар ташлади. Шунда кўлида бир қулоч арқон ушлаб турғанигини пайқади. Арқонни ўзи қидириб топғанмиди ёки унга кимдир тутқазиб қўйғанмиди, билолмади. Фикри теранлашиб,

ҳалокат ёқасида турғанлигини сезди. Шу билан бирга најотнинг гира-шира йўлларини илғагандек бўлди.

«Отам, қариндошларим мендан кечган бўлсалар, эримнинг ўғил-қизлари тирик-ку. Ўшаларнинг олдига бораман. Менга раҳмлари келмаса, укаларини аяшар. Боланинг нима айби бор. Ҳозироқ йўлга тушаман. Сўраб-сурисишириб топиб бораман!» Жувон ҳамон қўлида маҳкам ушлаб турған, учи сиртмоқ қилиб тугилган бир қулочарқонни нафрат билан бир четта улоқтириб юборди.

«Райкомбува» билан эр-хотин бўлишган дастлабки кунлар. Бу воқеадан хабар топган эрининг икки ўғли билан бир қизи етиб келишди. Прокурор ўғли отага оғир-оғир гапирди. Қизи фақат йиглади. Кенжা ўғли лом-мим демай ўтиради. Ота сукут сақлади, дашномларга чидаб берди. Бўлар иш бўлгани, гишт қолипдан кўчганига амин бўлган ака-укалар қўл силтаб, ота уйини тарк этишганди. Шу боисдан Гўзал болали бўлгандан сўнг ҳам эрининг қариндошларини кўрмади, ҳозир кўрса, эҳтимол уларнинг ҳеч бирини танимаса керак. Излаб-излаб Маккани топишган экан. Чўлобод эса бир қадам. Боз устига уч йил талабалик умри ўтган шаҳар. Албатта, топади!

Гўзал кечгача қайтиб келишни мўлжаллаб, ҳовлисининг олдиди ўсган қари тут тагидаги шолчда ўтирадиган таниш писта-фуруш кампирга ўғлини қолдириб кетадиган бўлди.

— Болам, узоқ қолиб кетма, — деб тайинлади кампир. — Неварагинамни сен келгунча ўзим олиб ўтираман. Унга шакаладлар олиб бераман. Бувигинанг қоқиндиқ сендан.

## II. БАРОТ

### 1

Гўзал ўғлини пистафуруш Норгул момога қолдириб, кечгача қайтиб келиш ниятида Чўлободга борадиган автобус бекатига чиқди. Вақт барвақт бўлгани учун бекатда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ёнида бир ярим сўм пули бор эди. «Боришга олтмиш тийин, қайтишга олтмиш тийин — бир сўм йигирма тийин. Чўлободда автобусга минмайман. Ўттиз тийин запасга қолади», деб ўзича ҳисоб-китоб қилиб, бойлигини қайта-қайта санаб сум-

качасига солди. Шу лаҳзада кимнингдир назарини ҳис этиб, ялт этиб қаради. Тўрт қадам нарида қора «Мерседес» турарди. Машина рулида соchlари патила-патила, юзлари дум-думалоқ, сурбетлиги юз-кўзидан шундоқ кўриниб турган йигит ўзига суқ билан қараб турганини кўрди-ю, юраги «шиғ» этиб кетди. Бахтга қарши бекатда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ.

Жувон тараддулланганини сезган патиласоч гап отди:

— Элтиб қўяман, опўси, машинага чиқинг, — у гапиргандা тилла тишлари ялт-юлт этиб кетди.

— Раҳмат, йўлнингиздан қолманг!

— Раҳматни кейин айтасиз, гўзал қиз. Хафа қилиб қўймаймиз. Шилқим ёлғиз змасди. Унинг шериклари шарақлаб кулишди.

Жувон тараддулланиб атрофга қаради. Яқинлашиб келаётган «Жигули»ни кўриб, беихтиёр қўл кўтарди. Машина шундоқ-қина ёнида тормоз берди. Шофер орқа эшикни очиб «Ўтилинг», деди. Бу шунчалик кутилмаганда содир бўлдики, «Мерседес» дагилар аввалига нима гаплигини тушунмай анграйиб қолишди. Тушунгач эса тўрт нафар турқи совуқ йигит йўлнинг ўртасига чолиб чиқиши. Патиласоч оғзицагини илиб кетган оқ «Жигули» изидан муштини дўлайтириб, бисотида бор энг хунук сўзлар билан сўкинди. Беҳаёш шовқин-сурондан чўчиб кетган чиқинди кутисини титкилаб юрган қўтириб ишлаб қўйди, «Рувув» қилиб ўйнашаётган бир жуфт мусича парр этиб учиб кетди.

\* \* \*

— Салом, Гўзалхон, қалай, яхшимисиз?

Жувон чўчиб, ҳайдовчининг юзига қаради. Барот! Собиқ синфдоши!

— Барот, бу... сизмисиз?

— Худди ўзиман. Ўзинг-чи, ўзингмисан?

— Бўлмасам-чи. Демак, таниб тўлтаттган экансан-да?

— Сенга ўхшатдим-у, аммо сен эканлигинга унча ишончим йўқ эди. Қўл кўтармасанг, танимай ўтиб кетар эканман.

— Сени худо етказди. Нақ бир балодан қутқаздинг.

— Тинчликми? Нима бўлди?

— Йўлнинг нариги бетида турган қора «Мароедес»ни кўрмадингми?

— Бекатнинг рўпарасида турганди, ўшани айтаяпсанми?

— Ўша.

Барот орқани кўрсатадиган ойнага қараб таъқиб қилиб келаётган қора машинани кўрди:

— Ана у эмасми?

Гўзал ўғирилиб, қўрқиб кетди.

— Ўша!

Машинадан бошини чиқариб бақириб-чақириб келаётган шофернинг қизларникидек узун, патила-патила соchlари шамолда тўзғиб, юз-кўзи билан ўйнашади. Жувон кўрқанидан «Вой», деб Баротта ёпишди.

— Нима бўлди?

— Бу ўшалар. Бекатда менга шилқимлик қилган йигитлар. Бир балони бошлишимаса гўрга зди.

— Э, гап буёқда де. Майли, қўрқма. «Ит ҳурди, карвон ўтаверади».

Лекин «Мерседес» ҳайдовчиси уст-устига сигнал бериб, «Тўхта!» деб бақириб келишига қарагандан нияти ёмон эканлиги ошкор бўлиб қолганди. Барот ҳаяжонланганини билдирамасликка уринсада, юрагида хавотир пайдо бўлди. У газ педалини қаттиқ босди. «Жигулю» човидан қамчи еган тулпордек олға қараб сапчиди. Йигитнинг кўнглига Гўзал «Қўрқоқ экан, қочиб қолди», деб ўйламайдими деган ўй келди-ю, тезликни пасайтирди. Унинг қалбига шу топда ширин ва аччиқ араплашиб кетган хоти-ралар қуишилиб кела бошлади.

## 2

Гўзал Баротнинг «биринчи муҳаббати». Бу муҳаббат саккизинчи синфдалигига туғилган. Қиз ҳам унга бепарво эмасди. Аммо йигит ютиб қизга муҳаббат изҳор қилолмади. Муҳаббати рад этилишидан кўрқсан бўлса керак. Гўзал саккизинчини тугатиб мактабга қайтмади, вилоят марказига тиббиёт билим юргита ўқишга кирди. Бу Барот учун кутилмаган зарба бўлди. Уч йил мобайнида Гўзални икки ё уч бор узоқдан кўрди, хилватда учрашиш имконини топмади. Бундан қиз ўзича хулоса чиқарди.

Гўзал ўқиши тамомлаб қайтгач, у ҳақда ҳамма гапира бошлиди. Шундай бўлгач, мактабни эндигина тамомлаган, касбикори бўлмаган йигитчага йўл бўлсин!

Воқеалар шиддат билан давом этди. Гўзалнинг кутилмаганда отаси тенги амалдорга эрга тегиши ҳамон кўнглининг бир

бурчиди илинж япириниб ётган Барстга яшин ургандек таъсир қилди. У қиздан мангуга жудо бўлганини англади. Хилват гўшаларга чиқиб ҳўнграб-ҳўнграб йиглади. Ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлди. Одамларнинг маломатидан қўрқди. «Мард бўлсанг, рақибингни ўлдир!» деб ҳайқирди рашк отлик бало.

Йигит хато қилаётганини ўз вақтида тушуниб қолди. Шундай бўлса ҳам кўниши сифир бўлди. Ўқиши баҳона Тошкентга жўнади. Киролмади. Аммо уйга ҳам қайтмади. Тошкентдаги қурилиш ташкилотларидан бирига ишга кирди. Спорт секциясига қатнашди. Шу ердан аскарликка кетди.

Спорт билан шуғулланиб, анча чиниққани қўл келди. Десант қўшинига тушди. Жангова ў спорт билан астойдил шуғулланди. Турли мусобақаларда қатнашди. Округ чемпиони бўлди. Гўзал ҳақида ўйлашга деярли вақти бўлмасди. Бора-бора уни сиқиб чиқарди ҳам.

Аскарликдан кўкси тўла нишон, мақтov қофозлари, мусобақаларда қўлга киритган мёдаллари билан қайтди. Эшонқишлоқдан жўнаб кетаётганидаги тушкун кайфиятидан энди асар ҳам қолмаганди.

Дунё кўзига рангин бўёқларда намоён бўла бошлаган кунларда яна фожиа рўй берди. Отаси билан онаси бир кунда автоҳалокат оқибатида оламдан кўз юмишди. Кечаги аскар йигит серфарзанд акаси Ўринбой билан янгасининг қош-қовоғига қараб қолаверди. Ўз тенгини топиб уйланиш, болали-чақали бўлиш ҳақидағи орзуларни бир четга йиғиштириб қўйишга тўғри келди.

Акаси яхшигина дурадгор бўлганилиги сабабли топиш-тутиши ёмон эмас. Лекин унинг хотини ўта зиқна. Эр хотинининг азалий орзузи машиналлик бўлиш. Шунга пул жамғаришлайти. Бир тийин чиқим бўлган куни рўзгорда жанжал қўтади. Онда-сонда, бирор муносабат билан қозон осилса, болалар учун байрам, эр хотинга аза. Бундай ҳаётта Барот сира кўниколмасди. Аммо на чора. Акаси қўллаб-қувватламаса уйланолмайди. Уйланиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Негаки, Ўринбойнинг уч ўғли хотин қилинмаган, бари мақтабга қатнайди. Бешинчи синфида ўқийдиган ўғлини синифдошлиари «Сан ўриснинг боласисан, бўлмаса көстиришарди», деб калака қилишган экан, уйга йиглаб келди. Қариндошлар ўргасида шу ҳақда гап қўзғалганди Ўринбой ҳазил-хузул билан кутилмоқчи бўлди:

— Бе, менинг болаларимнинг каттаси энди ўн иккига кирибди. Шуниям гап қиласизлар. Мен олтмишга кирган бўлса ҳам кесилмаган одамни биламан.

— Ёпирай! — дейиши қариндошлардан ишонувчанроғи ёқасини ушлаб. — Ким экан у?

— Аナンу...

— «Аナンу»нинг ким?

— Аナンу-чи, сиз яхши танийсиз, — атайлаб гапни чўзади Ўринбой.

— «Аナンу», «Аナンу» дейсан, ким ўзи «Аナンунг»?

— Колхозимиз гаражида чилангарлик қилаётган чол бор-ку.  
Уша-да.

Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулади. Чунки «анану» дегани ўрис чолни танимайдиган одам йўқ.

— Ҳазилни қўй, Ўринбой. Тўйни тезлаштири. Ё беш-үн сўм йигиб берайлики?

— Қуллуқ. Ўзим пешона терим билан топган пулга тўй қилиб бераман. Шунача тўй қиласайки, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин.

— Кўрпангга қараб оёқ узат, жиян, элдан чиқиб қаергаям борасан.

— Ҳамма гапирсаям, сиз гапирманг, тоға! Мошин оламан деганимдаям сиз устимдан кулгандингиз. Шукр, мана, машиналик ҳам бўлдик. Эрта-индин праваям оламиз. Кўрмаганинг кўзи чиқсан.

— Мен ҳасад қилганимдан айтганим йўқ эди, жиян. Олдин болаларингнинг қўлини ҳалолла, укангнинг бошини иккита қил мошин бўлса қочмас, деган маънода гапиргандим. Аччиғинг келган бўлса, гапимни қайтариб олдим.

— Мени ўттизга кириб уйлантиришган, тоға, тўғрими?

— Ҳа, жиян, раҳматли отанг қўли қисқароқ одам эди. Шунинг учун сени кеч уйлантирди.

Шу вақтгача эри билан қариндошларнинг гапига жимтина қулоқ солиб уйқусираб ўтирган Ўриннинг хотини аразлагандек гап қилди:

— Тўйимиздан олдин «йигирма бешга кирганман, бир кун ҳам катта эмасман», дегандингиз. Алдаган экансиз-да? Билсам тегмасдим.

— Ҳо, энди алам қиласптими? Кеч бўлсаям жавобингни берайми? — ростакамига жаҳали чиқиб хотинига ўдагайлади Ўринбой.

— Йўлига айтдим-қўйдим-да.

Гапга тоға аралашди:

— Хўш, нега ўтганларни эслаб қолдинг, жиян?

— Шунинг учунки, тоға, боя укангнинг бошини иски қил, дедингиз. Гап йўқ, икки қиласман. Лекин ҳозир эмас. Ҳеч бўлмаса, менинг ёшимга кирсин. Яна бир гап — спорт мактабидан оладиган маопи

билан узоқда боролмайди. Пуллироқ иш топсин. Ана ўшанды ҳам-  
манинг оғзи очилиб қоладиган түй қилиб, хотин олиб бераман.

Барот шундан билдики, акаси билан янгаси ҳали-бери унинг  
бөшини иккى қилиш ниятида эмас. Йигит күнгли ўксиганини сир-  
тига чиқармади, ичига ютди.

Баротнинг тязгисиз ўйларини таъқиб қилиб келаётган машина-  
нинг босиб-босиб берган сигнални түзгитиб юборди. Олдинда ДАН  
пости оқариб кўринди. Тезликни оширса қоида бузганга чиқариша-  
ди. Ноилож «Мерседес» га йўл бўшатди. «Мерседес» анча жойгача  
ёнма-ён борди. ДАН постига юз-юз эзлик метрча қолганда тезликни  
ошириб, физиллаганча ўтиб кетди. Бир оздан сўнг кўздан йўқолди.

— Хайрият, даф бўлипди, — деди Гўзал енгил тортиб.

— Қайдам, — деб қўйди Барот.

Баротнинг шубҳаси тўғри чиқди. Кўҳна қалъа қолдиқлари  
орасидан ўтган магистрал канал кўпригида қора «Мерседес»  
кутиб турарди.

— Ўшалар! Бизни осонлийча қўлдан чиқариб юбормасликла-  
рини билардим, — деди Барот. — Ҳозир ёнидан физиллаб ўтиб  
кетамиз. Шаҳаргача қувиб столмайди.

Йигитнинг мақсадини тушунгандек «Мерседес» жойидан  
қўзғалиб, «Жигули»нинг йўлига кўндаланг бўлди. Барот маши-  
нани аранг тўхтагиб қолди.

«Мерседес»нинг тўрттала эшиги баравар очилиб, патиласоч  
шофер ва турқидан от ҳур кадиган уч йигит тушди. Улар Голливуд  
кино қаҳрамонларига тақлидан ҳаракат қилаётганга ўхшашарди.

Патиласоч бақалоқ ҳамон рулда ўтирган Баротнинг ёқасига  
ёпишиб, машинадан тортиб туширди. Йигитнинг масаласи ҳал  
бўлганига ишонган қолған учови қизга ёпишди.

— Бузоқнинг юргургани сомонхонагача эканлигини билма-  
сидинг, қанжиқ! Мана, зинди насибангни ол! — шундай деб пати-  
ласоч рақибиға калла қўйиш учун орқага тисарилди. Шу пайт  
аллақандайдир куч унинг қўлларини рақиб ёқасидан узди. Ҳаво-  
да физиллаб келаётган нағал қоқилган пошнага кўзи тушди. Унинг нима эканлигини англар-англамас иягининг тагидан куч-  
ли зарба еди ва бутун гавдаси билан ердан узилганини фаҳмла-  
ди. Фалати парвоз тугамасданоқ ҳушдан кетди.

Қизни тортқилаб, магниадан туширмоқчи бўлаётган уч бос-  
қинчи бу манзарадан бенасиб қолишиди. Акс ҳолда бу ерда ортиқ-  
ча туриб қолмаган бўлишарди.

Барот ҳар ер-ҳар ерда чўзилиб ётган босқинчиларни илкис кўздан кечирди. Фақат патиласочнинг оғзи-бурни қонга бўялган. Унинг синиб кетган тилла тишлари асфалътда сочилиб ёгарди.

— Бу ерда қиладиган ишимиш қолмади, кетдик, — деди Барот ранг-кути ўчган жувонга. — Қани, машинага!

Йиртилиб кетган кўйлаги остидан кўриниб турган қордек оп-поқ баданини қўллари билан зўр бериб ёпишга уринаётган Гўзал савол беришга ўзида куч топди:

— Ўлиб-нетиб қолишмайдими?

— Итнинг жони қаттиқ бўлади. Булар итдан-да баттар.

Барот шоша-пиша машинасини ўт олдириб, «Мерседес»ни айланиб ўтди. У бўлиб ўтган воқеада ўзини бегуноҳ санаса-да, ички бир туйғу юрагига фулгула солиб қўйганди.

Сал юрмасдан рўпарадан келаётган «Москвич» кўринди. Рулда вилоят шоферлари ўртасида «Лўли» лақаби билан машҳур бўлган ДАН инспектори. Қатнов ниҳоятда сийрак бўлганлиги сабабли ДАН инспектори уларни эслаб қолиши қийин эмасди.

— Лаънати, сен етишмай тургандинг! — шундай деб Барот тезликни оширди.

Кўнгилсизлик узоқ кутдириб қўймади.

Темир йўл разъездидаги ДАН постида шоша-пиша шлагбаум туширилди. Бир пасда юз ҷоғлик машина тўпланди. Бу ерда бунақа воқеа тез-тез бўлиб турганлигига кўнинкан ҳайдовчилар ҳужжатларини кўрсатишга тайёр бўлиб туришди. Баротнинг кўнгли алағда. Одатдаги текшириш эканлигига ишонгиси келмайди. Айниқса, ДАН инспекторининг оқ рангли машиналарнинг ҳужжатларини, номер белгиларини синчиклаб текшираётганини шубҳасини оширди.

— Ҳужжатларингизни кўриб қўяйлик, — деди сержант ўзини таништирас экан.

У Баротнинг ҳужжатларини кўлига олганча машинани айланаб чиқди, номер белгиларини қайта-қайта кўздан кечирди. Сўнг «Кутинг», деди-да, ДАН постига қараб кетди. Сержант йўл четига стол қўйиб, ёзиб-чизиб ўтирган офицерга энгашиб нималарни дир деди. Офицер ўрнидан сапчиб турди. Икковлашиб Барот тарафга юришиди.

— Ўртоқ ҳайдовчи, ҳужжатларингизда чалкашлик бор. Аниқлик киритгунча постда кутишингизга тўғри келади, — деди офицер зътироғга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

— Мен пу ерда кутаман.

— Машинадан түшинг! Ойимқиз, сиз ҳам!  
Тортишишнинг фойнаси йўқлигини тушунган Барот Гўзалга  
шивирлади:

— Бир четта чиқиб мени кутиб тур. Ушланиб қолсам, ўзинг  
кетавер. Сени ўзим топиб оламан.

Баротнинг тахминлари тўғри чиқди. Канал кўпригида бўлган  
воқеа яшин тезлигига ДАН постларига хабар қилинган экан.  
Инспекторларнинг муомаласига қараганда Баротни айбдор деб  
ўйлашаётганини тахмин қилиш мумкин эди.

### III. ТУТҚУНЛИКДА

#### I

Баротни милиция машинасига солиб, Чўлобод тарафга олиб  
кетишиди. Бундай бўлиш ини кутмаган Гўзал шошиб қолди.

— Мен туфайли шу балоларга қолди, бечора,— афсус-надомат  
чекарди жувон.— Жанжални у боштамаганинги исботла-  
гунча она сути оғзидан келади. Мен ёнида бўлсан ҳар ҳолда гу-  
воҳликка ўтармидим. Энди нима бўлади-а?

Гўзал калтак еганлардан битта-яримтаси ўлиб қолган, акс  
ҳолда Баротга бундай муомала қилишмасди, деган ўйга борди.  
У кечадан бери туз татимагани учунми ёки бўлиб ўтган воқеа-  
лардан асаби бузилдими, қулоқлари шангиллаб, кўнгли айниб,  
ўқчий бошлади. Вақт ўтган сайин дард кучайиб борарди.

«Кетишим керак, бу ерда қолсам ҳолим не кечади?» Шу хаёл-  
лар билан Гўзал йўлни кесиб ўта бошлади.

«Ҳозир йиқилиб тушаман, йиқиламан-у, машиналарнинг ғил-  
дираги остида қолиб кетаман!»

Қўрқинч фикрдан изига қайтмоқчи бўлди. Йўлнинг ўртасига  
келиб қоганди. Оёқлари ўзига бўйсунмади. Айни дамда тепасига  
пишқириб келаётган юқ машинасини кўрди...

Тормозлар чийиллади. Кимдир қаттиқ сўкинди.

«Машина уриб кетдими? Унда нега оғриқ сезмаяпман?» деб  
ўйлади жувон. Сўнг қол-қоронги ўпқонга тушиб кетаётганини  
ҳис этди. Бир оздан сўнг ҳеч нарсани сезмай қолди.

Кимдир тирсагидан ушлади. Жувон сесканиб, тош осилган-дек оғир қовоқтарини күтәрди. Бегона жой. «Қаердаман? Бу ерга қандай келиб қолдим?»

Аёл кипининг товушини эшилди:

— Қўрқитиб юбордингиз-ку, қизим. Қалай, энди дурустмисиз, у ёқ-бу ёғингиз оғримаятими?

Бемор товуш келган тарафга юзини бурди. Ёнгинасига қўйилган оромкурсида ўтирган гажақдор, гўзал аёлга кўзи тушди.

— Шукр, яхшиман. Опажон, мен қаердаман? Бу ерга қандай келиб қолдим?

— Яхши одамларнинг уйидасиз, айланай. Безовта бўлманг. Бир пиёлагина шарбатдан ичинг, қувват бўлади. Мен ҳаммаси-ни бир бошдан гапириб бераман, — шундай деб аёл шарбат тўлди-рилган чинни пиёлани жувоннинг лабига тутди.

— Ичинг, қизим, қувват бўлади... Ҳа, баракалла. Яна ичалимизми?

— Майли.

— Энди танишиб олсан ҳам бўлаверади. Айланай, исмингиз нима?

— Гўзал.

— А? Қандай гўзал исм. Чўлободликка ўхшамайсиз, қишлоқ-данимисиз?

Гўзал «ҳа» деган тасдиқ ишорасини қилди-ю, кимлиги номаълум бўлиб турган аёлга сир бергиси келмади, гапни чалғитишга уринди.

«Мен ўйлаганча содда эмас, анчагина қув экан, — деб ўйлади ўй эгаси. — Ҳали ўзи булбул бўлиб, сайраб беради достонларини!»

— Оша, мен бу ерга қандай келиб қолганимни эслолмаятман. Ким олиб келди?

— Ҳайрон қолаяпсизми, қизим? Ҳайрон қолишга арзийдиган ишлар бўлди. Сиз нақ бир ўлимнинг оғзидан қайтдингиз. Сигин-ган пирларингиз зўр экан, қойил қолдим.

Гўзал аёлнинг ҳикоясини тингларкан, оғзи очилиб қолди.

— Темир йўл чорраҳасида сон-саноқсиз мошин тўпланиб қолди. Йўл очилишини ярим соатча кутдик. Бирдан мошинлар юриб кетди. Бири у ёққа, бири бу ёққа. Қарасам, катта йўлнинг ўтасида сиз. Бир орқага юрасиз, бир олдинга. Мошинлар сигнал берган, шоферлар бақириб-чақирган. Бир вақт дессангиз, пишқириб

келаётган каттакон мөшіннинг рўпарасига туриб олиб, йиқилиб тушмайсизми. Тамом, ўлди, дедим. Нима мўъжиза юз берди, билмайман, ҳар ҳолда мөшин устингиздан елдек ўтиб кетди. Мен тушган такси шофери «Ё масти, ё телба бўлса керак. Бунақаларга ўлим писанд эмас. Қаранг, ажал ҳам ундан юз ўғирди», деди. Ман шартта машинадан тушиб, олдингизга чопиб бордим. Юзингизни кўрдим-у, меҳрим ийиб кетди.

— Бу аёл қариндошимиз бўлади, олиб кетамиз, — дедим так-сичига. — Икковлашиб сизни таксига чиқардик. Бирор кўрди, бирор кўрмади. Мана, бор гап шу.

— Сал-пал эсладим. Тепамга бостириб келаётган жуда катта машина кўз олдимда турибди. Лескин уёги нима бўлганини сиздан эшитиб турибман.

Гўзал қанча вақт беҳупп ётганини билмасди. Шу сабабдан уй эгасидан соатни сўради. Бақт тунги ўндан ўтганди. Бундай жавобни эшитиб жувон чўчиб тушди.

— Бундан чиқди беш-олти соатдан бери ўзимни билмай ётган эканман-да?

— Беш-олти соат эмас, қизим, икки ярим кун бўлди.

— Нима?! Ё мен ҳақиқатдан ҳам телба бўлиб қолганман, ё... ё сиз мени алдаяпсиз.

— Сизни алдашдан менга нима фойда, қизим. Ростини айтдим. Ишонмасангиз, девордаги календарга бир қаранг. Воқеа қайси кун бўлганини эслайсизми?

— Йигирманчи августда.

Ҳақиқатдан девордаги йиртма календарда 22 август ёзиб кўйилганди. Гўзалнинг эсконаси чиқиб кетди.

— Болам! Боламнинг ҳоли нима кечди экан? Кечгача келаман, деб қўшни кампирга қолдириб келганман.

— Вақт кеч бўлди. Эрталабгача чиданг.

Гўзал ўрнидан туриб, дәразанинг оғир пардасини қўтариб, ташқарига қаради. Ҳовлида тун Жувоннинг дили бундан-да хуфтонбўлди. У қўлларини юзига босди, елкалари силкиниб-силкиниб йиглади.

— Сиз ҳали хасталикдан тўлиқ фориг бўлганингиз йўқ, — деди бека Гўзални сужб оромкурсига ўтқизар экан. — Бундай куйина-версангиз, ўзингизга жабр қиласиз. Мана, бундан озроқ ичинг, қувват бўлади, қайғуни қувади.

Гўзал истар-истамас пиёлани лабларига олиб борди, бир ҳўшлаб қайтармоқчи бўлди.

— Қолдирмай ҳаммасини ичинг... Ҳа, баракалла!

Пиёладаги шарбатмиди, конякмиди, жувон фаҳмламади. Фақат дилидаги қайғу сувга тушган қордек эриди-кетди. Бир масрурлик пайдо бўлди.

— Яна озроқ ичинг.

Гўзал пиёлани кўтарди. Баданига қўйилиб келган, тасвирлаш қийин бўлган ҳузурни тыйди. У гўёки онасининг қўйнида эркала-наётган қизалоқдек беканинг кўксига бош қўиди. Найза каби узун-узун киприклари бир-бири билан туташди.

Бека ухлаб қолган жувондан кўз уза олмас эди. Бу чеҳраларда у ўз ёшлигини кўраётганди. Оҳ, нақадар сулув, нақадар оғатижон эди у ҳам! Кимларнинг юрагига ўт солиб, кимларни мажнун этмади. Уни талашиб йигитларнинг қирпичноқ бўлган кунларини ҳеч унугиб бўларканми!

Олис ёшлик хотиралари беканинг кўз олдидан кино лентасидек лип-лип ўта бошлади.

Маҳфузаси эшонқишлоқлик. Қувончу шодликлардан кўра таҳликаларга тўла умрининг бир қисми ана шу қишлоқда кечган. Юрагининг бир парчаси ҳам шу қишлоқда қолган.

Отаси ва икки акаси урушдан қайтишмади. Рўзғорнинг бутун юки она-ю қизининг елкасига тушди. Она ўн тўртта кириб-кирмаган Маҳфузаси билан ўзига тўқ одамларнинг кирини ювди, сигирини соғди, ўтинини ёриб берди. Хуллас, ўти билан кириб, кули билан чиқди. Тўқпикдан ёрилмаган бўлсалар-да, очдан ҳам ўлишмади. Она ўзидан кўра қизини ўйлаб, ташвишга тушарди. Чунки Маҳфузаси ниҳоятда гўзал бўлиб ўсаётганди.

Қиз учун катта пул ваъда қилишди.

— Эртами-кечми барибир турмушга узатасан, — дейишди онага. — Худо қизингта ҳусн-мaloҳат берган. Ҳусн — меҳмон. Фойдаланиб қолмасанг кетади-қолади. Гапимизга кир.

Ҳазрати муҳтожлик тепангда қилич қайраб тургач на илож. Она кўнди. Қиз йиғлаб-йиғлаб тақдирга тан берди. Катта бир база мудирига хотин устига хотин бўлди. Отаси тенги эр уни шойига буркади, шода-шода дур, тилла тақинчоқлар совға қилди.

— Ўғил туғиб берсанг, бошингдан зар сочаман! — деди эр. — Ўнта қизим бор. Менга ўғил керак, ўғил! Тўплаган давлатимга эгалик қиласидиган, менинг фамилиямни давом эттирадиган ўғил фарзанд керак менга. Шуни эсингдан чиқарма!

Маҳфузанинг бўйида бўлди. Кундош бу хабарни эшишиб, ўз ёғига ўзи қоврулди. Қиз туғса хўп-хўп, ўғил туғиб берса эри бутунлай ёш хотинига оғиб кетади. Бунинг олдини олиш керак!

Кундош тадбир ишлатди. Маҳфузани уйига чақиртириди. Ўлганинг кунидан тиржайиб манзират қилди:

— Сиз ҳам энди шу оиласининг аъзосисиз. Қачонгача торгиниб, биқиниб юрасиз? Очилиб-сочилиб, яйраб, қўшилиб юринг. Қозон-товоғимиз ҳам битта бўлақолсин, ўргилай.

Маҳфузга хурсанд бўлди. Очилиб-ёзилиб кириб-чиқиб юрди. Бу вақтда унинг қорни ангя дўппайиб қолди, кундошнинг кўзидан уйқу қочди.

— Тандирдан кесак кўчадиган бўлиб қолипти. Бугун янгиси-ни қуриб олайлик. Сиз ҳам қарашинг, — деди кундош бир куни муғамбирлик билан. Она болалар Маҳфузага оғир-оғир кесакларни кўтартиришди. Бечора миқ этолмади. Ичидан бир томир узилгандек бўлди. Ҳай-ҳайлашиб, уйга киритиб ётқизиши.

— Оғир кўтарманг, десам ўзи кўнмади, — деб баҳона қилди катта хотин зрига. — Туққиси келмаган-да! Мана, энди азобини тортиб ётиби.

Кечга бормай ҳомила тутиди. «Ўғил экан, увол кетди», дейишди. Кундош тадбири унганидан хурсанд, эрнинг б ор-дунёси қоронғу.

— Бор, уч талоқ қўйдим! — деди маст эр эндиғина сенгилашган Маҳфузанинг қулоқчаккасига шапалоқ тортиб. — Сен мени меросхўримдан маҳрум ҳилдинг. Кўзимдан йўқол! Тўхта! Аввал бўйнингдаги маржонларни, тилла тақинчоқларни ташлаб кет!

— Эр дегани шу бўлса, барига тупурдим! — Маҳфузанинг чиқарган хулосаси шу бўлди.

У анча вақт зрга тегмади, тегишини ҳам истамади. Бироқ бирда истаб, бирда истамай бегона эркакларнинг кўнглини овлай бошлиди. У «Мен зrimдан ўч оляпман», деб ўзини ишонтироқчи бўларди ҳар гал бу ишга қўл урганда.

— Бир умр сўққабош ўтмайсан-ку, бировнинг этагидан тут, — деди она маслаҳати қизига кор қилишига ишонмаса ҳам. — Умр — тўрт кунлик. Кўз очиб юмганча ўтади-кетади. Ўттизга кирмай ўтин бўласан, ўшандা ҳеч кимга керак бўлмай қоласан.

Онанинг қистови билан олдинги эридан-да қарироқ художўй чолга тегди. Бирин-кетин учта қиз туғди. Чиройли исмлар қўйди қизларига.

Чол ҳамма вақт ҳам ёш аёлнинг кўнглини овлай олмасди. Шундай пайтларда...

Оиласа дарз кетди.

Маҳфузা бир кечада ғойиб бўлди.

Маҳфузা кириб-чиқмаган кўча қолмади. У қатнашган давралар кўпинчча пичоқбозлик билан якун топарди. Бообруй бир жазманга йўлиқмагунча у қўлма-қўл бўлиб юраверди...

### 3

Бека Гўзални кайф эллитганига ишонч ҳосил қилди. У жувонга конякка омухта қилинган дори берганди.

— Энди бир ҳафта ўзига келмайди,— ҳиринглаб кулди бека.

— Кирауверинг, тайёр бўлиб қолди.

Эшик аста очилиб, бараваста йигит кирди.

— Эркак бўлганимда бу паривашни бировга, ҳатто сизга ҳам бермасдим,— деди аёл йигитга карашма билан.— Оҳ, оҳ, баайни пари, сира одам боласига ўхшамайди-я. Ҳеч шунақасини кўрганимисиз?

— Ўлай агар, кўрмаганман. Лекин сизни яхши билмаганимда бу дўндиқчани сизнинг ўз қизингиз, деб ўйлаган бўлардим. Худди қуйиб қўйгандек.

Аёл оғир сўлиш олди.

— Ҳа, биз ҳам ёшлиқда бундан қолишмайдиган даражада гўзал бўлганимиз, укажон. Бизниам изимиздан не-не йигитлар йиғлаб, зргашиб юрган.

— Ҳозир ҳам манман дегани сизнинг олдингиздан ўтаверсин.

— Хушомадни сизга чиқарган-да. Лекин бугун хушомад билан қутилиб кетолмайсиз. Молига қараб ҳақ тўлайсиз.

— Бир оғиз гапингиз. Манави етадими? — Йигит шундай деб бир даста бели синмаган ўн сўмликни беканинг этагига ташлади.— Кам бўлса, айтинг!

— Ҳазилни тушунмайсизми, ҳазиллашдим, укажон.

Шу вақт Гўзал қўмирлаб қолди. Бека йигиттага «чиқиб туринг» ишорасини қилди. У дарҳол ғойиб бўлди.

— Опа, ким билан гаплашаяпсиз?

— Бир йигит сизни сўрайяпти. Қаердан ҳам кўрган экан, ҳоли жонимга қўймаяпти.

Гўзал юмилиб кетаётган кўзларини аранг очиб сўради:

— Баротми?

— Барот бўлса керак. Ҳа, ҳа, Барот экан.

— Мен уни кўришим керак. Қаерда у?

— Шу ерда, ҳозир чақираман. Баротжон, ҳў Баротжон!

Эшикдан ҳалиги йигитнинг боши кўринди. Бека унинг қулоғига шивирлади:

— Бир кечагина Барот бўласиз, келишдикми? Қани, дадил бўлинг,— шундай деб аёл чироқни ўчириб, чиқиб кетди.

«Барот» дивандада тўлғониб ётган жувонни бағрига торгди. Гўзал уни бу қилиги учун кўкрагидан итариб ташламоқчи, койимоқчи бўлди. Уйқу аралаш кўнглидан «Бечора мени деб не-не балоларга грифтор бўлди-ку», деган ўй кечди-ю, фикридан қайтди...

#### IV. АЙБСИЗ АЙБДОР

Баротни шаҳар ҳибсхонасига олиб келиб, бир кишилик камерага қамаб қўйишиди. Шундан билдики, иш жиддий. Демак, йўлтўсарлардан биронтаси ўлган. Акс ҳолда э йўқ, бе йўқ қамаб қўйишишмасди. «Мен-ку бир амаллаб ўзимни оқлаб оларман. Гўзалчи? У ҳозир қаерда, шаҳарга етиб олдимикан ёки уни ҳам қамаб қўйишидими? Аёл кишининг қамалиши ўлим билан teng. Бечора, менинг касофатимга қолди.

Барот бу ердан бугун ҳам, эртага ҳам, бир ойдан кейин ҳам чиқармасликларини ҳали билмасди.

Камера эшиги очилиб, милиционер кўринди:

— Чиқинг!

— Жавоб беришдими?

— Терговчининг олдига. Қўлингизни орқага қилиб, олдинда юринг.

Ҳибсхонанинг нимқоронгу коридоридан анча юришди.

— Юзингиз билан деворга ўтирилиб, қўлингизни бошингизга қўйиб туринг! — милиционер «Терговчи» деб ёзиб қўйилган эшикни очди.

— Ўртоқ капитан, маҳбусни олиб келдим.

— Олиб кир.

Соқчи Баротни ичкарига киритиб юбориб, ўзи чиқиб кетди.

Терговчининг сочлари оппоқ, ўсиқ қошлари, аксинча — қопқора. «Қизик, шунақаси ҳам бўларкан-да», дейди Барот ўзича. У негадир хотиржам, қандайдир хатолик ўтган-у, ҳозир кечирим сўраб қўйиб юборишадигандек.

Капитан маңбусга ўлган күйнікідек соvuқ күзларини қадайды: «Чайир, пишиқ йигиттә үхшайды. Юзида құрқұдан асар ҳам йүқ. Шошма, бир-иккі күн сабр қыл, мулла минган зшақдек ювопп бўлиб қоласан ҳали».

Терговчи рўпарасида гўёки ҳеч ким йўқдек мук тушиб, қофоз тахламларини узоқ ковлаштириди.

«Менинг чидамимни синаб кўраяпти, — ўйлади Барот. Бунақа бўлишини китоблардан ўқиб билби олган. Қани, ким зўр чиқар экан?

Ниҳоят терговчи қофоз тахламини бир четта суриб кўйди-да, тилга кирди:

— Ўтири!

Барот оёқлари полга қотирилган курсига ўтириди.

— Гапир!

— Нимани?

— Шерикларинг ким, улар неча киши, ҳозир қаерда? Ана шулар ҳақида гапир.

— Қанақа шериклар ҳақида сўраяпсиз, ўртоқ капитан?

— Мен сенга ўртоқ эмасман! Гражданин терговчи деб мурожаат қыл!

— Тушунарли.

— Хўш, неча киши эдиларинг? Гуруҳбошиларинг ким, балки ўзингдирсан?!

— Мен ҳеч нарса тушунмаяпман. Қанақадир англашилмовчилик...

— Ўчир овозингни!

Терговчи бир варақ қофозни олиб, гўёки маҳкум устидан чиқарилган ўлим ҳукмини зълон қилаёттандек салобат билан ўқийбошлиди:

— «20 август куни автотрассанинг фалон километрида, магистрал канал кўтргити устидаги талончиллик мақсадида «Мерседес» автомашинасига ҳужум уюштирилган. Машинадаги йўлончиларга оғиртан жароҳати етказилган. Йўловчилардан бирининг тилла тишлари қоқиб олинган ва машинадаги ҳар хил қимматта эга бўлган нарслар ўғирлаб кетилган. Талончилар орасида аёл кипи ҳам бўлган». Хўш, яна ўқийверайми ёки қолганини ўзинг гапириб берасанми?

— Бу фирт туҳматку, гражданин...

— Оғзингни юм!

— ...

— Демак, құлмишингдан тонасан, бүйнингга олмайсан?

— Ахир...

— Соқчи!

Әшик зарб билан очилиб, соқчи отилиб кирди.

— Олиб чиқ! Сүв ва овқат берилмасин!

Яна ўша камера. Ылғызлик. Азобли мавҳумлик.

— Бу тұхмат кимга керак бұлды экан? — деб тинимсиз бөш қотиради йигит. — Ахир, мен змас, уларнинг ұллари айбдор-ку? Талончилукда айблашларидан мақсадлари нима?

Қоронги хоналинг түрт деворидан акс-садо қайтарди, аммо саволларға жағоб йүқ зди.

Шундан кейин ҳам түрт-беш марта терговға чақиришди. Капитан тұтикуштег бир гапни тақрорлайды:

— Шериларнинг ким, улар қаерда?

— Ылғыз үзім здим.

— Ҳар ҳолда бүйнингта оласан! Буни ёзиб құямыз. Мана бу ерга күл күй. Сен әлғиз бүлмагансан. Сени құлга олишган куни ораларингда аёл кишини күришган. Ким зди у аёл, адресини айт!

— Ылғыз здим, ҳеч қаңдай аёлни билмайман.

— Соқчи!

— Эшитаман, ўртоқ капитан!

— Буни анатылар ёттан камерага қама!

— Хұп, бұлади!

Баротни камерага киритиб юбориб, темир қопқани даранглатиб ёпишди. Йигит останада бир зум тұхтаб қолди. У бұлажак ҳамхоналарига қаради. Улар иккі киши экан. Иккөні ҳам бу ерлік змас, кавказликларға үхшашади. Важоҳати құрқинчли.

Барот салом берди.

— Кел, сени кутаверіб күзларымиз түрт бұлдику, шоввоз, — деди новча банди тақаллуфсизлик билан.

— Тушунмадым?

— Тушуниб қоласан, ҳали оғайні. Лекин мен үзім ҳам бир нарсани тушунмайроқ турибман. Чумчуқдайгина жонинг бор экан, у ҳам кимларгадыр керак бўлибди. Сен уларга нима ёмонлик қилғандынг?

Баротнинг юраги шув этиб кетди. Қўрқанидан змас. У шу бугунгача ҳам аллақандайдыр англашылмовчиллик бўлган, эртаниндин ҳаммаси ойдиллашади, кечирим сўраб чиқариб юборишади.

ди, деб хом хаёл суреб юрганлигини англаб, зил кетди. Иш у ўйлагандан ҳам кўра жиддий тус олди. Билдики, бу камерадаги-лар ёлланган қотиллар. Лекин уларни ким ёллаган, кимга ёмон-лик қилгани учун бундай жазо?

— Бошингта яхшигина пул тикишди. Ўлишдан олдин ўз баҳо-ингни билиб кетсанг яхши-да.

Барот бир ишониб, бир ишонмайди. Рўпарасида икки маҳбус қиёфасида ажал турибди. Пакана, буқадай бақувват маҳбуснинг кўлида ингичка қилиб ўрилган чилвир, новча маҳбус худди қўй сўйишга чоғланган қассобдек пичогини ҳафсала билан тошга уриб қайраяпти.

«Асабларимни синаб кўришаётти, оёқларига йиқилиб, яли-ниб-йиглапимни кутишаётти».

— Хўш, бошимга қанча тикишган экан?

— Йигирма минг. Сенинг тоифандагилар учун яхшигина пул. Амалдор бўлганингда сал кўпроқ бўларди.

— Бошим шунча арzon туради, деб сира ўйламагандим. Сав-долашсаларинг қимматроқ беришармиди.

— Бизни калака қилаяпсанми? — деб бақирди бақалоқ қўли-даги чилвирни газаб билан силтаб.

— У рост галираяпти. Шундай ақлии йигитнинг боши ҳақиқат-дан ҳам қиммат туради. Савдолашсак бўлар экан. Эсиз, эсиз.

Барот душманнинг ҳушёрлигини озгиниа бўлсада сусайтирди. Ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи яшин тезлигида бақалоқнинг бўйнига қадалди. У шилқ этиб йиқилди. Буни кўрган новча ўмбалоқ ошиб анча варига бориб тушиди ва оёғи тагидаги курсини чунон зарб билан тепдики, Барот чал бериб қолмаганида бошини мажаҳлаган бўларди. Бандитнинг қўлида қайтишма пичоқ ялтиради. Барот орқага тиса-риламан деб ерда сулайиб ётган бақалоқда қоқилиб йиқилиб тушиди. Бандит учун айни муддао — бир сақраб рақибини босиб олди. Сўнг унинг юрагига пичоқ санчиш учун қўлини кўтарди.

Узоқ машқлар натижасида Барот зарур ҳолларда бутун кучини бир нуқтага тўплай олиш қобилиятини ортирган эди. Мана, ажал тифи тепасида ялтираб турибди. У тобора яқинлашиб келаяпти! Барот вужудидаги ҳар бир ҳужайралардан икки билагига энергия оқиб келаётганини ҳис этиб, пайт пойлади. Мана, ўша лаҳза!

Пичоқ сўнгги бор ялтираб, бир четга учеб кетди. Барот рақибини озод кўтариб бир четга улоқтирди ва ўзининг шу вақтгача мутлақо ишлатмаган услубини кўллаб, курашга охирги нуқтаки

қўйди. Бандит бўкирганича ерда думалар, унинг оқиб тушган кўзидан қора қон сизиб чиқаётган эди.

Эндигина ҳушига келган бақалоқ эса бу манзарадан даҳшатга тушиб, темир қопқани икки кўллаб ура бошлади:

— Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар, ўлдириб қўяди!

## V. БОШ САВДОСИ

Шаҳар ҳибсхонасида юз берган воқеа вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи полковник Қорабоевнинг зътиборини тортди. Мамлакат бўйлаб қидирилаёттан икки жиноятчи шаҳар ҳибсхонасига қаердан келиб қолди?! Нега улар ушланиб қамалгани ҳақида бошқарма бошлиғи ҳеч нима билмайди? Нима бўлганидаям калаванинг учи топилганга ўхшайди. Бир неча йилдан бери республиканинг турли вилоят ва районларида ёлланма қотиллар содир этилган бўлиб, жиноятчилар кимлиги тахмин қилинса-да, жазодан қочиб юрганди. Қотиллар, айниқса, Чўлободда бир қанча мудҳиш ишларни қилишди.

«Ленинизм» совхозининг кассири сирли равишда фойиб бўлди. Уни банқдан катта пул олиб чиқиб кетганликда айблашди ва қидирув зълон қилинди. Қишта бориб совхоз ҳудудидан ўтадиган канал суви қуриганда сир очилди. Қотиллар кассирни ўлдириб, машинаси билан бирга каналга чўқтириб юборишган экан.

«Россия» совхозининг собиқ директори билан бўлган воқеа бунданда гаройиб. Кунлардан бирида ўзини обрўли марказий газеталардан бирининг муҳбири деб таништирган киши собиқ амалдорга қўнғироқ қиласди.

— Ўз ишингизга тикланишни истаймайсизми? — дейди «мухбир» ўзини таништириб бўлгач.

— Албатта, истайман. Аммо қандай қилиб?

— Сиз ҳақингизда бир ишончи одам галириб берди. Сизга нисбатан ноҳақлик қилишган. Шу сабабли ёрдам беришга қарор қилдим.

— Раҳмат. Мен нима қилишим керак?

— Рақибларингизни фош этувчи ҳужжатлар билан танишиб чиқишим керак. Шунга қараб ишга киришамиз. Қанча тез бўлса, шунча яхши.

— Қаерда учрамиз?

— Сизга ҳавола, ўзингиз айтинг. Фақат учрашганимизни ҳеч ким билмаслиги керак. Негалигини фаҳмлабандирсиз?

— Албатта, албатта.

Вазифасига тикланиш иштиёқида ёнган «собиқ» учрашув жойини айтади. Учрашувнинг барча деталлари ишлаб чиқилади. «Мухбир» белгиланган куни катта йўлнинг фалон километрида «бузилиб қолган» оқ «Жигули»нинг ёнига келади ва имижомида ҳужжатлар солинган папкани олиб кетади. Икки-уч кундан сўнг яна шу жойда ҳужжатларни эгасига қайтаради.

Айтилган соатда йўлда «Волга» кўринади. «Жигули»нинг ёнига келиб тормоз беради. «Мухбир» шартлашибган паролни айтади:

— «Менинг ёрдамим ҳерак эмасми?»

— «Ўзим бир амаллайман».

— Ҳужжатларни беринг.

— Мана.

Собиқ директорнинг бутун умиди бўлган ҳужжатлар солинган папка қўлдан-қўлга ўтади. Шу пайт ҳозиргина папкани олган қўлда қирқма мильтиқ пайдо бўлади. Уст-устига ўқузилади.

Енгил жароҳатланиш билан қутилиб қолган «собиқ» сохта мухбирнинг қиёфасини батафсил тасвирлаб берди. Шунга асосланиб фоторобот тайёрланди. Бу фоторобот «Правда» колхозининг раиси кайф устида қаердадир гуллаб қўйган воқеа қаҳрамонларидан бири — қазақлар каллакесарга ўхшаб кетарди.

«Правда»нинг раиси вилоят раҳбарлари ўртасида ниҳоятда катта маъқега эга бўлганлиги сабабли юқорида эслатилган ҳикоя қанчалик рост-ёлғонлигини расмий йўл билан текшириб кўриш имкониятлар чегарасидан ташқари зди.

«Правда» билан «Тонг» колхозлари бир-бирлари билан туваш хўжаликлар. Бирига Тўра Умидов, иккинчисига Эшназар Жўраев раис. Икки раис узоқ қариндош. Лекин улар ёшлик йилларидан бери бир-бири билан ёвлашади. Буни ҳамма билади. Ҳатто вилоят партия комитетининг янги сайланган биринчи котиби уларни яратшириб қўймоқчи бўлганди, уddeлай олмади. Икковинида ишдан қувишга чоғланганди, кўпни кўрган раҳбарлардан бири унинг қулогига:

— Вилоят мисоли бир машина бўлса, Умидов билан Жўраев ана шу машинани ҳаракатга келтириб турадиган иккита муҳим куч. Уларнинг ҳар бири вилоят машинасининг юзлаб, минглаб шинитчаларини ҳаракатлантириб туради, истаса, тўхтатиб қўяди.

Улар билан уришиб қолишдан сизни худонинг ўзи арасасин,— деб шипшийди. Раҳбар муросасозлик йўлини маъқул кўрди.

Шундан бери на маъмурый ташкилотлар, на юридик органлар бу икки раҳбарнинг мушугини «пишт» демайди. Мукофот берилса, икковига тент берилади. Бирининг уругига мансаб тегса, иккинчиси ҳам қуруқ қолмайди. Агар бири олиб, бири қолса, жаңжал чиқишини кутаверинг.

Тўра Умидовнинг омад оти Жўраевнидан ўзиб кетадиган ҳодиса рўй берди. Яъни Умидовнинг ўғилларидан бири «Қишлоқтехтаъминот» вилоят бошқармаси бошлиги лавозимига кўтарилиган бўлса, унинг тескариси ўлароқ Жўраевнинг ўғли амалидан бир погона паслаштирилди. Буни Жўраев шак-шубҳасиз Умидовнинг иши деб билди ва рақибини дунёдан йўқотишга қатъий аҳд қилди.

\* \* \*

Умидовни ярим тунда уйғотиши. Келганлар икки киши эди. Иккови ҳам кавказлик. Улар гапни чўзмасдан муддаога ўтиши:

— Сенинг бошинг учун бизга эллик минг сўм ваъда қилишди,  
— деди келганлардан бири гўёки бозорда олди-сотди қилаётган одамдек хотиржам.

Умидов сергак тортди, чўчиганини билдирамасликка ҳаракат қилди:

— Ким, Жўраевми?  
— Душманинг кимлигини биларкансан.  
— Эллик мингни мен бераман. «Оқ туж кўрдингми — йўқ»,  
йўлларингта кетаверинглар.  
— Йўқ, бўлмайди. Ваъда бериб қўйганимиз.  
— Яхши. Ундан бўлса элликни мендан, элликни ундан оласизлар. Қалай, розимисан?  
— Қандай қилиб?  
— Гап бундай. Эшит...

Ҳамманинг оғзида бир гап:  
— «Правда» колхозининг раиси Умидовни ўғирлаб кетишшибди. Ўлик-тиригини топишполмаяпти.  
— Балки бу органинг ишидир?  
— Бе, органинг боши ўнтами-ки, Умидов билан ҳазиллашса. Бу ганимларнинг ишига ўхшайди.

— Ўлдириб күмишган бўлса-я?

Шамол бўлмаса дарахтнинг уни қимирлармайди. Умидовнинг йўқолгани рост эди. Унинг қариндош-уруглари милиция билан прокуратура эшигига ётиб олишди:

— Раисимизни ўғирлаб кетишганига фалон кун бўлди. Нега қидириб топмаяпсизлар?

— Қидирайпмиз. Ҳозирча натижা чиқмаяпти. Албатта, қидириб топамиз.

— Уни буюриб ўлдиришишган. Қотилларни қамоққа олишни талаб қиласми!

— Қотил ким? Далил-гувоҳ борми?

— Ҳаммаларингнинг тилинг бир. Биз юқорига арз қиласми!

Ниҳоят, Эшназар Жўраев рақиби маҳв этилганига ишонди. Собиқ қариндошиникига бориб, «марҳум» ҳаққига бош этиб таъзия билдирган бўлди. Чўлда ташкил этилган қўриқ районининг биринчи котиблиги учун кураш бошласа олдини кесиб чиқадиган мард қолмаган эди. Шу кунга етказгани учун яраттанга шукроналар айтди.

Тўсатдан Умидов ўз сёғи билан кириб келди! «Карлови Вари» да дам олиб қайтганмис. «Нега ҳеч кимга айтмай кетдингиз?» деб сўрашганида «Худонинг хабари бор, яна кимдан сўрашим керак эди?!» деб савол билан жавоб қайтарган экан.

Бу гапларда балки лоф бордир, аммо бир нарса аниқ — одамларнинг боши билан савдолашадиган қотиллар афсона эмас. «Қўлга тушмас қасоскорлар»нинг дастидан қанчадан-қанча пулдорлар кечалари ухлай олмасдан чордоқларда, худо билади, яна қаерларда ётиб юришга мажбур эди. Мана, энди баҳузур ухлашсин!

Йирик жиноятчиларнинг қўлга олиниши бошқарма бошлиғи сифатида ўзининг ҳам мавқенини оширишини, уни генераллик унвонига яқинлаштиришини ўйлаб Қорабоев ширин жилмайди. Ниҳоят, энг катта рақиби — вилоят партия комитетининг иккичи котиби Владимир Сисоевич Кочубейга қўнғироқ қилиб, мақтаниб қўймоқчи бўлди. Қўли телефон дастагига борар-бормас оператив телефон жиринглади.

— Полковник Қорабоев эшитади.

Нариги томонда гапираётган одам сўзини тамомлар-тамомламасдан полковникнинг бети қийшайиб кетди. Столни муштлаб бақирди:

— Қочишган? Бўлиши мумкин эмас!

Хибсхонада қаттиқ шикастланган икки маҳбус соқчи назорати остида касалхонага ётқазилган экан. Бешинчи қаватнинг дезразасига ўрнатилган панжарани синдириб, қочиб кетишган.

— Дарҳол қўлга олинсин! Ҳамма оёққа турсин! Шарманда қилдиларинг, шарманда...

Қорабоев жаҳл билан телефон гўшагини ташлаб юборди.

— Қочиришган! Ким ўша сирли ҳомий? Ким бўлсанг ҳам топмай қўймайман!..

## VI. ЛЎЛИНИНГ ЎЛИМИ

### I

Лўли — ДАН инспектори бўлмиш старшинанинг лақаби. Лақаби билан айтилмаса, уни бирор танимайди. Ҳатто бошлиқлари ҳам уни шу лақаби билан чақиришади. Фақат ойда бир марта — бошқарма кассири уни Қаландар Шарипов деб ўз исм-фамилияси билан чақиради ва маош ведомостига қўл қўйдирив олади.

Қаландарнинг лақаби иккя жиҳатдан унга қўйиб қўйғандек мос келади. Биринчидан, афт-ангори қоп-қора, иккинчидан, пулга ўч.

Одамлар гап ким ҳақда бораётган экан, деб фол очиб ўтирасликлари учун биз ҳам уни лақаби билан аташни маъқул топдик.

Лўли 20 август куни Чўлобод-Эшонгузар автотрассасида наубатчилик қилиб юрганда уни Барот билан Гўзал магистрал канали яқинида йўлда кўришганди. Йўлда қатнов сийрак бўлгани боис ДАН инспектори ҳам оқ «Жигули» ва унинг йўловчиларини эслаб қолган бўлиши табиий.

Лўли қўптирик устида йўлга кўндалантурган машинани кўрди-ю, «автоҳалокат» деб ўйлади. Яқин боргач «Мерседес»ни таниди — бу вилоят матлубот бошқармаси раисининг эржатой ўғлиниги эди. Ҳар ер-ҳар ерда сулайиб ётган тўрт кишини кўздан кечириб, уларнинг тирик, аммо ҳушсиз эканлигини аниқлади. Машина эса бус-бутун. Авария бўлганга ўхшамайди. Бошқа нимадир бўлган. Масалан, муштлашув. Раиснинг арзандаси қуриқ ердан чанг чиқаришга устаси фаранглигини яхши билганлиги сабабли «Баттар бўл», деб қўйди ва бирдан... шундоққина оёқлари остида сочилиб ётган тилла тишиларга кўзи тушди! У ҳаяжонини зўрға жиловлаб, аввал сулайиб ётганларга, сўнг йўлнинг икки тарафига кўз

югуртируди. Яқин орада қимирлаган жон күрінмайды. Лұли чүккалаб, қон билан булғанған тиілла тиішларни ижирғанмай териб, да-струмомласига тутди ва дархол уни чұқур киссасига бекитди.

«Мерседес»нинг эшиклари ланг очық. Машина ичидаги Япон магнитафони, хорижда чиқарылған бошқа буюмлар күзни ўйнатади. «Бундай кулагай пайт бир келди, бошқа келмайды, ҳаракатынғи қилиб қол!» деб қулогига шивирлай бослады нафс отлик шайтонбачча. Ўлаб күриш учун вақт қайда дейсиз. Магнитафон ва бошқа қимматбақо буюмлар бир зумда «Москвич»нинг юхсаисидаги эски-туски нарсалар орасидан ўрин олды.

Бу ишларни бадастур қилиб бўлгач, инспектор рация орқали йўл ҳодисаси ҳақида ДАН постларига хабар берди. Пухта ўйланган хабар бўлажак воқеалар оқимини ўз фойдасига буриб юбориши керак эди. Шу сабабли ўз «таксим»ларини айтар экан, «воқеа жойидан қочиб кетган оқ рангли «Жигули»га алоҳида ургу берди.

Воқеалар Лўли кутганидан-да шиддатли кечди. Азвалига шу участкага қарайдиган район милицияси ва прокуратураси тер-говчилари, суратчи, «Тез ёрдам» машинаси етиб келди. Жабрла-нувчилар ўзларига келтирилиб, касалхонага жўнатилди. Сўраб-суриштириш, жойни кўздан кечириш анча вақтни олди. Тахми-нан куйидаги хulosага келинди: «Мерседес» машинасига бир гуруҳ қуролланган номаълум шахслар талон-тарож қилиш мақ-садида ҳужум қилган. Шофер ва уч нафар йўловчи ваҳшийлар-ча калтакланган. Йоловчилардан бирининг тиілла тиішлари қоқиб олиниган. Машинадан умумий қиймати бир неча миллион сўм турадиган нарсалар ўғирлаб кетилган. Давлат автомобил инспектори Шарипов воқеа жойига етиб келганида бу ердан шошилинч разища жўнаб кетаётган оқ рангли «01» «Жигули»ни кўрган. Машинада аёл киши ҳам бўлган ва ҳоказо.

Юксак мартабали раиснинг ўғлига нисбатан содир этилган жиноятни очиш юзасидан тезкор гуруҳ тузилди ва у вақтни қўлдан бермасдан дархол ишга киришли.

## 2

Пешинга яқин Лўли ташвишлардан қутилди. Машинаси ру-лини «Мажнунтол» ошхонаси томон бурди. У тўйиб овқатланмоқти, бир йўла қўлга киритилган «ўлжалар»ни ювмоқчи бўлди.

ДАН инспекторининг қораси кўрингач, бу ерга овқатла-ниш учун келган шоферлар ғимирлаб қолишиди. Бошқа маҳал

Лўли бундан чексиз ғуур туйган, қош-қовоғини уйиб, шофер халқининг юрагига қўрқув солган бўларди. Бугун унинг кайфи чоф, таниш-нотаниш одамлар билан бош иргаб саломлашпти. Ҳатто ким биландир қўл сиқиб кўришди. Во, ажабо, бу ўша Лўлими?!

Таниш ошпаз йигит югуриб келди. Қўли кўксидা.

— Салом, ака. Нима буюрадилар — паловми, лагмонми, со-мсами?

— Ўлдирса, палов ўлдирсин.

— Хўп, ака, ҳалигидан ҳамми? Бугун «Белый аист» об келганимиз.

Лўли гулдек очилиб кетди:

— Аввалги пошомиз Германиягами, Америкагами борганида мухбирларнинг «Сиз қандай ичимликни яхши кўрасиз?» деб берган саволларига «Молдавияда чиқадиган «Белый аист»ни, деб жавоб берган экан. Шундан бери бу ичимлик пошоларнинг ичимлигига айланган. Бизнинг пошолардан нима камимиз бор, а?

Кулишди.

Иккови бир пиёла, бир пиёла коняқ отиб олиб, колбасадан газак қилишди.

— Акахон, мен энди борай, — деди ошпаз йигит қўлларини кўксига қўйиб. — Ҳозир ош олиб келаман.

Палов келгунча чойнак яримлаб қолди.

Лўлининг кайфи чоф. У бугун ёшлиқдан бери давом этиб келаетган орзусига эришди. Ҳам тиллали, ҳам япон магнитафонига зга бўлди! Ҳаммасига бир кунда эришди! Тилла тишларни таниш устага олиб бориб, эритиб қўйдиради. Магнитафонни машинасига ўрнатади. Йўқ, йўқ, бу ҳавфли. Худо кўрсатмасин, сешиб қолса раис унинг уругини қуритар-ов. Яхиси, магнитафонни ҳозирча яшириб қўяди, ҳаридор чиқса, икки баравар қимматига сотиб юборгани маъқул.

Тўйиб овқатланганданми, кайф таъсириданми уйқу злитди. Кўзлари ўз-ўзидан юмилди.

Шундоққина ариқ бўйига қора қўчқор боғлаб қўйилган. Шохлари буралиб, буралиб кеттан. Жонивор оёқларини ерга тап-тап уриб, шох ташлайди, кўзга кўринмас рақибиға ҳамла қиласди. Ҳар сафар ипи узилиб кетай, узилиб кетай дейди.

Нега шу вақтгача бу қўчқорни кўрмаган эканман? — деб ўйлайди Лўли. — Ипи узилиб кетса, ўсал қиласди-ёв. Бир

күрай-чи, ипи мустаҳкаммикан? Лўли сўридан тушиб кўчқор томон одимлайди. Жонивор бошини мағрур кўтаради, кўзла-ри сузилиб, тишлари тиржаяди. Ё пирай, ҳамма тишлари тилла. Фақат негадир бари қонталаш! Лўли ҳайратда қотди. Ҳатто қўчқор орқага тисарилиб, шохламоқчи бўлаётганини сезмай қолди. Бадбаҳт қаттиқ урди. Бутун бадани зирқираб кетди!

Лўли оғриқнинг зўридан додлаб, ўз овозига ўзи уйғонди. Кўлинни босиб ётган экан, увишиб қолибди. Кўрган тушидан дили ғашланди. Ғашлик тарқаш ўрнига тобора зўрайди. Касофат қўчқор, кайфни ҳаром қилди. Чойнакнинг тагида қолган коняқ ҳам фойда бермади. «Каналга бориб, муздек сувда чўмилмасам бўлмайдиганга ўхшайди», деб ўрнидан турди. Патнисга санамасдан пул ташлади.

Бизга таниш бўлган кўприкдан анча пастроқда каналнинг нишаб жойи бор. Чўмилишга қулай бўлгани учун кимдир ҳазиллашиб «Олтин қум» деб ном қўйган. Дам олиш кунлари ҳақиқий пляжга айланиб кетади. Бугун бу ерда ҳеч ким йўқ. Шуниси дуруст. Киссасидаги тиллалардан хавотир олмайди.

Лўли ечинди. Кийимларини машинада қолдириб, ҳар эҳтимолга қарши машина зшикларини қулфлади. Калитни яширди. Болалиги эсига тушиб, сув лабига шоҳ ташлаб ўсган толга тирмашиб чиқди. У ложувард осмонга суқ билан тикилар экан, энтикиб кетди. Сўнг сувга калла ташлади.

Сув бирам ҳузурбахш, бирам ёқимли! Юрагини исканжадек қисиб турган ғашлик ўрнини сурур эгаллади. Кўпдан бери бунчалик роҳатни туймаган эди у!

Лўли завқ ва шавқ билан шўнғиди.

Каналнинг туби балчиқ эканини ва бу балчиқ ҳар йили учтўрт одамнинг умрига зомин бўлишини билса-да, шўнғийверди.

Мана, боши балчиқка кўмилди. Қулоқлари шилимшиқ лой билан тўлди. Шунда-да у хотиржам эди. Бундай хотиржамликка ўзи ҳам ҳайрон.

— Энди орқага йўл йўқ, — деган саадо келди қулоқларига.

— Қўрқитмай қўяқол, мен бундан-да баттарроқларини кўрганиман. Мана, бундай қилиб чиқиб кетаман, — шундай деб оёқларини тираб, балчиқ исканжасидан чиқиб кетмоқчи бўлди. Лой уни бутун гавдаси билан ўз комига тортди.

Қаландар бир қаричлигидан канал ёқасида қўй-эчки боқиб катта бўлди. Каналга сув тоғдан келарди. Шу сабабдан суви совуқ ва ниҳоятда тезоб. Болалар уёқда турсин, катталар ҳам юрак ютиб канал сувида чўмилмайди. Аммо ўша вақтларда ҳам ҳамма Лўли деб чақирадиган Қаландар чўмиларди! Тенгдошлирининг кўзини куйдириб, мазза қилиб чўмиларди.

Эсида, бир гал болалар билан гаров ўйнаб, канални у қирғоқдан бу қирғоққа икки марта сузиб ўтмоқчи бўлди. Аммо гаров ўйнаган бола фирромлик қилмасин деган мақсадда бир марта ортиқча сузиб ўтишга аҳд қилди.

Нариги қирғоққа боришга борди-ю, қайтишда оёқ-қўллари тортишиб қолди. Шошганидан ичига сув кетди. Сув юзида бир кўриниб, бир кўринмай оқиб кета бошлади. Қаерданdir мактабнинг физкультура ўқитувчиси пайдо бўлди, у чалажон Қаландарни қирғоққа тортиб чиқарди.

Шундан кейин ҳам Қаландар каналда чўмилишни тарқ этмади. Бу қайсар бола ҳақида кўпни кўрган бир отахон:

— Морбознинг ажали мордан, дорбозники — дордан, деган гал бор. Магарам бу боланинг ажали сувдан-ов, деган экан.

Лўли қанча ухлаганини билмайди. Фақат руҳи тиниқиб уйғонди. Балчиқ искаижасидан осонгина суғирилиб чиқди-ю, гирашира фордан балиқлардек ўноқлаб-ўйноқлаб сузиб кетди.

Фор охирида тандирнинг оғзиdek келадиган туйнук бор экан. У туйнукдан бошини чиқариб, атрофга қаради. Тарвақайлаб ўстган тол остида оппоқ кийинган кампир сувга тикили-и-б ўтирибди. Танишга ўхшади. уни Лўли қаердадир кўрган? Ҳа, эсига тушди — онасига ўхшар экан. Онаси ўлганини йигирма йилча бўлган бўлса-да, унинг коз-кўзлари, юриш-туришлари ҳамон кўз олдида.

— Соғинтириб қўйдинг-ку, Қаландаржон! Эрталабдан бери сени кутиб ўтирибман, — шундай деб кампир ўтирган жойидан қўлларини узатиб, Лўлини сувдан тортиб олди. Йигитнинг юраги шодликка тўлди. «Онам, онажоним! Мени фақат онам ўз исмимни айтиб чақиради».

— Болалигингда ҳам тиниб-тинчимас эдинг. Уззу кунлар сени сувда оқиб кетди, деб хабар олиб келишларидан қўрқиб, кутиб ўтирадим. Тез бўл, болам, кетдик. Бизларни кутиб қолишиди.

Она ўғлининг қўлидан маҳкам ушлаганча кўкка кўтарилди. Пардек енгил, момиқдек юмшоқ бўлиб қолганидан Қаландар

бөхад ҳайратта түшди. Терак бўйи тепаликка учиб чиқишганида Лўли машинасига кўзи тушиб, таққа тўхтади. У мол-дунё тўплаш учун ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам урганларини, оқибатда бугун ҳаммаси сабил қолаётганини эслаб, хижолатдан қизариб кетди. Ҳаётининг бир парчаси бўлган машинаси ҳам, тилла, пул, қимматбаҳо буюмлар ҳам бугун жонига оро кирмаслигини тушунди. Тушунди-ю, сал юқорироқда таънали нигоҳ ташлаб турган онасига тик қарай олмасдан унинг ёнидан сирғалиб ўтиб, Само деб аталмиш сирли макон сари учиб кетди.

Шу куни феруза осмонга иккита оқ булат чиққанини, қилт этган шамол бўлмаса ҳам булутлар шиддат билан осмонга кўтарилиб, бора-бора кўздан йўқолганини ҳеч ким пайқамади...

## VII. СУЛҲ

Владимир Сисоевич Кочубей ички ишлар бошқармаси бошлигининг аҳборотномасини ўқиб, типирчилаб қолди. Полковник унинг қадрдонларидан бирининг номини ҳам жиноятчилар рўйхатига тиракаб қўйган эди. Тўғри, қадрдон деганимиз билан иккенинг ўртасида оддийгина дўстликдан бошқа нарса бўлмаса-да, юраги гашланди. Айниқса, ҳозирги паллада ҳар қандай шубҳа унинг келажагига болта уриш билан тенг бўларди. Таянчларидан бири бу йил, бу йил бўлмаса, келаси йили уни Тошкентта, Марказкўмга масъул лавозимга кўтаришларини шама қилган. Аҳборотномадаги гаплар ошкор бўлиб қолгудек бўлса, бошини силаптмайди, аксанча, жазолашлари, ишдан четлатишлари ҳам мумкин. Бундан худо сақласин!

Ўзини ҳар қанча қўлга олишга уринмасин, Владимир Сисоевичнинг дили тобора хуфтон бўлаётганди. У кўнғироқ тугмасини босиб, котибасини чақирди:

— Мен йўқман. Олдимга ҳеч кимни киритма! — деб буюрди. Сўнг эшикни ичкаридан қулфлади-да, эҳтимол тутилган ҳавфхатар ҳақида ўйлай бошлади.

Охиригина ишлар вилоятда жиноятчиликнинг энг оғир турлари кескин ошиб кетди. Айниқса, одам ўлдириш, давлат мулкига тажовуз қилиш жиноятлари мислсиз даражада ўсади. Қишлоқ хотин-қизларининг ўзига ўт қўйинши олдинги йилларга нисбатан қарниб иккисинки ярим бараварга ошди. Ишдан қочмайдиган, қўёш билан дала-

га чиқиб, қуёш ботгандан сўнг уйига қайтадиган, хоксор, нимжонгина хотин-қизларнинг гулхан бўлиб ёниши ноҳақликка қарши улкан исен эканлигини Владимир Сисоевич тан олгиси келмасди. Тан олса, айборни топиб, жазолаши керак бўларди. Айбор битта эмас. У бугун ё кеча пайдо бўлгани йўқ. Унинг оти — Ноҳақлик, Адолатсизлик, Тенгсизлик. Унга қарши чиқиш мавжуд давлат системасига қарши чиқиш, деб баҳоланади. Тан олиш «Хотин-қизларимизни трактор рулларига ўтқаздингиз, уларни ҳақ-хуқуқдан, оналик баҳтидан маҳрум қилдингиз!» дегувчи миллатчиларнинг тилига эрк бериш деган гап. Йўқ, битта, иккита, ўнта ва ҳатто бир қишлоқ аёллари ўзига ўт қўйса ҳам уларни оқлааб бўлмайди! Буни ҳар бир раҳбар, ҳар бир партия фаоли яхши билиши ва амал қилиши зарур. Чўпчак тўқийсанми, эртак тўқийсанми — ўзига ўт қўйган ҳар бир хотин-қиз ўзи айбор қилиниши зарур! Токи ота-оналари бадном бўлишдан қўрқиб, даъволашиб юрмасинлар.

Бу топшириқ ҳозирча муваффақиятли бажарилаятти.

Вилоятда жиноятнинг янги тури ҳам пайдо бўлди. Бу — ёлланма қотиллил. Вилоят бу соҳада ҳам республикада олинги ўринда. Ишдан бўшатилиб, терговга тортилиш эҳтимоли бўлган пахта тозалап заводининг директорини уйида сўйиб кетишиди. Қотиллар ҳеч нима олмаган. Демак, директорнинг ўлими кимгadir керак бўлган. Оқибатда заводда қўшиб-ёзиллар юзасидан бошланган тергов боши берк кўчага кириб қолди. Айбор — директор. Директор ўлди. Шу билан жиноий иш ёпилди. Бир кишининг ўлими эҳтимол ўнлаб кишиларни қамоқдан сақлаб қолди. Обкомнинг серҳашам кабинетларига ҳам олиб келадиган жиноят ишлари чўрт узилди.

Владимир Сисоевични партия ходимлари ўргасидаги айниш ташвишлантиради. Чорвадор райкомининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келган Эшназар Жўраевни маний бузуқликда айблаб, шир яланғоч обкомга ҳайдаб келишиди. Боғча мудирасининг эри уни хотини билан тўшакда ушлаб олганмис.

— Мен бу аҳмоқнинг хотиним билан юришини анча олдин сезганман, — дейди эр. — Хотинимни аввал тарбиячиликдан боғча мудираси лавозимига кўттарганидан, тез-тез райкомга чақириб турганидан гумон қилганман. Кейин ўзи билан ҳар хил семинар у йиғилишларга олиб кета бошлади. Мен йўғимда уйимга ҳам келар экан, мараз. Дастлаб одамларнинг гапларига ишонмадим. Шундай бўлса ҳам зимдан пойлаб юрдим. Кеча бошлигим чақириб, «Тошкентга бориб, райком учун инвентар олиб келасан»,

деб топшириқ берди. Биламан, Жұраев билан унинг тили бир. Самолётта билет олиб қўйишган экан. «Шошма, дедим ўзимга ўзим, бир текшириб кўрай-чи». Самолётта ўтириб, Тошкентта учдим. Бориб тушдим-у, навбатдаги рейс билан орқага қайтдим. Кечгача яшириниб ётдим. Сўнг бекиниб уйга келсам...

Бечора биринчи котиб қўрқанидан дағ-дағ титграйди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳол. Ҳамма шошиб қолган. Владимир Сисоевич ўзининг кўп йиллик қадрдони бўлган бу одамга раҳми келиб кетди. Рашкчи эр ва унинг беш-үн нафар ҳайбаракалачиларини аранг тинчтигиб, биринчи котибни уларнинг қўлидан ажратиб олди. Ким-дир чойшаб топиб келиб «Дон Жуан»нинг устига ёпди.

Жўраев районга қайтиб бормади. «Саломатлиги ёмонлашгани учун вазифасидан озод қилинди». Ўзи туғилиб ўсган қишлоққа колхоз раиси қилиб «сайланди».

Бу можаролардан бир ой ўтар-ўтмас «Отелло»— рашкчи эр ўзини осди. Унинг ўлими ҳақида ҳар хил мишишлар тарқалди. Бироқ суд-тиббиёт экспертизасининг «руҳий хасталик» деган ташхиси ҳаммасига нуқта қўйди.

Эшназар Жўраев ўз халоскоридан қора бўлиб қолишини истамади. Яп-янги «ГАЗ-24» машинасининг калитини Кочубейга тутқазди.

Полковникнинг ахборотномасида Эшназар Жўраев номига алоҳида ургу берилганди. «Отелло»нинг ўлимида Жўраевнинг қўли бор-йўқлигини текшириб кўриш учун партия ташкилотининг рухсати сўралган. Рухсат бериб бўпти! Рухсат бериш — ўзини бадном қилиш, сиртмоққа бошини тутиб бериш, деган гап!

Владимир Сисоевич тақири калласига қанчалик шапатилаб урмасин, ундан пичоққа илингудек фикр чиқмади. Фазаб ила стол устидаги қофозларни титкилай кетди. Керакмасларини йиртиб-ғижимлаб саватга ота бошлади. Қофозлар орасидан вилоят прокурорининг ахборотномасига кўзи тушди. Бир-икки кун олдин берилган. Лекин ўшанда негадир зътибор бермаган экан. Ахборотномадан вилоятда рўй берәётган жиноятларда милиция офицерларининг ҳам қўли борлиги таъкидлаб ўтилганди.

Бу најот эди! Бундай далиллар олдида полковник ё таслим бўлади, ё бутунлай кунпаякун қилинади! Икки йўлдан бирини танла, Қорабоев!

Кочубейнинг ичига қўёш чиққандек бўлди. Ёрдамчисига қўнғироқ қилиб, дарҳол ички ишлар бошқармасининг бошлиғи полковник Қорабоевни ҳузурига чақиришни буюрди.

Полковник күттириб қўймади. Уни қабулхонада иккинчи ко-  
тибининг ёрдамчиси билан котиба жувон кутиб олишди.

— Сизни Владимир Сисоевич кутаяптилар, — деди ёрдамчи.  
— Тез киринг.

Совуқдина саломлашдилар. Гап қовушиб кетавермади. Аста-  
аста Кочубей қизишиб кетди. Прокурорнинг ахборотномасини  
боши баробар кўтариб бақирди:

— Мана, сенларнинг қиёфангни кўрсатадиган ойна! Мили-  
ция офицерлари ўғриларга ҳамтовоқ! Босқинчига шерик! Сенинг  
кўзинг қаерда эди?

Полковник жавоб учун оғиз жуфтлаган эди, Кочубей гапир-  
гани фурсат бермади:

— Нега истироҳат боғида осиб кетилган ўспириннинг қотили  
шу вақтгача топилмади. Сабабини айтайми?

Полковник яна оғиз очишга улгурмади.

— Тўхтаб тур! Бутуниттифоқ қидирудида бўлган икки одамхўр  
вилоятда катта холасининг боғида юргандек ўйнаб юрганини бил-  
майсанми? Биласан! Яқиндагина — 20 август куни бўлган босқин-  
чилик-чи? «Мерседес» дан ўғирланган нарсалар ДАН инспекто-  
рининг машинасидан топилганини қандай тушунтириб берасан?

Кочубей яна анча вақт оғиз кўпиртириб бақирди. Полковник  
Қорабоевни титроқ босди, кўлидан қилич-қалқони ерга тушди.  
Тер босди. Унинг Кочубейга қарши тўплаган ҳужжатлари бу-  
нинг олдиди ип зволмасди. Демак, тамом!

Иккинчи котиб яна анча гапирди. У рақиби адойи тамом бўлга-  
нига ишонч ҳосил қилгач, гап оҳангини ўзгартириди:

— Сен милиция бошлиғимисан ё пешкамисан? Област партия  
комитети ҳамиша сени принципиаль коммунист, виждонли раҳ-  
бар сифатида билар эди-ку?

Ниҳоят, Владимир Сисоевич гапиришдан тўхтади. Қорабоев  
караҳт бир ҳолда ўзини оқлаш учун нималардир деди. Унинг гап-  
лари Кочубейнинг у қулогидан кириб, бу қулогидан чиқиб кетди.

— Дўстларни сотиш яхши эмас, оғайни. Сен мени сотсанг,  
мен сени сотсан яшаб бўлар эканми? Бундан душманларимиз  
қувонишлари мумкин, холос.

— Албатта, албатта, — аранг ўзига келган полковник фўлди-  
ради.

— Мен кетсанм, ўрнимга бошқаси келади. У сенинг бошингни  
 силатиб қўймаса керак?

— Тушунаман.

— Сен билан биз вилоят даражасидаги раҳбарлармиз. Ўзимизни ўйлашга ҳаққимиз йўқ, бутун вилоятни ўйлашимиз керак. Тўғри, баъзан партия, давлат манфаатини ўйлаб қонунни пича бузишимизга ҳам тўғри келади. Лекин на илож. Вилоятда осойишталикни сақлаш, партия қўйган қадрларни авайлаб-асрашимиз лозим. Шунинг учун ҳам бизлар раҳбармиз.

— Албатта.

— Демак, бу мавзуга икковимиз ҳам нуқта қўямиз. Тўғри тушунибманми?

Қорабосвнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди:

— Албатта, шундай бўлгани маъқул, Владимир Сисоевич.

— Хўш, айт-чи, қачонгача полковник бўлиб юраверасан? Аллаҳақочон генерал бўлишинг мумкин.

— Генерал бўлишни орзу қўлмаган аскар аскар эмас, деган гап бор. Орзу бошқа, иш бошқа экан, Владимир Сисоевич. Орада мана бунаقا гаплар чиқиб қолди...

— Сиз ўзбекларда «Улимдан бошқасининг иложини қўлса бўлади», деган ажойиб мақол бор. Фақат ҳаётда кўп ҳам олдинлаб кетишга уринма, дўстим. Бу менинг сенга берадиган ягона маслаҳатим. Қани, ўтири-чи, икковимиз бир дилдан гаплашиб олайлик...

Судбат анча чўзилди. Бир-бирининг кўзини ўйиб олишга тайёр турган икки амалдор судбат провардида қадрдан дўст бўлиб ажралишди. Ҳатто Кочубей полковникни кабинет эшигигача кузатиб қўйди ва унга омонлик тилаб қолди. Бундай иззат вилоятда камдан-кам одамга насиб этарди.

Владимир Сисоевич қабулхона котибаси билан сўзлашадиган селектор тугмасини босди. Аппаратдан қўнғироқдек овоз эшитилди:

— Эшитаман, Владимир Сисоевич!

— Ёрдамчига айт, кетаверсин.

— Хўп бўлади.

— Ўзинг олдимга кир.

Кўшқават эман эшиклар очилиб, котиба кирди. У билан бирга кабинетга гўёки баҳор кириб келди — ҳаммаёқни француз атрининг ҳиди тутди. Бу атирни унга яқинда Владимир Сисоевич ўзи совфа қилганди.

Котиба хипча белли, мовий кўзли, лўлиларни кидек қўнғироқ сочли жувон. Унинг кўкраклари тоғорадан тошиб кетаётган ха-

мирдек күпчиб турибди, калта юбкаси остидан оппоқ сонлар үзини күз-күз қиласди.

Владимир Сисоевич жувонни бағрига тортиб, сонларига шапатилади. Жувон нозланди.

— Валичка!

— Лаббай, Владимир Сисоевич?

— Бугун кечқурун бўшмисан? Йўқ-йўқ, баҳона қидирма, қабул қилинмайди. Бир чақчақлашайлик. Сени соғиниб кетдим.

— Қўйинг-е, ҳар куни кўриб турибсиз-ку?

— Кўриш бор-у, ейиш йўқ, жонидан. Бугун, айниқса, иштаҳам карнай.

— Ундаи бўлса, ёқимли иштаҳа! — қиқир-қиқир кулади жувон.

Шу вақт телефонлардан бири жиринглади. Коҷубей гўшакни қулоғига олиб борар экан, котибага фазовий ўпич юборди ва қўли билан «бор, боравер» ишорасини қилди.

## VIII. ШАҲЛО КЎЗЛАР ЮМ-ЮМ ЁШ ТЎКДИ

### 1

Гўзални нотаниш бир йигит оғушида қолдириб, бошқа воқеалар тасвирига киришиб кетган эдик. Шундан бери бир ойча вақт ўтди. Қаҳрамонимизнинг аҳволи не кечди экан?

Мана, яна ўша сирли кошонадамиз. Гўзал диванда, парқу тўшакларга бағрини босиб ётибди. Ёнида курси қўйилган, курси устида жез ликопча, унда бир шиша хориж ичмилиги, бир дона билур қадаҳ. Иймон бўйнига каманд бўлгувчи сочлар совуқ болиш узра паришон тўзғиган. Шаҳло кўзлар намли, гоҳ-гоҳ узун-узун киприклилар узра марварид ёшлилар думалайди. Жувон сархуш эди.

Совуқ хотиралар азоб беради, юрагини тирнайди. Барот деб ўйлагани бегона эркак экан. Нега унга қаршилик қилмади? Нега уни ҳайдашга ўзида куч топмади? Уйғоғу, лекин негадир ухлаётганга, туш кўраётганга ўхшайди. Балки ҳақиқатдан ҳам туш кўраётгандир?! Туш бўлса ҳам даҳшатли туш...

Эсида. Ўша биринчи куни тонгга яқин уйғониб кетди. Ўзини бегона эркак оғушида кўрди-ю, ҳайратдан қотди. Ҳамтўшак

эркакка қүрқа-писа назар ташлади. У донг қотиб ухлаб ётарди. Жувон сөк учиды юриб, эшик олдига борди. Итарди. Очилмади. Икки құллаб ура бошлади. Ташқаридан аәл кишининг «Хозир», дегани эшлилди. Бу вақтда ҳамтүшак йигит ҳам уйғонди, юзида хавотирланип белгилари күринди.

Эшик очилиб, бека пайдо бүлди. Чироқни ёқди. Нимқоронғи хона ёришди. Гүзал лип этиб ўзини ташқарига олди. Орқадан беканинг мастона овози эшлилди:

— Қалай «почча»?

Йигит бошмалдоғини күтариб, зўр ишорасини қилди, кийинишига тутиндиди.

Гүзал ташқары эшик олдида түхтаб қолди. Эшикка қулф урилған, деразаларга темир панжара ўрнатылған. Жувон қафасга тушиб қолған қүш мисол типирчиласа-да, чиқиб кетолмайды. Ҳамон «Туш кўраяпман, уйғонаман-у бу даҳшатлардан қутиласман», деб ўзини ишонтиromoқчи бўлади. Орқадан келган бека жувонни она боласини эркалагандек елкасидан қучиб, юз-кўзларидан ўпади. Гүзал силтаниб, зарда қилади:

— Тегманг менга! Сизни яхши одам десам...

— Айтаверинг, қоқиндик, айтаверинг. Нима десангиз ҳам кўтараман.

— Кўшмачи экансиз...

— Нега ундей дейсиз, қизим?

— Бўлмаса, бу ишингизни қандай тушунса бўлади?

— Нима қипман?

— Яна «Нима қипман?» дейсиз. Ким ана у одам, бу ерда нима қилади?

Бека ҳиринглаб қулади:

— Ҳали танишиб олмадиларингми? Вой, жонгинамни қоқай сиз ёшларга. Аввал танишиб олиш ўрнига фақат муҳаббат билан шуғулланганда йигити тушмагур. Ҳой, Пўлатжон! — ичкаридан кийиниб чиқиб, тошойна олдида галстутини тўғрилаётган йигитга мурожаат қилди бека. — Нега ўзингизни таништирмадингиз? Бу одобдан эмас! Културний одамлар бундай қилишмайди. Ҳай, майли, қизим, хафа бўлманг. Мен ўзим таништира қолай — бу акангиз шаҳримизнинг энг бадавлат одами, катта бир рестаранинг директори Пўлатжон бўладилар.

Гўзални йигитнинг бадавлат эканлиги эмас, балки таниш қиёфаси ўзига тортди. Алп қоматли, кўркам, бошини мағрур тутарди. Таниш қиёфа, таниш одатлар. «Қаерда кўрганман уни, ким ўзи ў?»

Жувон кўнглига келган фикрдан чўчиб тушди. У йигитта бошда-оёқ назар солиб чиқди. «Ўхшайди. Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас!!!»

— Фамилиясини ким дедингиз?

— Кимни сўралпсиз, қоқинидик, Пўлатжонними?

Гўзал боши билан таёдиқ ишорасини қилди.

— Ҳақбердиев. Чўлободда бу фамилияни билмаган одам йўқ.

Оталари ҳам улуғ одам ўтганлар...

Беканинг охирги сўзларини жувон эшигтмади. У ҳушидан кетган эди. Йигит уни озод кўтарди-да, беканинг ўз хонасига олиб кириб, диванга ётқизди.

— Унга нима бўлди, опа? — сўради Пўлат.

— Менга ростини айтинг, Пўлатжон, сизлар танишмисизлар?

— Саволга савол билан жавоб берди бека.

— Йўқ, умримда биринчи марта кўришим.

— Фамилиянгизни эшитиб, қўрқиб кетгандек бўлди. Балки бирорвга ўхшатгандир?

— Қайдам...

## 2

Гўзал қанча ухлаганини билмайди. Ўйғонганида қалбida ғашликдан асар ҳам қолмаганди. Оғир пардалар бир четта суреб қўйилган, хона чароғон.

Рўпарадаги дёворда катта-кичик ромларда суратлар илинган. Туриб томоша қила бошлиди. Биттаси кўзига иссиқ кўринди. Во-ажабо! Ўзининг сурати. Қачон тушган эди бу суратга? Эслай олмади. Кулоқларида ҳар бири шапалоқдек-шапалоқдек зирақлар, бўйнида қатор-қатор маржон. Ҳам ўхшайди, ҳам ўхшамайди.

Хонага атирупа анқиб бека кириб келгандагина хаёлот осмонидан ерга тушди.

— Опа, бу кимнинг сурати?

— Менини. Йигирма йилча бўлди тушганимга.

— Жуда чиройли бўлган экансиз.

— Оҳ, оҳ, чиройли деган гап камлик қиласиди, оғатижон бўлганман! — бека хандон уриб, Гўзални бағрига босди.

— Ҳозир ҳам жуда чиройлисиз.

— Кўнгиллик бермай қўяқолинг. Лекин мен ўз қадрини биладиган одамман. Худо менга ўн, балким юзта аёлга етгулик ҳусн

берган эди. Аммо мени шүрпешона қилиб яратган экан. Ох, тақ-дир не күйларга солмади, не ўйинларга солмади мени, — беканинг сурмали кўзларида ёш ҳалқаланди. — Бир эмас, уч нафар қизимдан тирик айрилганман. Йигирма йилдирки уларнинг на ўлиги, на тиригини билмайман. Кажбаҳт қилиб яратгани учун худони қарғаб яшаяпман-у, аммо ундан бирон марта ҳам нажот сўрамабман. Ёш бир ерга бориб қолган чоғда худони кўп эслайдиган бўлиб қоларкан одам. Қизларим омонми, улар ўз баҳтини топдими ё менга ўхшаб баҳт улардан ҳам коз ўғирдими — менга қоронғи. Бир нарса аён — мени бутун умр қарғаб ўтишади. Ҳа, бунга уларнинг ҳаққи бор!

Бека ёноқларидан думалаб тушган кўзёшларини қўли билан сидириб ташлади-да, зўрма-зўраки табассум қилди:

— Қайгу — умрнинг эгови. Эрк берсанг, тўрут кунда ёб битиради. Беш кунлик дунёда қайгу-ҳасраттга чикора. Келинг, хайё-мона май билан дунё ишларидан қўл ювайлиқ, — шундай деб бека жез ликопчада турган қадаҳларни тўлдирди. — Ичинг, кўнгил дардларига бундан яхшироқ дорини тополмайсиз...

\* \* \*

Беканинг уйи мусофирихонага ўхшайди. Келиб-кетувчилик кўп, аксарияти ўғри мушукка ўхшаб пусиб келиб, пусиб кетади. Баъзан уйнинг ҳамма хоналари «меҳмон»лар билан тўлиб-тошади. Улар орасида ўн гулидан бир гули очилмаган қизлардан тортиб, шарти кетиб парти қолган, сатанг аёллар, алп келбат йигитлару тўридан гўри яқин бўлиб қолган чоллар ҳам бўлади. Уй эмас, ба-айни сирли сандиқ — ҳар кимнинг ўз дарди, ўз давоси бор бунда.

Гўзал қандай одамлар қўлига тушиб қолганини фаҳмлади. Аммо у ҳамиша сарҳуш эди. Бирон бир тадбир қишлоқ учун ўтмас-лапиб қолган зеҳни панд берарди. Аламини кўзёшлари-ю, хайё-мона майдан оларди. Пўлатнинг тез-тез ташрифига ҳам кўниди. Бойвачча олиб келаётган совға-саломларга бир марта бўлса-да, қайрилиб қарамади. Улар бир уюм бўлиб бир четда ётибди.

Бека Пўлатнинг Гўзалга иштиёқи сўниш ўрнига борган сари алангаланаётганидан мамнун. Бойвачча ҳамёнини кенг очиб кўйди. Бека ўз мижозлари учун рангли телевизор, видеомагнитафон сотиб олди. Шу вақтгача топганини милиция, прокуратура ходимларининг оғзини мойлаб туриш учун сарфлаб, «синиш»дан

сақланиб келаёттанды. Энди Пўлатнинг соясида «савобталаб корхона» фаолиятини ривожлантириш ҳақида ўйлай бошлади.

Осмонни қанчалик қалин булут қопламасин, кучли шамол уларни тирқириатиб ҳайдайды, шунда осмон артилган шишадек ялтираб кетади. Гўзал қалбидаги мунг, зеҳнидаги туманлик ҳам ўқтин-ўқтин тарқаб, умид қўёши чарақлайди.

— Нега мени ҳеч ким излаб келмагапти? Дунёда мен шунчалик ёлғизманми?! Отам-чи? Отам оқ қилган, ўлмай туриб кўмган. Отажон, тақдир мендан зўр бўлса, мен нима қиласай! Наҳотки сиз фарзандингизни беному нишон йўқ бўлиб кетишини истайсиз...

Гўзал пайдар-пай май сипқоради. Фам денгизи қуриб, ўрнини жаннатий лаззат эгаллайди. Унинг учун энди гуноҳ ва савоб деган тушунчалар рангсиз бўлиб бормоқда эди...

## IX. ҚОЧИШ

### 1

Соқчилар камерага ёприлиб киришди. Маҳбусларнинг қўлларига кишан уришди. Қора қонига бўялган икки маҳбусни олиб чиқиб кетишиди. Темир қопқа яна гурсиллаб ёпилди.

Туйнукдан тушиб турган ёруғликка қараб вақт бемаҳал бўлганини англади. Барот кўзларини чирт юмиб, бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир эслашга ҳаракат қилди. Уни уйқу ўз оғушига олди.

Туш кўрди. Эшонгузар тоғи этагида, Саркашдарё бўйларида мол боқиб юрганимиш. Бирдан тоғ ўнгуридан бир тўп ёввойи одамлар чиқиб, Баротни ушлаб, қўл-оғенини боғлашди.

— Ўтда пишириб сўмиз, — дейди ёввойилардан бири вишиллаб.

— Пишишини кутишга тоқатим йўқ, қорним оч, хомлигича сйверамиз, — дейди бошқа бири қозиқ тишларини гижирлатиб.

— Мени еманглар, жон акалар, ана, қўйларимдан истаганингизни тутиб сенглар, — деб ялинади Барот.

— Қўй гўшти сйвериб, қон босимим ошиб кетди, сени сўмиз, — деб гувиллашади бир нечтаси.

Баротни ходага ётқизиб, остидан ўт ёқишиади. Аланга баланд ўрлайди, йигитнинг қўллари жаз-жаз куяди. Тишини-тишига қўйиб, бақирмасликка ҳаракат қилади.

Төг қаъриданми, самоданми, қаерданлигини аниқ билмайды, хотиржам қылгувчи садо келади:

— Сабр қыл, болам, сабр қыл. Мен сенга қоғоздан қанот ясаб берама-а-н. Уч, баландроқ уч!

Барот күлларини силкитади. Ўзи ҳам ҳайрон ҳолда күкка күтапилади. Лекин нимадир зўр бериб оёғидан пастга торгади. Кучана-вериб қора терга тушди. Ниҳоят, ёввойилар күздан ғойиб бўлишди.

— Лаънати одамхўрлар, күлларимни куйдириспиди, — деб күлларини силайди. Шу алпозда уйғониб кетди. Ҳақиқатдан ҳам күллари бозиллаб оғриётганди. Кишан кесиб кетган бўлса керак.

Барот бир неча муддат туш таъбирини ўйлаб ётди. Уни мудҳиш ҳислар ўраб олди. Судсиз-сўроқсиз қамашгани етмагандек, ўлдирмоқчи бўлишгани нимаси? Унинг ўлими, албатта, «Мерседес»ли бойваччаларга керак. Ким улар? Ҳибсхонага қотиб юбора оладиган даражада қўллари узуми? Худо бир сақлади, яна сақлармикан?..

Кўрган тушининг таъбиридан сал бўлса-да, дили ёришди. Умид учқунлари пайдо бўлди. Лекин бу учқун ҳали арзимас даражада кичкина эди. Аммо кун ўтган сайин у ҳам сўна бошлади. Йигит тамоман тушкунликка тушган кунлардан бирида бир рус йигити билан икковини машинага солиб, аллақаёққадир олиб кетишиди. Кўп юришди. Манзилга етишганда қош қорайган эди.

Машинадан тушиб, олдинда юришни буюришди. Йигитлар қабристонга келганиларини билиб, сергак тортишиди.

Қабрлардан бири олдида тўхташни буюришди. Сўнг кўлларига белкурак тутқазишиди:

— Ковланглар!

Бирпасда қоронгилик тушди. Милиционерлар қўл фонарлари билан ёритиб туришди. Яна анча фурсат ковлашди. Фонар ёруғида лаҳад оғзи қорайиб кўринди. Димоққа қўланса ҳид урилди.

— Энди биттанг лаҳадга тушиб, мурдани тортиб чиқ!

Рус лаҳадга тушиб. Икковлашиб кафсанланган мурдани суфуриб олишди. Милиционер ва яна икки-уч нафар фуқаро кийимидағилар биргалашиб жасадни юқорига тортиб олдилар ва қабр четига ётқизиб қўйдилар.

Қоронгилик шу даражада қуюқлапдики, бир неча қадам наридаги нарсаларни кўриб бўлмай қолди.

— Фонарларни бу ёқقا тўғрилаб, ёритиб туинглар, — дерди мурдани ёришга киришаётган эксперт.

Бир неча муддат экспертнинг гоҳо арра, гоҳо болта билан ишлаёттани эшитилди турди. Бирдан вишиллаган тоону қулоқда чалинди, сунт уни болта ушлаган экспертнинг фарёди босиб кетди. Мурданинг ёрилган қорнидан билакдек келадиган қора илон ўрмалаб чиқди-да, экспертнинг билагида қонли из қолдирганча тун бағрида кўздан йўқолди. Бу манзарани кўриб турғанлар дуч келган тарафга тирқираб кетиши.

Барот биқининг теккан туртқидан ўзига келди.

— Қочмаймизми? Кейин кеч бўлади.

— Кетдик!

Милиционерлар ўзларига келганда маҳбуслар бу ердан анча олислаб кетишганди.

## 2

Қочоқлар қабристон деворидан ошиб, зулмат қўйнига сингиб кетиши. Анча ергача сўзсиз чопиб бориши.

— Бўлди, бошқа чополмайман, — деди рус йигити ўзини тап-па ерга ташлаб. — Бир пас дам олайлик.

Барот унинг ёнига ёнбошлади.

— Энди нима қиласми? — сўради шериги ҳансираганича.

— Кўзларимга ишонмайман. Бари шундай кутимаганда бўлдики...

— Бу ҳам бизнинг бахтимиз. Ростини айтсан, мен ҳам нима қилишни, қаерга боришни билмай турибман. Шошма, шошма! Мияга бир фикр келди. Ҳозирча шу яқин орадаги танишимникига борсак-чи? Ўзи жуда дилкаш, ишончли одам. Қалай, борасанми?

— Бирга қочдик, бундан кейин ҳам бирга бўламиш.

— Ундай бўлса, олға!

Қочоқлар қоронгилиқда уларни ҳеч ким кўрмаслигини яхши билсалар ҳам эҳтиёткорлик юзасидан пана-пасқамдан йўлга тушдилар. Бир сўдан сўнг осмоннинг бир четида баркашдек ой кўринди. Ҳаммаёқ сутдек ёриши. Олдинда насронийларнинг хоч ўрнатилган қабрлари кўзга ташланди. Барот таққа тўхтади.

— Юравермайсанми?

— Қаерга келиб қолдик?

— Мусулмонларнинг мозоридан қочган эдик, насронийлар мозорига келиб қолдик.

— Бу ерда нима қиласми?

— Мен айтган одам шу мозористоннинг қоровули... Мана, етиб келдик.

Йигитлар пастқамгина кулба олдида тұхташды. Деразадан жинчироқнинг хира шуыласи тушиб турибди. Эшикни аста-секин тақиллатишиди.

— Ким? — зардали товуш зшишилди ичкаридан.

— Максим тоға, бу менман, Андрейман.

Тамба сурилиб, эшик очилди. Үндән паҳмоқ соқолли баш күринди.

— Бир ўзингмисан? Ёнингдаги ким?

— Ичкарига кирайлик, ҳаммасини айтиб бераман, Максим тоға.

Қочоқларни киритиб юбориб, чол зшикни яна тамбалади.

— Қайси жин чалди сенларни, ярим тунда мозористонда сандыб юрибсанлар?

— Максим тоға, шунақа бўлиб қолди. Қамоқдан қочдик, — деди Андрей.

— Бир пас ўтирамиз-у, сўнг кетамиз, — деди шоша-пиша Барот, гўёки қария икковини ҳам ҳайдаб чиқараёттандек.

— Менга деса, бу ерда бир йил ўтирмайсанларми, — кўл силтади чол. — Фақат кейинги пайтларда ҳар қандай қаланғи-қасангилар мозористонга сөрқатнов бўлиб қолишиди. Бир худо билади улар бу ердан нима қидиришларини. Ана, яна битта машина кўринди.

Юк машинаси қоровулхонадан анча ўтиб тўхтади. Шофер жойидан жилмади, унинг ёнида ўтириб келган милиция формасидаги киши машинадан тушиб, гурс-гурс босиб қоровулхона томон кела бошлиди. Йигитлар типирчилаб қолишиди.

— Қочишни билган экансизлар, энди жим ўтиришни ҳам билинглар, — деб койинди Максим тоға. — Милициянинг ўз дарди бор, сенларни бошига урсинми.

Чол тапқарига чиқди. Милиционер у билан нималарни дир гаплашди, гап орасида бир неча марта машина тарафга қараб-қараб қўйди. Кейин бурилиб кетди. Чол қоровулхонага кирди.

— Қани, йигитлар, хизмат чиқиб қолди, бажарамизми?

— Бажарамиз.

— Бўлмаса, кетдик. Манави кетмонларни ҳам олволинглар.

Максим тоға йигитларни қабристоннинг хилват бир четига зргаштириб борди.

— Мана шу ердан гүр қазиши керак, — дейди чол. — Жон керак бўлса, ҳеч нарса сўралмасин. Уқдиларингми?

Барот билан Андрей терлаб ишлашди. Саёзгина қабр тайёр бўлди.

Максим тога машина томон кетди. Бироздан сўнг машина қабр яқинига келиб тұхтади.

— Йигитлар, қарашиб юборинглар, — деди милиционер машина устида туриб.

Шолчага ўралган мурдани кўтариб ерга олишди. Милиционер машина тепасида қолганидан фойдаланиб Андрей шолнинг бир четини кўтариб қаради. Машина чироқларининг ёргулигида мурданинг мажақланган, қонга бўялган боши кўринди. Шоша-пиша шолни ёпди. Буни Максим тогадан бопшка ҳеч ким пайқамади.

«Дафи» маросими тез тамом бўлди. Милиционер чолни бир четта тортиб йигитлар томонга ўқрайиб қараб кўяркан, сўради:

— Йигитларинг ишончли одамларми?

— Ишончли одамлар, — гапни қисқа қилди отахон. Шундан сўнг милиционер шофернинг олдига бориб нимадир деганди, у кабинада тугун олиб узатди.

— Айт, тилларини тийиб юришсин, — деб таъкидлади милиционер йигитлар ҳам эшитадиган қилиб. — Бўлмаса...

Машина орқа чироқлари кўздан гойиб бўлгунча зўраки гўрковлар қараб туриши. Биринчи бўлиб сукунатни Андрей бузди:

— Улай агар, бунақасини тушимда ҳам кўрмаганман. Сирли дафи маросими! Яна милиция назорати остида. На қариндош, на хеш-акрабо. Бунда бир сир бор-ов?

— Шунга ҳайрон қолиб ўтирибсанми? — пўнгиллади чол. — Баъзан бир кечада уч-тўрт жасадни яширинча дафи қилишади. Сураб-суринштирсанг, ўзингни ҳам кўшиб бирга кўмиб юборишади, зангарлар. Яхшиси «оқ тую кўрдингми — йўқ». Уқдингми?

— Уқишига уқдим, тога, лекин миямга ажойиб бир фикр келди, — деди Андрей. — Агар мен прокурор бўлганимда, қанчадан-қанчада сир-асрорларнинг калитини шу ердан — қабристондан қидиргган бўлардим.

— Бўлмагур гапларни миянгдан чиқариб ташла-да, мана буни оч, — деди чол йигитта тугундан икки шиша ароқ олиб узатар экан. — Шоввоздлар, газакка шўр бодринг солишни ҳам унутишмалти.

— Нимада ичамиз, стакан йўқ-ку?

— Башингга кўтар... Ҳа, баракалла Қани, йигит энди сенинг навбатинг.

Галма-галдан ичиб, шишаларни бўшатиши.

— Мен сенга айтсам, оғайничалиш, ўликлар салтанатининг ўзига хос қонун-қоидалари бўлади, — деб сўзамоллик қилди Андрей. — Бугун унинг бир саҳифаси билан танишдик. Тўғрими, тоға?

— Тўғри.

— Сен билан шунча воқсаларни бошдан кечирибмиз-у, ҳали дурустгина танишиб ҳам улгурмабмиз, оғайничалиш, — деди Андрей Баротга қараб. — Дуруст йигит экансан. Менинг исмим Андрей. Олис Украинадан.

Барот ҳам ўз исмини айтиб, қўл узатди.

— Украина қаерда-ю, Ўзбекистон қаерда. Сен бу ерда нима қилиб юрибсан, деб сўрамайсанми?

— Балки ўзинг айтиб берарсан?

— Достоним узун. Эшитишга сабринг чидармикин?

— Сен билан гўристонда йиғлаб топишганмиз-а. Сенинг дардинг — менинг дардим, — деди Барот ўрис биродарининг ҳикояси-ни эшитиш учун қабринг юмшоққина тупроғига ёнбопшлар экан.

### 3

Андрей Киев яқинидаги Петуховка хуторида туғилган. Отаси ўзбек, фарғоналик, исми Ҳомиджон. Армия хизмати даврида уйланган.

Ҳомиджон хизмат қилаётган кўприклар қуриш полки баҳорги тошқин мавсумида қишлоқларни муҳофаза қилиш ишларида қатнашар эди. Чунки мартнинг охири, апрелнинг бошларида Днепр, Десна, Припят, Сейм дарёларида муз кўчиб, сув тошқинлари бошланади. Муз тиқилган жойларда дарёлар тошар, оқибатда минглаб гектар экинзорлар ва қишлоқларни сел босарди. Ана шундай катарнинг олдини олиши мақсадида музни портлатиб, сув йўлини очар, «Амфибия» машиналари билан одамларни хавфсиз жойларга кўчириб қўйишарди. Ҳомиджон ҳам ана шу саперлар сафида эди.

Қаторасига икки йил петуховкаликларга ёрдамга келган Ҳомиджон шу ерлик Мария исмли қизни севиб қолди. Ўтра бўйли, куралай кўз, икки ўрим сочи этагига тушиб турадиган дўндиқки-

на бу қызни күрганда Ҳомиджон она юрти — Фарғона гузаллари-ни күргандек бўлди. Мария рус тилини ҳам яхши билмасди. Ҳомиджон унга ҳам ўрисчани, ҳам ўзбекча гапиришни ўргата бошлади. Мария яхши шогирд чиқиб қолди. Тез орада ўзбекчалаб «Мен сизни севаман», «Мен Фарғонага боришни истайман», деган сўзларни бийрон-бийрон гапириб, «устози»ни мафтун этди.

Сафар охирлаб, аскарлар Киевга қайтадиган кун келди. Ҳарбий техника, асбоб-анжом сафарга тайёр қилиб кўйилди. Фақат командирнинг «Машиналарга!» деган буйругини кутишга япти. Бутун қишлоқ халоскорларини кузатиш учун йўл ёқасига кўчиб чиқкан.

Мария Ҳомиджондан айрилгиси йўқ.

— Мени кут, албатта, келаман! — дерди Ҳомиджон.

— Қачон? Келадиган вақтингни айтиб кет, — дерди кўзларидан шашқатор ёш тўкиб Мария.

— Ҳозир бир нарса дёёлмайман. Лекин вақт топдим дегунча қанот боғлаб учиб келаман.

— Мен сени, албатта, кутаман. *Мен сенга ишонаман!*

Аскарлар жўнаб кетишди. Мариянинг Ҳомиджон билан гаплаб юрганидан рашик қўлган дугоналари тилларига эрк беришди:

— Энди келмайди, сени ташлаб кетди.

— Келади!

— Бунақалардан кўпини кўрганмиз, келмайди.

— Кўрамиз...

Мариянинг дугоналарини рашиқда ўлдириб, Ҳомиджон келди! Нафақат келди, балки Мариянинг ота-онасидан қизларининг қўлини сўради.

Тўй ёзда, дарё соҳилида бўлиб ўтди. Тўйдан сўнг Ҳомиджон яна қисмига қайтиб кетди. Хизматнинг охирги йили бошланган эди. Ҳаш-паш дегунча бир йил ҳам ортда қолди. Бу орада Мария зрига қўйиб қўйгандек ўхшайдиган ўғил туғиб берди. Болага Андрей деб исм қўйдилар.

Бутун хутор Узбекистонга жўнаб кетаётган собиқ аскар оиласини кузатишга чиқди.

— Мария Сисоевна, хат ёзиб тур, бизларни унутиб кетма!

— Албатта, ёзаман.

— Мария, ўғлингни эҳтиёт қил!

— Хўп бўлади.

— Мария, сингилгинам, ўзбек қизлари эрингни тортиб олиб қўйишмасин-а.

— Ақажон, хотиржам бўлинг, эрини бериб қўядиганлардан змасман.

— Мария! Ҳомиджон! Украинада Петуховка деган қишлоқ ҳам борлигини унугиб юборманглар. Келиб туринглар.

— Хўп, омон бўлинглар! Сизларни гўзал Фарғонада кутамиз...

Она қишлоқ. Уч йилда деярли ҳеч нарса ўзгармади. Фақат хотин етаклаб келгани қариндошлирига маъқул бўлмади. Айниқса, отасининг муносабатлари совуқ. У ҳатто неварасини багрига босиб, суйиши ҳам эп кўрмади.

Аскар кўрдига келганиларнинг изи узилиши ҳамон ота бомбадек портлади:

— Сен уругимизда ҳеч ким қилмаган ишни қилинг! Энди мен не юз билан самоварга чиқаман? Одамларнинг кўзига қандай қарайман? Бу ҳақда ҳеч ўйламадингми?!

— Нима ҳилипман? Хотин олиш утгми?

— Уят! Ота- онанинг розилигисиз бир гайдиди хотинни изидаги боласи билан уялмай-нетмай олиб келганинг уят!

— Мақсадингиз нима? Нима қилай, дада?!

— Жўнатиб юбор!

— Боласи бор-ку?

— «Хотин йўлда, бола — белда», деган гап бор. Бунақа болалардан ҳали кўпини кўрасан.

— Ўйлаб галираяпсизми шу галиларни, дада?

— Жўнатиб юбор, қайтиб кўзим кўрмасин!

— Йўқ, дада, жўнатадиган хотиним йўқ!

— Жўнатасан!!

— Хотиним билан ўглим сигмаган ҳовлига мен ҳам сигмайман. Хайр!

Бийқочди чўли. Бу ерга Ҳомиджон ўзини ўзи сургун қилди. Фарғонанинг сўлим боғларини чўлнинг жазира маисиқларига, кўз очирмайдиган шамолларига, виж-виж чивинларига алмашди. Фақат унга, хотинига, фарзандига тинчлик керак эди, холос.

Механизациялашган кўчма колонналардан бирига кассирликка ишга олишди. Қули тўғри, дили тўғри одамни ким ҳам ёмон кўради. Одамларнинг тийин-тийинигача санааб беради. Ҳамма маминун, ҳамма рози.

Кўчма колоннага янги раҳбар келди-ю, ташкилотдан тинчлик йўқолди. Янги бошлиқ туюни тикка ютадиган балоҳўрлардан экан. Прорабларни сохта нарядлар тузиб, пул ёзишга мажбур қиласар, бу

пулларнинг катта қисмини киссасига уриб, қолганларга арзимаган улуш ажратарди. Ишламаган тишлаб, ишлаган бармоқ сўриб қолаверди. Одамлар ўртасида норозилик кучайди. Ана шунда кимдир бу ҳақда республиканинг отахон газетасига шикоят ёзиб юборишини таклиф қилди. Шундай қилишди ҳам.

Шикоятни текшириш учун мухбир келди. Мухбир хатта имзо кўйганларнинг барчаси билан бир-бир учрашди, қўшимча маълумотлар олди. Мухбирнинг ким билан учрашгани, унга нималар дейишгани ПМК бошлиғига оқизмай-томизмай етказиб турилди. Бошлиқ аввалига мухбирни меҳмон қилиб, оғзини мойлаш пайида бўлди, қарасаки, у сотиладиганлардан змас. «Сен менинг ошимни смасанг, мен сенинг бошингни сўман!» деган нијатни дилига тугди, аммо сиртига чиқармади.

Мухбир водий томондан экан. Ҳомиджон билан қариб ҳамқашлоқ чиқиб қолди. Бир ҳафта давомида ПМКнинг ётоқхонасига бормай Ҳомиджоннинг вагон уйчасида ётиб юрди. Бундан колонна бошлиғининг ичидан қиринди ўтди. Унинг тахминича, мухбир тайёрланган ҳужжатлар Ташкенттacha ётиб борса, иш судлик бўлади. Қандай бўлмасин, ҳужжатларни олиб қолиш керак. Аммо қандай қилиб?

Мухбир учрашадиган одамлари билан учрашиб, керакли ҳужжатларни тайёрлаб, кетадиган бўлди. Тоигда Ҳомиджон меҳмонни «Урал» мотоциклининг кажавасига миндириб, Ҷўлобод йўлига чиқариб қўйиш учун отланди.

Вақт пешиндан оғди ҳамки Ҳомиджондан дарак йўқ. Ваҳоланки, 20 километрлик йўлга бу вақтда икки марта бориб келса бўларди. Мариянинг дилига гулув тушиб, икки-уч марта йўл босига бориб, қараб келди.

Шомга япон шумхабар келди. Ҷўлободнинг катта йўлидан анча берида, кум барханлари орасида Ҳомиджон мотоциклли «ЗИЛ» машинасининг тагига кириб кетибди. Мотоцикл ёнган. Ҳомиджон ҳам, ёнидаги йўловчи ҳам ўша жойда ёниб ўлган. Мотоцикл кажавасидан бир неча дона арақдан бўшаган шишалар топилган. «Мотоциклдагилар гирт маст экан», деган гап тарқалди.

Шумхабарни эшитиб Мария соchlари тўзғиган, бир абгор ҳолатда авария бўлган жойга ётиб келди. Жасадларни олиб кетишиган, қум тепалик устида куйиб, қорайиб кетган бир уюм темир-терсак қолганди.

Бечора аёл эрининг бўкканча ичмаслигини биларди. Кечаке маҳмон билан озроқ исча-ичтандир. Аммо мотоциклни идора

Қилолмайдиган даражада маст бўлиши мумкин эмас. Гап бошқа ёқда. Тунда мезбон билан меҳмоннинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, ПМК бошлиғига қарши қандайдир ҳужжатлар тўпланганини билиб олди. Ўшандаёқ юрагига ваҳима пусиб кирган, туни билан мижжа қоқмай чиққанди.

Мария тунда эшитганларини қофозга тушириб, прокурорга топширди.

— Эртага келинг, — дейишди.

Бундай эрталар эрталарга уланиб кетди. Натижа бўлмади.

— Эрингиз ўзи айбдор экан, — дейишди унга ниҳоят. — Унинг айби билан зўр фельетончи журналист ҳалок бўлди. Эрингизнинг баҳти бор экан, ўлиб қутилди. Акс ҳолда бугун қора курсида ўтирган бўларди. Сизга маслаҳат шу — идорама-идора юриб одамларни ишдан қолдиришни бас қилинг! Бўлмаса, соф вижонли одамларга тұхмат қилганлиқда айбланиб, ўзингиз жавобгарликка тортиласиз. Буни дўстона маслаҳат ё расмий огоҳлантириш, деб тушунасизми — сизга ҳавола. Чиқинг!

Мария қулоқларига ишонмади. Ахир ҳозиргина «Чиқинг!» деб амр қилган одам шу кунгача унга далда бериб, қўллагандек бўлиб келаётганди-ку? Демак, бу ҳам сотилибди-да!

Эрининг қотиллари ўғлининг жонига ҳам қасд қилишдан той-масликларини фаҳмлаб даҳшат ичидა қолди. Ўз даъвосидан кечганилигини билдириб қўйиш мақсадида турли маҳкамаларга берган аризаларини қайтариб олди ва амалдорларнинг кўзи олдида йиртиб ташлади. ПМК бошлиғи мамнун тиржайди. У мақсадига етган эди.

— Болажоним, пешонамиш шўр экан. Кетамиш энди бу ерлардан, — деди бечора она ўғлининг бошини бағрига босиб. — Фанимларнинг қўли етмайдиган ерларга кетамиш. Бир кун бўлмаса, бир кун отангнинг қабрини излаб келарсан. Ўшанда мен учун ҳам зиёрат қил...

Андрей ҳикоясини давом эттириди:

— Кунлардан бир кун онам мени бағрига босганча, бир сидра кийим, озиқ-овқат солинган кичкина тугунча билан йўлга чиқади. Йўловчи машина билан шаҳарга етиб олади. Яхши одамлар Украинага етиб олишимизга ёрдамлашадилар. Бу гаплардан мен роса йигирма ёшга тўлган куним хабардор бўлдим. Онам йиглаб сўзлаб берди. Шундан бери отам қабрини зиёрат қилишни мақсад қилганман. Ниҳоят, онамдан ижозат тегди. Қанот боғлаб учдим.

Афсус, афсус, мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Йўлда бор-будимни ўмариб кетишиди. Ҳеч вақосиз қолдим. Ялиниб-ёлвориб бир кичкина корхонага вақтингчалик ишга кирдим. Мен ишга кирган ташкилотта ўғри тушди. Ҳе йўқ, бе йўқ, мендан гумон қилиб, қамаб қўйишиди. Қамалишимнинг сабаби шу. Лекин ҳали бу ҳаммаси эмас. Онамнинг акаси — тогам Ўзбекистоннинг қайсиидир бир вилоятига ишга юборилган. Қаергалигини аниқ билмайман. Уни топишм керак. Сўнг отамнинг қабрини, албатта, излаб топаман. Топармиканман, сен нима деб ўйлайсан?

— Биз ўзбекларда «Ялши ният — ярим давлат», деган мақол бор, оғайни, ниятни яхши қилавер...

## X. ТЎЙДАГИ «ТОМОША»

### I

Кўпприк устидаги муштлашувдан сўнг Ҳафиз бир неча кун шифохонада ётишга мажбур бўлди. Тепки ёмон теккан экан — иягида чандиқ қолди.

У касалхонада кунларни бекор ўтказгани йўқ, муштлашув куни бирга бўлган «улфати-чор»лари — Уйғун, Санжар, Абдини ёнига чақириб, «қаратест»нинг суробини тўғрилаб қўядиган одам топиш ҳақида бош қотиришарди.

— Биттаси бор. Аммо-лекин катта пул сўрайди, — деб гап топиб келди Уйғун.

— Оғиздан чиққанини бермаган номард. Учраштири, ўша билан!

— Хўп, бўлади.

Учрашдилар.

— Қандай буюртма бор? — сўради учрашувга икки киши бўлиб келган кавказлик йигитлардан новчаси.

— Бир кишини қўрқитиб қўйиш керак.

— Шундай арзимаган иш учун бизларни овора қилиб юриб-сизларми?!

— Башарти... одам ўлдириш бўлса-чи?

— Бу бошқа гап.

— Гап бундай...

— Клиент қамоқда ўтиргани ишни мураккаблаштиради, — деди «киллер». — Унинг чиқишини кутолмаймиз. Соққани каттароқ құлсанғ, таваккал қилиб күрамиз.

— Бу йигитча гал! Пулнинг ярмини ҳозир, қолганини буюртма бажарылғандан сұнг оласан.

— Қамоқхонага кириш осон змас. Бунинг учун бир одамнинг оғзини мойлашымыз керак. У ҳам нақдига ўйнайды. Шунинг учдан иккى қисмими ҳозир берасан.

— Ҳа, яхши. Фақат алдаб кетиш бўлмасин.

— Сен бизни ерга ураяпсан! Бизлар автобусларда юрадиган киссавурлар змасмиз. Профессионалнинг сўзи-сўзи!..

Ҳафиз касалхонадан чиқасолиб, жўраларига қўнгироқ қилди:

— Алло?

— Улугбек, сенмисан? Бу мен Ҳафизман.

— Қаттаң телефон қиляпсан?

— Ўйдан.

— Табриклайман! Бутунлай жавоб беришдими?

— Ҳа, бутунлай. Жўра, бир маишат қилайлик-а, роса зерниб кетдим.

— Ваҳ-ваҳ, маишат деган тилларингдан ўзим ойнанай! Бор экансан-у!

— Бўлмаса, тез етиб кел. Санжар билан Абдини ҳам олиб кел!

— Ҳафиз ҳамсуҳбатининг жавобини ҳам кутмасдан, тугмачаларни босиб, яна рақам терди.

— «Соҳилбўй» эшитади?

— Пўлат Қаюмовични чақириб қўйинг.

— Ким сўрайлти?

— Танишлариман.

Анчадан сұнг гўшақдан дўриллаган зардали товуш эшитилди:

— Ким керак?

— Пўлат Қаюмович, бу менман.

— Танимадим, кимсан?

— Ҳафизман.

Пўлат Қаюмовичнинг овозидаги дўриллаш ўрнини мутелик оҳангы згаллади:

— Иби, Ҳафижон, бу сизмисиз? Ассалому алайкум, укажон! Танимай қолибман, мингга кирасиз энди. Қалай, тузалиб чиқдингизми? Тунов куни бордим, дам олаётган экансиз. Безовта қылгим келмади.

- Айтишди, раҳмат. Сизга хизмат бор эди?
- Хизмат бўлса, бош устига.
- Бугун жўралар билан бир ўтиришмоқчи эдик.
- Яхши ўйлабсиз. Қайси зални тайёрлатай?
- Ҳамиша ўзимиз ўтирадиган кичик зални-да.
- Хўп, бўлади. Қачон келасизлар?
- Узоги билан бир-икки соатлар ичидаги ўтамиз.
- Маъқул.
- Бозор-ўчар дегандек?
- Э, одамни уялтирганг-да, Ҳафизжон! Нарса кўтариб юриш сизга ярашмайди.
- Кўришгунча.
- Хайр, укајон, хайр...

## 2

«Соҳилбўйи» ресторани шаҳардан анча чекка жойда, табиатнинг бетакрор гўзал билан бурчаги — Саркашдарё қирғоғига яқин жойда бунёд этилган. Аслида бу жой вилоят казо-казоларининг дам олиш жойи эди. Маъмурӣ дабдабозликларга қарши кураш ҳақида ҳукумат қарори чиққач, ресторан ва оромгоҳ «халқ»қа қайтарилиди. Шарқ мөъморчилиги асосида қурилган ресторанда катта ва кичик заллардан ташқари йигирмага яқин маҳсус хосхоналар ҳам мавжуд эди.

Улардан баъзиларига стол-столдан ташқари юмшоқ мебеллар ҳам қўйилган, хуллас, истироҳат қилиш учун ҳамма шароит муҳайё этилган. Ойнаванд залга кирган киши Лотин Америкасидан олиб келинган ўсимликлар дунёсига тушиб қолади. Мармар ҳовузда сузиб юрган олтин балиқчалар дилни яшнатади. Камалак рангда отилиб чиқаётган фавворадан сув зарралари сачраб, денгиз соҳилларини ёдга туширади.

Ресторанинг Ҳафизга ўхшаган кунда-шунда мижозлари кўп. Улар ҳам шаҳарлик амалдорларнинг ўзлари ва уларнинг арзандалари. Паҳтакор ёки чўпоннинг қовурғаси кўтартмайди бу ерда дам олиб, тамадди қилишни. Бели бақувватроқ кишилар ресторанда никоҳ тўйларини ўтказадилар, бу билан ўзларининг нақадар замонавий, бой-бадавлат одамлар эканликларини кўз-кўз қиласидилар. Умуман, бу жой Ҳафиз ва унинг жўраларига бекорга ёкиб қолмаганди.

Бугун кичик зал Ҳафизнинг иктиёрида. Дастурхонда ҳамма нарса тайёр. Чинни ликопчаларда йўғонлиги ўрта бармоқдай келадиган қўлбола сигара. Қаҳрамонларимиз ана шу сигараларни дастурхондаги барча нарсадан ҳам хуш кўришади.

Пастлатиб қўйилган магнитафондан Ҳафизнинг ўзи ижро этган севимли қўшиғи янграяпти. Йигитлар қўшиқ оҳангига тебранишиди, кўзлар ярим юмилган. Бироннинг бирор билан иши йўқдек гўё. Аммо бу вақтингчалик ҳол. Май ва сигара ҳонни кўпиртиради. Тиллар қичийди. Оёқлар тапир-тупур рақсга тушиб кетади.

Бирдан катта зал томондан эстрада ноғорасининг жаранглани эшитилди. Хуш-хандон қийқириқлар янгради.

— Официант! — қичқирди Ҳафиз.

— Лаббай, ака?

— У ёқда нима булаяпти?

— Тўй.

— Келин-куёвми?

— Ҳа, келин-куёв.

— Чиройлимни?

— Ким?

— Келин.

— Ҳали юзини кўрмадим.

— Бор, кўриб кел! Пўлат Қаюмовичниям чақир!

— Хўп, бўлади.

Пўлат Қаюмович куттириб қўймади. У ҳам бошлиғи, ҳам устози, ҳам бало-қазо келса ишонган қалқони, кимсан вилоят матлубот бошқармасининг раисининг арзандаси билан кўғдан бери дўст тутинган. Аслида Пўлатнинг «Соҳилбўйи» ресторанини қўлга киритишида амакисидан кўра жиянининг ҳиссаси катта бўлганди. Шунинг учун Ҳафизнинг тез-тез қуюшқондан чиқиб, ҳурмача қилиқлар кўрсатишига аҳамият бермайди.

Давра Пўлат Қаюмовични шодон қийқириқлар билан кутиб олди. У қўлидаги «Напалеон» конягини столга қўйди:

— Сизнинг соғлиғингиз учун ичамиз, Ҳафизжон!

— Улуғбек, оч, қадаҳларга қуй! Бир қатра қолдирган...

Қадаҳлар майга тўлдирилди.

— Пўлат Қаюмович, акажонгинам, мен сизни ўзимдан ҳам кўпроқ ҳурмат қиласман. Шунинг учун қадаҳ сўзини сиздан эшигамиз.

— Раҳмат, Ҳафизжон, раҳмат! Мени сиз ҳурмат қиласар экансиз, сизни худо ҳурмат қиласин. Абадий дўстлигимиз учун ичиши таклиф қиласан. Олайлиг-у, олдирмайлик, йигит ўлмайлик, дейман-да.

— Яш-ш-анг, ака! Бор бўлинг. Қани, йигитлар. Кетдик!

Катта залда эстрада ноғоралари юқори пардаларда гумбурлади.

— Официант!

— Қулоғим сизда, ака, эшитаман?

— Қулоғинг ўзингта сийлов, мен айтганни нима қилдинг?

— Қайси айтганингизни?

— Келиннинг юзини кўриб кел, демабидим?

— Кўриб келдим.

— Хўш, қалай, чиройлими?

— Келин бўлгандан кейин чиройли бўлади-да.

Кулипди.

— Кетсам майлами?

— Тўхтаб тур. Манавиларни менинг, йўқ, ҳаммамизнинг ноғимиздан келин пош-ша-га олиб бор! Тушундингми?

— Тушундим.

Официант патнис тўла ноз-неъматни кўтариб жўнади.

Қўшни залда нотаниш хонанда Ҳафизнинг кўшиғими бошлаб юборди. Ҳафизнинг назарида қўшиқ ниҳоятда нўноқлик билан ижро этилаётган зса-да, давра танимсиз олқишларди. Шу пайт патнис кўтариб, официант кириб келди.

— Мана, жавоб совғаси, — деди у патнисдаги нарсаларни столга олиб қўяркан. — Ҳафиз ака, сизга хат ҳам бор.

— Кимдан?

— Келин-куёвдан.

— Ундай бўлса, бу ёққа ол!

Ҳафиз юз-кўзига тушиб турган патила сочларини бир силтаб, орқасига ўтказди-да, хатга кўз югуртириди.

— Диққат, диққат! Ўқийман: «Ҳафизжон ака!» Во-еї, акажон деган тилларингдан. «Ҳафизжон ака, сизни машҳур эстрада хонандаси сифатида яхши биламиш ва ҳурмат қиласиз. Тўйимизда бир жуфт қўшиқ айтиб бериб, бизларни баҳтиёр қиласиз, деб умид қиласиз. Ўртоқларингиз билан даврамизга марҳамат қилишингизни сўраймиз!..»

— Хўш, бунга нимай дейсизлар, борамизми?

— Албатта, борамиз! — бир овозда жүр бўлиши жўралар.

— Қани, бўлмаса, кетдик.

Даврабоши йигит даврага янги меҳмонлар ташриф буюришганини, улар орасида бир қанча халқаро фестивалларнинг лауреати Ҳафизжон ҳам борлигини эълон қилганида қий-чув бўлиб кетди.

— Келин ва куёв тўрани табриклиш учун сўз эстрада юлдузи Ҳафизжонга! — деб эълон қилиб юборди даврабоши одамларнинг тоқатини-тоқ қилмасдан. Унинг гапларини маъқуллаб эстрада гумбурлади.

Ҳафиз қўлларини кўксига қўйиб, аввал келин-куёв тарафга, кейин бошқаларга таъзим бажо этиб, микрофонни олди:

— Санъатимиznинг азиз шинавандалари! Ҳурматли келин-куёв! Аҳли давра! Сизларнинг талабларингизга мувофиқ мен ҳозир ўзимнинг зинг сара қўшиқларимни шу кеччанинг қўштириноқ ичидаги айборлари бўлмиш келин ва куёвга тўёна қилмоқчиман!

Қўшиқнинг илк сўзлари янграши билан даврада ажойиб жонланиш бошлианди. Ширакайф йигит-қизлар даврада йўргалай кетишиди. Кимдир Ҳафизнинг киссасига пул тиқди. Буни кўриб, бошқа бири ўз дўшисини хонандага кийгизиб, иккита ўн сўмликни қистирди. Шундан сўнг қистир-қистир авж олди. Пул дегани қордек ёғди.

Ҳафиз давра айланиб, қўшиқ айта-айта келин-куёвнинг олдига келди. Ёшлар санъаткорнинг ҳурмати учун ўринларидан турриб, таъзимга эгилдилар. Ҳафиз киссасидан бир ҳовуч пул олиб, ҳамон таъзимда турган келин-куёвнинг бошидан сочиб юборди. Бўлди чапак, бўлди қий-чув. Ҳафиз куёвни даврага, ўйинга таклиф этди. Йигит ноилож, даврага чиқди.

Бир пайт Ҳафиз куёвни давра ўртасида қолдириб, муқом билан йўргалаб, келиннинг қошига келди. Унинг бошидан пул сочди. Бу гал уни олқишлочилар унча кўп эмасди. Қиз ийманиб, ерга қадар эгилар, шилқим хонандадан қутилиш учун дугоналарининг пинжига тиқиларди. Ҳафиз келинчакнинг билагидан маҳкам ушлади-да, даврага тортиб чиқарди. Сўнг қўлидаги микрофонни дуч келган тарафга улоқтириб, оппоқ фариштадек келинчакка ёпишиб, дуч келган еридан ўпа кетди.

Қий-чув кўтарилди.

Эстрада ногораси бир даранглади-да, тинди. Кўпчилик бўлиб келинни Ҳафизнинг қўлидан ажратиб олишди. Хонанда маст туядек тўрт томонга ташланиб, бирорни сўқади, бирорни уради. Бошқалар ҳам ҳақларини қолдираётганлари йўқ. Келин қўрқув-

дан дир-дир титрайди. Этагигача йиртилган оқ либос остидан кумушдек бадани очилиб қолганини ҳис этмайди. Бу манзара-дан эркаг-у аёл уятдан ёниб, күзини олиб қочишга уринади. Ким-дир костюмини ечиб, қизнинг елкасига ташлади.

Пўлат Қаюмович томонларни муросага келтиргунча анча овора бўлди. Келиннинг отаси савдо ходими ва бунинг устига Ҳафизнинг амакиси билан анча-мунча танишлиги бор эканлиги-ни тасодифан билиб қолмаса иш расво бўларди.

Хуллас, ҳаммаси силлиққина якун топди...

## XI. ПОЛКОВНИКНИНГ ШАХСИЙ АГЕНТИ

### 1

Қорабоев Кочубейдек қудратли рақиб билан ярашиб олган бўлса-да, кўнглининг бир четидаги ғашлик камаймади. Айниқса, ДАН инспектори Қаландар Шарипов (Лўли) нинг сирли ўлими милиция учун шармандалик, душманлари учун дастак, баҳона! Қорабоевнинг ўзи учун фожиа! Фожиалиги шундаки, Кочубей энди уни истаган пайтида эшак қилиб хоҳласа тўқим солиб минади, хоҳласа — яйдоқ. Айтди-ку «Нўхтанг кўлимдада!» деб. Тўғри, улар ярашидилар, аммо кекчи амалдор уни ҳеч ҳам кечирмаслигини сезиб турибди. Полковникни ер билан битта қилиш учун қўлидаги далиллар ҳали етарли эмасга ўхшайди. Далиллар етарли бўлган куни полковник Қорабоевнинг куни битади.

— Йўқ, ўртоқ Кочубей, чучварани хом санабсан! Икки оғиз ширин сўзларинг зартага заҳарга айланишини, елкамга қоққан «меҳрибон» қўлларинг бўғзимдан олишини кутиб ўтирадиган лақма йўқ! Сен шохида юрсанг, мей баргида юраман. Кўрамиз, ким-кимнинг бошини ер экан!

Қорабоев ички нидосига қулоқ тутди:

— Хўш, сен Владимир Сисоевич Кочубей ҳақида нималарни биласан?

— Порахўрлигини. Эшназар Жўраевдан порага «Волга» олганини.

— Бу яхши. Пора олганини исботлайдиган ҳужжатларинг борми? Гувоҳлар-чи?

- Ҳозирча йўқ.  
— Афсус.  
— Аммо бўлади.  
— Дуруст. Яна нималарни биласан?  
— Мансаб сотиши жиноятининг ташкилотчиларидан бири эканлигини.  
— Қани далил?  
— Ҳозирча йўқ. Топаман. Кўнглим сезиб турибди.  
— Кўнгилни ҳужжатга тикиб бўлмайди. Ўзинг шундай дейсанку. Сенга бир маслаҳат берайми?  
— Қулоғим сенда?  
— Коҷубей ва бошқа рақибларингнинг босган ҳар бир қадамини кузатиб юриб, сенга айтиб турадиган одам керак. Ана шунда ҳозиргилик ер чизиб ўтирайсан, ҳужумга ўтасан.  
Қорабоев йўқотган нарсасини топиб олган боладек қувониб кетди. Кўнгироқ тумасини босиб, наъбатчи милиционерни чақирди ва унга яқинда ишга келган лейтенантни сринг остидан бўлса ҳам топишни буюрди.

## 2

Шуҳрат милиция мактабини имтиёзли диплом билан тамомлади. Шу сабабли қаерга бориб ишлаш ҳуқуқини унинг ўзига ҳавола қилишди.

— Ҷўлободга юборишларингизни сўрайман,— деди ёш офицер ҳеч иккilanmasdan. Ваҳоланки, унинг учун пойтахт милициясининг ҳамма эшиклари кенг очиб қўйилганди.

— Яхши ўйлаб кўрдингизми? Тошкентда қолиб ишлап имкониятингиз бор.

— Пойтахтда ишлаш қочмас, ҳозир оғир участкаларда ишлаб тажриба орттиришимга рухсат этишларингизни сўрайман.

Тошкент қаерда-ю, Чўлобод қаерда! Сўққабошлиги сабаб «ит ётиш, мирза туриш». «Пахтазор» маҳалласидаги кўп қаватли уйдан берилган хонада яшайди. У хизматта тонг саҳарда кетиб, хуфтонга яқин қўйтиши сабабли қўшилари билан танишиб улгургани йўқ. Ҳатто рўпарадаги 8-квартирада кимлар яшашини ҳам дуруст билмайди. Доим дуч келган ошхонада тамадди қиласди, кўпинча ишга берилиб кетганидан, овқатланишини ҳам унитади. Ана шундай пайтларда бир пиёла чой ва қотган нон билан кифояланиб қўяқолади.

Назарий билим кучли бўлгани билан ҳаётий тажриба кам бўлса қийин экан. Шу соҳада милиция мактаби берган билимлар ниҳоятда гарниблиги яққол сезилади. Ана шу кемтикни тўлдириш, саволларга жавоб топиш учун мук тушиб, китоб варақлади. Хуллас, вақтида овқатланмаслик, кўп ишлаш, чўлдан зсадиган гармесел Шуҳратнинг ўз избораси билан айтганда уни «оппоққина, лўмилаган боладан қоп-қора саҳройи»га айлантириб қўйди. Аммо бу қийинчилликлар ўткинчи эканлигига, олдинда уни яхши кунлар кутишига ишонарди.

Шуҳрат ҳунар-техника билим юргида тарбияси оғир болалар билан сұхбат ўтказаётганда участка нозири ҳаллослаб кириб келди.

— Тез бўлинг, сизни бошқарма бошлиғи полковник Қорабоев икки соатдан бери қидиртираяпти.

— Тинчликми?

— Ҳеч нарса дейиншмади. «Ер остидан бўлса ҳам топ!» деган буйруқни олдим-у, бу ёққа чопдим. Шуҳратжон, биронта амалдорнинг боласига қаттиқ-қуруқ гапириб қўйганингиз йўқми?

— Йўқ. Нима эди?

— Ўзим шундай...

Бошқарма бошлигининг қабулхонасида беш-олти киши на-вбат кутиб ўтиради. Шуҳрат уларга салом берди-да, навбатчи милиционерга полковник Қорабоевнинг чақириғи бўйича келганини айтди.

— Қаерларда юрибсиз? Суриштирмаган жойимиз қолмади, — деди старшина қўлидаги ишини бир четта қўйиб, селектор тут масини босди:

— Ўртоқ полковник, лейтенант Миролимов келди. Кутсинми?

— Кирсан!

Шуҳрат кириши билан полковник ҳузуридаги майор билан хайрлашди.

— Ўртоқ полковник, лейтенант Миролимов буйруғингизга мувофиқ етиб келди!

— Салом, лейтенант.

— Салом, ўртоқ полковник!

— Ҳўш, қани, мана бу ёққа ўтир-чи.

Шуҳрат полковник кўрсатган юмшоқ стулга ўтирди. Ҷўнтагидан ён дафтарини ва ручка олиб, топшириқни ёзиб олишга чоғланди.

— Ёзишингнинг кераги йўқ, — деди Қорабоев, Шуҳратнинг рўпарасига ўтиб ўтиаркан. — Гап бундай...

Милиционер бўлиш саккизинчи синфгача Шуҳратнинг тушига ҳам кирмаганди. Бир тасодиф туфайли шу касбга рағбат пайдо бўлди.

Шуҳрат қишлоқ боласи. Қишлоғи Тошкентгача бир қадам. Қўй-қўзи, сигир-бузоқ дегани ҳар бир ҳовлида бор. Қишлоқнинг икки тарафи пахтазор, бир тарафи шаҳарга туташ. Трамвайнинг охирги бекати кўриниб туради. Ана шу ерда мол боқиш учун кафтдеккина яйлов бор. Мактабга бормай қолган болаларни комиссия келиш ҳавфи бўлса, муаллимлар шу ердан топишади.

Шуҳрат ҳам навбати келса тенгқурлари сингари чиқиб, бир кун мол боқиб беради.

Кун энди пешиндан оққан пайт. Шуҳрат «Сариқ девнинг ўлими» саргузашт китобига боши билан шўнгиган. Онда-сонда бош кўтариб, молларга кўз югуртиради-да, сурувдаги битта-яримта «тартиббузар»га рогатқадан «ўқ»узади. Сўнг яна китоб саҳифаларига шўнгийди.

Бола яйловга «Жигули» келиб тўхтаганини ҳам сезмай қолди. Машинадан икки киши тушиб, молларга оралади. Иккови биттадан семиз қўйни ушлаб, машина тарафга юришди. Қўйларнинг таъсир-тусуридан Шуҳрат бошини кўтариб қаради. Қарди-ю, машина юхонасига қўйларни тиқаётган одамларни кўрди. Турсалиб ўша ёққа югурди. Унгача машина қаттиқ газ бериб жойидан қўзғалди. Ўнгир билан ўралган яйловдан фақат битта йўлдан чиқиб кетса бўларди. Шуҳрат ана шу йўлга қараб чопди.

— Тўхта, қўйларни қолдириб кет!

Чопиб бораяпти-ю, кечқурун бўладиган кўнгилсизликларни ўйлади. Қўли ўз-ўзидан чўнтағидаги рогаткани олади. Залворли тошни рогаткага солиб, отишга чоғланади.

Машина тикка бостириб келаяпти. Тўхтап хаёлига ҳам келгани йўқ. Бола машинанинг олд ойнасини мўлжалга олиб «ўқ»узди. Қарисиллаган товуш эшитилди ва ҳавога минглаб оппоқ капалақчалар кўтарилиди. Бу машина ойнасининг дув тўкилган синиқлари эди.

Бола ўзини аранг четта олиб қолди. У ҳозиргина турган ердан «Жигули» ярадор йиртқиҷдек ўкириб ўтди-да, биланглаб бориб, йўл четидаги тутга урилди. Тут машинани икки қадам наридаги жарга қулашдан сақлаб қолди.

Шуҳрат қишлоққа бориб бўлган воқеани айтиб берди. Одамлар етиб келишганда дабдала бўлган машинадан аранг чиқиб

олган, афт-ангари қон икки ўғри құлтиқлашғанча кетіб борарди. Уларни ушлаб, милицияга топширишди.

Күнлардан бир күн ўқувчиларни мактабнинг мажлислар залиға түплашди. «Район милициясининг бошлиғи келган», деган миши-миш тез тарқалди. Шуҳратнинг ранги қочди, юраги гуп-гуп ура бошлади. Кўрқаётганини сир бермасдан, бошқалар қато-ри йигилиш залига кириб, бир четдан жой эгаллади.

Мажлис ҳайъатида семиз милиционер, мактаб директори ва яна икки-уч нотаниш киши жой олган. Мактаб директори сўз олди:

— Хурматли болалар, азиз қасбдошлар! — деди у овозидаги ҳаяжонни босолмай. — Районимиз милициясининг бошлиғи бугун сизлар билан учрашиш учун мактабимизга ташриф буюрдилар. Ташриф сабабини сизларга ўзлари айтиб берадилар. Марҳамат!

Милиция бошлиғи бир неча марта томоқ қириб олди. Ҳар доим жиноятчилару тартиббузарлар, олибсостарлару товламачилар билан гаплашавериб, нутқи ҳам дағаллашиб кетган милиция бошлиғи рўпарасида битта ҳам гуноҳкор, ўғри, муттаҳам ўтирганлиги сабабли гапни нимадан бошлашни билмай шошиб қолди. У бегуноҳ одамларга қаттиқ тегиб кетиши мумкин бўлган сўзларни бир четга қўйиб, бисотидаги чанг босиб ётган ширин сўзларни таълаб-таълаб гапира бошлади:

— Азиз ўқувчилар, муҳтарам педагоглар! Донишманлардан бири «Ҳал қылувчи паллада тўғри қарор қилишдан қаҳрамонликкача бир қадам», деб айтган экан. Қаҳрамон бўлиш учун «сурушда қатнашиш керак», деб ўйлайдиган кишилар като қила-дилар. Турмушимизда қаҳрамонлик учун ҳамма вақт ўрин бор. Кўпинча орамизда юрган қаҳрамонларни сезмаймиз. Улар ҳеч қачон қилган ишлари билан мақтанмайдилар.

Милиция бошлиғи муштига йўталиб олди-да, давом этди:

— Кўп вақтдан бери ҳалқ мулкини талаш билан шуғулланиб келган жиноятчилар қўлга олинди. Мол ўғирлашга мослашган бу ўғрилар беш йил ичida фуқароларнинг 50 боз қорамолини, 300 га яқин майдада шохли кўй-эчкисини ўғирлаб кетишган. Ўғирланган молларни бозорларда ўтирган ҳамтовоқ қассоблар орқали сўйиб сотишган. Жойларда уларнинг шериклари бўлган.

Милиция бошлиғи муштига йўталиб олди-да, залга сўзсиз кўз юргутирди. Сўнг:

— Миролимов Шуҳрат деган бола бу ёққа чиқсин, — деб эълон қилди. Болалар гув этиб туриб, залдан Шуҳратни қидира бош-

лашди. Нафақат болалар, балки муаллимлар ҳам саросимага түшиб, шивир-шивир бошланди:

- Ўғриларга шерик эканми? Вой, писмиң-ей!
  - Мактабимиз шаънига яхши бўлмади-да.
  - Милиция бошлигининг ўзи келганида гап бор экан-да, а?
  - Шошмай тур, ҳозир ҳаммасини билиб оламиз.
- Шуҳрат нима қиласини билмай қолди.
- Саккизинчи «а»дан Миролимов Шуҳрат, қаердасан?

Ўрнингдан тур,— деди мактаб директори.

Шуҳрат тўплангандарнинг нафрат, ачиниш, лоқайд нигоҳлари остида юриб олдинга чиқди.

— Энди район ички ишлар бўлмининг буйрганини ўқиб эшигтираман,— деди милиция бошлиғи, папкасидан қофоз оларкан.— «Буйруқ. Кўп вақтдан бери халқнинг қўй-эчкисини, сигир-бузогини ўғирлаш билан шугулланиб келган...»

Шу ерга келганда милиция бошлигининг томоги хириллаб қолди. У қофоздан бош кўтариб, сув сўради. Залда шивир-шивир кучайди:

- Бечора отасига жабр бўладиган бўлди. Бироннинг ҳақига хиёнат қилмаган одам эди-я.
- Одамни билиб бўлмас экан-да, а?
- Ҳозир қамармикин ё...?
- Қизиқмисан, бошқаларга ўрнак бўлсин учун шу ернинг ўзида қўлига кишан уриб, олиб кетишади.
- Анави фуқаро кийимида гилар ким?
- Жиноятчи жуда кучли одам бўлса керак, деб кўпчилик бўлиб келишгандир-да.
- Жим, эшигтайлик.

Милиция бошлиғи сув ҳўплаб, буйруқни ўқишида давом этди:— Кўп вақтдан бери социалистик мулкни талон-тарож қилиб, халқнинг молини ўғирлаш билан шугулланиб келган ўғриларни кўлга олишда қаҳрамонлик намунасини кўрсатгани учун олтинчи сон мактабнинг ўқувчиси Миролимов Шуҳратта район ички ишлар бўлмининг ташаккурномаси зълон қилинсин ва унга қимматбаҳо совға топширилсин. Шуҳратдек ўғилни тарбиялаб етиштирган унинг ота-онасига, мактаб жамоасига миннатдорчиллик изҳор этилсин!»

Милиция бошлиғи Шуҳратни бағрига босиб, «Ташаккурнома» ва совғани топшириди. Келганлардан бири фотомухбир экан — бу лаҳзаларни чирқ-чирқ суратга олди.

Хозиргина нафратдан ёниб турган зал қий-чув бўлиб кетди. Шуҳратнинг синф раҳбари, бошқа муаллимлар галма-галдан сўз олиб, Шуҳрат билан фахрланишларини таъкидлашди.

Бир ҳафтадан кейин вилоят газетасида Шуҳратнинг каттаги-на сурати ва «Рогатка билан ўғриларга қарши» деган мақола босилиб чиқди. Шу воқеа бўлиб юқори синфларнинг битирувчи-лари ялписига милиция мактабида ўқиш истақлари борлигини билдиришди. Фақат Шуҳрат бу ҳақда лом-мим демади. Чунки у ҳали саккизинчى синфни тамомлаётган эди-да.

Армия хизматидан қайтгандан сўнг Шуҳрат милиция мактабига имтиҳон топшириди.

\* \* \*

Полковникнинг Шуҳрат билан яккама-якка суҳбати бир соатдан кўпроқ давом этди. Шуҳратнинг биографияси, ўзини тута билиши, мантиқли фикр юритиши Қорабоевга маъқул бўлди. У топшириқни қайта-қайта тушунтириди:

— Фақат мен билан ишлайсан,— деб ўнинчи бор тақорлади у.— Мендан бошқа ҳеч кимга қандай топшириқни бажараётганингни айтмайсан. Топшириқ фош бўлса, оқибати жуда хунук бўлади. Вазиятга қараб мустақил иш кўришингта рухсат этаман.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

— Лейтенант Миролимов, топшириқни бажаришга киришинг!

— Хўп бўлади, топшириқни бажаришга киришдаман. Кетишга рухсат этинг?

— Рухсат...

## XII. АРПА ЭККАН, АРПА ЎРАДИ

### I

Пўлат бир неча кундан бери бедарак. Демакки бека қуртдек санаб олаётган даромаднинг тагига сув кетди. Бойвачча ҳар сафар келтанида Гўзални бошқа мижозларга кўрсатмасликни ялиниб сўрарди.

Эски қадрдони Эшназар раис билан суҳбатлашиб ўтирад экан, беканинг дилига шум фикр келди. Раис қуруқ қўл билан қайтса яхши бўлмайди. Гўзални унга тортиқ қиласди!

Бека шундай қарорға келишини кутиб турғандек әшик құнғироги жириңглади. Бирпасдан сүнг останада Пұлат күринди.

Бека у билан совуққина саломлашды:

— Құзимиз мәйдаларига урган экан, бир оғиз билдириб қўймайсизми? Зўр харидор чиқиб турибди, илиб кетади-я.

Пўлат салғиб тушди:

— Ким у харидор? Мен тирик эканман Гўзал мендан бошқанини бўлмайди!

— Ҳо, шундайми? Сиз ялло қилиб юрасиз, биз сизнинг молингизга қоровуллик қиларканмизда?

— «Тирикчилик-тирриқчилию» деган гап бор, опа. Тирикчилик важидан Москва, Ленинград томонларга айланиб келдим. Қуруқ қўл билан келганим йўқ. Мана, манави сизга, манави унга, — шундай деб Пўлат дипломатдан эндингина удум бўла бошлаган икки кийимлик ялтири-ялтур матони чиқариб, аёлнинг елкасига ташлади, қўлига бир даста пул тутқазди.

Севинч шамоллари бека юзидағи тунд булуғларни тирқираби ҳайдади. Сурмали кўзлар яна порлаб кетди.

— Ҳазилниям билмайсиз, Пўлатжон, — деди аёл уни шошибириб. — Парингиз ўз хонасида.

Гўзал хаёллар уммонига ғарқ бўлиб ўтирганда хона эшигига Пўлат кўринди.

«Оҳ, яна келди. Энди келмас, деб қувонгандим. Бу оламда мендан-да расво бўлган одам бормикан. Менга нимадир бўлганга ўхшайди. Кўрдим дегунча тилимга қулф тушади. Биламан, ичаётганим шарбат змас — оғу, оғу аралашган шарбат. Бари шунинг иши. Баданимдан қувватни, ақл-ҳушшимни олиб қўйди. Ҳушим тушга, тушларим ҳушга ўхшаб қолаяпти. Тангрим, тилимга бурроликни, ақлимга равшанликни қайтар. Шармандалик бозорига солгунча жонимни ол!»

Жувон келувчининг ҳурматига ўрнидан қўзғалди, жой кўрсатди.

— Жонидан, сизга нима бўлди, ғамгин кўринасиз? — ялтоқланди йигит.

«Сиз менинг ўгай ўғлим бўласиз, дейинми? Демасам кейин ҳеч ваҳт айттолмайман. Ҳозир айтаман!»

— Мен сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Фақат ростини айтинг? — деди Гўзал ерга боқиб.

— Бош устига, сўранг?

— Кимсиз?

— Менми? Қизиқ бўлди-ку. Ҳазиллашмаяпсизми?

— Йўқ, ҳазиллашмаяпман. Кимсиз, қаерликсиз, отангиз ким.  
Шулар ҳақида билмоқчиман.

— Бор-йўғи шуми?

Жувон индамай ерга қаради.

— Исмимни биласиз. Фамилиям Ҳақбердиев. Отам раҳматли бўлганилар. Эшонгузарда райкомнинг биринчи котиби бўлиб ишлаганлар.

Гўзалнинг ранги бўздек оқарди.

— Пўлат ака...

— Лаббай, жонидан?

Гўзал бошқа сўз дейишга улгурмади. Ташқаридан аёл кишининг шангиллаб қарғангани, эркак одамнинг болохонадор қилиб сўкинаётгани эшитилди.

Пўлат иргиб турди. У шангиллаётган аёл ўз хотини эканлигини овоздидан таниб, типирчилаб қолди. Ташқарида нимадир гурсиллаб йиқилди, нимадир синди. Шовқин авжига чиқди.

— Билдиrmай чиқиб кетишнинг иложи борми?

Жувон ўрнидан туриб йўл бошлиди. Пўлат ташқари эшик олдида қўлинни пахса қилиб, галираётган хотини билан қайниси Қиёмиддинга кўзи тушди-ю, ўзини панага олди. Бека чақирилмаган меҳмонларнинг йўлини тўсиб, ичкарига киритмасликка уринаётганди.

— Оппхонага киринг. Ҳовли тарафга деразаси бор, — шивирлади Гўзал қалт-қалт титраб.

Яна бир дақиқа кечикса, Пўлатни кўриб қолишарди. Опа-ука уйга бостириб киришди. Бека Пўлатнинг деразадан тушиб, десворга салчиганини ва ими-жимида гойиб бўлганини кўриб қолди. У энди ўзини босиб олди.

— Эрим шу ҳовлита кириб кетганини ўз кўзим билан кўрдим,  
— деб бир гапни тўтидек такрорларди Пўлатнинг хотини.

— Эрингнинг уддасидан чиқмасант, мен айборманми?! —  
пешкирлик қилиб бақирди бека.

— Гапни чўэма, поччамни топиб берасанми, йўқми?! — кекирдагини чўэди ука.

— Поччангни мендан эмас, опачангдан сўра, хезалак!

— Нима!? У нима деди, эшитдингми опа? Ўлдириб қўяман ҳозир! — йигитнинг кўлида пичоқ ялтиради. Бека бақириб ўзини дуч келган хонага урди. Опа-ука орқасидан чопди. Бироқ хонадаги манзара олдида учовлари ҳам таққа-тақ тўхтаб қолишиди.

Ишқүйинлари билан банд, ёши бир ерга бориб қолган эркак ва 22-23 ёшлардаги қиз күтилмаган ташрифдан саросимага тушганча қотиб қолишиган. Эркакни ўзининг поччаси деб ўйлаган Қиёмиддин уни орқасидан қаттиқ тепди. Бечора дивандан гумбурлаб ерга ағдарилди. Рашикчи аёл эса бу ерга нима учун келганилигини ҳам унтиб, қўллари билан юзини бекитди.

Бу саросимадан фойдаланган бека сирғалиб даҳлизга чиқди ва телефонга ёпишди. Опа-ука эшитсин учун бақириб гапира бошлади:

— Мелисами? Тез етиб келинглар! Икки безори уйимга кириб олиб, пичоқ билан пўписа қиласяпти. Адресимми? Ёзинг...

Үй эгасининг бақириб милицияни чақириши аёлнинг ўтакасини ёриб юборди. У укасининг қўлидан ушлаб эшикка қараб тортилай бошлади:

— Тез кетайлик бу ердан. Мен адашганга ўхшайман.

Қиёмиддин опасининг юзига тарсаки тортиб юборди:

— Аҳмоқ! Чолни кўрсанг бобом дейсанми? Сенинг гапингга кирган ҳам аҳмоқ.

Бека ҳамон зўр бериб милиция билан «гаплашпарди»:

— Қочиб кетишяпти. Тезроқ келинглар!

Қиёмиддин қўшмачининг рўпарасида тўхтади-да, бош эгди:

— Опа, билмабмиз. Кечиринг. Манави аҳмоқнинг гапига учиб...

— Уялмасдан кечирим ҳам сўрайди-я, юзсиз...

Қиёмиддин қўлидаги қайрилма пичоқни буклаб, чўнтағига тиқди, сўнг опасини олдига солганча, шошиб чиқиб кетди.

## 2

Эшназар раис бугун вилоят марказида бўладиган йиғилишга қатнашиш учун отланар экан хотини институтнинг охирги курсида ўқиётган қизи Гулшодани кўриб қайтишни қайта-қайта тайнилади.

Йиғилишдан сўнг ота қизининг ётоқхонасига борди. Қизи қаергadir чиқиб кетган экан. Ҳатто дугоналарига ҳам қаерга боришини айтмапти. Бундан раиснинг дили фаҳланди. Шу ерда кутишга қарор қилди. Кутавериб тоқати-тоқ бўлди. «Балки қишлоқҳа кеттандир», деган илинж дилида фимирлай бошлаган шубҳаларни бир оз ҳайдади. Олиб келган нарсаларини қизининг хонадош дугоналарига қолдирди-да, ётоқхонадан чиқди. Ҳафта-

нинг ўртасида Гулшода қишлоққа бормасди. Демак, бугун ҳам бормайди. «Бўлмаса, қаерга кетган?» Ана шу саволларга жавоб тополмай чолнинг дили сим-сиёҳ. Бири-биридан хунук хаёллар ёпирилиб кела бошлади.

— Падарингта лаънат, энди кун бўйи кайфиятсиз юрадиган бўлдим,— деб пўнғиллади раис. Боплигининг тез-тез овоз чиқариб ўй суришларига ўрганиб қолган шофер йигит кўз қирини ташлаб қўйинш билан чекланди. «Демак, раис бугун кайфиятини тўғрилап учун шаҳарда қолади. Жуда яхши, «Болта тушгунча кунда дам олиб туради», деб қувонди. Шофернинг қувончидан хабар топгандек «УАЗ» ўйноқлаб кетди. Бечора йигит ҳаяжондан газ педалини қаттиқроқ босиб юборганди. Раис кўзини очиб, койинди:

— Кўзингга қарасанг, ўласанми?

— Айборман, раис бува. Лекин ҳар сафар ана шу кўчадан ўтсам, машинам манзилига етиб келган тулпордек ирғишлайди. Ҳеч сабабини билолмадим-да.

Раис шоферининг шумлик қилаёттанини билди. Муюлишдан ўтилса, баланд ғиштиң ҳовлининг олдидан чиқилади. Эшназар раис бу ҳовлида ўзининг энг сара вақтларини ўтказган. Бу ҳовлига йиғлаб кирган раис доимо кулиб чиқарди. Шофер йўлни атайин шу томондан олиб хато қилмаганди. У бошлигининг юзи-га савол назари билан қараб қўйди.

— Ҳа, яхши, — деди раис баҳридили очилиб (қизи ҳақидағи хунук ўй-хаёллар қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тез унтулганди).— Мени тушириб кет. Қачон келишни ўзинг яхши биласан. Фақат бирорвга лом-мим дея кўрма.

— Янгамдан бошқага айтсам нон қорнимга урсин, раис бува.

— Каллангни сапчадек узиб таштайман.

— Бошим йўлингизга тикилган, раис бува.

— Маҳмадана бўлма. Тўхтат машинангни.

\* \* \*

Гулшода раиснинг кенжаси фарзанди. У шўх-шаддод ўсади. Она койиса, ота: «Боланг бўлса, шўх бўлсин, шўх бўлмаса, йўқ бўлсин», деб қизининг ёнини оларди. Бунинг устига Гулшода ғоятда жозибали, ҳинд кино юлдузларига ўхшайди. Шундан бўлса керак, рақсни жон-дилидан яхши кўради. Айниқса, арабча рақсга тушиб, белидан пастрогини ликиллатиб ўйнаганда йигитлар-

нинг оҳи саридан тутун чиқиб кетарди. Ана шу қиз туфайли у ўқиёттган институт бадиий гуруҳи вилоят танловларининг мутта-сил ғолиблигини қўлдан бермай келаётганди.

Эшназар раис қизига ортиқча бино қўйиб, хато қилаётганини бугун қалбдан ҳис этди. Қизи кечаги шалдир-шулдур қизча эмас, эркак зотининг кўзини ўйнатадиган, малаксифат оғатижон эди. Уни тезда эрга узатмаса, юзини ерга қаратиши мумкинлигини туйгандек бўлди.

Таниш дарвоза қўнгиригининг тутмачасини босар экан, нохуш ўй-хаёллар чонни тарқ этди. Олдинда ўқилавериб ийиги чиқсан муҳаббат достонининг қизиқ-қизиқ боблари кутмоқда эди уни.

Маҳфузा кўп йиллик жазманини қучоқ очиб кутиб олди. Эр хотинлардек бағрига тортиб, ўпишиб кўришди.

— Қайси шамоллар учирди, раис?

— Сенинг шамолинг-да.

— Ҳай, ҳай, кўз тегмасин, йигитчалардек яшариб кетибсизми?

— Э, қаерда дейсан, бу турмуш дегани пачагимни чиқариб ташлади. Қани энди, бир думалаб ҳеч бўлмаса йигирма ёшга яшарсам.

— Мен-чи, мен ҳамми?

— О, сен ҳозир ҳам ҳар қандай сулувни бир чўқишда қочирасан.

Маҳфузা Эшназар раисдан кўп яхшиликлар кўрган. Айниқса, райкомнинг биринчи котиблиги йилларида ёрдами кўп теккан. Мана шу данғиллама уй, гиштин деворли боғ-ҳовли жой ана шу бойваччанинг пулига сотиб олинган. Маҳфузা жазманининг яхшиликларини қўлидан келганча қайтаришга ҳаракат қилди. Гоҳо ўзи, гоҳо онаси ўпмаган қизларни топиб келиб, қўйнига солади.

— Хўш, раис, сўраганинг айби йўқ, нима еб, нима ичмоқчилар?

— Кўнгил «онаси ўпмаганидан бўлсин» деялти.

— Олдинроқ айтиб қўйганларида «ест» қилиб қўядим. Лекин ҳозир ҳам биттаси бор, онаси ўпмаганлар унинг олдидан ўтаверсин.

— Ростданми?

Аёл жавоб беришга улгурмади. Кутилмаганда биз сал юқорида тасвирлай бошлаган воқеалар бошланиб кетди. Эшназар раис ўзини панага олди. У бу ерда бунақа кўнгилсизликлар ҳар куни бўлмаса ҳам онда-сонда бўлиб туришини яхши биларди.

Ярим соатча давом этган можаро тугади. Маҳфузা раис ўтирган хона эшигини очди:

— Қирчинингдан қийилгурнинг шанғиллапини қарант. Лекин қайтиб келмайдиган қилиб юбордим.

Шу пайт рўпарадаги эшикдан раисга таниш одам — қизининг домласи, тепакал профессор чиқди. Галстути қийшайиб кетганидан, костюмининг тугмаси паст-баланд қадалганидан унинг қанчалик шошилаётганини фаҳмласа бўларди. У итдан қочган гадойга ўшаб ўзини ташқари эшикка урди. Бир пасдан сўнг профессор чиққан хона эшиги яна очилди ва ёшгина жувон чиқди. Уни кўрди-ю, раис чаён чаққандек салчиб турди. Рўпарасида кун бўйи қидириб тополмагани — қизи Гулшода турарди!

\* \* \*

Гўзал мажаролар шу билан тугади, деб ўйлагачди, бесанинг хонаси тарафдан қаттиқ-қаттиқ гаплар эшитила бошлади. Аввал шапалоқ товуши, сўнг аёлнинг йиглагани қулоқча чалинди. Нимадир синди, кимдир қочди, кимди қувди.

— Бу сенинг ишингми, Маҳфуз?! Ростини айт, сенинг ишингми? Қилган яхшиликларим эвазига мукофотингми бу?! Иккавингни ҳам ўлдириб, ана шу уйнинг ўртасига кўмиб кетаман! Фақат ростини айт!

Бесанинг йигламсираган товуши қулоқча чалинади:

— Нима... сиз бу қизни танийсизми?

— Қизим! Менинг қизим бўлади!

— Вой, менгина ўлай! Лекин қасам ич десангиз, қасам ичаман, бу ишга мен аралашмаганман. Ўзлари топишишган.

— Кўпдан берими?

— Йўқ, биринчи марта келиши (ким билади, балки жазманини ҳовуридан тушириш учун бека атайлаб шундай дегандир). — Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Уриб-сўкканингиз билан фойдаси йўқ. Баттар гап-сўзга қоласиз.

— Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми, Маҳфуз? Айт, нима қиласай?

— Э, ким айтади сизни кўпни кўрган, илоннинг ёгини ялаган одам деб. Бор, қизим, сен ичкарига кириб, уёқ-буёғингни тўғрилаб ол. Ҳа, раис, бунинг битта йўли бор. Одам чиқса, дарҳол жўнатиб юборинг. Айтишган-ку «Қизинг бўлса эрга бер, кутил балосидан», деб.

— Уни энди ит олармиди! Менинг обрўйим нима бўлади?

— Ҳай, ҳай, ундаи демант. Сиздек бадавлат одам билан қуда бўлишни орзу қилиб юрганлар сон мингтадир. Қолаверса, ҳозир шундай дўхтирлар борки, уч-тўрт қорин туққанларни ҳам қизга айлантириб беришади. Бундан ташвишланмасангиз ҳам бўлади.

Орага бир оз жимлик чўкди. Сўнг раиснинг синиқ товуши эши-тилди:

— Маҳфузা, ростингни айт, сен ҳақиқатдан ҳам ана унинг менинг қизим эканлигини билмасмидинг?

— Қасам ичайми?

— Йўқ, керак эмас. Лекин сир шу ерда қолсин. Мени биласан-а!?

— Хотиржам бўлинг. Бу ҳовлидан ҳанузгача кўчага гап чиқмаган, бундан кейин ҳам чиқмайди...

### XIII. ХАЗИНА

#### 1

Гўзал ўғилчасини пистафуруш Норгул момога «Кечгача олиб ўтиринг», деб қолдириб кетганида ёз эди, ёз ўтиб, куз кирди.

Момо уззу кун Гўзалнинг йўлига қарайди. Кўнглига ҳар хил гумонлар келади. Ҳаромдан туғиб, чақалогини ахлат яшиклари-га ташлаб кетганилар, бўғиб ўлдирганлар, тириклай кўмиб юборгаиларни кўрмаган бўлса ҳам эшигтан. Аммо Гўзални қоралашга тили бормайди. «Бояқиши бир балога гирифтор бўлди-ёв, йўқса шу вақтгача ўлик-тиригининг дараги чиқарди», деган гумон кун сайин кучаяди.

— Аянг келади, болам, албатта, келади, — деб овутади Бахтиёрнинг бошини силаб. — Аянг шакаладлар, ҳолвалар, мошинлар олиб келади, болам.

Бу сўзларнинг маъносига тушумаса-да, бола йиғлашдан тўхтайди, кампирнинг оғзига анграйиб қарайди.

Норгул момо болани бағрига босади, кўзларига ёш қуйилиб келади. Ўз ўғилларини зслаб, чуқур хўрсинади.

Норгул момо чоли билан уч ўғил ўстиришди. Ўзлари смай уларга едиришди, киймай кийдиришди. Мўмин-қобил бўлиб ўсган ўғиллар уйланишгач ўзгарди-қопди. Айниқса, каттаси хо-

тиннинг қули. Биринчи бўлиб ўшаниси рўзгорини бўлак қилиб, кўчиб кетди. Укалар ҳам ундан ўрнак олишиди. Оқибатда каттагина ҳовлида тўридан гўри яқин чолу кампир сўппайиб қолишиди. Сал ўтмай чол ҳам бандаликни бажо этди. Ана шунда момо аҳволи фожиали эканлигини англаб етди. У тугунчасини кўтариб тўнгич фарзанди Тўйчиникига борди.

— Она, келинингиз сизга ҳам, менга ҳам кун бермайди, — момонинг ташрифининг сабабини англаган ўғил. — Ажрашай десам, ўртада болалар бор. Сиз яхиси... укамларнидан бириникига боринг.

Кичик ўғиллар ҳам хотинларидан ўтиб, «бери кел» дейишолмади. Момо уйига қайтди. У мижжаларига қалқиб чиқкан ёшини сидириб ташлар экан, ўлгунча болаларининг эшигига ёрдам сўраб бормасликка аҳд қилди.

Шундан бери момо гоҳ оч, гоҳ тўқ, бир амаллаб умргузаронлик қилиб келаяпти. Балки тунлари йиглаб қилган таваллолари ижобат бўлиб, Оллоҳнинг ўзи унга Бахтиёржонни юборгандир!

Болани олиб қолган кундан бери момонинг кўнгли тўқ. У ёлгиз уйда ўлиб қолищдан ҳам қўрқмайди энди. Тонг отгандан кун ботгунча болага андаримон. Ювади-тарайди, едиради-ичиради. Писта-фурушлиқдан тушадиган тўрт-беш сўмни ҳам болага сарфлайди.

— Ҳа, неварам, оч қолдизми?

Бола оч қолган. Аммо бугун егулик ҳеч нарса йўқ. Кўлга илингудек нарса бўлса сотиб, пул қилмаса бўлмайди. Шу мақсадда қазноқча кирди. Эски лаш-лушлар кўп-у, аммо улар кимга ҳам керак. Боши қотиб, нима қилишни билмай турганди, деворда илиғлик, чолидан қолган жун чакмонга кўзи тушди. Раҳматли чолидан нишона. Шамоллатиб қўяй, деган мақсадда қўлинни узатиб, чакмонни олмоқчи бўлганди, мих суғирилиб, чакмон билан бир бўлак кесак гуп этиб ерга тушди. Яширин туйнукнинг бир чети кўриниб қолди. Момо шоша-пиша қоқсувак қўллари билан кесакларни кўчирди. Таваккал қилиб қўлинни туйнукка тиқди ва у ердан зил-замбил сопол кўзачани тортиб олди. Момонинг мајолосиз қўллари кўзачани кўтаришдан ожиз эди. Кўзача гурс этиб тошга урилди. Сопол парчалари билан бирга атрофга тилла тангалар ҳам сочилиб кетди.

Момо кўзларига ишонмайди. Шошганидан гоҳ ташқарига чопиб чиқади, гоҳ ичкарига югуриб киради. Бир оздан сўнг туш кўрмаетганига, оёғи остида сочилиб ётган нарсалар тилла ва ку-

муш тангалар эканлигига иқрор бўлди. Момо ўзини қўлга олиб, кўп вақтдан бери чанг босиб ётган чироқни артиб, пилигига ўт тутди. Чироқ кўтариб қазноқча кирди. Ер билан битта бўлиб ётган тангаларга гўёки жон кирди — гарид кулба шифтларида юзлаб шуъла ўйнай бошлади.

— Бу неварагинам туфайли! — деб вайсарди бир пасда миллионерга айланиб қолган пистафуруш. — Бахтиёржонимнинг қадамлари ёқди. Кечалари йиглаб қилган тилакларимни худойим эшитди. Шукр! Даргоҳига минг карра шукр! Энди неварагинамни бекбаччалардек едириб-ичираман, алвон-алвон кийинтириб, кўзгинамнинг қуртини ўлдираман!

Момо ўзини босиб олгач, ҳазина ҳисобини олишга қарор қилди. Тилла тангаларни бир томонга, кумушларини иккинчи томонга уя бошлади. Саводи ҳаминқадар бўлганидан саноғи мингдан ўтгандан сўнг адасиб кетаверди. Саналмаган тангалар саналганидан икки-уч ҳисса кўп эди.

— Бор-е, санаб ўтираманми, — кўл силтади момо. — Санасанг, баракаси кетармиш.

Момонинг хуш кайфияти гўдакка ҳам кўчган. У ҳовучларини тўлдириб-тўлдириб, тангаларни тўрт томонга сочади, ўз қилиғидан ўзи мамнун, қийқириб қулади. Момо эса ундан-да масрур.

## 2

Ҳазинани саранжомлаган Норгул момо қўлидан келганча тоат-ибодат қилган бўлди. У ҳамон туш кўраяпман, деб ўйлар, ўзини чимчилаб-чимчилаб оларди. Ахир бу ҳовлида оз эмас — эллик йилдан ортиқрок яшаган эди-да. Раҳматли чолининг ота-бобоси ҳам, ўзининг ота-бобоси ҳам қўл учиди қун кўрган одамлар бўлишган. Демак, тиллалар улардан қолмаган. Бўлмаса, кимники?

Қаҳрли йигирманчи йилларнинг охирлари. Мамлакатда қулоқлаштириш давом этаяпти. Бой-бадавлат одамларнинг ерсуви, уй-жойи, мол-мулки тортиб олиниб, ўзлари бегона юргларга бадарга қилинаяпти. Бойларнинг ҳовали-жойлари йўқсилларга олиб берилаяпти. Мулла Умар исмли ўзига тўқ одамнинг ҳовлиси Норгулнинг бўлажак қайнотасига — фаол батракка тегади.

Норгул ва чоли бу ҳовлида ярим аср умргузаронлик қилишиди. Яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам бошдан кечиришиди. Тилла нари турсин, қора пул ҳам ортиришмаган. Фарзандлари

ҳам бири икки бўлишга улгурмай, рўзгор қилиб чиқиб кетишганга анча бўлган. Демак, бу тиллалар Мулла Умар деган бойдан қолган. Момо бу одамнинг отини эшигдан-у ўзини кўриш насиб этмаган. Айтишларича, сургундан қайтиб келмаган экан. Ҳа, анифи шу. «Оллоҳ бу бойликларни мендек ғариб-у бенаво бир бандасига насиб этган экан-да!»

Момо кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, қоқсувак қўлларини дуога очди:

— Ё парвардигорим, очимда ҳам, тўқимда ҳам сенинг шукрингни қилганиман. Ношкурчилик қилмайман, узун умр бердинг, яна шукр. Оллоҳим, менга яна озроқ умр бер. Болаларимдан кўрмаганимни одамлардан кўрдим. Уларнинг нон-тузини кўп едим. Туз ҳақини қиёматта қолдирма, парвардигорим!

\* \* \*

Момо бу ишлардан фориғ бўлгач, биринчи наебатда Гўзалнинг ста-онасини қидирб топишга жазм қилди.

Яқин-яқинларгача ҳам эшонгузарликлар бир-бирини яхши танирди. Шаҳарга айланганидан сўнг ҳам энита, ҳам бўйинга кенгайди. Ўн икки маҳаллада етмиш-саксон минг одам яшайди. Ҳар бир маҳалла аҳлининг ўз касб-кори бор. Бири темиричилик, иккичиси дурадгорлик, учинчиси қандолатпазлик, тўртингиси эгарсозлик билан шуғулланади. Кулолчилик, қассобчилик, бақ-қоллик касблари билан шуғулланадиган маҳалла-гузарлар бор. Бу маҳалла-гузарларнинг одамларининг исмига касб-ҳунарини кўшиб айтмаса, бирор танимайди. Момо Гўзални фалончи ҳалвогарнинг қизи деб эшиганди, тўғри ҳалвогарларнинг маҳалласига йўл олди. Сўраб-сўраб Сирож бобонинг уйини топиб борди.

Момони йигирма ёшлардаги сулувгина қиз қарши олди. Қопи-кўзларидан Гўзалнинг синглиси эканлиги кўриниб турарди.

— Қизим, менга Сирож бобонинг ҳовлилари керак эди. Бир бола шу ҳовливи кўрсатди. Адашмадимми?

Қиз сергакланди. Оҳорли кўйлак кийган, бошига қордек оппоқ рўмол ўраб олган, сўзлари ўқтам кампирга бошдан-оёқ кўз югуртирди. Сўнг ўзининг қилиғидан уялганча жавоб берди:

— Адашмадингиз, моможон, Сирож бобонинг уйлари шу бўлади.

— Худога шукр. Қизим, Сиз Гўзалойнинг кимлари бўласиз?

— Сингиллари. Вой, сиз опамни танийсизми?

— Танийман, қизим, танийман. Дадангиз уйдамилар?

— Ҳозир келиб қоладилар. Қани, уйга киринг.

Момо тараддуудланди:

— Шу ерда ўтирақолайлик, қизим.

Қиз бир пасда ўрик тагидаги сўрига кўрпача ташлади, дастурхон кўтариб чиқди. Момо гапни нимадан бошлашни билмай иккиланиб қолди. Қизни ваҳима босди.

— Опамларга бир гап бўлганми, момо? Нега индамайсиз?

Момонинг юраги шув этиб кетди. Демак, Гўзалдан буларнинг ҳам хабари йўқ. Яхшиси, қизга индамагани маъқул. Чол келса, ўшанга айтади.

— Моможон, бир нарсани биласиз, ниманидир мендан яширајсиз. Опамларга бир нарса бўлганга ўхшайди?

Энди айтмасликнинг иложи йўқ!

— Кўшни турамиз. Анча вақтдан бери кўринмай қолди опангиз...

Кампир сўзини охирига етказолмади. Ҳовлига эшак етаклаган чол кириб келди. Сўрида ўтарганларни кўриб, тўхтади.

— Маҳсада қизим, ма, эшакни оғилга боғлаб чиқ, — деди чол. Қиз эшакни етаклаб кетди.

Салом-аликдан сўнг Сирож бобо момога савол назари билан боқди. Авзойидан бўй етган қиз бор ҳовлида бегона аёлнинг сандирақлаб юриши унга маъқул келмаётганигини пайқаш мумкин эди.

— Хуш кўрдик, меҳмон. Келинг?

— Сирож бобомисиз?

— Балли, ўша менман.

— Мен қизингиз Гўзалойнинг қўшниси бўламан.

— Менинг ундан қизим йўқ!

Момо ҳангуманг бўлиб қолди. Адашиб, бошқа одамникуга келиб қолибман, деган хаёлга борди. Ундан деса Маҳсада...

— Мен оқ қилганиман уни.

— Э, ҳа, бундай демайсизми.

— Хўш, нима ишингиз бор эди? Гўзал хўскорликка юбордими?! Бориб айтинг, менинг отимни қайта оғзига олмасин!

— Мени ҳеч ким юборгани йўқ, — деди момо ҳам зарда билан. — Гўзалой менга боласини қолдириб, Чўлободга бориб келаман, деб кетганига уч ой бўлди. То-ҳануз келмади. Шунга дарраклаб келган эдим.

Оганинг ичидан нимадир узилгандек бўлди. Аччиқ устида қизини қарғагани, оқ қилдим, кўк қилдим деб вағиллагани билан ун-

дан кечиб кетолгани йўқ. У туну кун Гўзални йўлдан урганларни қарғайди, боласига инсофу тавфиқ тилайди, номус кучлилик қилиб ўзини бир бало қилиб қўймасайди, деб ваҳимада юради. Демак... отанинг ўйлагани олдига келибти-да! Ё ўзини осган, ё...

— Уч ойдан бери бедарак дейсизми?

— Ҳа, уч ойча бўлиб қолди.

Эшакни оғилхонага боғлаб чиққан Мақсада ҳам бу гапни эшиитди.

— Опам! Опажоним!! — чинқириб юборди қиз.

— Ўчир, товушингни! — бақирди ота.

— Ўчирмайман! Опамнинг бошига сиз етдингиз. Сиз ўлдирингиз опажонимни.

Шовқинга ичкаридан бошига дакана рўмол ташлаган кампир ҳансира би чиқиб келди.

Норгул момо билан қўл учиди кўришди-ю, гап нимадалигини англаб етгач, чолга қўлинни пахса қилиб бобиллай кетди:

— Мақсада тўғри айтади — Гўзалнинг бошига ўзингиз етдингиз! Уни ёмон отлиққа чиқарган ўзингиз. Онаси ёмон бўлган бўлса, боласида нима айб? Шайтон йўлдан урмаган одам бор эканми дунёда. Пушти камарингиздан бўлган гулдек қизингизнинг жонига оро кириш ўрнига йиқилганни тепган қилдингиз; қарғадингиз. Яна бепп вақт намоз ўқийдилар бу кишим.

— Ҳой, кампир, чакагингни ўчир! Сен ҳам ўлганинг устига чиқиб тепма. Мен сўккан бўлсан, ичим куйганидан, жоним ачиғанидан қилгандирман.

— Ҳамма нарса ҳам зви билан бўлса яхши.

— Кел, бу ёққа ўтир. Мен-ку мияси айниган бир одамман. Балки сендан бир ақлли гап чиқар?

Норгул момо бўлган воқсанни ётиғи билан гапириб берди:

— Мен англашимча, қизингиз Чўлободга қайнинларини қидириб кеттган бўлиши керак. Бундай десам, шу кунгача нега дараги йўқ...

Бу саволга ҳеч кимдан жўяли жавоб чиқмади. Чолнинг ошпоқ соқолларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Буни кўриб Мақсада пиқ-пиқ йиғлашга тушди. Отасининг ёвқур қарашидан сўнг жим қолди.

— Подадан олдин чанг чиқарманглар,— деди ўзини анча босиб олтган бечора ота.— Мен Чўлободга ўтиб қайтаман. Кейин бир гал бўлар. Ҳа, айтганча, қизим, сен онанг билан бориб, жиянингни олиб келинглар. Бечора момо анча қийналиб қолган кўринадилар.

Норгул момо бундай бўлишини кутмаганди:

— Неварангиз менга ўрганиб қолди. Онаси келгунча меникнида турақолсин.

Бобо рози бўлди.

— Майли, момо, биздан қайтмаса, худодан қайтсан, — деди ота қўлининг орқаси билан намланган кўзларини артаркан...

## XIV. ВИСОЛ ВА АЛАМ. МАЙОРНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

### 1

Валентина соатига қаради — шеф, яъни Владимир Сисоевич келадиган вақт бўлганди. У хона деразаларини ланг очиб юборди. Деразадан кузакининг этни жунжиктирадиган мусаффо ҳавоси ёпирилиб кирди.

Қош қорайиб, одам одамни танимайдиган даражага келган бўлса-да, кўча чироқлари ёқилмаган. Тунлари кундузгидек ойдин бўладиган шох кўчада яшайдиган Валентина бундай қорон-филикдан сиқилади. Аслида бу кўчалар фақатгина байрам кунларигина ёритилишини у жуда яхши билади. Қари жазман бу йинни айнан ана шунинг учун ҳам танлагандир, балки?

Кўча муюлишида машина чироқлари кўринди. Машина уй рўпарасига етганда тўхтади. Тормознинг таниш фийқиллаши зшистилди. Кимнидир тушириб, йўлига кетди.

Ҳаммаёқ зим-зиё бўлгани сабабли ҳеч ким кўринмайди, аммо шип-шип юриб келаётган сёқ товушлари қулоққа чалинади. Бу Владимир Сисоевич эканлигига Валентинада шубҳа қолмади. У зшик олдига бориб, шартли қўнғироқ чалинишини ва қудратли жазманини кутиб олишга тайёр бўлиб турди.

\* \* \*

Валентина эр кўрган жувон. Эрдан ажрашган, обком ходимлари учун ажратилган шаҳарчадаги коттежда ёлғиз ўзи яшайди...

Ёш жувон ўйнасам-кулсам, дейди. Эрида эса уни ўйнатиш учун вақт етишмайди. У пахтачилик илмий тадқиқот институти-

да илмий ходим бўлиб ишларди. Умри колхоз-совхозларда ўтарди. Чигит икки кулоқ бўлиб чиққандан бошлиб кеч кузгача даладан бери келмайди. Аллақандайдир дефолиант устида ишлаетганмиш. Шайтони зўр Валентина эса аламига чидай олмай момиқдек тўшакда тикан устида ётгандек ағнаб чиқади. У ҳақиқий эркаклар хотинларини бунчалик зориқтириб қўйишмайди, бунга уларнинг ҳақлари йўқ, деб ҳисоблайди. Аммо тўқимфаросат эр буни билмасликка олади. Уйда бўлган кезларида (эр ҳар хил тажрибаларини текшириб кўриш ва ҳисоботлар топшириш учун шаҳарга тушганда) ҳам аксар ҳолларда ағанаб ётишдан бошкага ярамайди. «Сен ҳам хотинсан, бу ёққа кел!» десин-чи, демайди! Валентина кўзёшларини ичига ютиб йиглайди. Фойдаси йўқ. Хуллас, эрнинг баҳридан ўтсаммикан, деб ўйлаб юрган кунлардан бирида ишлари юришиб кетди.

Бир куни эрининг дўстларидан бири кечгача давом этган меҳмондорчиликдан сўнг уларницида ётиб қоладиган бўлди. Володя дўстига «Ётиб қол, кайфинг бор, ярим тунда юбормайман», деб туриб олгач қолди. Меҳмонга кўшни хонадан жой қилиб беришиди. Володя — Валентинанинг эри — кўпроқ тортиб қўйганлиги сабабли ҳаммадан олдин уйқуга кетди. Унинг хуррак тортиши ошхонада ивирсиб юрган Валентинага барадла эшитиларди. Демак, меҳмон ҳам хурракдан ухлаётмай қийналаётган бўлса керак. Жувон меҳмон ётган хона эшигини ёпиб қўймоқчи бўлди. Аммо «Меҳмонимиз безоята бўлмаяттилармикан», деган қизиқиш боис эшикдан аста мўралашдан ўзини тийиб туролмади. Стол чирогининг фира-шира ёргида меҳмоннинг ухламай, шунчаки эшикка қараб ётганини кўриб, юраги ўйнаб кетди. Эшикни ёпиб, орқасига қайтса ҳам бўларди-ю, аммо қурғур оёқлари айтганини қилмай, қоқкан қозиқдек бир срда тураверди.

— Валентина? — шивирлаб чақирди меҳмон. Унинг овозида аёлнинг юрагини «жаз» эттирадиган нимадир бор эди.

— Нима дейсиз? — аёл ҳам назокат билан шивирлаб сўради.

— Бир пастгина ёнимда ўтирмайсизми? Негадир уйкум қочиб кетди.

— Бир пастга бўлса, майли,— рози бўлди жувон ва хонага кириб, диваннинг бир четига чўкди. Меҳмон сержун қўллари билан уни белидан қучиб ўзинга тортди.

— Миша, азизим, кўй, керак эмас,— нозланди Валентина ўзи ўлиб турган бўлишига қарамай...

Шу воқеадан сўнг шаҳар партия комитетининг масъул ходими Машраб Валентина ҳонадонининг кунда-шунда меҳмонига айланди.

— Володя, — деди бир куни Машраб жувоннинг эрига, — биз ўзбеклар ўзимизни феодал дессан, сиз европаликлар биздан қолиш мас экансизлар.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, хотинингни ишлатмасдан, турт девор ичидаги олиб ўтирибсан. Ишга киритиб қўйсанг бўлмайдими?

— Ўрта маълумот билан қаерга ҳам ишга оларди. Оддий фаррошлика қўйами?

— Йўқ, фаррошлик тўғри келмайди. Зўр иш бор. Ҳозирча техникумнинг дипломини тўғрилаймиз.

— Ўқимасдан-а?

— Буниси билан энди сенинг ишинг бўлмасин, бу ёғини менга қўйиб беравер.

— Яхши, аммо қаерга ишга жойлаштиromoқчисан?

— Бу ердан қарасанг кўринмайди. Каллангни бир ишлатиб ўйлаб кўр-чи, қаергалигини топармикансан?

— Биронта газета киоскасига ё газсув дўконигадир-да?

— Паст кетяпсан, ошнам, паст кетяпсан. Хай, майли, айтсанмайта қолай — шаҳар партия комитетига!

— Йўғ-эй, ҳазиллашмаяпсанми?

— Қабулхонада ишлади. Ёмон эмас-а?

Бу таклифдан Валентинанинг аввалдан хабари бор эди, аммо ташаббус эрининг ўзидан чиқишини кутиб, индамай ўтирди.

Володя эса елкаларини қисиб қўйди. Бу билан таклифдан ўзининг ниҳоятда ҳайратланганлигини ифодалади. Ахир шаҳар партия комитети ҳар қандай банда ҳам киролмайдиган сирли қалъя эди-да, бўлажак олим назарида.

— Сен нима дейсан? — Машраб Володяга савол қотди.

— Ихтиёр ўзида.

— Сен рози бўлсанг, ишлайман, — «кўнди» жувон. Масала шу билан ҳал бўлди.

Валентинанинг ҳаётида туб бурилишлар даври бошланганди. Янги ходима шаҳар партия комитети раҳбарларининг зътиборига тез тушди. Улуғ даргоҳда ишлаётган хотин-қизлар унинг қиёфасида ўзларининг ашаддий рақибларини кўрдилар.

Валентина ҳамма билан бирдек шакаргуфторлик қилас, ҳамманинг күнглини овлар, бу билан ортиқча гап-сўзларга жой қолдирмасликка уринарди.

У мактабда аълога ўқиган. Уйга вазифаларни синфнинг ўзида ёдлаб олиб, ҳаммани ҳайратга соларди. Бундай истеъоди билан Валентина келажакда буюк одам бўлишига ҳеч кимда шубҳа йўқ эди. Ўрта мактабдан сўнг Валентина ўқишни истамади. Унинг учун эрга тегиб олиш муҳимроқ бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалик институтининг юқори курс студенти бўлмиш йигитнинг бошини айлантиргди. Тўйлари бўлди. Эри дипломли бўлгач, Чўлободга кўчиб келишди. Володя илмий иш олиб ишлайдиган бошлади. Колхоз ва совхозларни кезиш бошланди. Валентина уй ишлари билан иврисиб қолиб, турмушидан норози бўла бошлаган кунлардан бирида Машрабни худо етказди. У шаҳар партия комитетининг Володя ишлайдиган илмий муассасадаги вакили эди.

Валентина шаҳар партия комитетидаги партия комиссияси иши билан шуғулана бошлади. У партия уставини, ҳар хил низомларни ёддан билар, ўтирираси билан барчани ҳайратга соларди.

Узоқни кўзлаб иш қиласидиган Машраб Валентинани ўз ҳомийси — вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Коҷубейга «тортиқ» қилди.

Янги иш жойи, янги раҳбар. Коҷубей Валентина истаганидан ҳам ортиқ дилкаш чиқиб қолди, аммо дастлабки пайтларда мақсадга кўчолмай роса мижғовланди. Лекин бу ҳол узоқ давом этмади. Валентина томонидан кўрсатилган жиндаккина ташаббус туфайли иш хамирдан қил суғургандек ҳал бўлди.

Қийин-қийин Володяга қийин бўлди. У энг охирги дамлардагина хотинининг хиёнат йўлига кирганини сезиб қолди. Ади-бади айтишиб ўтирамади. Ётиғи билан ажralишни таклиф этди. Қувончдан энтиқиб кетган Валентина розилик берди. Володя лашлупшларини кўтариб чиқиб кетди. Шу билан уларнинг алақ-чалақ тушдек ўтган умргузаронликларига нуқта қўйилди.

Валентина бутун умри давомида ҳам эришолмайдигандек кўринган фаровонлика кўз очиб-юмгунча эришди. Бенгал шубаси, Олмон гарнитури, Япон видеокилиги... Эҳ-е, арzon-гаровга сотиб олинган, совға-саломга келган буюмларнинг кўпининг номини ҳам билмасди шу пайтгача.

Машраб собиқ жазманидан тамом узилишиб кетгани йўқ. Интим заруратлардан ташқари уларни умумий манфаатлар ҳам

ўзаро боғлаб қўйган эди. Гап шундаки, кадрлар партияниң монополиясига айланган бир замонда партиядан ташқарида яшаш ва ишлаш ўз мазмунини йўқотарди. Хусусан, мансаб пиллапояларидан кўтарилимоқчи бўлган ҳар бир кишига мақсад эшиклари партияга мансублик орқалигина очиларди. Бу эшикдан кириш учун эса дастлаб қон рангидаги партия билетини қўлга киритиш зарур бўларди. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмасди. Машраб мансабталаб кишиларга «ёрдам» бериб, анча-мунча давлат орттириб олган бўлса-да, бу унга камлик қиласади. У «Султонлик келганда сур, гадолик олдингдадур», деган ақидага амал қилиб яшайдиган одамлар сирасига киради. Валентинадек дилбар аёл унинг ҳирсий талабини қондириши учунгина эмас, балки партия билети ва мансаб сотиб, пул тўплаш йўлида кўпроқ керак эди.

«Ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг барча раҳбарлари коммунист бўлишлари керак, коммунист бўлмаганлари вазифасидан пасайтирилсин», деган хуфия фармон чиққан бўлса керакки, амалдорларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Партия комиссияларининг эшигига узундан-узун навбатлар пайдо бўлди. Ҳатто деҳқон бозорининг паттафуруши ҳам партияга кириш учун ариза кўтариб келди. Манави латифа ҳам балки ўша кунларда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас.

Мансабталаблардан бири партияга ўтмоқчи бўлиб ҳужжат топширибди. Райкомнинг бюросида биринчи котиб унга савол бераяти. Жавоблар пойинтар-сойинтар.

— Хўш, бўлмаса, «Капитал»ни ким ёзганини биларсиз?

— Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. Бу иғвогарлардан чиққан гап.

Синовдан ўтолмаган номзодни тайёрлаш учун бюро аъзоси бўлган милиция бошлиғига топшириқ берилади:

— Манави ўртоқ билан шуғулланинг, тайёргарлигини ҳар томонлама текшириб кўринг.

— Хўп, бўлади!

Ярим тунда милиция бошлиғи биринчи котибга қўнгироқ қилаяпти:

— Фалончи бўйнига олди!

— Нимани?

— «Капитал»ни ўзи ёзган экан.

— Йўғ-е?

— Тилидан тилхат ёздириб олдик...

Латифани зслаб Валентина жилмайиб қўяди.

Партия аъзоси бўлиш энг олий орзу. Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Етганларнинг кўзларида тез-тез ёш кўринади. Аммо ишнинг зўри партия билети кўлга теккандан сўнг бошлиниди. Мансабсизлар мансаб томон интилади, мансабдорлар эса юқорироқ погоналарга кўз тикади. Мансаб бериш-бермаслик вилоятда бир кишининг — Кочубейнинг қўлида. У «Йўқ», деса биринчи ҳам иложисиз қолади. Бу иш Кочубей-Машраб-Валентина учлигида ҳуфия ҳал этилади. Бугун ҳам «учлик»ка зўр буюртма бор. Буюртмачининг илтимоси амалга ошса, камида битта «Жигули» миндирмоқчи!

Эшик қўнғирогига ўрнатилган қушча бийрон сайради. Жувон ўзини тошойнага солиб, у ёқ-буёгини тартибга солган бўлди, сўнг калитни бураб, эшикни очди.

Владимир Сисоевич ширакайф эди. У билан хонага алламба-ло ичимликларнинг қўланса ҳиди ёпирилиб кирди.

Кочубей Валентинанинг белидан қучиб, дудоқларига ёпишди.

«Кайфи чоф, демак, нима сўрасам йўқ демайди», деб ўйлади жувон ва:

— Азизим, қочиб кетаётганим йўқ-ку, ахир, — деб ёлғондан типирчилар, бу билан қари жазманининг ҳирсини жунбишга келтиради.

## 2

«Пахтазор»даги 13-уйнинг 8-квартирасида ўрис кампир туради. Уй унинг номига расмийлаштирилган бўлса ҳам, аслида унинг хўжайнини Кочубей. Амалдор бу уйни мутлақо бегона кампирга бериб қўйган. Йўқ-йўқ, буни бир ўрис аёлга муруват юзасидан эмас, балки эҳтиёткорлик важидан қилиган. Аслида шаҳарнинг қоқ марказида — раҳбарлар учун ажратилган мавзеда унинг саунали, боф-чорбогли ҳовлиси бор. Малласоч хотини, якка-ю ёлғиз фарзанди ана ўша ҳовлида истиқомат қилишади. «Пахтазор»даги квартира шунчаки вақт топганда дам олиб кетиш учун мўлжалланган. Унинг қандай дам олиши ўрис кампирга аллақачонлар маълум бўлган. Аммо у сир сақлайолади. Унинг ҳам ўз режаси бор. Қачон бўлмасин, уй унинг ўзига қолади-ку. Кочубей шундай ваъда бериб қўйган. Уй ўзиники бўлган куниёқ шаҳарнинг овлоқ мавзеларидан бирида ижара туриб яшаётган қизи би-

лан күёвини күчириб келади. Беш хонали квартирада ҳаммала-ри учун жой етиб ортади.

Кампир бугун Кочубей жувон билан шу ерда тунаб қолишини билади. Оддин ҳам бир неча марта шундай бўлган. Шу сабабли Валентинадан қизиникига бориб, ўша ерда тунаш учун ижозат сўради. Жувон уни қуруқ юбормаслик учун қўлига мева-чева, ноз-незмат тўлдирилган қоғоз халта тутқазди.

\* \* \*

Кочубей ёшлиқдан хотин зотига ўч. Бу соҳада ўзини беназир қобилият эгасиман, деб ҳисоблайди.

Бугун ҳам висол майдонига шиддат билан от суриб кирди. Аммо отининг машқи анча паст, ҳарчанд ҳаракат қилмасин, жанг майдонидан шарманда бўлмай чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. У нўноқ чавандозга ўхшаб отини қамчилай бошлади. Кучли ҳаяжонланишидан юрагида санчиқ турди. Оғриқ зўридан бақириб юборди ва ўзини эгардан пастга отди. У боши билан гурсуллаб полга урилди ва ҳушдан кетди.

Жувон қўрқиб кетди.

— Сенга нима қилди, нега индамайсан? Вой, қўрқиб кетаяпман!

Валентина қаттиқ қўрқиб кетмаганида ва озгина синчков бўлганида пешайвон тарафда ўсган акация дарахти шохлари орасидан хонани кузатиб турган одамни пайқаган бўларди.

У ўлиқдан жуда қўрқарди. Ҳатто ўликлар ҳақида ўйлаш ҳам уни даҳшатга соларди. Шу сабабли у апил-тапил кийинди-да, кўчага отилди.

Осмон гардишида тўлин ой сузиб юрибди. Уй олдидағи майдон сутдек ойдин. Жувон дарахтларнинг лаҳтак-лаҳтак сояси тушиб турган йўлак бўйлаб чопиб кетди. У қайси томонга қараб кетаётганини ўйламас ҳам эди. Фақат мурда ётган қўрқинчли хонадан узоқроқ кетса, бас.

Аёл кўздан фойиб бўлиши билан акация шохлари силкиниб, бир йигит ерга сакраб тушди. У тез-тез юриб 8-квартиранинг лант очиқ қолдирилган эшигидан ичкарига кирди. Хонани стол чироғи фирға-шира ёритиб турибди. Хона ўртасида қўлларини икки тарафга керганча бир одам ётибди. Йигит унинг қўлини олиб, томир уришини текширди. Тирик. Ҳар ҳолда ҳозирча тирик.

Йигит телефон турган жойни топди ва рақам терди:

— «Нол уч»ми?

— Ҳа.

— Ёзинг — «Палтакор» мавзеси, 13-үй, 8-квартирада бемор үләяпти. «Тез ёрдам» юборинг.

— Кимсиз, фамилиягын айтинг?

Йигит фамилиясини айтди ва тезгина бошқа рақамни терди:

— Ўртоқ полковник! Алоқада «Рогатка». Ахборот беришга рухсат этинг...

### 3

Валентина ойдин кечада, дарахтларнинг кўланкасидан ола-чалпоқ бўлиб ётган йўлакдан боши оққан томонга қараб узоқ чопди. Унинг назарида бутун бошли мавзени югуриб ўтгандек эди. Ҳарсиллаб, йиқилиб тушмаслик учун дуч келган нарсага суяниб, бир пас нафасини ростлар, яна жон-жаҳди билан олға югуради. У тұхтаб, ён атрофға қаради. Шундагина адашиб қолганини англади. Англади-ю, беш баттар ваҳима босди.

Ҳамма сүқланиб томоша қиласидан тўлин ой ҳам фалақдан унга масхара қилаётгандек қараб тураг, ҳеч қаерда мадад қулини чўзадиган тирик жон кўринмасди.

У таваккал қилиб, чироқ ёниб турган уй деразасини тақилятишга қарор қилди. Шу пайтда елиб келаётган машина чироқла-ри кўринди. Унинг тепасида лип-лип ўчиб ёнаётган чироқларидан милиция машинаси эканлитини билиб, қувониб кетди. Валентина чопқиллаб кўча ўргасига чиқди. Машина кескин тормоз берди.

Ҳозир машина эшиги очилади-ю, бечора аёл ҳамма ташвишлардан қутиди. Бевақт юришининг сабабини сўрашса, биронта жўяли баҳона топар. Энг муҳими, у энди шаҳарнинг нотаниш кўчаларида сарсон-саргардон югуриб юрмайди-ку. Нега машина эшигини очишмаяпти? У ташвишланиб аста ойнани чертди. Жавобан орқа эшик очилди. У дарҳол чиқиб олди. Машина дагилар икки киши эди. Бири офицер-майор ҳамда старшина формасидаги шофер.

— Ўртоқ милиционер, адашиб қолдим, — дея бидиллаб галира бошлади Валентина. — Бунинг устига йултўсралар рўпара келиб, бор-йўқ нарсамни шилиб кетишиди.

Шундай десам менга раҳмлари келади, деб ўйланди Валентина.

— Қаерда яшайсан?

Валентина манзилини айтди.

Майор бошқа ҳеч нарса сўрамади. Машина ўрнидан жилди. Ярим соатларча йўл юришди. Шаҳар четига чиқиб қолишганда Валентинани қўрқув босди.

— Нега шаҳардан чиқдик? Мен ахир шаҳарнинг марказида тураман-ку?

— Қаерга боришни ўзимиз яхши биламиш,— тўнгиллади шофер.

Яна ўн-ўн беш минутча йўл юрдилар. Шаҳар орқада қолди. Катта йўл чорраҳасидаги ДАН пости ёнига бориб тўхтасди. «Хайрият, йўлтўсарлар эмас экан», деб ўйлади Валентина. Барibir ички бир қалтироқ уни тарк этмаётганди.

— Етиб келдик, туш! — деб буюрди шофер. — Сўраймиз, суриширамиз, кейин уйингта элтиб қўямиз.

Пост биносидан ДАН инспектори чиқиб келди. У бўйнига автомат осиб олганди. Келувчиларни таниб, шоша-пиша қўлини чаккасига қўйиб, чест бериб саломлашди.

— Қалай, сержант, тинчликми? — сўради майор.

— Раҳмат, ўртоқ майор. Навбатчиликим даврида ҳеч қандай воқеа-ҳодиса содир бўлмади.

— Яхши, яхши. Постда бир ўзингми?

— Худди шундай, — деди-ю, майор бинога қараб юрганини кўриб, шоша-пиша қўшиб қўйди: — Йўғ-е, яна битта йўловчи ҳам бор.

— Албатта, аёл киши бўлса керак-а? Топдимми?

— Тушунарли. Тезда жўнатиб юбор!

— Хўп бўлади, ўртоқ майор, жўнатиб юбораман.

Улар зинапоялардан иккинчи қаватга кўтарилишди. Инспектор хонаси тартибсиз бир аҳволда эди. Яқиндагина бу ерда улфатчилик қилингани ҳали йигиштириб олинмаган стол устидаги идиш-товоқлардан ҳам билиниб турарди.

Полда ёшгина жувон чойшабга бурканганча келувчиларга жовдираф қараб ўтирибди. У кийиниб олишга ҳам улгурмаганга ўхшайди. Майор билан старшина формасидаги шофер бир-бirlарига маъноли қараб олишди.

— Сержант,— чақирди майор. Ўзини қўярга жой тополмай турган ДАН инспектори ғоз қотди:

— Эшитаман, ўртоқ майор!

— Дидинг ёмон эмас экан. Ҳалиги буйруғимни бекор қиласман.

— Қайси буйруқни, ўртоқ майор?

- Манови йўловчини жўнатиб юбориш ҳақидаги буйргумини. Ярим кечада қасрга боради.
- Хўп бўлади, ўртоқ майор.
- Дарвоқе, бирор нарсанг борми?
- Мановиданми? — томогига чертиб сўради сержант. — Топамиз!

Бу воқеаларга Валентина оғзи очилиб, қараб ўтирди. Уни бу ердан ҳали-бери қўйиб юбормасликларига ақли етди.

Майор биринчи марта Валентинага бошда-оёқ кўз югуртирди. Бу жувонни қаэрладир кўргандек бўлди. Аммо эслолмади.

Сержант бир пасда хонани тартибга келтирди. Жувон дастурхон тузашга ёрдамлашди.

Валентинага бу ерадигиларнинг нияти аллақачон аён бўлган эди. У паноҳ излаб тўрт томонга кўз югуртирди. Ташқарида тун ҳукмрон. Яқингинадан паравознинг гудоги эшигилди. Кейин еру кўкни ларzonга солиб юк поезди ўтди. Поезд келган тарафдан чироқлар кўринади. Демак, бу жой шаҳардан унча ҳам узоқ эмас экан. Темир йўл билан борилса, вокзалга чиқилади.

Майор сержантни «йўлни бир айланиб келиш учун» чиқариб юборди. Хонада икки зеркак ва икки аёл қолишди. Валентина майор ўзига ҳирс билан қараб-қараб қўяётганини нафрат билан ҳис этди. Қўрқув ўрнини қаҳр қамраб олмоқда эди. Қўллари мушт бўлиб тугилди. У ўзини идора қилолмай, мўйсафид майорга мушт тушириб қолишдан кўпроқ кўрқаётганди.

Старшина жувонни етаклаб нариги хонага чиқиб кетди. Ширракайф майор кўзлари сузилиб, Валентинани қучоқлади. Валентинанинг бошига қон тепди. У зарб билан майорни итариб ташлади. Майор орқаси билан столга бориб урилди. Стол ағдарилиб, шишалар, стакан-у пиёлалар жаранг-журунг қилиб тушиб синди.

— Вой, сени туқсан...

— Яқинлапшма, уриб бошингни ёраман! — Валентина синган шишани қўлига олди-да, важоҳат билан боши устида кўтарди.

— Ҳали бу қилмишинг учун жавоб берасан! Владимир Сисоевич габир оғиз айтсан, уруфингни қуригади!!

Майор бундай ҳужумни кутмаган эди, анграйиб қолди. Унинг саросимага тушганидан фойдаланган Валентина бир ҳатлаб эшикдан чиқди, сўнг зинаполардан сакраб-сакраб, тоғ эчкиси каби чаққон ҳаракатлар билан тун қўйнида кўздан фойиб бўлди.

Майор ҳанг-манг бўлиб қолган эди. У аёлнинг гапларини хаёлида тақрорлади: «Владимир Сисоевичга айтаман!» Ким у Владимир Сисоевич?

Бирдан майорни ваҳима босди. Владимир Сисоевич — обкомнинг иккинчи котиби Кочубей-ку! Бу аёлни унинг қабулхонасида бир эмас, бир неча марта кўрган. Нега аввалроқ эсига келмади-я!? Уни қайтариш керак. Бу ерда кўрганларини обкомга етказса, уни хароб қилишади. Минг азобда қўлга киритгани — бош терговчилик лавозими сабил қолади!

Майор тўппончасига ёпишди. Старшина билан жувон кириб кетган хона эшигини тепиб очди.

— Тинчликми, Йўлдош ака?

— Қочиб кетди! Уни дарҳол қайтариш керак. Кўлдан чиқиб кетса, икковимизни ҳам хароб қиласди. Тушундингми?! Хароб қиласди!

— Қочиб қаерга борарди, Йўлдош ака. Бир пасда ушлаб олиб келаман.

— Бўлмаса, олға!

Валентина чопиб бораркан, ўқтин-ўқтин орқасига бурилиб қарап, таъқиб қилиб келишмаяттимикан, деб хавотирланар ва яна олга югуради. Ўн-ўн беш минутлардан сўнг ДАН пости олдида машина чироқлари ёнди. Қувиш бошланганди. Машина шаҳар томонга ўтиб кетди. Валентина темир йўл излари бўйлаб бораркан, машинадан кўз узмади. Кўп ўтмасдан орқага қайтган машина чироқлари кўзини қамаштирди. Энди тескари томондан қидиришади, унгача вокзалга этиб оларман, деб ўйлади аёл. Ҳақиқатдан ҳам яна анча муддат машина чироқлари кўринмади.

Мана, яна пайдо бўлди. «Энди нима қилишаркин?» Валентина темир изларга ўтириб дам олди. Бир пайт ДАН томондан дўйпир-дўйпир оёқ товушлари эшишилди. Таъқиб этувчилар темир йўл узра тобора яқинлашиб келишаётган эди. Гоҳ-гоҳ кўл фонарининг ёруғи лип этиб кўринар ва яна ўчарди. Валентина яна чопиб кетди. Таъқибчилар анча яқинлашиб қолишганди. «Ушлаб олишса, соғ қўйишмайди!» деган қўрқинчли фикр ўтди аёлнинг дилидан. «Тириклай қўлга тушмаслигим керак! Ё биби Мария, ўзинг қўлла, онажон!»

Валентина катта магистрал канали кўприги устидан ўтаётганида уни кўриб қолишиди.

— Тўхта, отаман!

— От, мана, отмайсанми! — Валентина шундай деб кўприк панжарасига ёпишди. Анча чуқурлиқда сув ялтираб кўринди. Орқа то-

мондан қувиб келүүчиларнинг ҳарсиллаб нафас олишлари барадла эшитила бошлади. Аёл ўзини сувга отди. Худди шу дамда түппончадан устг-устига ўқ узилди. Валентина бўйни жаз этганини сезди, холос. У шалоп этиб сувга шўнгиди ва бир оздан сўнг ҳушидан кетди.

Майор билан старшина Валентина сувга сакраган жойда пастга эгилиб, бирон товуш эшитилармикин, деб анча вақт қулоқ солиб туришди. Тун тинчлигини ҳеч нарса бузмади.

— Лаънати сирни ўзи билан олиб кетди, — деб пўнгиллади майор. — Бошқа изларни ҳам йўқотиш керак, старшина.

— Ҳеч қандай из қолмади чамамда? — деди бўлиб ўтган воқеадан ҳамон гаранг старшина.

— Шундай деб ўйлайсанми? Демак, хато қиласан. Постда қолган аёл-чи? У кўрди-ку, биз уни қувиб кетганимизни. Балки у ҳам жуфтакни ростлаб қолгандир?

Аёл постдан кетганича йўқ эди. У ҳозиргина этиб келган ДАН инспекторига бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берадётган пайтда иккала милиционер қайтиб келишди. Майорнинг афти ангори унинг кайфияти ёмонлигидан далолат бериб турарди. Жувон сержантнинг пинжига тиқилиб олди.

— Старшина, гражданканни нариги хонага олиб чиқиб, менинг топшириғимни кутиб туринг! — амр қилди майор. — Менинг сержантга айтадиган гапим бор.

Старшина аёл билан нариги хонага ўтиб кетишиди. Майор сержантга бўлиб ўтган воқеаларни қисқа ва лўнда қилиб гапириб берди. Гап орасида бу ишларга ҳаммалари тенг жавобгар эканликларини қистириб ўтди. Сержантни қўркув босди.

— Яхши исп бўлмагти, ўртоқ майор, — деда талмовсиранди у.

Майорнинг жаҳли чиқди:

— Ўзим ҳам биламан, яхши исп бўлмаганини. Аммо бу ишлар қаерда содир бўлди, деб ўйлаб кўрмайсанми? Сенинг постингда! Постга аёл олиб келган, майшат ташкиллаштирган сен эмасми? Сен! Нима ҳаққинг бор эди шундай қилишга?!

— Хатомни тан оламан, ўртоқ майор.

— «Ўртоқ майор, ўртоқ майор» дейверасанми! Каллангни ишлатиб қара, атрофингда нима ишлар бўлаяпти ўзи?

Майор атайлаб сукут сақлади. Бундан сержантни баттар вахима босди.

— Тан олганинг яхши, — деди майор бир оз юмшаб. — Чиқсак тепамиз, ўлсак гўримиз бир бўлиши керак. Анави аёл кўп нарсага гувоҳ бўлди. Уни йўқотиш лозим.

Сержантта жон кирди:

— Бир пасда жұнатыб юбораман, ўртоқ майор.

— Қаерга жұнатыб юборасан? Эсинг жойидами үзи, сен боланинг?! Қаерга жұнатасан? Ҳамма күрганларини оқызмай-томизмай керакли жойға хабар қилиши учунми?

— Бўлмаса... нима қил, дейсиз?

— Уни бутунлай йўқотиш керак, вассалом!

— Ахир...

— Ахир-пахирингни билмайман! Қолаверса, сен ҳам шериксан бу ишларга. Ўйлаб кўр, бола. Мен кетиб, сен омон қолмайсан! — майор шундай деб қўлини тўппонча филофига олиб борди.

— Мен йўқ, ледимми? Фақат аниқроқ билиб олмоқчи эдим, холос, — деди сержант ранги ўчиб.

Майор хунук тиржайди:

— Ана энди ўзингта келдинг. Ҳа, дарвоқе, бу ишни кечиктири-маслик керак. Ҳар бир минут ғанимат. Бир ўқ билан хотиржам қил. Шовқин-сурон бўлмасин.

— Есть.

— Ҳозир уни сенинг олдингга чиқариб юбораман.

— Хўп бўлади.

Майор старшина билан қўшини хонада кутиб турадиган бўлиши-ди. Сержант ҳукмни ижро этишга ҳозирлик кўрди.

Бир неча дақиқа олдинги шошқалоқликдан дарак ҳам қоямаган эди ДАН нозирнида.

Олдинда ўзини нималар кутаёттанидан бехабар жупон «Анови икковининг башараси қурсин, улардан қўрқиб кеталяпман», деб бидилларди. Унинг гаплари сержантниң у қулогидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетаёттанди. У доворга иллинган автоматни қўлига олди, затторини шарақ-шуруқ торғиб, қўшини хона эшигини телиб очди:

— Қаршилик қилишнинг фойдаси йўқ, икковинг ҳам қуролларингни топшириянглар! — деди эътиrozга ўрин қолмайдиган одангда.

— Сержант, буюраман, аҳмоқлик қилма! — майор шундай деб қўлини тўппончасига узатди.

— Ўртоқ майор, буйругимни бажармасангиз, отиб ташлайман! — сержантниң важоҳати қўрқинчли эди. Бармоқлари автомат теликисини босай-босай деб турарди. Унинг буйругига бўйсунишдан ўзга чора қолмаганди. Ҳар иккоалари ҳам қуролларини филофи билан сержантниң оёқлари остига ташлашиди.

— Айтиб қўйй, қимир этсаларинг, огоҳлантирмай отаман!

Сержант тутқунларга автомат ўқталганича ҳаво телефони тугмачасини босди. Бир неча сониядан сўнг энг катта ДАН постида содир бўлган воқеа вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг қулогига етиб борди. Рашиддан полковникнинг:

— Сержант, бардам бўл, ҳозир ёрдам етиб боради! — деган ўқтам товуши янгради.

Бу вақтда осмон бўзариб, тонг отиб келаётганди. Бир оздан сўнг шаҳар тарафдан милиция машиналарининг вахимиали сигнали эшитилди.

Майор ошпоқ сочли бошини осилтирганича йиглаб юборди.

## XV. ҚОНЛИ БАЗМ

«Соҳилбўй» ресторанидаги мажародан бир ҳафта ўтказиб Ҳафиз бошлиқ улфатлар қишлоққа — Уйгунникига борадиган бўлишди. Авваллари тез-тез бориб туришган бўлса-да, бир воқеа сабаб бу қишлоқдан қадамлари тийнлган эди. Аниқроғи, охирги марта боришганига уч йилдан ошди.

Уйгун жўраларини дафдабали кутиб олди. Қишлоқдаги якка-ю ягона ресторонда меҳмонлар шарафига базми жамшид ушютириди. Ўтраҳол колхозчининг бир тўйга қиласидиган сарф-харажати кетган базм чўзилганидан-чўзилиб, вақт хуфтондан ошгандা «иккичи даражали» меҳмонлар туриб кетишиди. Ана шундан сўнг жўралар олдидағи дастурхон янгиланди.

Улфатларнинг кайфи баланд, баъзиларининг, айниқса, жўрабоши Ҳафизнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Уч йил бурун худди шу ресторонда бўлиб ўтган, юқорида шама қилиб ўтилган воқеа эсига тушган Ҳафиз қасос ўтида тўлгона бошлади. Қўллари мушт бўлиб тугилди. У Уйгуннинг қўлидан шап этиб ушлади-да, ўзига қаратди:

— Уйғун, эсингдами, роса уч йил бурун худди мана шу ерда битта мишиқи билан муштлапиганмиз?

— Эсимда, ошна, эсимда. Роса таъзирини бергандик ўша мишиқининг. Бу ҳам камлик қилгандек, қаматиб юборганимиз. Сенинг отингнин эшилса етти тоғ ошиб қочса керак, — Уйғун ошириб гапириб юборганини сезди-ю, сир бергиси келмади.

Бу гаплардан Ҳафиз мамнун тиржайди.

— Яқындан қамоқдан чиқиб келди, — деб қўшиб қўйди Уйғун. — Мен шаҳардалигимдан фойдаланиб, шефликка даъво қилиб юрганмиш.

Ҳафиз шалоқ сўзлар билан сўкинди, сўнг:

— Демак, уч йил камлик қилган экан-да? — деб вишиллади.

— Йигитлар, баччагар билан яна бир гаплашиб қўймаймизми?

Ҳозиргина оғзи билан ўроқ ўриб ўтирган жўралар пилдир-пис бўлиб қолишиди.

— Ие, юрак деб ўпкани кўтариб юрган экансизлар-ку? — деб ёзғирди Ҳафиз. — Мен бир ўзим гаплашиб қўяман ўша угаловник билан. Уйғун!

— Мен шу ердаман.

— Топиб, ҳузуримга олиб келиш қўлингдан келадими?

— Келади.

— Бўлмаса, жўна.

— Сенинг гапинг манга қонун. Лекин...

— Лекининг нимаси?

— Вақт кеч бўлди. Шу эртага қолдирсак-чи?

— Йўқ, бўлмайди! У билан ҳозирнинг ўзида гаплашиб қўйишим керак тушундингми? Ҳозирнинг ўзида! Ё қўрқаяпсанми?

— Гаплашадиган сен, нега мен қўрқар эканман? Топиб кел, десанг, топиб келганим бўлсин, — шундай деб Уйғун меҳмонларга хизмат қилиб юрган, қўл-оёғи чақҳон йигитлардан бирини «Ернинг остидан бўлса ҳам Элмуродни топиб кел!» деб жўнатиб юборди.

Элмурод бир камбағал колхозчининг ўғли бўлиб, бир қаричлигидан бошлаб Уйғунга ўхшаган кеккаймачоқ, орияти йўқ бойваччаларни жини сўймас, шу сабабли пайтини топди дегунча улар билан дўппослашиб, хуморидан чиқишни яхши кўради. Бориб-бориб қишлоқ йигитлари «камбағаллар» ва «бойваччалар» деган иккита гуруҳга бўлинib муштлашадиган бўлди. Табиийки, «камбағаллар» гуруҳининг сардори Элмурод эди. «Бойваччалар» гуруҳига гоҳ Уйғун, гоҳ унинг шаҳарлик гумашталари бошлилик қиласарди. Бир гал Уйғун Ҳафизни жўралари билан қишлоғига чақириб меҳмон қилди. Бундан мақсади Элмуродни қайириб олиш эди. Муштлашувда Уйғуннинг тарафдорлари калтак еди, айниқса, Ҳафизнинг юз-кўзи мўматалоқ бўлди. Мансабдор отаси тафтиш қилиб, айбдорларни аниқлади. Элмуродни судга бериб, уч йилга кестирди.

Мана, тақдир уларни яна учраштирадиган бўлиб турибди.  
Чопар йигит Элмуроднинг дарвозасини гурсиллатиб ура бошлиди. Анчадан сўнг ҳовлидан:

- Ким у? — деган овоз эшишилди.
- Элмурод керак эди.
- Кимсан, ярим хуфтонда Элмуродда нима ишиңг бор?!
- Уйғун деган жўрасиникига меҳмонлар келишган. Элмуродни келсин, деб мени жўнатишиди.
- Соат неча бўлганини биласанми, ўзи? Меҳмонга борадиган вақтми ҳозир. Бор, йўлингдан қолма!

Чопар Уйгуннинг феълини яхши билади — Элмуродсиз борса савалайди. Шу боисдан ялинишга ўтди:

- Жон амаки, Элмуроднинг ўзини чақириб беринг, ўзига айтай, бормаса-бормас.
- Жўна, дедим сенга! Бўлмаса, ҳозир чиқиб адабингни бераман!

Шу пайт дарвоза ортидан Элмуроднинг овози эшишилди:

- Ота, ким билан гаплапаяпсиз?
- Э, биттаси, сени сўрайяпти. Чиқма, ўғлим.

Чопар йигитта жон кирди:

- Элмурод, бу менман. Уйғун жўраларига зиёфат берашти.
- Сени, албатта, келсин деб мени юборди.

- Уйгуннинг менда нима иши бор экан, айтмадими?
- Йўқ, айтмади.
- Меҳмонлари кимлар?
- Шаҳарлик Ҳафиз дегани, яна икки-учта...
- Тушунарли. Менинг уларда ишпим йўқ. Бориб шуңдай деб айт!
- Элмурод, ошна, бундай қилма. Менинг билишимча, Уйғун ҳамманинг олдида сен билан ярашмоқчига ўхшайди. Юр.
- Мен шаҳарлик бойваччанинг ялоқхўри билан ярашмайман. Бориб айт.

- Нега чақираётганини айтами?
- Айтгинг келаётган бўлса, айтавер.
- Ҳафиз «Элмурод мендан қўрқади, мен бор жойга келишга ҳадди сигмайди», деди. Демак, сен ундан қўрқар экансан-а?
- Мен Ҳафизингдан ҳам, бошқасидан ҳам қўрқмайман.
- Бўлмаса юр, қўрқмаслигингни ўзларига айт

Элмурод қўл силтаб, дарвоздадан кириб кетаётганди. ҳабарчи йигитнинг сўнгги галини эшишиб, таққа тўхтади.

— «Элмурод қамоқдан «анақа» бўлиб келган, шу сабабли одамларга кўринмай юрибди», дейишди. Наҳотки сен шу иснодга чидаф юраверасан?

— Ёлғон! Бу гапларни ўзинг тўқиб чиқаргансан! — деб бўкирли Элмурод йигитни гирибонидан бўғиб ушларкан.

— Нон урсин, шундай деди!

— Агар ёлғон айтган бўлсанг, ичагингни бошингта салла қиламан! Қани, олдимга туш!

— Ҳой, бола, шайтонга ҳай бер, борма ўша касофатларнинг олдига! — Элмуроднинг йўлини тўсди кекса ота.

— Ота, йўлимдан қочинг! Эшигдингиз-ку, мен ҳақимда нима дейишганини?

— Ит ҳураверади, карвон ўтаверади. Борма, болам!

Элмурод бир силтаниб, чолнинг қўлидан чиқди. Кекса ота қоронғулик бағрига сингиб бораётган йигитлар орқасидан қоқсуяк қўлларини чўэганча ўкириб қолаверди:

— Борма, болам! Борма-а-а...

\* \* \*

Уйғун Элмуродни олиб келиш учун чопар юборганига сўнгроқ пуштаймон қила бошлади. Элмурод келса жанжал чиқиши тайин. Жўралар бирор билан олишиш нари турсин, оёқда зўрга туришга ҳам ҳоллари йўқ. «Эй, худо, Элмурод шу кеча уйида бўлмасин-да. Мен аҳмоқ бўлмасам, шу девона Ҳафизнинг бодига учаманми. Йўқ десам мени тилимдан осармиди».

— Ана, келишди, — деди кимдир. Чагур-чуғур гаплашаётган сархуш улфатларнинг дами ичига тушиб кетди. Бундан Ҳафизнинг аччиғи чиқди:

— Намунча нафасларинг ичларингта кириб кетди? Келаётган Азройил эмасми, ишқилиб? Йўғ-е, Элмурод деган мишиқи-ку.

Ресторан эшигидан кирган Элмурод ҳам Ҳафизнинг бу гапини эшидти. У қўлларини кўксисда қовуштириди-да, гўё бу ерда Уйғундан бошқа одам йўқдек унга юзланди:

— Чақиртирган экансан, мана, мен келдим.

Элмуроднинг важоҳатини кўрган «марди майдон» жўраларнинг тили танглайида қотди.

— Уйғун, адашмасам мени сен чақиртиргансан? Гапинг бўлса, айт.

— Нимантта ишониб бунча кериласан?! — иддао қылди жүраларидан садо чиқмаганидан аччиқланган Ҳафиз. — «Үтириб келгансман, ҳамма мәндан құрқади», деб үйлаётган бўлсанг хато қиласан.

Элмурод унга совуқ назар ташлади-да, босиқлик билан деди:

— Ўзимга ишонмасам келмасдим. Ҷақирған экансанлар, келдим. Дардинг бўлса айт, менинг вақтим йўқ.

Элмуроднинг табиатидаги ювошлиқ жүраларни алдаб қўйди. Улар ҷағир-чугур гапга тушиб кетдилар. «Бир марта боплаб таъзирини бериб қўйсак, абадул абад юзимизга тик қарамайдиган бўлиб қолади». Уларнинг ўйлаганини Ҳафиз тилига чиқарди:

— Ушланглар уни!

Ҳаммалари ҳимоясиз йигитга ташланишди. Элмурод қаршилик кўрсатмади. Фақат уларни инсофга чақирған бўлди:

— Мен сизларга нима қилдим? Ҷақирдиларинг — келдим. Ярим кечада уйқудан қолдириб олиб келганларингнинг сабабини билсан бўладими?

«Хе, бечора, адойи тамом бўлган экан. Қамоқ жонини олибди. Ҳатто қаршилик қилишга ҳам қўрқаяпти».

— Ҳей, Ўйғун, мени шунинг учун чақиртирган эдингми?

Ўйғун кўзларини олиб қочди. Унинг ўрнига Ҳафиз жавоб берди:

— Ҳа, шунинг учун. Яна... яна сени лагердан «анақа» бўлиб келган, деб эшитдик. Синаб кўрмаймизми, йигитлар? Элмуродбек бугун Элмуродгул бўлиб даврамизда соқигулик қилади!

Шу вақтгача тишини тишига қўйиб турган Элмуроднинг кўзларига қон қуйилди. У рўпарасида беҳаё қилиқлар қилиб, жўраларини кулдираётган Ҳафизнинг киндигидан пастрогига зарб билан тепди. Ҳафиз «их» деганича олдини ушлаб ўтириб қолди.

Элмурод ҳар қанча силтанмасин, жўраларнинг қўлидан чиқиб кетолмади. Уни ресторон ўртасидаги нақшинкор устунга тортиб боғладилар.

— Тепиши қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сенга! — шундай деб Ҳафиз ўрнидан туриб, Элмуроднинг коз-кўзи аралаш калла қўйди.

— Ур! Ур, ўлсин! — деб бақирди сўнг кутирган шерикларига қараб.

Зарбаларнинг зўридан Элмурод боғлаб қўйилган тасма тарс этиб узилиб кетди. Бу йигитнинг жонига оро кирди. У рўпарасидан мушт тушираётган йигитни бир уриб учирив юборди, иккинчисини итариб ташлаб, Ҳафиз томон отилди. Улфатлар кўз ўнгигда бир вақтлар ҳаммани зир титратган Элмурод бутун бўй-басти билан пайдо бўлди. Улар беихтиёр орқага тисарилишди. Элмурод билан Ҳафиз юзма-юз туриб қолишиди.

Уч йил қамоқда кечган умр учун, бугунги ҳақоратлар учун интиқом олиш соати етиб келгандек эди. «Ҳафиз ўлиши керак! Бундайларнинг ер босиб юришга ҳаққи йўқ. У ўлимни ўзига ўзи сотиб олди. Шерикларини ҳам омон қўймайман!»

Элмурод пахмоқсоч рақибининг томогидан хиппа бўғиб кўтарди. Мана, ўша интиқом они!

Лекин тақдир бошқача ҳукм чиқариб қўйган эди.

Орқадан биқиниб келган Ўйғун қаердандир қўлига тушган тўқмоқ билан Элмуроднинг бошига урди. Элмурод гир-гир айтанди-да, Ҳафизнинг оёқлари остига қулаб тушди. Ҳамма ёққа қон сачради.

Улфатлар ғалаба нашидасини суришга улгуришмади. Юракларни тилкалаб ташпайдиган ҳайқириқ ҳаммани эшик томонга бурилиб қарашибга мажбур этди. Уерда сарпойчан, бош яланг чол милтиқ ўқталиб турарди. Бу Элмуроднинг отаси эди.

Икки марта варанглаб ўқ отилди.

Димокларни ёрувчи тутун кўтарилиб, даҳшатли маңзара кўзга ташланди: ресторон ўргасида қўлларини икки томонга ёйиб юборган Элмурод юзтубан ётибди. Унинг мажаҳланган бошидан ҳамон қон силқиб турибди, боши атрофида каттагина қўлмак пайдо бўлган. Гўёки қилмишига пушаймон бўлган-у, узр сўрамоқчи бўлгандек Ўйғун Элмуроднинг оёқларига бош қўйган. Устунга орқаси билан суюнгантча ўтириб олган Ҳафиз қўллари билан юзларини берқитган. Бармоқлари орасидан енгига чак-чак қон томиб турибди.

Қонли базмнинг бошқа иштирокчилари бир пасда тумтарақай бўлиб кетишиди.

Қишлоқ узра фарёдли ўкирик эшитилди:

— Вой, бола-а-ам!..

## XVI. ИВАН

### 1

Андрейнинг қиссаси Баротни қизиқтириб қолди. Отасининг қотиллар қўлида ҳалок бўлганини эшитгач, бу йигитта қандай ёрдам берсам бўлар экан, деб ўйлай бошлади.

— Мана, менинг достонимни эшитдинг, — деди Андрей. — Хўш, балки сен ҳам ўзинг ва ўзингникилар ҳақида галириб берарсан?

Барот ота-онасинг автоҳалокат туфайли ҳалок бўлишганини, уйланмаганини қисқагина қилиб гапириб берди. Андрей эса у ҳақда кўпроқ нарсани, айниқса, қамалиш сабабларини билмоқчи эди. Бу йигит ўғрилик қилгандир ё қаллоблик қилгандир? Андрей ўғриларни ҳам, қаллобларни ҳам, одам ўлдиргандарни ҳам ёмон кўрарди. Агар Барот шу тоифадагилар сирасидан бўлса, у билан пачакилашиб ўтирмастан хайрлашгани маъқул. Аммо Баротнинг чин дилдан гапираётгани, арзимаган сабаб билан қамаб кўйишганини фаҳмлаган Андрей суҳбатдошини бағрига босди:

— Мана, оғайничалиш, энди икковимиз ҳақиқий дўст бўлдик, — деди Андрей терисига сифмай. — Икковимизнинг тақдиримиз жуда ўхшаш экан. Балки тақдир атайлаб икковимизни учраштириш учун қамоқча ташлагандир? Агар шундай тасодиф бўлмаганда, балки учрашмас эдик, а?

— Рост айтасан, дўстим, ҳар ёмонликнинг бир яхши томони бўлади, дейдилар. Ноҳақ тортган азобларимиз эвазига дўстлашишни мусассар этган тақдирдан хурсандман, — шундай деб Барот томирида ҳам ўзбек, ҳам украин қони оқиб турган дўстини қучоқлаб, кўтариб гир-гир айлантириди. Максим тоға йигитларнинг бир-бирини ялаб-юлқашидан завқланиб кетди. У ишини қўйиб, йигитларнинг олдига келди.

— Болаларим, — деди Максим тоға, — ҳақиқатдан ҳам бугун бизнинг кўхна қабристонимизда байрам қилса арзийдиган сабаблар бор. Мана, сизлар ака-ука тутиндинглар. Қолаверса, яна битта зўр сабаб бор. Бунинг сизларга қизиги бўлмаслиги ҳам мумкин.

— Тоға, ўша сабабни биздан яширманг, илтимос қиласмиш, — икковининг номидан илтимос қилди Андрей.

— Кўймадинг-кўймадинг-да, майли, айтганим бўлсин, — кўнди чол. — Бугун камина етмиш ёшга тўладилар!

Йигитлар тоғани астойдил табриклашди.

— Ҳали бу ҳаммаси эмас, — деди тоға кўзларини мугамбirona қисиб.

— Сиз қабристон сultonи эмас, сирли сандиқ ҳам экансиз-ку, — ҳазиллашибди йигитлар. — Қани, бўлмаса зшитайлик?

— Роза қирқ йил бурун бир мажруҳ рус аскари ўзи учун етти ёт бегона ўзбек қишлоғига кириб келади. Унинг қопчиғида госпиталда даволанаётган ўзбек жангчисидан унинг ота-онасига салом хати ва совға-салом бор эди. Хушхабар келган хонадонда тўй бўлиб кетди. Элга ош тортилди. Сўнг бутун қишлоқ рус йи-

гитини галма-галдан мәхмөн қилди. Хуллас, аскарнинг қайтади-  
ган куни ҳам келади. Аммо у қаерга ҳам борсин, ота-онасини,  
шештина хотинини немислар отиб ташлашган, қишлоғининг кули-  
ни күкка совуришган бўлса?

Аскарнинг фожиаси ҳақида дўсти ота-онасига юборган хати-  
да ёзган экан чамаси улар уни шу ерда қолишга, ҳеч бўлмаса,  
уруш тугагунча қолишга кўндиришиди. Унга бу қишлоқ одам-  
лари ўз туғишиларидек қадрдан бўлиб қолишиди. Ҳашар қилиб,  
бошпана қуриб беришиди. Колхозда ишлади. Бахтини ҳам шу ер-  
дан топди. Фронт орқасига кўчириб келингандардан Оксана ис-  
млиmall соч жувон билан турмуш қурди. Фарзандлик бўлиши-  
ди. Вақт бир ерда тўхтаб турмайди. Уруш тугади. Олисдан кел-  
ганилар аста-секин ватанларига қайта бошлидилар. Аммо тан ва  
дил жароҳатларига шу халқ бағрида малҳам топган собиқ ас-  
кар, хотини Оксана ва ўғли Иван Максимич бу қадрдан ердан  
кетишини хаёлларига ҳам келтиришмас эди.

— Максим тоға, бўлди, мен топдим ўша собық аскар кимлиги-  
ни! — деб қийқирди Андрей. — Ўшасиз эдингиз. Ё хато қилдимми?

— Оббо, билағон-сй. Тўғри топдинг, ўша мен эдим. Ўшандада  
мен ўттизни қоралаган бўз йигит эдим.

— Демак, отахоннинг етмиш йиллигини, меҳмондўст ўзбек  
қишлоғига келиб қолганининг қирқ йиллигини нишонлаш керак!

— тантанали оҳангларда зълон қилди Барот. — Хўш, байрам  
дастурхонини қандай безаймиз, юбиярга нима совға қиласиз?

Ҳазил-хузулдан берилган бу савол ҳар иккала йигитни ҳам ўйлан-  
тириб қўйди. Уларда на совға қилиш, на дастурхон тузаш учун имко-  
ният бор эди. Аммо Максим тоға уларни хижолатдан қутқарди:

— Совға-повғаларинг керак эмас, болаларим. Ароқ бўлса бор.  
Газагига шўр бодрингдан яхшироқ нарса бўлмаса керак. Қани,  
дастурхонга марҳамат!

Қабристон қоровулининг хонасида якка-ю ёлғиз темир круж-  
ка қўлма-қўл айланди. Кружка айланган сари тилларнинг чиги-  
ли ечилиб, дилдаги фам-андуҳни ҳам ювиб кетди.

Кайфи ошиб қолган чолнинг кўзларида ёш милтиллади. У ро-  
стакам йиглаётган эди. Йигитлар бир-бирларига қараб олишиди.

— Мени авф этинглар, чироқларим, — кўзларидаги ёшни каф-  
тининг орқаси билан сидириб ташлар экан, йигламсираб сўзлади  
Максим тоға, — Ўғлим Иван эсимга тушиб кетди. Уни бутун  
қишлоқ аҳли Иван Поддубний дер эди. Поддубний деса арзигу-  
лик паҳлавон йигит эди у.

— Нега «эди» деяпсиз? Унга нима қилган? — сўради Барот юраги «шув» этиб.

— Болагинам колхоз фермасига тушган ёнгинни ўчираман деб ҳалок бўлган. Ўшанда йигирма уч ёшда эди. Ўзим билан фермада ишларди...

Оҳ, унинг кураш тушганларини кўрсангиз эди. Ўзбекча курашнинг ҳадисини олганди. Йигирма ёшида манман деган полвонларнинг курагини ерга тегизди. Иван кураш тушмаган тўйтўй бўлмасди. Олис-олислардан унинг курашини томоша қилиш учун одамлар келишарди. Аммо бола сира пул учун даврага тушган эмас. Орияти жуда кучли эди унинг. Бир куни қаердандир, четдан келган полвон шу ерлик курашчиларнинг барини йиқиб, бош совринни олиб кетди. Бу вақтда Иван подани тоқча ҳайдаб кетган, қишлоқда йўқ эди. Бир мунча вақтдан кейин овуллардан бирида бўладиган тўйга ўша полвон ҳам келармиш деган овоза тарқалди. Белгиланган куни катта-ю кичик ўша ёққа жўнадик. Хуллас, кураш бошланди. Ёш-ялангдан сўнг катта полвонлар давра айланишди. Бош совринга ўша донгдор полвон даъвогар бўлиб давра айланди. У одамдан кўра кўпроқ девга ўхшарди. Даврабоши давра айланиб, полвонларни даъват эта бошлади. Аммо бирор миқ этмайди. Хуллас, бу гал ҳам бош соврин давангир полвонда кетиши аниқ бўлиб қолди. Ахир раисимиз чидаб ўтиrolмади, туриб менинг олдимга келди:

— Максим Иванич, — деди хижолатомуз, — кўриб турибсан, манави полвон бугун ҳам юзимизни ер қилиб кетадиган бўлиб турибди. Рухсат бер, Иван шу полвон билан икки қўлгина олишсин. Йиқилганни ер кўтаради, деган гап бор. Йиқитса уни орқасига ортмоқлаб олиб кетмайди-ку. Хуллас, гап шу — Иванга рухсат бер. Бор-йўғи икки қўл олишсин. Ўзим ажратиб кўяман.

— Олишадиган у, Иваннинг ўзидан сўра, раис, — дедим.

— Яша, шоввоз, ўғлинг сендан ҳайқиб ўтирганди. Қани юр, ўзинг айт унга.

Ўғлим мендан розилик олганча, ўзбек одатига кўра даврадан фотиҳа олиб, давангир полвонга рўпара бўлди. Анча вақтдан бери муносиб рақиб бўлмаганлиги сабабли совринларни текиндан-текин олиб ўрганиб қолган полвон уни ёш бола фаҳмлаб, писанд қилмади. Борасолиб Иванни туртиб юборди. Иван даврада ўзаро ҳурмат бўлишини севарди. У ҳеч вақт рақибининг иззат-нафсига оғир ботадиган иш қилмасди. Шу сабабдан да-

вандир полвоннинг қилиғидан ачиги чиқди. Давангирнинг турткисидан Иван ўзини қандай ўнглаб олди, қандай усул ишлатди, билмай қолдим. Бир вақт қарасам давангирни ердан озод кўтариб, алла қилиб, ерга урадиган бўлиб турибди. Аммо тоши ўзидан уч-тўрт марта оғирроқ келадиган рақибини кўтариб туролмай, орқага оға бошлади. «Тамом!» деб ўйладим. Бу даҳшатни кўрмай деб кўзларимни чирт юмиб олдим. Бирдан қий-чув бўлиб кетди. «Ҳа, бечора болам, ҳаммага шарманда бўлдинг», деган ўй билан қўрқа-писа кўзимни очсан, чанг-тўзон ичида давангир полвон чалқанча ётибди. Иван гўё ҳеч нима бўлмагандек бир четда кулиб турибди. Шу-шу бўлди-ю, Иваннинг номига Поддубний деган номни қўшиб айтадиган бўлишди. Ҳалиги номдор полвон эса бу томонларга бошқа келмай кетди.

Оҳ, болагинам, ана шундай кучга тўлган бир пайтда ҳалок бўлди.

Бир куни тонгта яқин колхоз фермасига ўт кетди. Тўрт юз бош қорамол бир ерда сақланарди. Ферма ҳовлисига хашак тоғдек-тоғдек скирд қилинган. Скирлар гур-гур ён бошлади. Оловнинг тафтидан молхонага яқинлашиб бўлмайди. Аксига олиб молхонанинг орқа эшиклари симбуров қилиб ёпиб ташланган. Бир вақт Иван девор ошиб, молхона томонга чопди. Эшиклардан бирини синдириб, молларга йўл очди. Бу пайтда молхона томига ўт кетди. Иван сигирларни ҳайдаб чиқмоқчи бўлдими, молхона ичида кўздан фойиб бўлди. Худди шу вақт том босиб қолди. Ўт ўчирувчилар етиб келишади. Иванни тўсиян босиб қолган экан. Олиб чиқишганда ҳали жони узилмаганди. У жон бераяпти-ю «Моллар ҳаммаси қутқазилдими?» деб сўрайди.

Шўрлик хотиним ўғлининг догоига чидай олмади. Шундай қилиб, бир ой ичида энг азиз икки кишимни тупроққа топширдим. Уларни ана шу қабристонга дағн этдик. Ўғлим ва хотинимни ташлаб мен қаерга ҳам борардим. Колхозни ташлаб шу ерга кўчиб келдим. Ўлсам мени ҳам ўғлим билан хотинимнинг ёнига кўмишар.

Максим тоға кўзларидан оқаётган шашқатор ёшлирини енги билан артди-да, хўрсиниб қўйди:

— Майли, ўтган ишга саловат, болаларим. Сизларни кўриб, Иванимни кўргандек бўлдим, кўнглим бузилди. Сизларнинг ҳам кайфларингни буздим. Аслида анча вақтдан бери йиглай олмай юргандим, дардларим ичимда тўпланиб қолганди. Мен қарияни

маңзур тутинглар. Шу қадағни менинг марҳум фарзандим ва хотиним учун ичишларингизни сүрайман...

Учови ҳам ўринларидан туриб, галма-галдан кружкадаги ароқни сипқоришиди.

\* \* \*

Кун давомида яkkам-дуккам зиёратчиларни ҳисобlamаганда Андрей билан Баротни ҳеч ким безовта қилмади. Иккى оғайни кечгача думалаб ётишди. Кечқурун уларда сархұшликдан нишон ҳам қолмади. Улар әртаги кун режаси устида бөш қотира бошлашди. Лекин ҳеч бирининг бошига ақплироқ фикр келмади. Уларнинг гарданыда «қоюқ»деган тавқи лаънат осиғлиқ турар, құлға тушиб қолышса уларға ҳеч ким марҳамат қилмаслинини билишарди. Андрей яна бир неча кун Максим тоғанинг қоровулхонасида қолиб, қулай пайт келишини пойламоқчи, Барот эса шу тундаёқ Эшонқишлоққа кетмоқчи. У нима бўлса ҳам Гўзалнинг ҳолидан хабар олишни ўзининг бурчи деб биларди. Максим тоға билан Андрей Баротни ҳарчанд бу фикрдан қайтармоқчи бўлишмасин, у қайсарлик билан сўзида туриб олди.

Максим тоға билан Андрей Баротни катта йўлгача кузатиб қўйишди. Йигитлар қучоқлашиб хайрлашишиди.

## 2

Барот ярим хуфтон чоги Саркашдарё кўпригига етиб келди. Бу ерда иккита кўприк ёнма-ён қурилган бўлиб, бири тарихий архитектура обидаси сифатида сақлаб қўйилган. Кўприкни қадимий кўринишига келтириш учун анча-мунча ҳаракат қилинган. Ҳатто ҳозир ҳам кўприкнинг қоқ ўртасида кўприксозларнинг вагон уйчаси савлат тўкиб турибди. Сал нарида янги, маҳобатли кўприк қурилган. Ҳар иккала кўприк ҳам неон чироқлари билан ёритилган. Бу ердан сезмасдан ўтиб кетиш амримаҳол. Барот бир зум иккиланиб қолди. Йўл ва йўлаклар бўм-бўш, на одам зоти, на биронта йўловчи транспорт кўринади. Бу унга хотиржамлик бағишлиди. Янги кўприкдан тез-тез юриб кетди. Нариги соҳилда, кўприк тугаган жойдан нари борса йигирма қадамча ерда қоронғилик бошланарди. Нажоткор қоронғилик тобора яқинлашмоқда. Аммо кутилмаганда шундоққина ёнгинасида ҳуш-

так эшитилди. Йүқ, бу милициянинг ҳуштаги эмасди. Кўпинча йўлтўсарлар шундай ҳуштак чалиб, бир-бирини хабардор қиласди. Барот таққа тўхтаб, ҳуштак эшитилган тарафга қаради. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, икки қадамча олдинда бир барзанги пайдо бўлди. Орқа тарафда эса яна учтаси қақайиб турибди. Барот вазиятни чамалаб кўрди. Қочишнинг иложи йўқ—орқага ва олдинга йўллар кесиб қўйилган. Фақат хотиржамликни қўлдан бермаслик керак.

— Чакишдан борми? — гулдираган товушда сўради барзанги.

— Йўқ, чекмайман.

— Оббо, ҳали чекмайман, де? Чўнтакларингни бир ағдар-чи!

— Рост айтаяпман, бўлса берардим.

Барзанги сёкингина ҳуштак чалган эди, орқа тарафдаги йигитлар Баротни ўргага олиши. Уларнинг турқи совуқ, қўлларида пичоқ ялтирайди. Пичоқ ушлаган қўлларга қараб уларнинг анча тажрибасиз эканлигини пайқади. Қандай бўлмасин, йўлтўсарларнинг ҳушёрлигини пасайтириб, ўзига йўл очиши керак.

— Мана, киссаларим бўм-бўш, ўзларинг кавлаб кўринглар, — деб қўлларини баланд кўтариб турди Барот.

— Ҳақиқатдан ҳам ҳеч вақоси йўқ экан лаънатининг, — деб сўкинди Баротнинг киссасини титиб чиқкан йўлтўсар.

— Ундей бўлса, кийимларини ечиб ол! Туфлисини қара, япянги экан, — амр қилди ўғрибоши. — Қани, туфлийингни еч!

— Мана, акалар, фақат шимимни қолдиринглар?

— Шимингниам ечасан!

— Майли, акалар.

Юваш «смижоз» йўлиққанидан хурсанд бўлган йўлтўсарлар унинг қўлларини бўшишилди. Барот туфлисининг боғичларини ечмоқчи бўлгандек ерга энгашди. Шу алпозда биринчи зарбани ўғрибошига йўналтириди. Йўл ўртасида қоядек турган барзанги «их» деган товуш чиқарди-ю, яшин урган дараҳтдек қулади. Икки тарафда турган йўлтўсарлар нима гаплигини фаҳмламасданоқ ерпарчин бўлишди. Фақат анча четда турган қароқчигина қутилиб қолди. У бир зумда кўздан гойиб бўлди. Баротнинг бу ерда қиладиган бошқа иши қолмаганди. У тез-тез юриб, қоронгулик бошланган жойга етиб олди.

Орқа тарафда машина чироги кўринди. Машина кўприқда тезликни пасайтириди. Сулайиб ётган одамларни босиб кетмас-

лик мақсадида уларни айланиб ўтди-да, сүнг жон-жаҳди билан олға отилди. Юк машинасинг ўтакаси ёрилган ҳайдовчиси йўл четиди турган йўловчини пайқамади ҳам. Мушукдек чақон Барот машина орқасидан бироз чолиб борди-да, бортга осилиб, кузовга чиқиб олди.

У орқага қаради бошига кулфатлар келтирган шаҳар чироқлари тобора узоқлашиб борарди. Олдинда эса зулумот ҳукмрон. Юк машинаси қоронғулик бағрини пора-пора қилганча олға югуруарди.

Барот дилида қувончга ҳам, гуссага ҳам ўхшамайдиган туйгулар түғенини босишга беҳуда уринар ва:

— Ҳеч нарса тўғрисида ўйламаслик керак, ҳаммаси жойига тушиб кетади, — деб ўзини ишонтирмоқчи бўларди.

Эшонқишлоққача ҳали анча бор. Барот машина кузовига ёнбошлиди...

## XVII. ОТА ҚИЗИННИ АХТАРАДИ

Шайтоннинг гапига кириб, қизини оқ қилган Сирож бобо ўзини қўярга жой тополмайди. Нима бўлгандаям фарзанд. Ўлганга куйгандан тирикка куйган оғир бўларкан. Ўйлаб ўйининг охирига етолмайди.

Ниҳоят, Чўлободга бориб келишга аҳдланди. У ердан ҳам дараги чиқмаса худодан кўради.

Бобо бомдодни ўқиб бўлиб, кампирини ёнига ўтиришга буюрди:

— Мен қизингни дараклаб кетаяпман. Улгурсам кечгача қайтаман. Балки бир-икки кун қолиб кетарман. Ўйнинг гапи кўчага тўғри келмайди, хотин. Мени сўраганларга бирон жўяли жавоб берарсан. Зинҳор-базинҳор қиз қидириб кетганлигимни оғзингдан чиқарма! Менга қиз эмас, бир дунё берган экан Эгам. Болалигига қизамиқ-пизамиқдан ўлиб кетганда бунчалик куймасдим.

— Астагфурилло дент, дадаси, астагфурилло дент. Худонинг иродасидан ташқари битта похолниям у ёқдан-бу ёққа олиб қўйиб бўлмайди. Яхши кунгаям, ёмон кунгаям шукр қил, деб ўзингиз ўргатасиз-у, бундай куфр гапларни гапирасиз. Ноумид шайтон. Шояд Гўзалхон юрган бўлса тупроқдан ташқарида соғ-саломат.

Бобонинг кўзларида ёш ҳалқаланди. У тўнининг енги билан кўзларини артди:

— Билмадим, худога нима ёмонлик қилган эканманки, менга бу кўргуликларни кўрсатиб турибди. Майли, Оллоҳдан келганига қойимман. Аммо-лекин қиз фарзандинг ноқобил чиқмасин экан... Агар қизинг таги паст онасига тортиб, унинг йўлига кирган бўлса, бунинг номусига қандай чидайман? Эллик йиллик тоатибодатим куйиб кул бўлмайдими, кампир!?

— Ота бўлиб душманнинг галини гапиряпсиз? Онаси ўз йўлига. Бир ҳаричлигидан онаслининг эмас, сизнинг тарбиянгизда ўёди. Шайтони лаъин кимларни йўлдан урмайди. Гўзалхон ҳам бир хато қилди-қилди-да. Йўлдан урганини худо ўзи урди-ку? Жувонмарг ўлгурнинг умри қамоқларда чириди-ку! Шундан сўнг ҳам қизингизни бир сўраб бордингизми? Бизларни ҳам қўймадингиз...

— Бас қил, кампир! Сен айтмасанг ҳам гуноҳкор ўзим эканлигимни тан олаяпман-ку. Ярамни тирнаб, туз сепмасанг-чи!

Кампир жим бўлди. Чол бироз жим турди-да, сўзида давом этди:

— Дунё нотинч, кампир. Одамлардан меҳр-оқибат кўтарилган, диснатсизларнинг пичори мой устида. Ўнг кўз чап кўзни ўйсам деб турганга ўхшайди. Шунисидан қўрқаман. Қизинг кетганига фалон кун бўлган бўлса.

— Дунёга ҳеч вақо бўлганий йўқ. Дилгир бўлганингиз сабабли сизга шундай туюлаяпти.

— Йўқ, кампир, сен уйда ўтирган одамсан, дунёнинг ишларидан бехабарсан. Кеча Оқпўлат қишлоғига жанозага бориб келдим. Бундан хабаринг бор. Биласанми, ўша қишлоқда бир йўқсилнинг йигирма беш ёпдаги ўғлини уч-тўртга бойваччанинг болалари ҳазил-ҳузилдан уриб ўлдиришибди.

— Вой!

— Бу ёгини зшишт. Ўлган йигитнинг отаси ўлдирганларни отибди.

— Ажаб қипти, хўп қипти!

— Сен шундай дейсан-да. Отган билан ҳеч кимни ўлдиrolматти. Биттасининг кўзи чиқибди, яна бирини ўқ сал тирнаб ўтибди.

— Улардан ўлим ҳам ҳазар қилар эканда-а?

— Ҳа, кампир, тўгри айтдинг. Аммо-лекин яхшига кун, ёмонга ўлим йўқ дегани рост экан. Қотиллардан бирининг отаси катта амалдор дейишди. Ўша амалдор ўлган йигитнинг отасига «Даъвонгдан кечмасанг, умрингни турмада чиритаман!» деганимиш. Бечора отани ҳатто ўғлининг жанозасига ҳам қўйишишмади.

- Астагфурилло, ҳам гарлик, ҳам пешгирилк экан-да.
- Шунинг учун айтаман-да, дунё нотинч деб. Майли, мен энди борай. Тишларингта эҳтиёт бўлинглар. Шояд дарагини топсам. Йўқса... қолган маслаҳатни келганимдан сўнг қиласиз. Ҳа, яна бир гап — Мақсаданнга кўз-қулоқ бўл. Уқдингми?
- Уқдим, дадаси, уқдим.
- Битта-яримта мени суриштирса, бирон жўяли жавоб берарсан.
- Хўп.
- Тағин бир гап — Мақсада билан анави кампирни кига бориб, Гўзалнинг боласидан хабар олсаларинг бўлармиди?
- Жуда яхши ўйлабсиз. Албатта, борамиз.
- Бўлмаса, менга омин, — чол шундай деб ўрнидан турди. Кампир дарвозагача кузатиб, ўйга толганча изидан қараб қолди:
- Шўрлик, қариган чоғида фарзанд доғини чекмасин-да, ишқилиб...

Сожида пахтага кетган ўқитувчи ўрнига бошлангич синфда дарс ўтиши керак эди. Шу сабабдан одатдагидан анча кеч уйига қайтди. У ҳовлисига етганда дарвоза рўпарасидаги, ариқ лабидаги бақатерак соясида пинакка кетиб ўтирган чолга кўзи тушиб, қадамини секинлаштириди. «Ким бўлди эканбу одам? Эрининг уруғларидан биронтасимикан? Ким бўлсаям меҳмон-атои худо».

- Ассалому алайкум, амаки.
- Ваалайкум ассалом, қизим.
- Амаки, кечирасиз, биронни кутаяпсизми?
- Ҳа, ҳа, ана шу ҳовли згаларини кутаётгандим. Ишда бўлишса керак, ҳеч ким йўқ экан.
- Қани, бўлмаса юринг.
- Э, Э, қизим, сиз...?
- Куттириб қўйган бўлсак узр, амаки, хизматчилик.
- Ҳеч зарари йўқ. Мен Эшонқишлоқдан келган эдим. Сирож бобо деган одам бўламан, болам, балки эшиттандирсиз?
- «Сирож бобо? Э, ҳа, дадамнинг қайнотасининг оти Сирож бобо эди шекилли. Тинчликмикан?»
- Сиз Гўзалхоннинг...
- Топдингиз, Гўзалхоннинг жони қаттиқ отаси мен бўламан. «Ҳалиям қизидан норози. Бизда нима иши бор экан?»
- Қани, юринг, уйга кирайлик. Бир пиёла чой устида гурунглапамиз.

Сирож бобонинг ўзига қолса шу ердан қайтмоқчи. Аммо очиқ кўнгил жувоннинг галини икки қилгиси келмади. Унга эргашиб,

ҳовлига қадам қўйди. Димоғига гуп этиб анвойи гулларнинг ҳиди урилди. Кўз олдида алоҳида меҳр билан парвариш қилингган гулзор намоён бўлди. Торгина йўлакнинг икки томонида гуллар чаман бўлиб очилиб ётарди. Бу ҳовлига ҳали куз ташриф буюргандек.

Жувон бобони ҳовли тўридаги пешайвонлик уй томон бошлади. Улкан ёнғоқ остига қўйилган ёғоч кароват ёнида чол тўхтади:

— Болам, шу ерда ўтирақоламиз. Мен шошиб турибман.

— Адашиб бир келибсиз. Кўчадан қайтарсам яхши бўлмас?

— Бошқа сафар, қизим. Қани, омин, қадам етди, бало етмасин, тупроқ олсангиз, олтин бўлсин, болам. Қалай, қизим, соғ-саломат ўтирибсизларми? Болалар омонми? Нега ҳеч қайси кўринмайди?

— Кичкингилар ҳали боғчада, катталар пахта «фронтиди». Дадалари ҳам ҳали замон келиб қолишади.

Жувон елиб-югуриб дастурхон ёзди. Бўрсилдоқ нон, майиз, ёнғоқ мағзи, сариёф ва бир пиёла асал қўйди.

— Олиб еб ўтириинг. Қалай, амаки, Гўзалхонлар яхши юришибдими? Укамиз ҳам катта йигит бўлиб қолгандир?

Сожида Сирож бобо қизи билан юз кўрмас бўлиб кетишганини биларди-ю, аммо кейинчалик ярашиб кетишган бўлса керак, деб ўйлаганди. Аёлнинг бу саволи чолга яшин ургандек таъсир этди «Демак, Гўзал бу ерда йўқ!» Бобо анча муддат қўлидаги пиёлани ерга қўйганча лол қотди. Бир неча вақтдан сўнг ўзини қўлга олиб, тилга кирди:

— Мен худо қарғаган банда эканман, болам. Мени маъзур тутинг.

Бу гапдан Сожида шошиб қолди:

— Гўзалхонга бирон гап бўлганми?

— Уйдан чиқиб кетганига анча бўлди. Шу ёқларга келгандир, деб гумон қилгандим. Демак, келмапти. Қаерда эканлиги бир худога аён. Ота-бала ўртамиизда бўлиб ўтган гапларнинг бир уни сизга ҳам маълум бўлса керак. Хуллас, унинг қаерга ва нима учун кетиб қолганидан куни кеча хабар топдим . Афсус, афсус.

— Чўлободга келган бўлса, эшигардик. Балки укамларнинг хабари бордир? Бир қўнғироқ қилиб кўрай-чи,— шундай деб Сожида чаққон ҳаракатлар билан ичкарига йўналди. Ундаги бу ўқтамликни кўриб чолнинг қалбida умид учқунлади. Жувон қайтиб чиқишини интиқлик билан кутга бошлади.

Мана, остонада Сожида кўринди. Унинг қиёфасида иш пачавалигини англади. Аммо жувон ўз хатосини дарҳол тўғрилапга ҳаракат қилди:

— Укамларникига ҳам келмалти. Лекин Чүлобод катта ша-  
шар, бошқа қариндошларимиздан ҳам сўраб-суринтириб кўра-  
ман. Укам, келинум, ўзим бугун-эрта ҳамма қариндошларники-  
га ўтиб, суринтириб кўрамиз. Топилмай қаерга борарди. Игна-  
мидики, бутун бошли бир одам бедарак йўқолса.

Шундай деяпти-ю, Сожида ўзи айтаётган гапларга ўзи ишон-  
гиси келмайди. Шундай бўлса ҳам чол таскин топгандек бўлди.  
Серажин козларида хотиржамлик белгилари зуҳр этди. Аммо бобо  
ичидан йиғламоқда эди. Унинг ичи йиғляяпти-ю, юзи куларди. У  
ўз фам-ҳасрати билан бегона оиласга ташвиш орттирганидан уяла-  
ётганди. Шу сабабдан дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

— Бир-икки кун ичидан бир келиб хабар олинг, амаки, — деди  
Сожида ҳам ўзини қўйишга жой тополмай. — Шояд дараги топилса.

— Кел, десангиз ўн марта бўлса ҳам келавераман, болам.  
Фақат сизларга ташвиш орттираётганимдан хижолатдаман.

— Хижолати борми. Одамнинг дардини одам кўтаради. Ал-  
батта, келинг.

Чол жўнаб кетди. Фам остида ээилган, қадди эгик, оғир қадам-  
лар билан узоқлашаётган бу одамга Сожиданинг астойдил раҳ-  
ми келди. У ёш тўлган кўзларини дуррасининг учи билан артди.

## XVIII. РАИС ҚАСОС ОЛМОҚЧИ

Элда «қилмагайсан-тормагайсан» деган нақл бор. Ҳақ рост.  
Унча-бунчага бўйин эгмайдиган Эшназар раис бу нақл тўғрили-  
гига тан берди. Қирқ йил раҳбарлик вазифаларида ишлаб, эл-  
халқига қилган ёмонликлари ортиги билан ўзига қайтди...

Имонли, эътиқодли одамлар ўзларининг яхши ишлари билан  
от чиқарсалар, раис суюқоёқлиги билан танилган эди. У улфат-  
лари даврасида қўлидан ўтказган аёллар сони юзтага яқинлаш-  
ганини айтиб керилишни ёқтиради. Шу сабабдан ҳам ўзига  
ўхшаган улфатлар «рўйхати» юзтага етган-етмагани билан атай-  
лаб қизиқиб қоларди.

Бугун ҳам улфатлар бир ерга жам бўлишган. Гап айланиб-ай-  
ланиб хотинларга тақалди. Ҳаммани қизиқтирган савол берилди.

— Уч кам юзта, — деди раис беўхшов лабларини чалпилла-  
тиб овқат чайнаркан.

— Иби, ҳали ҳам уч камми? Райком вақтингизда ҳам «уч кам» дердингиз?

— Бекорларни айтибсан, кал! Уч каммас, ўн уч кам эди. (Ўшанда қамоққа қия бўлиб кетишинга бир баҳя қолганди, дея кўнглидан кечирди).

— Энди эсимга тушди. Адашмасам тўртками ҳам анча-мунча шов-шувга сабаб бўлганди-я. Котиба қизни айтаман, раис бува. Сал бўлмаса жанозангизга ўзим хабарчи бўлардим ўшанда.

— Ўчир-э, нафасингни ел олсин! Котиба қиз ўзи рози бўлганди. Орага бузғунчи кириб тезлаштирган-да. Замон нозик бўлмаганда кўрсатиб қўярдим барига.

— Раис бува, «ундай қилдим-бундай қилдим» дейсиз. Айтингчи, сизга ҳам панд бериб кетган аёллар бўлганми?

— Менга? менга-я!? Менга панд берадиган аёл ҳали онасидан туғилиши керак!

— Йўғ-э! Битта ўрис хотин панд бериб кетгандек бўлганмиди-еї?

— Ўрис хотин, дейсанми?

— Ўрис хотин. Чўлда ПМК бошлиғи бўлиб ишлаб юрганингизда. Мен ўшанда қўлингизда ҳисобчи бўлиб ишлардим.

Раиснинг пешонаси тиришди:

— Ҳимм, негадир эслолмаяпман.

— Водийдан келиб ишлаган кассирнинг хотинимиди-еї?

Раис қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Оббо, касофат! Йигирма йилдан бери унутмаган экансанда-а, кал?

— Унақа тарихий воқеалар эсдан чиқармиди. Лекин хотин-мисан-хотин эдида ўзиям.

— Ҳа, зўр хотин эди. Шунинг учун ҳам айтадилар-да «Қовуннинг зўрини ит сайди», деб.

— Ўзингиз гапириб берасизми ё мен ўзим айтиб бераверайми, раис бува?

— Ҳай, майли, ўзинг айтиб берақол. Аммо, кал, ёлғон қўшсанг, нақ ўлдираман-а!

— Ёлғон қўшсам нон қорнимга урсин.

Улфатлар антиқа саргузашт эшитиш учун яхшилаб жойлашиб олишиди.

Эри аварияда ҳалок бўлгандан сўнг Мария уч яшар ўғилчаси билан вагон уйчада ёлғиз қолди. Чўлда яхши одамлар билан бир қаторда каззоблар, қаланғи-қасанғилар ҳам топилади. Бошида эри

бўлиб турганда ҳеч нарсадан кўрқмасди. Энди эса «тиқ» этган нарсадан чўчиб, тунларни бедор ўтказади. Ёш бўлса ҳам ўғилчали унинг учун бир қўргон, пинжидан чиқармай бағрига босиб ётади.

Сезиб юрибди, эрининг ўлимидан сўнг унга гап отадиганлар кўпайиб қолди. Эшитмаганга олиб, нари кетади. Эрининг сирли ўлими ҳақидағи шикояти оқибатсиз ҳолдирилгач, баҳорга чиқиб бу ерлардан кетишни дилига тугди. У эрининг ўлимида ПМК бошлигининг қўли борлигига шубҳа қилмай қўйган. Тахминларини тасдиқлайдиган далиллар оз эмас.

Прокурорга, милицияга устидан шикоят қилиб борган бўлса ҳам ПМК бошлиғи собиқ кассирнинг бевасини ёлғизлатиб қўймади. Марҳумнинг дағи маросимини, еттисини, қирқини рисоладагиай қилиб ўтказиб берди. Кейин ҳам ташлаб қўймади. Бозор-ӯчар қилиб, қовун-тарвуз дегандек юбортириб турди. Олмасликнинг иложи йўқ. Ёлғиз ўзи бўлганда-ку, тупурарди барига! У ойдан-бу ойга оладиган етмиш сўм пулга кун кўриб бўлмайди, эридан бирдан-бир ёдгорлик бўлмиш ўғлини едириб-ичириши, кийинтириши керак. Шу сабабдан типини тишига босади.

ПМК бошлигини нечоғлик ёмон кўрмасин, унинг хотинини ёқтириб қолди. Бир вақтлар ўқитувчиликни тамомлаган бу дилкаш аёл эрининг тамоман тескариси эди. Кўпдан бери мактабда ишламас, тўғрироғи баланд охурдан ем сб ўрганган эри хотинининг ишлашибдан орланарди.

Мария негадир ҳамма «раис бува» деб атайдиган ПМК бошлиғи ҳақида ана шу хотиндан батафсил билиб олди. Шу билан бирга, бу аёл эрини Мариядан рапш қилишини ҳам сезди. У мийигида кулиб қўяқолганди ўшанда. Ҳа-да, ўзини оқлаб, раисни қоралаб гапирсинми? Аслида орларида бирон гап ҳам ўттани йўқ-ку. Раис томондан ғамхўрлик ҳаддан ошавергач, Мариянинг миясида ажойиб режа пишиб етилди.

Раис бува Мария ювош бўлиб қолганини яхшиликка йўйди. Тақдирга тан берган аёлни згаллаш вақти келди, деб ҳисоблади у. Дарҳол вилоят марказига машина юбориб, бозор қилдириб келди. Ер остида илон юрса ҳам сезадиган маҳрами — Остон кални ҳузурига чақиртириб, бозорликларни Марияникига элтиб беришини ва яна баззи нарсаларни тайинлади.

Анчадан сўнг Остон кал оғзи-қулоғида, кириб келди.

— Нега тиржаясан, бўрими, тулки?

— Шер, раис бува, шер! Ўлиб турган экан ўзиям.

— Очикроқ қилиб айт, нима деди?

- Эл оёғи тингандан сүнг келсінлар, деди.
- Ростингми?! Алдамаяпсанми?
- Яна айтдик...
- Хүш, хүш?
- Бу гапни зинҳор-базинҳор бирор, хусусан хотинлари бил-маслиги керак, деб тайинлади.
- Ваҳ-ха-ха! Дунёда одам қуриб мен бу гапларни хотинимга билдирамидим! Майли, майли, хотиржам бўлаверсин, сир-сир-лигича қолади. Фақат сен валдираб қўймасанг бўлгани. Мени яхши биласан-а?!

- Ишонмасангиз қасам ичай.
- Ишондим, қасам ичишнинг кераги йўқ.

Бошлиқ идора ишларини саранжом қилиб, тун ярмида Мария яшаётган вагон уйнинг эшигини қоқди. Эшик дарҳол очилди. Ичкарида чироқ йўқ эди. «Бўлмаса-бўлмас, қайтага яхши», деб ўйлади жазман.

- Мария, қаердасан, жонгинам?

Аёл сўзсиз қоронгилик бағридан унга қўл узатди. «Дўндиққина кўрингани билан қўллари бунча озғин», деган фикр кечди унинг дилидан.

- Азизам, сенга етадиган кун ҳам бор экан-ку...

Мария «муҳаббат» арз қилаётган бошлиқни янада қоронгироқ хобхонасига етаклади...

Эшназар раис ҳолдан тойиб, тўшакка ёнбошлади. У кўзларини юмиб ётар экан, бисотида бор бўлган мақтov сўзларини мўл-кўл тўкиб ташлади.

Ниҳоят Мария ўрнидан туриб чироқни ёқди. Раис бува даҳшатдан қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарасида ширяланғоч ўз хотини турарди.

- Сен..? Сен бу ёққа қаердан келиб қолдинг?

Қаҳрамонимизнинг қўлидаги қилич-қалқони ерга тушди. Ўлганинг кунидан баттар бир аҳволда ғўлдиради:

- Ўчир чироқни...

- Шу ерини ўзингдан қўшдинг-а, ярамас!

Эшназар раис даврадошларининг қаҳ-қаҳалари остида Остон кални «савалай» кетди.

- Қадаҳлар қуйилди. Бошлар баттарроқ қизиди.

Раис бирдан жимиб қолди. уни ноxуш ўйлар ўз оғушига олди. Қизи Гулшодани профессор чол билан майшат қилаёттандада ушлаб олганини эслаб кайфи учди.

Фарзандининг ёмон йўлга кириб кетишига ўнлаб сабабларни кўрсатиши мумкин бўлган бу одам сира ўзини гуноҳкор деб ҳисобламасди. Унинг тилида бир аёлнинг номи айланарди: «Маҳфуз! Кўзимнинг ёғини ялаб, жир битган, шаҳар марказида қасрмонанд уй қуриб олган фар, яхшиликларим зазига қизимни ўз исповатхонангга тортдингми?! Яхшиликка ёмонлик қайтадими! Билиб қўй, жодугар, сени тириклай ёки юбормасам отимни бошқа кўяман!»

— Раис бува, бир нарса дедингизми? — сўради Остон кал чўчиб. Эшназар раис хаёлот осмонидан ерга тушди. Фаламис нияти қафасдан қуттилган қуш мисол ташқарига учиб чиқсан эди.

«Остон калдан бошқа яна ким эшитди сўзларимни?» Раис даврадошларининг кўзларига бир-бир бокди. Калдан бошқа шивирлаб айтилган гап нари турсин, бақириб айтилган гапни уқадиган жон йўқ эди даврада.

«Балки қувлик қилишаётгандир?» Миясига келган фикрдан яйраб кетди. Ўзини мастиликка солади. Бунга одамларни ишонтириши лозим. Эшназар раис олдida турган чакки солинган ликопчани қўлига олди.

— Кал!

— Ҳа, лаббай, хўжайин?

— Бошингдан дўппингни ол!

— Мана, хўжайин.

Одамлар нигоҳида бир туки йўқ, шуптириш бош намоён бўлди. Қаҳ-қаҳ кўтарили.

— Эгил!

Кал бошини эгиб турди. Раис қатиқли ликопчани унинг бошига қоплади. Яна кулги кўтарили.

— Соқи! — деди раис башорат бармоғини баланд кўтариб.

— Лаббай?

— Қуй. Ҳаммага қуй! Тўлдириб қуй!

Пиёлалар лиммо-лим тўлдирили.

— Ҳар бир ичган одам калнинг бошини ялаб, газак қиласди. Бош тортганинг моли талонда. Боши ўлимда! — раис ўрадек оғзини катта очди-да, пиёладаги арақни унга ағдарди. Сўнг Остон кални елкасидан ушлаб олдига тортди, қатиқ суртилган боши шапиллатиб ялай бошлади.

Қийқириқ бўлиб кетди. Ҳеч кимни мажбурлаш шарт бўлмай қолди. Ҳамма калнинг бошига ёпишди. Ҳеч ким қуруқ қолмаслиги учун яна бир неча ликопчадаги қатиқни кал бошга суртиб қўйишга тўғри келди. Ҳушёр одам қолмаганига ишонч ҳосил қилган Эшназар раис даврадан ими-жимида чиқиб кетди...

## XIX. СОВУҚ ХАБАР

### I

...Кочубей шифохонада ҳушига келди. Кўзини очиб, тепасида турган оқ халатли аёлни кўрди. Уни танимади, бошини буриб атрофга аланглади. Оппоқ деворлару оппоқ чойтабд ёпилган каравотлар.

Беморнинг ҳушига келганини сезган аёл унга энгашиб, юзига разм солди. «Фалати аёл эканми, нега менга бундай қарайди?» деган ўй кечди bemorning дилидан. Унинг лаблари қимирлаб, гапиришга чоғланди.

— Гапирманг, сизга гапириш мумкин эмас, — чўрт кесди аёл.  
— Тинч ётинг!

— Мен қаердаман? — тақиққа ҳам қарамасдан савол берди bemor. — Нега мен касалхонадаман? — қўрқиб сўради Владимир Сисоевич. У ҳаяжон ичилда бўлиб ўтган воқеаларни эслашга уринди. Эслагач, юраги орқасига тортиб кетди.

Беморнинг сергаплиги ҳамшира аёлнинг жаҳлини чиқарди. У бобиллаб берди:

— Бемор, эзмалик қилмасдан жим ётинг. Келинг, жа гапиртингиз келаётган бўлса манави анкета саволларига жавоб беринг. Хўш... Ислам-фамилиянгиз?

— Кимнинг, менингми?

— Албатта, менинг эмас, сизнинг.

— Кочубей. Владимир Сисоевич, — bemor ҳамшира бу фамилияни эшишиб, қўрқиб кетади, деб ўйлаганди. У бунга парво ҳам қилмай. «Тергов»ни давом эттириди:

— Туғилган йилингиз?

— Йигирма беш.

— Иш жойингиз?

Кочубей тутоқиб кетди, вилоятда уни танимайдиган одам ҳам бор эканда!?

— Менга қаранг, хоним, яхшиси менга бош врачингизни чақиририб беринг!

Ҳамшира тажанглашди:

— Бош врачни? Биз сизни нақ ўлимнинг оғзидан олиб қолдик, зазига устимиздан шикоят қилмоқчимисиз? Марҳамат, ҳозир қўнғироқ қиласман. Аёл телефон рақамларини териб, бош врачнинг гўшакни кўтаришини кутиб турди. Бир оздан сўнг бош врачнинг пўнғиллаган товуши эшитилди.

— Ато Бақоевич, реанимация бўлимидан безовта қиласяпмиз. Бир бемор сизни сўрайти, — деди ҳамишира.

— Бемор мени сўрайтими? Бўлим бошлигинги қаерда, нега у эмас, сиз қўнғироқ қиласяпсиз?

— Кечирасиз, Ато Бақоевич, бўлим бошлиғи бугун операцияда қатнашаштилар. Шунинг учун...

— Яхши, операциядан кейин айтинг, менга қўнғироқ қилисин. Тушундингизми?

— Тушундим. Ато Бақоевич, bemорга нима дей?

— Фамилияси ким ўша bemорнинг?

— Кочубеймиди-еъ. Ҳа, Кочубей экан.

— Ислам-шарифи-чи?

— Владимир Сисоевич.

Бош врачнинг тараффудланиб қолгани сезилади. У шоша пиша саволлар бера бошлади:

— Адашмаяпсизми, балки Кочубей эмасдир ўша bemор?

— Ўзи Кочубейман, деб айтди:

— Так, так...

— Шу кеча «Гез ёрдам» олиб келди. Келганда мазаси йўқ эди.

— Бемор қаерда, ёнингиздами?

— Ҳа, шу ерда.

— Трубкани беринг-чи.

Кочубей ҳампирадан гўшакни олиб қулогига тутди.

— Бақоев, бу менман, Кочубейман. Ё сен ҳам ходимларингта ўхшаб танимаяпсанми?

Бош врачнинг нафаси ичига тушиб кетди — Кочубейнинг ўзи! Бундай улуғ мартабали амалдор қора ҳалқ даволанадиган шифохонага қандай келиб қолди?!

— Владимир Сисоевич, сизмисиз?

— Хайрият, танидинг. Бир келиб кет!

— Ҳозир етиб бораман, Владимир Сисоевич.

Кочубей гўшакни жойига шақиллатиб қўйди-да, каравотга чўзилди. Ҳамшира аёл зир югуриб, ҳозир бош врач келишидан барчани хабардор қила бошлади.

Кўп ўтмай бош врач реанимация бўлимига етиб келди. Унинг ташрифи ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб юборди.

Бош врачни Владимир Сисоевич ётган палатага бошлатди.

Ато Бақоевич биргина номининг ўзи не-не раҳбарларни зир титратадиган амалдор ўрнида адойи тамом бўлган, рангини олдириб қўйган bemорни учратди. Ундан улуғворликдан асар ҳам қолмаганди. «Наҳот бу bemор Кочубейнинг ўзи?»

Владимир Сисоевич күзларини пирпиратиб, келувчиларга тикилди. Ич-ичдан игнадай тешиб ўтадиган нигоҳлар. Кочубей!

— Владимир Сисоевич! Сизга нима қилди?

Беморнинг қонсиз лаблари пирпиратиб, оппоқ киприкларидан сўлғин юзига ёш думалаб тушди.

Шифохона ари уясидай гувиллар эди. Тошкентдан санавиация ёрдамида энг зўр мутахассислар етиб келишди. Владимир Сисоевич ётган палатада ҳамма нарса алмаштирилди. Ҳатто қари ҳамшира ҳам бошқа бўлимга ўтказиб юборилди. Навбатчи врач тушунтириш хати ёэди. Яна аллакимлардир ишдан ҳайдалиш хавфи остида қолиши.

Владимир Сисоевич шифохонага ётқизилгани ҳақидаги хабар яшин тезлигида обкомга етиб борди. Томошаларнинг иккичи бўлими ана шундан сўнг бошланди.

Обком бюросининг фавқулодда йигилиши ҷақирилди. Унда Владимир Сисоевич ҳаётини сақлаб қолиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Унда ҳар эҳтимолга қарши Москвадан ҳам врачлар бригадасини ҷақириш зарур, ўлиб-нетиб қолса бизни эътиборсизликда айблаша олмайди, деган фикр билдирилди. Бу ерда ҳозир бўлганлар Владимир Сисоевичга ўзларининг нечоғлик садоқатли эканликларини кўз-кўз қилишга имконият туғилганидан зиддан хурсанд эсалар-да, юзларига қайғу ниқобини тортиб қўйицди. Фақат бир киши — виляят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, полковник Қорабоев анча хотиржам кўринарди. Бу ҳол обком биринчи котибининг сингчков назаридан четда қолмади. Шу боисдан ҳам бюро йигилишидан сўнг Сойибназаров полковникни ёлғиз олиб қолди.

— Хабарим бор, — деди биринчи котиб полковникнинг рўрасига ўтиб ўтирас экан. — Кочубейни жинингиз сўймайди. Аммо «нега?» деб сўрамоқчи змасман. Бугун мени бошқа масала қизиқтирайти. Айтинг-чи, Кочубей кечак тунда қаерда бўлган? Кимлар бўлган у билан? Ана шу саволларга жавоб бера оласизми? Мени тўғри тушунинг. Гап фақат Москванинг кўз-қулоғи бўлган киши ҳақидагина эмас, балки партиямизнинг обрўси ҳақида ҳам бораяти. Партия шаънига, партия ходими обрўсига доғ бўлиб тушадиган ҳар қандай ҳодиса учун бопнимизни силашмайди.

Сойибназаров шу мавзуда анча-мунча галирди. Полковник жимгина қулоқ солиб ўтирди. У биринчининг Қаҳрамонлик Олтин юлдузидан кўзини узмас, саволларига қай йўсинда жавоб берини тўғрисида ўйларди. «Биринчи Олтин Юлдузини камдан-

кам ҳолларда, байрамлару катта аңжуманлардагина тақарди. Бугун нима мақсадда тақди экан? Э-ха, бугун нағбаҳорликлар пахта планини бажарғанларды ҳақида рапорт берішганды. Ўша әкә бормоқчи. Ниҳоят бириңчи котиб жавоб кутиб, жим бўлди.

— Владимир Сисоевич кечак тунда, аниқроғи, соат 22 дан 24 гача қаерда бўлгани менга маълум, — деди полковник хотиржамлик билан.

Бириңчи унга ҳайрат назари билан боқди:

— Наҳотки? Хўш-хўш?

Полковник шахсий агенти орқали билғанларини миридан-сиригача айтиб берди.

— Бу сирдан яна кимларнинг хабари бор? Агент оғзидан гуллаб қўймайдими, унга ишонса бўладими?

— Ишончли одам. Сирни очса ўзига ёмон бўлишини билади.

— Котиба аёл-чи, уни нима қиласмиш?

— Бугун ишга келмапти. Уйида ҳам тунамаган. Рухсат берсангиз, қидирив зълон қиласмиш?

— Фақат шов-шувсиз бўлсин. Пухта ўйлаб олишимиз керак. Ҳар ҳолда яхши иш бўлмади. Дарвоқе, ҳозир айтганларингизни обдан ўйлаб, ахборотнома тайёрлаб келинг. Ўзимга. Бошқа бирор билмай тургани маъкул.

— Тушунаман.

— Хўп, хайр, саломат бўлинг!

Қорабоев мубҳам фикрлар оғушида бириңчи котибнинг кабинетини тарқ этди.

«Сойибназаров нимадан қўрқаяпти? Нега масалани кўндалант қўйиб, ҳал қилиб қўяқолмайди? О-ҳо, осон экан-да! Москва ўз вакилини осонликча хафа қилдириб қўймас-ов. Битта эмас, бир нечта Сойибназаровнинг боши кетар бу йўлда. У шундан қўрқади. Мард раҳбар, аммо хўжали қулга ўхшайди. Шу боисдан мен ҳам ёзадиган ахборотномамни етти ўлчаб, бир кесиб, тайёрлашпим керак.

## 2

Ишонган тоги оғир бетоб бўлиб, шифохонага ётқизилиши Кочубейнинг Эшназар раисга ўхшаган «укахонлари-ю, акахонлари»нинг оромини ўғирлади. Бир ёғи гдлянчилар дуч келганни тутиб қамаяпти. Бир ёқда пахта плани думи хуржунда бўлиб турибди. Одамлар «ана қамалдим, мана қамалдим» деган ваҳимада, ишни ҳам ташлаб қўйган. Ётиш-туришдан ҳаловат кетган.

Шундай қалтис замонда Владимир Сисоевич ётган палатага саноқли кишилардан бошқа ҳеч кимни қўйишмайди. Ана шу саноқли одамлар қаторида Эшназар раис ҳам бор. Истаган чоғида кириб-чиқади.

Эшназар раис Владимир Сисоевичдан беш-үн ёш катта бўлса ҳам уни улуғлаб «ака» дейди. Бу Кочубейга ёфек ёқади. Негаки раиснинг унча-мунча одамни писанд қилиб, «ака» демаслигини билади. Ҳатто биринчи котибни ҳам «ака» деганини эшиитмаган. Раиснинг ҳар келиши Владимир Сисоевич учун байрам. У ўзи билан қафасдек палатага олам-жаҳоннинг янгиликларини ҳам олиб келади. Кимнинг қаерда нима қилаётгани-ю, Кочубей ҳақида нималар дейипшаётганидан Эшназар раисчалик огоҳ одам топилмаса керак. Икковлон кимнинг мансаб курсиси лиқиллаб қолгани-ю, кимнинг қулашини тезлаштириш тадбирлари ҳақида ҳам гаплашиб туришади. Гап орасида раис қулаши керак бўлганлар рўйхатига ўз дувпманлари номини ҳам қистириб юборади. Ҳали зўр-зўр рақиблар жазо соатини кутиб ётибди. Уларни бир-бир мағлуб этиб, бурнини ерга ишқалайди! Ишқилиб буюк ҳомий — Кочубей шифохонадан чиқмай турсин-да.

Кунда-кун оралатиб келадиган Эшназар раис одатига хилоф равишда уч кундан бери бедарак. Кочубей уни интиқлик билан кутди. Бошқалар ундан ниманидир яширишаётгандек эди назаридা.

Ниҳоят раис келди. Унинг кайфи анча бузук эди. Буни Владимир Сисоевич дарҳол сезди. Ўзи айтар, деган хаёлда сўрамади. Раис сир сақлай олмас эди. Ёрилди. Обкомнинг навбатдан ташқари пленуми чақирилган экан. Нега? Пахта терими мавсуми айни қизғин паллада-я?! Нега пленум бўлишини, унинг кун тартибини Кочубейдан сир сақлашди? Кўнгли ғаш бўлиб юрганида жон бор экан-да.

Совуқ хабардан Кочубейнинг юраги санчиб, ранги ўчди. Навбатчи врач раисга «Бирон ноҳуш хабар келтирдингизми?» дегандек ўқрайиб қаради, кейин «Гашқарига чиқиб туринг», деб илтинос қилди. Раис қайтиб Владимир Сисоевичнинг олдига кирмади. Унинг ичини ит тирнаётган эди. Хотини эрталаб чайқов бозорига тушиб қизи Гушоданинг сепига у-бу нарсаларни харид қилишни топширган, ҳатто рўйхат қилиб, қўлига тутқазган эди. Обкомнинг навбатдан ташқари пленумни чақириш ҳақидаги ваҳимали хабар туфайли бозорга тушиш эсидан кўтарилди. Эсига тушганда эса бозор орқада қолиб кетган, машинаси таниш ҳаппамдор дарвоза олдидан ўтиб бораарди. Раис Маҳфузани эслади ва шофернинг тирсагига туртиб, «тўхтат» ишорасини қилди...

## ХХ. ЧҮККАН ҚАБРЛАР

Барот кеттандан сүнг Андрей ғамгин бўлиб қолди. Қисқа вақт ичидаги туғишганлардек бўлиб қолишган экан, ўзи ҳам сезмалти.

— Дўстим, ишқилиб омадингни берсин, — деб ғойибона тилаклар йўллади Андрей. Оқкўнгил бу йигит олис Петуховка қишлоғида қолган ва йўлларига интизор кўз тикиб ўтирган онаизорини бот-бот эслага олади. «Сўзимга кирмай, бефойда сафарга отландинг, болам, ҳалиям кеч эмас, уйга қайт» дейтгандек бўлаверади.

Аслида бу сафарга онаси тиш-тирноги билан қарши эди. Аммо Андрей фавқулодда бир қайсарлик билан:

— Отамнинг қабрини қидириб топиб, зиёрат қиласман-у, изимга қайтаман, — деб туриб олди. Унинг фикри қатъий эди. Она оқ фотиҳа беришдан ўзга илоҳ топмади.

— Ўғлим, — деган эди онаси уни йўлга кузатаётуб, — сен менниг ёлғизим, суюнган тогимсан. Барча умидим сендан. Сенга бирон нарса бўлса, мен яшай олмайман. Ўғлим, эсингда тут — сен бораёттан юрт — ажойиб одамлар юрти, отангнинг юрти. Ўзбеклар бағри кенг, феъли кенг, тантн халқ. Бир бурда нон топса ёлгиз емайди. Меҳмон кутади, меҳмон келмаса чиқиб, қўшнисини чақириб келиб, бирга овқатланади. Аммо беш бармоқ бир хил бўлмаганидек, ана шу ажойиб одамлар орасида ҳам ёмонлари учраб туради. Отангни ана шундай тоифа одамлар нобуд қилишди. Ихтиёр менда бўлса, сени у ёқларга сира юбормас эдим, — шундай деб онаизор юм-юм йиглади. Сўнг яна давом этди:

— Отангнинг ўлимида айбдор бўлган Жўраевдан эҳтиёт бўл. Уни фамилияси билан эмас, мансабини айтиб Эшназар раис деб чақиришади. Етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма билади уни. У фақатгина ёмон одам бўлмасдан, балки тулкидек муғамбир, бўридек ваҳший. Буни сира эсингдан чиқарма. Отангнинг қабри чўлда. Қариндошлари яшайдиган жойдан жуда олисда. Топишинг осон бўлмайди. Балки ўша ёқларга ишга юборилган тогангни топишга уриниб кўрарсан? Адресини билмайман. Аммо ишонаманки, топа олсанг, сендан ёрдамини аямайди, мен ҳам хотиржам бўлардим. Сендан ягона ўтинчим — Эшназар раисдан узоқроқ юр.

— Онажон, бу гапларни юзинчи марта, балки ундан ортиқ такорлайтисиз. Ёш бола эмасман-ку, барига тушундим. Айтгандарингиздан чиқмайман. Балки ўша раисингиз аллақачон ўлиб кеттандир.

— Йўқ, ўғлим, разил одамлар яшовчан бўлади. Яхшилар ўлиб кетишаверади-ю, бу тоифа одамлар қарғага ўхшаб яшайверадилар.

Онаси түғри айтган экан. Эшназар раис ўлмаган, балки ҳали ҳам амал курсисида — катта бир хўжаликка раис. Бу одам ҳақида латифамонанд гап-сўзлар юради, мухлислари у ҳақда оғиз кўпиртириб гапиришади, сал бўлмаса уни халқ қаҳрамони даражасига кўтариб мақташади.

— Тупурдим бунаقا қаҳрамонга! — деди нафрат билан Андрей. Албатта, буни бирорвга билдиримай қиласди. Онасига сўз бериб қўймаганда аллақачонлар отасининг ўлимига сабабчи бўлган бу одам билан орани очиқ қилган бўларди.

Андрейнинг ўй-хаёлларини Максим тоға тум-тарақай қилиб юборди.

— Намунча бошингни осилтириб олдинг? Ундан кўра менга ёрдамлашиб юбор.

\* \* \*

Андрей йўловчи машиналарга илашиб, чўлнинг қоқ марказидаги 4-совхозга кечга яқин етиб олди. У тўплаган маълумотларга кўра отаси ишлаган механизациялашган кўчма колонна шу совхоз қўргонида бўлган. Онаси гапириб берган вагон уйчалар негадир кўринмайди.

Фиштин бинолар, равон кўчалар, мевали дараҳтлар. Чўл дейишга тил бормайди. Ё унга нотўғри адрес беришдимикан? «Хованови келаётган одамдан сўраб кўрай-чи».

— Бу ерга кўчиб келганимга беш йилдан ошди, — деди ҳалиги одам йигитга бошдан-оёқ разм соларкан. — Аммо бу ерларда вагон уйлар бўлганлигини эслай олмайман. Балки ундан олдироқ бўлгандир?

Андрей яна уч-тўрт кишини тўхтатиб, саволини тақорларди. Улар на вагон уйчаларни, на унинг чўлда ишлаган отасини, на онасини билишмас экан. Йигитнинг ҳафсаласи пир бўлди. Яна бир кишидан сўрайман-у, изимга қайтиб кетаман, деб қарор қилди ўзича. Охирги суҳбатдош ўзини куттириб қўймади. Кўча бошида мотоцикл етаклаганча келиб қолди. Андрейнинг рўпарасига етганда, мотоциклни суюнчигига тираб қўйиб, нотаниш йигитга таажжуб билан разм солди:

— Бир кун мен уни, бир кун у мени минади, — деди ҳалиги киши қувноқлик билан мотоциклни кўрсатиб. — Сизда чекишдан топилмайдими?

Андрей киссасидан бир қути сигарет олиб узатди. Мотоцикл эгаси бир дона сигарет олиб лабига қистирди, гуттурт чақиб, тутатди. Босиб-босиб тортди. Шундан кейингиңа қўлидаги палирос кутисини эгасига қайтармаганлиги ёдига тушиб, хижолат чекди:

— Уэр, ука, уэр. Эрталабдан бери хумор қилиб турувди. Жонимга оро кирдингиз.

— Олиб қўяверинг, — деди Андрей чин дилдан.

— Қандай бўларкин? Бўлмаса пулинни олинг, — у пул ахтариб киссасига қўлини тиқди.

— Палиросгаям пулми? Қўйинг, хафа бўламан. Яхшиси, сиз менга битта масалада ёрдам қилинг!

— Жоним билан. Қандай масалада ёрдамим керак сизга?

— Менга айтишларича, йигирма йил бурун шу ерда чўлни ўзлаштирувчи қандайдир ташкилот бўлган экан?

— ПМКми? Бўлган.

— Наҳотки! Менга ана шу ПМК ни яхши биладиган одам керак эди. Сиздан бошқалардан ҳам сўраб кўрдим, билмаймиз, дейишли.

— Мана, ПМКни биладиган одам қаршингизда турибди. Буюринг, сизни қизиқтирган саволларга жавоб берай.

— Мени ПМК нинг ўзи эмас, унда ишлаган бир одам қизиқтиради.

— Балки ўша одамни ҳам танирман? Ахир мен ҳам бу ПМКда анча-мунча ишлаганман. Манави уйларни қурғанмиз. Балки танирман сиз сўрамоқчи бўлаётган одамни.

Андрей қувониб кетди:

— Бегона одамни змас, ўз отамни суриштириб юрибман. ПМКда кассир бўлиб ишлаган. У вақтларда мен ёш бола бўлганман. Отам автоаварияда ўлганми ё ўлдиришганми, менга қоронгу, кейин онам иккаламиз кўчиб кетган эканмиз.

— Тўхтанг-тўхтанг, сиз водийлик Ҳомиджон деган йигитни сўрамаяпсизми? Фамилияси... фамилияси Турғунов.

— Айни ўзи! Менинг отам!

— Буни қаранг-а, буни қаранг! Ҳалитдан бери сизни кимгадир ўхшатаман-у, аммо кимгалигини эслай олмай турган эдим. Менинг исмим Субхонкул. Адашмасам сизнинг исмингиз Аҳмаджон эди. Топдимми?

— Йўқ, бу гал тополмадингиз, исмим Андрей.

— Йўқ, сизнинг асл исмингиз Аҳмаджон. Дадангиз раҳматли Аҳмаджон деб чақиради. Биз қўшнилар ҳам Аҳмаджон дер эдик. Фақат онангиз Марияхон онда-сонда Андрей деб қоларди.

Икковлари қирқ йиллик қадрдонлардек құчоқлашиб күришдилар.

— Энди, Аҳмаджон, суҳбатни уйда давом эттирамиз. Сизнинг даданғыз яхши күрган исм билан чақырсаң хафа бўлмайсизми?

— Аксинча, курсанд бўламан. Менинг шундай ажойиб ўзбекча исмим бор эканлигидан бехабар эканман.

— Бўлмаса, кетдик.

— Шошманг, мотоцилингиз юрмайдику. Унга нима қилган?

— Уни қўяверинг. Бугун унинг менинг минадиган навбати.

— Қани, ушлаб турингчи, у ёқ-бу ёғини кўриб қўйяй.

Андрей калитни бураб, тепкисини бир-икки босиб чиқди, корбюраторларини кўздан кечирди.

— Тушунарли. Отверткангиз борми?

— Бор. Бекорга овора бўласиз-да, Аҳмаджон.

Андрей ҳаш-паш дегунча очилган мурватларни бошқатдан жой-жойига қотирди.

— Энди ёқишга уриниб кўринг-чи.

Бир-икки тепганда мотоцикл патиллаб ишлаб кетди.

— Аҳмаджон, укагинам, сиз сеҳргар-пеҳргар эмасмисиз? Буни кўрмаган устаси қолмаганди. Ростини айтсам, бир хилватроқ сенда устидан бензин қуиб, ёқиб юбормоқчи бўлиб юргандим.

— Сизга ҳали кўп хизмат қилади.

— Нима қилган экан?

— Арзимаган носозлик — контакт корпусга тегиб, ток ўтказмаётган экан. Энди қўрқмай минаверинг.

— Иш устасидан қўрқади, деб шуни айтишар эканда. Раҳматли даданғыз ҳам ўн бармоғи ўн ҳунарли одам эди. Қани, мингашинг, кетдик.

Анча юришгач, Субхонқул мотоциклни фиштин ҳовли олдида тўхтатди.

— Мана, етиб келдик. Янгангиз паҳтада, болалар ҳам онаси билан бирга. Тонготарда кетиб, кун ботгандан сўнг келишади. Мен ҳам ўшалар билан бирга эдим. Бригадир ҳашпарчиларнинг ёнига юборганди, йўлда мотоцикл бузилиб қолмайдими. Бор-е, дедиму, далаға эмас, уйга қараб йўлга тушдим. Сизнинг магнитингиз торти-ёв.

Субхонқул ўрисчани балодай билар экан. Шу боис ҳар хил ҳангомалардан гапириб, меҳмонни кулдириб ўтириди. У бир пасга гапдан тўхтаганда, Андрей савол берди:

— Отам қаерга дағиң этилган, билмайсизми?

— Биламан. Ўзимизнинг совхоз қабристонига қўйилган. Ҳар или хотира кунида бориб, ўт-ўландан тозалаб, кўп қатори зиёрат қилиб қайтамиз.

— Онам иккаламиз отамнинг қабри чўлда изсиз йўқолган, топиш қийин бўлади, деб ўйлагандик. Менинг бу ерга келишдан мақсадим отам қабрини излаб топиб, ёдгорлик тоши қўйиш эди. Мақсадимнинг ярми бажарилди, ҳисоб. Энди тезроқ бориб, тупроғини кўзларимга суртсан, дейман.

— Бирга борамиз. Фақат бугун змас. Эрта тонгда. Аслида хотира кунидан бошқа вақтда борганни рўйхатга тушириб, тергашади. Тергашса-тергашар.

— Исталган пайтда мозористонларга зиёратга бориш мумкин эмасми? Наҳотки ҳукумат буни тақиқлаб қўйган?

— Бир-икки йил бўлди шундай бўлганига. Одамлар диний байрамларда мозористонларга бормасин, деган мақсадда хотира кунини жорий этишди. Барibir, борган бориб турибди. Яқинда тошкентлик катта олим одамни акасининг жанозасида қатнашгани учун роса танқид қилишди. Жанозада қатнашиш, кунидан бошқа кунларда яқинларининг зиёратига бориш партия йўлига зид эмисп. Э, ўргилдим топган аъмолингдан.

Субхонқул гапга берилиб кетиб, дастурхон ёзмаганидан хижолат чекди.

— Энди, укажон, янгамуллонгизлар келгунча зерикib қолмаслик учун қитта-қиттай қилиб ўтирамиз. Бўлмаса, жағ жонивор қизиб кетиб, раҳбар деганинг барини ишдан бўшатиб юбораман, мамлакат эгасиз қолиб кетади-я.

Субхонқул музлатгичдан яримта арақ, бир қаричча колбаса олиб, дастурхонга қўйди. Арақдан очиб, пиёлаларни тўлдирди.

— Аҳмаджон, сиз менинг ҳақиқий укамсиз. Сизнинг қонингизда ўзбек ва украин қони оқиб турибди. Лекин сиз кўпроқ ўзбексиз. Гапиртириб кўрмаган одам сизни шу ўлканинг фарзанди деб ўйлайди. Аслида ҳам шундай. Отангизнинг режалари катта эди. Шу чўлга томир отиб, палак ёзишни ният қилган эди. Умри қисқа экан. Аммо ҳалол яшади. Битта одам топилмадики, Ҳомиджон бироннинг бир тийинига хиёнат қилди, деса. Отангиз автоавария баҳонасида ўлдирилганига кейинчалик ишондик — қотилнинг ўзи қилмишига иқрор бўлди.

Андрей бир нуқтага тикилганча Субхонқулнинг ҳикоясини тинглай бошлади.

— ПМКмизнинг бошлиғи бўларди. Фамилияси Жўраев. Ҳамма «раис бува» дерди. Ана шу одам галига кирмаган кассирни, яни сизнинг дадангизни йўқотиши бир сирдош шоферга топширади. Ўша шофер авария уюстириб, бир эмас, икки қишининг қонига зомин бўлган. Бегуноҳ қон тутар экан. Ўша шофернинг ўз оғиздан эшитмаганимда ҳамма қатори Ҳомиджон баҳтсиз ҳодиса қурбони бўлган, деб юраверардим. Ўша қотил шофер сафардалик чоғида кечаси уйида газ портлаб, хотини билан тўртта боласи ёниб кетди. Ҳамон эсимда, гоҳ у, гоҳ бу боласининг қабрини қучоқлаб «Менинг касофатимга қолдинглар. Мен икки одамни машинага урдириб ўлдирган эдим. Ўшаларнинг қони тутди», деб уввос соғлан эди. Кейин телба бўлиб қолди. Итнинг кунида хорлиқда ўлиб кетди. Лекин бош айборд «раис бува» ҳеч нима кўрмагандек юраверди... Қани, Аҳмаджон, шу қадаҳларни дадангиз, менинг қадрдан дўстим Ҳомиджоннинг хотираси учун кўтарайлик...

Андрей чўлга бораман-у, қайтаман деб ўйлаганди. Вазият ўзгарди. Борган куни Субхонқул қўй сўйиб, зиёфат берди. Тонг отгач, уч-тўрт одам билан мозористонга боришиди. Субхонқул кечча айтмаган экан, Ҳомиджоннинг қабри устига ёдгорлик тош ўрнатилган, атрофлари саранжом-саришта қилиб қўйилганди. Андрейнинг кўзлари ёшга тўлди. Ота қабридан бир қисм тупроқ олиб, туғиб, ёнига солди. Бирга келган қария мунгли овозда Қуръон тиловат қилди.

Мозористондан чиқишида бир четда мунғайиб турган қабр Андрейнинг зътиборини тортиди. Қабр зътиборсизлиқдан ўпирлиб, бир томони чўккан, устида юмонқозиқ диккайиб, мозористон тинчини бузган одамларни кузатиб турибди. Зиёратчилар яқинлашгач, юмонқозиқ лип этиб ўзини гўр ичига олди.

— Бу қабрда ётган одамнинг қариндош-уруглари йўқми? — ачиниб сўради Андрей у билан ёнма-ён бораётган Субхонқулдан. Шу дамда унинг хаёлидан «Субхонқулдек яхши одамлар бўлмаганда отамнинг қабри ҳам шу аҳволга тушиб қоларди», деган гап кечди.

— Аҳмаджон, мусулмончилиқда марҳумлар ҳақида ёмон гапириш мумкин эмас, — деди Субхонқул йигитнинг тирсагидан ушлаб. — Аммо мени Ҳудо кечирар, деб умид қиласман. Бу отангизнинг қотили бўлган ўша шофернинг қабри. Ҳу, ана у, ёнма-ён бешта қабр эса унинг хотини билан тўртта боласиники. Ҳудо раҳмат қиласин уларни. Қани, меҳмон, кетдик, бизни кутиб қолишиди.

\* \* \*

Ўзбекларнинг одатлари қизиқ экан. Субхонқул-ку майли, останнинг қадрдони бўлгани туфайлидир, зиёфат устига зиёфат беряпти. Унинг қўни-қўшнилари Андрейга ким бўлишади? Мутлақо бегона одамлар. Ана шу «бегона» лардан ҳар кун тўртбештаси меҳмонга чақиради.

Одамзотта кийган либосига қараб баҳо бериб бўлмас экан. Аксарияти серямоқ тўн кийган бу кишиларни устини чанг босган тиллага қиёслагиси келиб кетди Андрейнинг. Бундай ажойиб ҳалқни ўз кўзи билан кўрмаганида бирорнинг айтганига сира ишонмасди. Ўзбекларнинг минг хил фазилатлари ҳақида онаси ҳам гапирган. Аммо ўзи кўриб, гувоҳ бўлганларини таърифлашдан ожиз эди йигит. «Ўзбекистон — серкүёш ўлка. Бу ўлкани нафақат фалақдаги қуёш, балки қалби қуёшдек порлоқ одамлари ҳам илтиб турса керак. Аслида мен ҳам ана шу улуғ мартабали ҳалқнинг фарзанди эканман», деган шоирона хулоса чиқарди Аҳмаджон-Андрей.

Кундуз кунлари тирик жон борки, далага чиқиб кетади. Андрей ҳам пахтазорга тушиб, чўл шамоли қорайтирган одамларнинг оғир меҳнати билан танишди. Пахта нафақат «оқ-олтин, балки турган-битгани азоб-уқубат ҳам эканлигини пайқади. Даладаги барча ишлар деярли қўлда бажарилар экан. Тракторлар кам, борлари ҳам бузуқ, Уларни созлаб ишлатадиган мутахассис анқонинг уруғи. Андрей енг шимариб, тўхтаб қолган тракторларни ишга тушириб беради. Шунда «пахтакорларнинг зиёфатини текинга ёб ётибман», деган хижолатпазлик бироз тарқагандек бўлади.

— Аҳмаджон, кўриб турибман, сиздан ажойиб инженер чиқади. Отангиз билан онангиз пойдеворини қўйган ана шу совхозда қолиб ишламайсизми? — деб қолди бир куни Субхонқул. — Раисимиз кечака сиз ҳақингизда суриштириб, «Қолиб ишласа устахона бошлиғи қилиб қўядим», деди.

— Таклиф учун раҳмат. Балки ҳақиқатдан ҳам бир кун келарман. Аммо ҳозир кетмасам бўлмайди. Онам ёлғиз. Кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтирибди. Эртага шаҳарга тушиб, отамнинг дўстларини топганим ҳақида телеграмма жўнатаман.

Андрейни кузатишга кўпчилик чиқди. У ҳамма билан қўл бериб, қучоқлашиб, ўзбекчасига хайрлашди.

## XXI. МАКР

Пўлат хотинини гел қилиб кетганидан мамнун. Хотинининг эса алами ичида. Ахир ўша куни эрининг орқасидан пойлаб бориб, унинг нақшинкор дарвозадан кириб кетганини аниқ-тиниқ кўрди-ку! Эрини киритиб юбориб, укаси Қиёмиддинни чақириш учун кетганида жўнаб қолган эканми? Ишқилиб, қўлга туширдим деганда чап бериб кетди.

Аммо укасининг шапалоги бир бўлди-ю, қўшмачи деб от чиқарган хотиннинг дашномлари бир бўлди. Уйига келса, не кўз билан кўрсинки, эр диванда ёнбошлаб, видео кўриб ўтириби. Олдидаги кулдон чекиб ташланган сигарета қолдиги билан тўла. Шундан билдики, эри анча вақтдан бери шу ерда.

Аёл эрига синчков назар ташлади. Пўлат гўёки унинг келганини ҳам сезмади. Хотин «их-а» деб томоқ қиргач, эр тилга кирди:

— Қаэрларда юрибсан?! У ёқ-бу ёққа борадиган бўлсанг, айтиб кетмайсанми. Бир энли хат ёзиб қолдириб кетсанг ҳам бўларди. Суриштиргмаган жойим қолмади. Милиция билан ўликхонага қўнғироқ қиласман, деб тургандим.

— Кесатмай қўяқолинг. Барвақт келар экансиз, олдиндан огоҳлантирумайсизми?

— А, лаббай? Тиллари чиқиб қолибдими, хоним? Балки мен йўғимда нима ишлар билан шуғулланаётганингизни билиш учун пойлаб келгандирман!

— Бирорларга ўхшаб тили қисиқлигим йўқ. Пойлаб келавермайсизми!

— Очиқроқ айт, ким ўша «тили қисиқ» деганинг?!

— ...  
— Ҳа, гапирмайсан. Чаёндек чақасан-у, кейин найзангни елкангта қўйиб, яна пайт келишини пойлайсан. Ҳай, майли, худо ўзингта инсоф берсин, хотин.

— Инсоф бермай нима қилибман? Айтинг, инсофсиз менми ёсизми? Ўн ийлдан бери ўлар бўлсам-ўлиб бўлдим. Бир айбим фарзандсизлигимми?

Энди Пўлатники тутди:

— Яхши, ўзинг билар экансан айбингни. Мен тенгилар эртанин ўғил уйлантириб, қиз чиқаради. Бирон марта бетингга солдимми?

— Бетимга сололмайсиз ҳам, бетимга солишга ҳаққингиз ҳам йўқ!

- Нима-а? — Пўлатнинг ранги ўчди.
  - Фарзандсизлигимизнинг сабаби менда эмас экан.
  - Бўлмаса... менда эканда?
  - ...
  - Вой, сенинг ўша тилларингни бийрон қилган...
  - Сўкманг! Мен ҳам одамман. Қурбақани боссанг, у ҳам «вақ» этади. Мен эса одамман!
- Нохуш жимлик чўқди. Биринчи бўлиб Пўлат тилга кирди. У синиқ товушда деди:
- Кел, хотин, хотиржам гаплашиб олайлик. Икковимиз ҳам сал тилимизга эрк берганга ўхшаймиз.

- ...
  - Текширтирдингми?
  - Ҳа.
  - Қаерда, қачон?
  - Уч йилча бўлди. Тошкентда дам олганимда опамлар ҳолижонимга қўймай шунаقا касалларни даволайдиган дўхтирга олиб боришганди.
  - Дўхтири нима деди?
  - Сиз соппа-соғсиз, зрингизни ҳам текшириб кўришимиз керак, деди.
  - Менга ҳеч нима демадинг-ку?
  - Сизга бир нарса деб бўларканми. Қачон қараса ё мастсиз, ё тажанг.
  - Аламидан ичаман, хотин, аламидан! Йигит киши учун фарзандсизликдан оғирроқ айб бўлмаса керак.
  - Аёлларга ҳам осон тутманг.
  - Биламан. Бирор ердан тўйга деб хабар келса ич-этимни ейман. Борай десам, ҳамма мени кўрсатиб «Ана унинг фарзанди йўқ», деяётгандек бўлаверади. Бормай десам, одамгарчиликдан чиқариб ташлашади.
- Жувоннинг эрига астойдил раҳми келиб кетди. Одобсизлик қилгани учун эрининг оёғига йиқилишга ҳам тайёр эди бечора.
- Мен уйланган кунимдан бери худодан фарзанд тилайман. Мол-давлат сўрамаганман, аммо етти пуштимга етиб-ортадиган давлат берди. Фарзандсиз бошимга ураманми мол-давлатини! Айт, хотин, худога нима ёмонлик қилдимки, мени фарзандли бўлиш баҳтидан бенасиб этади?
  - Мен қайдан билай?

— Сен ҳамма балони биласан. Ер остида илон қимиirlаса ҳам биласан. Айт, мен нима қилай?!

— Энди мени ташшаб кетасанми? Бундай қилишга ҳаққинг бор...

— Нега ундаи дейсиз?! Ўзингизни текширитиинг. Даволанмайдиган дард бор эканми? Бир кун олдин бўлмаса, бир кун кейин. Худо хоҳласа, ҳаммаси унут бўлиб кетади.

Пўлат жим бўлиб қолди. Унга қараб хотини эзилди.

— Нега гапирмайсиз?

— Отпускага чиқай, Тошкент-пошкентта бориб текширираман.

— Отпускандан яқиндагина қайтдингиз-ку. Яна бир йил кутасизми? Ўзимизда ҳам бор эмиш зўр профессорлар.

— Қизиқмисан, бу шаҳарда мени танимайдиган одам борми. Шарманда бўлайми?

— Ҳа-я, бу томонини ўйламабман. Ўз хисобингиздан беш-олти кунга жавоб олсангиз бўлмайдими? Хайрли ишнинг эртаси яхши.

Пўлат аниқ бир нарса демади. Нимаям десин. Мана, бугун хотини уч йил олдин дўхтирга текширирганини бўйнига олди. Ўзи-чи? Ўзи беш йил олдин Соҳида дам олаётганида профессорларга қаратган. Бир эмас, икки-учтаси «Сиз даволанмасангиз, фарзандсиз ўтишингиз мумкин. Бу касаллик сурункали дардга айланиб кетиш эҳтимоли бор», деб огоҳлантиришган. Даволанишига нима монелик қилганини эслай олмайди. Қанча аёл билан бўлган бўлса, биронтасининг ҳомилалик бўлганини эшитмади. Демак, айб хотинида эмас, ўзида.

Пўлатнинг оғир ўйларини телефон қўнғироги бузди.

Хотини гўшакни кўтарди. Пўлат «мен йўқ» ипорасини қилди.

— Алло?.. Пўлат акангизлар боягина чиқиб кетган эдилар... Қачон қайтишларини айтмаганлар... Вой, тирикми, ишқилиб? Майли, майли, келган заҳотлари айтиб қўйман.

— Ким?

— Ишхонангиздан. Ҳафиз деган ўртоғингизни отиб қўйишганимиш. Касалхонага ётқизипиби.

— Оббо, расво бўлибди-ку.

— Ким эди у? Раисингизнинг артист ўғли эмасми?

— Ўша. Уйда ётиб бўлмайди чамамда. Ўртада раис адойи тамом бўлади.

Пўлат бир зум тараддуланиб турди. Бугуннинг фавқулодда ташвишлари ортда қолди. Боши устида момоқалдироқ гумбургумбур қилди-ю, унинг тадбиркорлиги натижасида на дўл ва на

Сұмғыр ёғымасдан ўтиб кетди. Маҳфузанның нозанин асирасига аталған бир кийимлик ялтир-юлтир матони айтмаса, ҳеч нарса йүқотмади. Эңг мұжими, хотини дилида қат-қат түпланиб қолган шубхаларни кетказишига муваффақ бўлди.

У хотинига сүқ билан боқди. «Сув париси» дан яқиндагина тикирилган енгсиз кўйлагини кийибди. Икки ўрим сочи тақимини ўпади. Оппоқ сийналар кўпчиб, ўзига чорлайди. Унинг шу ҳолати ҳинд кино юлдузларини эслатади. Уни Гўзал билан қисслади. Гўзальчалик бўлмасада, манман деган хотинлардан қолишмайди.

Пўлат хотинини кўпдан бери бундай жозибали ҳолатда кўрмаганди. У ўрнидан туриб, тилла билагузуклар безаган оппоқ билаклардан ушлади.

— Кўйинг, — нозланди хотин, — ўртоғингизни кўришга боришингиз керак-ку.

— Ўлгиси келса, менсиз ҳам ўлар ўша касофат. Сабр қилиб турса эрта-мертан бориб кўрарман, шундай деб хотинини озод кўтарди-да, диван томон юрди. Шу вақт яна телефон жиринглади. Пўлат иккиланиб, тўхтаб қолди. У хотинига савол назари билан тикилди. Телефон босиб-босиб жиринглашда давом этди.

— Биз уйда йўқмиз, — деди жувон қиқир-қиқир кулар экан, зрининг бўйнига осилиб.

— Биз уйда йўқмиз, эшитяпсизларми, биз йўқмиз! — деди Пўлат ҳам...

## XXII. СИР-АСРОРГА ТЎЛА КЕЧА

### I

Машина темир йўл персөнзидиа бир тўхтаб олди. Барот орқа бортдан сирпаниб тушиб қолди. Вақт тунги учга яқинлашган бўлиб, бу вақтда барча тирик жон ширин уйқуда, ҳатто итларнинг ҳам чакаги ўчган.

Барот қоронғу, хилват кўчадан тез юриб кетди. Ярим соатлардан сўнг акаси Ўринбойнинг пахса деворли ҳовлисига стиб келди. Дарвоза ичкаридан тамбалангган. Шу сабабли деворнинг нураб, анча паст бўлиб қолган жойидан сассиз ошиб ўтди. Бир зум тўхтаб, атроф-теваракка қулоқ тутди. Назарида ҳовлида аллақандайдир шарпалар бордек туюлди. У адашмаганди. Кўча деворга тақаб

қурилган молхонада чироқ ёниб турарди. Бир-икки марта деразадан одам сояси күринди. Ҳатто фүнгиллаган товушлар эшитилгандек бўлди. Бундай бемаҳалда акаси молхонада нима қиласди? Балки... Балки акаси эмасди! Барот деворга қапишганча молхона деразасига яқинлашди. Қоронғуликда туриб, ичкарига назар солди. У ерда бўлаётган воқсалар унга кафтдагидек кўриниб турарди. Ичкаридагилар уч киши. Биронтасини танимади. Негадир уй згаси — Ўринбой кўринмайди. Шундагина болта ва пичоқ билан чаққон ишлаётган кимсалар ўғрилар эканлигини фаҳмлади. Одамларни ёрдамга чақириб келиш ва ўғриларни ушлаб олиш мумкин. Барот шундай қилишдан сўнгги дақиқалардагина ўзини тийиб қолди. Ўзининг аҳволи ҳам ўғриларницидан яхши эмаслиги эсига тушди. Иложисизликдан қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Роса семирган экан жонивор, — деб қолди шопмўйловли киши қўлидаги пичноқни қайроқтошга уриб қайрар экан. — Ярим тоннадан бир қадоқ кам чиқса Эсон ўғри отимни бошқа қўяман.

— Ярмини ташлаб кетишга тўғри келади, — деди бақалоқ ўғри. — Ҳаммасини олиб кетолмайдиганга ўхшаймиз.

— Йўқ, олиб кетамиз. Фақат калла-почасини қолдиришимиз мумкин, — деб давом этди шопмўйлов. — Бунақа ов яқин-ўргада учрамаса керак.

— Мент қилиқ чиқараյпти, — гапга аралашди учинчи ўғри. У шу даражада ориқ эдики, скелетга тери тортиб қўйгандек. Баротнинг унга раҳми келиб кетди. Ориқ ўғри қон сизиб турган жигардан бир тилим кесиб олди-да, оғзига ташлади. Қонли луқмани лиқ-лиқ ютиб, маза қилганидан лабларини чапиллатиб қўйди ва гапида давом этди: — Бошлиқ улушини кўпайтиришни талаб қилаётганимиш. Бўлмаган гап! Ўзи тўқиб чиқарган чўпчакка мени ишонади, деб ўйлайди. Майли, ҳозирча индамай турамиз.

— Рухсат этинг, манави ҳўқизга ўхшатиб кала-пocha қилиб ташлай, — деб керилди шопмўйлов ҳўқизни нимталашдан бир зум тўхтаб.

— Бунга арзимайди у. Уннинг жазосини ўйлаб қўйганман. Аммо ҳали бизга иш беради. Шошмайлик. Гадонинг йўриги бошқа. Еган опи ҳалол баччагарнинг. Бир ойда йигирмата адрес берди-я, шоввуз. Барида ишимиз ўнгидан келди.

Орага жимлик чўқди. Шопмўйлов гўшни чопиб, шериклари-га тутқазар, улар гўштни катта-катта қопларга тиқишига аранг улгуришарди.

«Ҳозир кетиб қолишади, — деб ўйлади Барот, ҳамон чорасизликдан ўртаниб. — Нима қилиш керак? Нимадир қилиш керакку?!» Баротнинг оёғи нимагадир тегиб кетди. Ичкаридагилар жимиб қолишди. Бироздан сўнг шопмўйловли ўғри мушукдек юриб, ташқарига чиқди, қоронгулик бағрига кўз юргутирди. Шубҳали ҳеч нарса сезмай, изига қайтди.

Ўғрилар сўзесиз, ишни тезлаштиришди.

«Кеткизмайман. Бор-йўғи уч киши, бундан ҳам кўпроғи билан олишиб енгтанман. Бошқа илож йўғо». Баротнинг аҳди қатъийлашди. У ўғрилар ҳозиргина ўзи ошиб ўтган деворнинг нураган еридан чиқиб кетишлигини тахмин қилиб, жангга тайёрланди.

Биринчи бўлиб қоп орқалаган бақалоқ деворга яқинлашди. У қопни ерга қўйиб, гугурт чақди ва боши устида бир неча марта айлантириди. Кўча тарафда машина чироғи ёниб ўчди. Қопни девордан ошириш учун эгилган бақалоқ бўйнига теккан зарбадан товушсиз кулади. барот оёғидан судраб нарироқда элтиб ётқизди. Қайтиб келиб қопни кўтариб, девордан ошираёттандек бўлиб турди.

— Машина келдими? — шивирлаб сўради юқдан икки букилган ўғри. Бу шопмўйловнинг товуши зди.

— Ҳа, — деб хириллаб жавоб қайтарди Барот ва «Энг зўри шу, шуни йиқитсан, марра меники» деган фикр кечди Баротнинг дилидан. Шу боис ўғрининг акашак оёғига тепиб йиқитди. Мана, ҳаммаси тамом, ўғрилар ер тишлаб ётишибди. Энди уларнинг қўл-оёқларини боғлаб қўйса бўлди.

«Рамақижон, ҳатто қопни кўтаргудек жони йўқ, қаттиқ уриб, товонига қолиб юрмай, тағин», деган фикр кечди Баротнинг дилидан. Шу боис ўғрининг акашак оёғига тепиб йиқитди. Мана, ҳаммаси тамом, ўғрилар ер тишлаб ётишибди. Энди уларнинг қўл-оёқларини боғлаб қўйса бўлди.

Барот сезмай қолди — оёқлари остида сулайиб ётган ўғри мушукдек чаққонлик билан иргиб турди. Унинг қийқиқ оёғи қиличдек кўтарилиди. Барот бунақа зарбани кутмаганди. У рўпарасида профессионал жангчи турганлигини фаҳмлади. Ҳимояга шайланди. Иккинчи зарбага зарба билан жавоб қайтарди. Энди ҳар иккаласи ҳам эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиласарди. Рақиблар калхатлар мисол бир-бирига човут солиш учун пайт пойлаётганданда девор ортида машина сигнали эшитилди. Ўғри ялт этиб ўша ёққа қаради ва омад ўзидан юз ўгиришига сабабчи бўлди.

Барот учала ўғрининг қўл-оёғини боғлаб, юзтубан ётқизиб қўйди. Улар тонг отгунча ҳам ўзларига келишлари амримаҳол зди. Тонг отса, бу ховлида нималар бўлишини кўз олдига келти-

риб, девор оша күчага сакраб тушди. Нимадир даранглаб, тарақлаб кетди. Шериклари чиқишини интиқ кутаётган «Волга» шоферининг ўтакаси ёрилди. У машинага ўкиртириб газ бердида, қоронгулик қўйнида кўздан ғойиб бўлди.

Итлар маҳаллани бошига кўтариб ҳуришга бошлиди. Бир неча уй деразасида чироқ кўринди. «Ким?» деган товушлар эши билди. Барот икки ҳатлаб эллик қадамча наридаги улкан тутта етиб олди ва чаққонлик билан дарахтнинг қуюқ барглари орасида кўздан ғойиб бўлди.

Ёшпик чоғларидан хотира бўлган қари тут йигит қалбида илиқ туйғулар уйғотди. Ўртоқлари билан баҳс бойлашиб, дарахтнинг энг тепасидаги чумчуқ уясидан тухум олиб тушишда унга тенг келадиган бола топилмасди. Аммо бир гал адабини еган. Дарахт шохи синиб кетиб, ерга йиқилиб тушган. Ҳущдан кеттани учун болалар уни ўлдига чиқариб ура қочишиди. Ана шунда қаердан дир Норгул момо хабар топиб, бетига сув сепиб ҳушига келтирди. У ёқ-бу ёғи қашқа бўлганини ҳисобламаса, ҳеч нарса кўрмагандек чопиб кетди. Дарвоқе, Норгул момонинг уйи бу ердан икки қадам нарида. Ариқдан нарёғи момоники. Момони эслапи билан Баротнинг ичи чироқ ёққандек ёришди. Негаки, у кампирни ўз онасидек яхши кўтарди. Армиядан ёзган хатларининг барчасида қўшни момога салом айтиб қўйишларини такрор-такрор илтимос қиласарди.

Момонинг ўғиллари оқибатсиз чиқишиди. Галма-галдан уйла-нишиди-ю, хотингчаларини етаклаб, чолу кампирни ташлаб кетишиди. Кейинчалик чол ўлиб, кампир ёлғиз қолди.

— Момоникида бир-икки кун тураман. Вазиятга қараб иш тутаман, — деб аҳд қилди Барот. Бу вақтда уфқ ёришиб, тонг отди. Ортиқ кутиб бўлмасди, йигит тутдан сирғалиб тушди.

## 2

Баротнинг сирли равища қамалганини эшилган Ўрин укаси-дан кўра «Жигули»сига кўпроқ ачинди. Маҳкамама-маҳкамама чопиб, озроқ жарима эвазига машинасини чиқариб олди. Машина абгор бўлган, яп-янги филдираклар алмаштирилган, аккумулятор ғойиб бўлган, яна алламбалолар етишмади.

— Яна беш-ён кун шу ерда қолдирсангиз, қуруқ рамасига зга бўласиз, — дейишиди ДАНдан оғзи куйганлар. — Вақт борида олиб кетинг.

Шу воқеа сабаб рўзгордан тинчлик кўтарилиган. Хотини «ғирчи-нидан қийилгур» қайнисини гўрдан олиб гўрга тиқишидан чарчамай-

ди. Укасига хайрих оҳ бўлмаса-да, уззу кун хотинининг жавраши Ўринбойнинг жонидан тўйдиради. Гоҳ жеркийди, гоҳ бўралаб сўқади. Аслида эр-хотиннинг дарди битта — машинани бир бало қилиб аслига қайтариш. Машиналик бўлиш ўз-ўзидан бўлмаганди, ахир.

Ота-она ўлимидан сўнг оила ташвиши тўнғич фарзанд — Ўринбой билан унинг хотини гарданига тушди. Баротни уйлантириш, икки сингилни турмушга чиқариш лозим. Бунинг устига ўзларининг мактаб ёшига етган уч нафар ўғилларининг қўлини ҳалоллаш керак. Барот ишласа, ёнимга кирса, унча катта бўлмаса ҳам чоғлиққина тўй қилиб бераман, деб мўлжаллаганди. Нега қамалган, унга неча йил беришади — бир худога аён. Уни қамоқдан чиқариб олиш учун Ўринбойда бебилиска пул қайда. Фикру-зикри тезроқ фарзандларининг қўлини ҳалоллаш. Тўй аслида бир ҳафта олдин бўлиши керак эди. «Ҳўқиз ҳали ориқ, яна бироз семирсин», деб хотини ўргага банд ташлади. Ўзига қолсаку, хотини билан маслаҳатлашиб ўтирасди. Қайдандир бошдан-оёқ ошпоқ кийинган гадо пайдо бўлди. Уй эгаларига узундан-узун дуо ўқиб, хайрсадақа сўради. Гадо «гадоман», деб турмаганда уни камида авлиё таҳмин қилиш мумкин эди. Нима бўлсаям, Ўринбойнинг унга меҳри тушди. «Кўпни кўрган одам, мол танийди. Ҳўқизни кўрсатиб, маслаҳатини олай, «Сўй», деса сўяй, «Ҳали ориқ, боқ», деса беш-үн кун боқай». Ўринбой гадони молхонага бошлади.

— Бир ҳафта ўн кун вақти бор, — деди ҳалиги гадо ҳўқизнинг сағрига тап-тап шапатилаб. Унинг кўзларида ёлқинланган ўтни Ўринбой сезмай қолди. — Боқса, ҳали семиради.

— Аёлим ҳам сизнинг галингизни айтди. Менга қолса, шу бугун қассоб чақириб, тўйни бошлаб юборардим.

— Ақлли одамларнинг садагаси кетсанг арзийди. Аёлингиз ҳам ўзингизга ўхшаб тажрибали одам кўринади. Ҳозир сўйсангиз нари борса тўрт юз тош босар. Бир ойда яна ўн-ўн икки кило эт олади. Рўзгорнинг ярим ойлик озиқаси бўлади, бўтам.

— Раҳмат, бобо, кўнглим жойига тушди.

— Ҳа, баракалло. Қани, энди қўлингизни дуога очинг. Илоё шу ҳўқизингиз тўйларга буюрсин. Бошингиз тўйлардан чиқмай юринг. Тўйнинг худойисига атаганингиз бўлса, ҳозир чўзверинг. Менинг назаримда Арши Аълонинг эшиклари бугун ланг очиб қўйилганга ўхшаяпти.

Ўринбой беш-ўн сўм пул тутқазди. Гадо эшиқдан чиққунча дуода бўлди.

Үринбой кунни молхонадан хабар олиш билан бошлашга одатланган. Бугун ҳам турасолиб молхона тарафга югурди. Молхона да чироқ ёниб турганини кўриб жаҳли чиқди. Хотинига минг марта уқтирган, ётар пайти чироқни ўчириб қўй, деб. У ичкарига қадам қўйди-ю, қотиб қолди — ҳўқиз қани? Наҳотки ўртада ётган нарса унинг ҳўқизи бўлса? Йўқ, ҳўқиз эмас, унинг шилиб олинган териси ўралган ичак-чавоқ, калла-пocha! Ҳамма ёқ қизил қонга бўялган.

— Вой дод, мусулмонлар, уйим кўйди!

Ўринбойнинг дод-войига хотини, болалари чопиб келишди, қўшнилар тўпланиши.

— Кўриб қўйинглар, мусулмонлар, ҳўқизимни сўйиб кетишибди! Кеча ҳафта сўйдираильик деганимда манави қўймади. Хотининг сўзига кирган ўзим аҳмоқман! Энди нима қиласман?

— Эй, одамлар, бу ёққа келинглар! — деб ташқаридан чақириди қўшнилардан бири. — Ўғрилар узоққа кетмаганга ўхшайди.

Бошига уриб йиглаётган Ўринбой ҳам бошқаларга қўшилиб ташқарига чопди. Кўча тарафда девор тагида уч киши миқ зтмай ётар, уларнинг ёнида гўшт қоплар дўппайиб турарди.

Мол аччиғи — жон аччиғи, дегандек Ўринбой қўлига тушган таёқ билан ётганлардан бирининг бошига қарсилатиб солди. Қўйиб берса ўлдириб, аламидан чиқадиган.

— Урма, Ўринбой! — қўлини ушлади чол. — Кўриб турибсан-ку барининг қўл-оёғи боғланган. Аввал нима бўлганини суриштираильик.

— Тўғри, урган билан иш битмайди, — гапга қўшилди бошқа қўшни. — Худо кўрсатмасин, бир таёқ бад, бир таёқ нек дегандек, ўлиб-нетиб қолса, ўзинг қамалиб кетасан. Ҳозир шунача закўн бор.

— Қамаса-қамар. Ўлса гуноҳи бўйнида!

— Ушланглар уни, ўлдириб қўяди, — деб бақириди калтак жонидан ўтган шопмўйловли банди. — Тезроқ милицияни чақиринглар!

— Милицияни чақирайлик? Нега?

— Биз ўғри бўлсак, қўл-оёғимиз боғланган ётарилик? Ўғрилар қочиб кетишди, — босиқлик билан справка бера бошлади ориқ банди.

— Унда сизлар ким бўласизлар?

— Органданмиз.

— Ўғри ким?

— Қўл-оёғимизни ечинг, ўғрилар кимлигини айтиб берамиз.

Бирор ишонди, бирор шубҳаланди.

- Орган деганингиз мелисами? — сўради кўпни кўрган чол.
- Ҳа, милиция.
- Милициядагиларни мен яхши танийман. Негадир сизларни...
- Б-б-биз қўшни районданмиз.
- Ундаи бўлса, ҳужжатларингиз борми?
- Бор... Аммо ёнимизда эмас.

Қўшилар бир четга чиқиб маслаҳатлашишди.

— Агар булар ҳақиқатдан ҳам милициядан бўлса, ўзимизга гап тегиб қолади. Яхиси қўл-оёқларини счиб қўя қолайлик, маслаҳат берди ўпкаси йўқроқ чол типирчилаб.

— Отахоннинг галига киринглар, қўл-оёғимизни ечинглар. Акс ҳолда ҳаммаларинг жавобгар қилинасизлар. Орган одамига ёрдам бериш ўрнига қилиб турган ишларини қара-ю!

Хайриҳоҳ чол ориқ бандининг қўлини ечишга тутинди.

— Шошманг, — уни бир четга сурди ҳозиргина етиб келган маҳалла оқсоқоли. — Нима бўлгандаям милицияга хабар қилиш керак. Ўз одамлари бўлса, ўзлари таниб олишар. Бегона бўлсанчи? Кечча маҳалла оқсоқоллари билан йиғилишда ҳушёрликни ошириш керак, деб тайинлашишди. Келинглар, ақл билан иш кўрайлик.

Бу таклиф бандиларнинг жонини чиқариб юборди. Улар тўпланганларнинг авра-астарини ағдариб ҳақорат қила бошлишди.

— Кўрдиларингми, орган одами бўлишса, бу даражада бето-қатлик қилишмасди, — деди оқсоқол мамнун.

Бир соатлардан сўнг Ўринбойнинг дарвозаси олдига милиция машинаси келиб тўхтади.

— Упланганлар қани? — сўради гуруҳ бошлиғи.

Бандиларни кўрсатишди. Капитан пўнгиллади:

— Эски танишлар-ку.

Бандиларга хайриҳоҳлик кўрсатган чол хурсандчилигини яширолмади:

— Мана, айтдим-ку, ўзларидан экан, деб. Сизлар бўлса...

Унинг гапини капитаннинг қатъий овози узиб қўйди.

— Буларни ким боғлади? Нима учун?

Ҳамма жим.

— Қўлларини ечинг!

Эшикни Норгул момо очди.

— Ассалому алайкум, момо, меҳмон олмайсизми?

— Вой, сен Баротжонмисан? Ваалайкум ассалом. Қани, осто-  
нада турма, ичкарига кир. Саҳар-мардонда ким келди, деб ўла-  
дим. Яхшиям сен борсан, болам. Бу қари кампирни бошқа ким  
ҳам йўқлаб келарди. Қалай, тан-жонгинанг соғ юрибсанми?

— Шукр, момо.

— Момонгни эсдан чиқариб қўйдинг, чирогим, кўринмай кетдинг?

Каллайи сахарда юриш одатинг йўқ эди, тинчликми, ишқилиб?

— Шукр, тинчлик.

— Тинчликка нима етсин. Сен ўтира тур, мен чой қўйиб келай.

— Момо бир пас ўтиринг, сизга айтадиган гапим бор, — деди  
Барот.

Барот бор гапни қўшиб-чатмасдан гапириб берди. Айтмаса  
ёрилиб кетаман, деб ўйлаганди. Ҳамма гапни айтиб, сингил торг-  
ди. Нега шу вақтгача ўзига азоб бериб келганига ҳайрон қолди.

— Болам, ёшлиқдаям ёлғон гапирмас эдинг. Улғайиб сал ёл-  
ғонлайдиган одат чиқарганга ўхшайсан? Ҳамма галингга ишон-  
дим-у, лекин Ўрин акангнинг ҳўқизини сўйган ўғрилар ҳақидаги  
гапингта ишонмайроқ турибман. Бир ўзим учтасини боғлаб кел-  
дим, дейсанми-еї.

Шу вақт ичида ҳовлиси тарафдан ғала-ғовур эшитилди.

— Сиздан илтимос, мен ҳақимда бирорга лом-мим деманг,  
деди Барот ғамгин оҳангда. — Вақти келиб одамларга ўзим ай-  
тиб берарман.

— Сен бир пас мизғиб ол. Бир қўлинг билан беланчакни тёбра-  
тиб-тебратиб қўй. Мен зув бораман, зув келаман.

Барот бошини ёстиққа қўйиши билан кўзи илинди. Бир чим-  
дим уйқу орасида туш кўрди. Осмону фалақда учеб юрганмиш.  
Пастда ёввойилар унга бақириб-чақиришади, пастга туш, деб  
дағдаға қилишади. Камондан отган ўқлари унгача етиб келмай-  
ди. Лекин баландроқ учишнинг, бу ердан узоқроққа кетишнинг  
ҳам иложи йўқ, нимадир зўр бериб ерга торгади. Э-ҳа, бир пайт-  
лар тушида қўрган тош ҳали ҳам оёғига боғланганча турган экан-  
да. Нега уни ечиб ташламапти? Лаънати ёввойилар, бақир-ча-  
қир, ўзингни ос! Барибир ушлай олмайсизлар!

Ёввойилар анча олисда бўлишига қарамай, даҳшатли наъра  
тортишлари қулоги остида янграйди. Барот қўрқиб, уйғонди. Ўнги-

да ҳам чинқираётган товушни эшитди. У сакраб турди. Шундагина беланчакда дод солиб йиглаётган гүдакка кўзи туши.

— Оббо, сени қара-ю, роса кўркитиб юбординг-ку, а? Бўлди, бўлди, эркак одамга йиглаш ярашмайди, — болани беленчакдан олиб бағрига босади. Бола овунади, бу сергап ака ким бўлди экан, деб ҳайрон боқади. Боқишлири бирам ширин, бирам ёқимли.

— Мен Барот аканг бўламан. Сен Бахтиёржонсан. Топдимми?

Боланинг юзида мамнуният чарақлайди. Баротнинг бир неча кундан бери соқоли олинмаган юзини кўлчалари билан силайди.

— Адда, адда.

— А, нима дединг, ада дедингми?

Йигит қулоқларига ишонмайди. Чеккан кулфатларини эсдан чиқаради...

## ХХIII. СИРЛИ ЙЎҚОЛИШ

Обкомнинг наубатдан ташқари пленуми бўладиган куни Владимир Сисоевич касалхонани тарк этди. Унгача етиб келган мишишлар бири-биридан совуқ, бири-биридан ёқимсиз. Ҳар зўти-молга қарши баъзи бир чораларни кўриб қўймаса бўлмайди. Кўнглини кўтариб турадиган дўстларидан эса дарак йўқ.

Тошкентта қўнғироқ қилиб, ўзинни қийнаётган саволларга жавоб олмоқчи эди. Аммо марказком раҳбарлари вилоятларга чиқиб кетганилиги сабабли бу режаси ҳам барбод бўлди. Ягона илинжи — Москвада. Энг зарур бўлган пайтлардагина тўғридан-тўғри мурожаат қилишга рухсат этилган. Мана, ўша зарурат.

Телефонни москвалик корчалон, Коҷубейнинг ишонган тофларидан бири кўтарди. «Бошланиши яхши, худо ҳоҳласа, ишларим ўнгланиб кетади», деган ширин хаёл кечди дилидан. Саломалиқдан сўнг мақсадга ўтди. Судбатдоши анча вақт миқ этмай эшитди. Ниҳоят сўради:

— Пленум қачонга тайинланган?

— Соат иккига.

— Демак ҳали вақт бор.

— Бир соатча вақт қолди.

— Қўрқма. Бир соатда катта бир урушда ғалаба қилиш мумкин, — ҳазиллашди корчалон. — Дарвоқе, сендан ариза талаб қилишдими?

— Ҳозирча йўқ.

— Албатта, сўрашади. Аммо сен берма! Буёгини менга кўйиб бер.

— Тушундим.

Обкомнинг ҳашамдор залига кириш олдидан партиявий ва ташкилий ишлар бўлими мудири Владимир Сисоевичга яқинлашди. Йўлига соглигини сўради. Сўнг тирсагидан ушлаб (бедодликни қаранг-а!) четга етаклади. Бунаقا қилиқни бўлим мудири аслида Кочубейнинг ўзидан ўрганган. Кўпчилик ҳайрат ичидагуларга қараб қолди. «Мен нима, сенга эшакманми, мени етаклайсан?» деган газабнок фикр келди дилига ва бир силтаниб, тирсагини ношуд шогирд кўлидан айриб олди. Камоли жаҳли чиқкан экан, хўроздек кекирдагини чўзиб бақирди:

— Менда ишинг борми? Айт гапингни!

Бўлим мудири орқага тисарилди.

— Бюро сиздан ариза олишни менга топширган. «Соғлигим ёмонлашганлиги сабабли мени ўз вазифамдан озод қилишингизни сўрайман», деган маънода ариза бераркансиз.

— Аризами?

— Ҳа, ариза, Владимир Сисоевич.

— Манави билан қалайсан? — Кочубей бош бармоғини иккита бармоғи орасидан чиқариб, ҳамсуҳбатининг тумшуғи тагига тиқди.

— Б-б-безори! — деся ғўлдиради бўлим мудири шолғомдек қизариб.

Бу ҳали кўнгилсизликларнинг бошланиши эди.

Обкомнинг биринчи котиби пленумни очар экан, одатдагидек мажлис ҳайъатига чиқадиганларни номма-ном ўқиди. Улар орасида Владимир Сисоевичнинг номи йўқ эди. Залдагиларнинг ҳаммаси ҳам кун тартибидан яхши лабардор бўлмаса керак, оддий курувчидан чиққан пленум аъзоси кўл кўтариб, таклиф учун сўз сўради.

— Хўш, нима дейсан?!

— Мен пленумнинг ишчи президиумига ҳаммамиз учун ҳурматли акамиз Кочубей Владимир Сисоевични ҳам кўрсатишни...

Унинг гапини раислик қилувчининг қаҳрли овози бўлди:

— Бошқа гапинг йўқми?

— Й-й-йўқ, обком бува.

— Номлари ўқилган коммунист ўртоқларнинг ишчи ҳайъатидан жой олишларини сўрайман.

Биринчи қаторни тўлдириб ўтирган Кочубейдан бошқа ҳамма президиумга кўтарилди. Владимир Сисоевич елкаси оша юзлаб

нигоҳлар ўзига қадалганини ҳис этди. Кечагина оёгини ялашга тай-ер турган одамларнинг таънали, ҳақоратомуз, дашномли қарашла-ри! Тифи пайкондек бўлиб тешиб ўтаётган нигоҳлар! Агар Коҷубей яна бир неча дақиқадан кейин нафрат тўла бу кўзлар ер чизиб қоли-шини, заҳарли тиллар бошқача сўзлай бошлишини билмаса, ўсал бўлиши мумкинлигини тахмин қўлди. Ана шундай бир воқеага унинг ўзи гувоҳ, аниқроғи сабабчи бўлғанлиги эсига туши.

Брежнев ўлиб, мамлакат раҳбарлигига Андропов келгач, партия хўжалик ишларини жадаллик билан қайта қуришга кири-шилди. Текшир-текширлар авж олди. Жойларда штаблар тузи-либ, гоҳ у, гоҳ бу тармоқда текшириш ўтказилади. Вилоятда бу янгиланиш жараённига Коҷубей масъул. Унинг раҳбарлигига уюштириладиган текширишлар салмоғи жазоланган одамлар сони билан ўлчанади. Одамлар пана-пасқамда Коҷубейга чўло-бодлик Берия деган лақаб кўйиб олишган.

Янги ташкил этилган Занжирсарой райони ҳам текширувлар-дан четда қолмади. Бир ҳафта на ишчи, на раҳбар тиним билмади. Кун чиқарда бошланган текширив қош қорайгандан якунланди.

Мазкур масала райкомнинг сайёр бюроси йиғилишида, хўжа-ликлардан бирининг дала шийпонида ўтказиладиган бўлди. Унда шахсан Коҷубейнинг ўзи иштирок этаётганлиги ҳаммани ҳушёр тортириди.

Партия ташкилотининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлиги ма-саласи, айниқса, қониқарсиз, деб топилди. Бу соҳани текшириб,- ахборотнома тайёрлаган гуруҳ пашибадан фил ясад кўрсатаёт-ганлиги кўпчиликка, ҳатто Коҷубейнинг ўзига ҳам маътум бўлса-да, миқ этмади. Ахир одамларни жазолаб турилмаса улар тезда талтайиб кетишади-да.

Текшириш асносида Владимир Сисоевич ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлди. Колхозлардан бирининг пихини ёрган раиси ким-сан Коҷубей Владимир Сисоевични лақиљатмоқчи бўлди-я!

— Вороҳ машиналарининг ишини кўрсат,— деди Коҷубей ра-истга. Бу вақт соат тунги иккidan ошган. Раис аниқ биладики, ҳам-ма ерда иш тўхтаган. Очигини тан олса, бир бало, олмаса, ўн бало.

— Обкомбува, ҳамма вороҳ машиналари ишлайди.

— Бориб кўрамиз.

— Шу дессангиз, пахтадан сув қочиб, йўлни босган. Ўтиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, тасодифми, атайлабми йўлни сув босган, маши-на билан ўтиб бўлмасди.

— Раис, шу шийпоннинг томига чиқиб қарасак, ворох машиналари ишләётган жой кўринадими?

— Ҳа, кўринади, обкомбува, — хурсанд бўлиб кетди раис, Кочубей шу ердан қайтади, деган умидда.

— Шоти борми?

— Шоти бор. Нимайди?

— Олдириб кел!

Аллақаердан лиқилдоқ шоти топиб келишди.

— Қани, томга чиқ! — деб буюорди Кочубей раисга. Икковлашиб томга чиқиши.

— Кўрсат, қайси томонда ишлайти ворохларинг?

— Ҳов, анави ерда.

— Чироқ кўринмайдику?

— Чироқ ўчиб қолгандир, палакат. Сал шамол бўлса, ўчиб қоладиган одати бор.

Томдан тушиши.

— Этикни еч, шимингни шимар, — деб буюорди Кочубей раисга. Ўзи ҳам ботинкасини ечиб, шимини шимариб олди. — Йўлдан машина ўта олмаса, мана, биз ўтамиз. Кетдик!

Раис олдинда, обкомнинг иккинчи котиби орқада. Улардан сал орқада икки-учта бригадир сув кечиб йўлга тушиши.

Ворох машиналарининг олдида зоғ ҳам йўқ эди.

— Ишлайти, деганинг шуларми?

— Ҳозиргина ўчириб кетишганда, обкомбува.

— Шундайми? — Кочубей тўрт-бешта ворохни ушлаб-ушлаб кўрди. Бари муздай.

— Энди сен ушлаб кўр.

Раис миқ этолмай қолди.

Яна сув кечиб, орқага қайтиши.

— Раис, шоферингга жавоб бериб, ўзинг менинг машинамга чиқ!

Кетишяпти. Қаерга боришмоқчи? Сўрай олмайди. Қўшни колхоз ҳам орқада қолди. Кундуз куни ўтишга одам қўрқадиган қамишзорга етганда Кочубей шоферининг биқинидан туртди:

— Тўхтат!

Машина тормоз берди.

— Сен туш! — деди Кочубей раисга. Тушди.

Машина жойидан қўзғалди.

— Мен-чи? — дейишга улгурди раис. Бирпастдан сўнг машина чироқлари тун бағрида сингиб, йўқ бўлиб кетди. Уни масхара қилгандек бойқуш сайдари...

Мана, бутун ўша раис ҳам залда ўтирибди, Кочубейнинг кўзи-  
га тик қарай олмайди, учуқ тошган оғиз-бурнини ўраб олган.

Текширувчилар ахборот бераб бўлишгач, хўжалик раҳбарлари-  
нинг ҳисоботларини эшлишига киришилди. Бирор у деди, бирор бу.

— Камчиликларни тузатамиз. Партия берган топшириқлар-  
ни ошириб бажарамиз.

Кўпни кўрган раису директорлар ёлғон ваъдалар билан сувдан  
қуруқ чиқиб кетишди. Аммо нари-бериси бир йил ҳам ишламаган  
ёштина директор йигилиш руҳини ўзгартириб юборди. Унинг шак-  
коклик билан катта бор, кичик бор, демай чертиб-чертни галириши  
эзилиб, ерга сингиб ўтирганларнинг қаддини кўтаргандек бўлди.

— Бошқаларни билмадим-у, аммо менинг совхозимда аҳвол ўртоқ  
текширувчилар айтгандек, иш пачава эмас. Пахта планини уддалаб  
кўйдик. Шудгор бошланган. Чорва биринчи марта заарсиз чиқаяп-  
ти. Бир бош соғин сигирдан уч-уч ярим тоннадан сут оламиз.

— Тўғри, бизнинг хўжаликда ҳам олдинги йилларга қараган-  
да ўсиш бор, — деди ҳозиргина пўстаги қоқилганлардан бири  
ўтирган сридан кекирдагини чўзид.

Фала-ғовур бўлиб кетди. Кочубей йигилиш тизгинини ўз қўлим-  
га олмасам, мажлис норозилик митингига айланиб кетади, деб ўйла-  
ди. У тап этиб столни урди. Ҳамфирклар кўплигидан шерланиб,  
жўшиб галираёттан нотиқнинг айтилмаган сўзлари бўғзида қолди.

Кочубей ўтирганларга бир-бир назар ташлаб чиқди. Гўё у  
одамларни кўм-кўк қўзлари билан пармалаб, ичидаги сирлари-  
ни билиб олмоқчига ўхшарди. Бошлар қувироқ зэилди, қўзлар  
ер чизиб қолди.

— Мана! — деди Кочубей шаҳодат бармоғини баланд кўта-  
риб. — Мана, кўриб қўйинглар, маънавий инқироз, иқтисодий  
ўпирилиш, сиёсий ўпирилиш қаердан бошланишини! Мен бу ерда  
катта ўпирилиш борлигининг гувоҳи бўлиб ўтирибман. Обком  
буни шундай қолдиролмайди. Бутун бир бошли бинони бузиш  
учун унинг пойдеворидан бир гиштни сугуриб олиш кифоя. Кей-  
ин ўзи қулаб тушаверади. Партия ташкилоти ҳам бамисли бир  
бино. Мана булардай принципсиз, мана булардай масъулиятсиз,  
қолаверса, жиноят кўчасига кириб кетишдан тап тортмайдиган,  
сиртдан коммунист, ичдан партиянинг ашаддий душманлари  
бўлган одамларни, — Кочубей бармоғини бигиз қилиб, аввал  
минбарга бағрини берганча қотиб қолган ёш директорни, сўнг  
рўпарада ўтирганларни ялписига кўрсатиб давом этди, — Ленин  
партиясининг муҳташам биносини бузувчилардир, дейман!

Кочубей узоқ гапирди. Нүтқини дақшатпли ҳукм билан тугатди:

— Партияның раҳбарлық ролини тан олмагани, партияның одоб-ахлоқ нормаларини бузгани, жамоа фикрини партияга қарши қаратмоқчы бўлгани учун уни КПСС сафларидан ўчиришни, вазифасидан четлатишни талаб қиласман! Бугун унга ҳамфикр бўлганилар ҳам аниқлансин ва тегишли жазога тортилсин!

Ҳамон минбарга ёпишиб турган бечора директор ўз жойига аранг етиб бордию, шилқ этиб йиқилди.

— Тезда касалхонага олиб бориш керак, — деди беморни кўздан кечирган район соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи. — инфарктга ўшайди.

— Чепуха! Навбатдаги фирибгарлик. Артист! Олдин партиядан ўчирилсин, кейин нариги дунёга бўлсаям кетаверсин.

Директорни партиядан ўчириш учун ҳамма қўл кўтарди.

Жон берәттганига қарамай бечора директорни «бир овоздан» партиядан ўчиришди. Шундан сўнггина уни залдан олиб чиқиб кетишга ижозат этилди.

Ана шу охирги маңзара тез-тез Кочубейнинг кўз олдига келадиган бўлиб қолган. Бу балки виждон азоби оқибатида пайдо бўлганни? Аммо то ҳанузгача бу одам ўзини директорниң ўлимида (ҳозир унинг фамилиясини ҳам эсдан чиқариб юборган) тирноқча айбдор эдим, деб ҳисобламайди. Ўзининг тақдирни ҳал қилинаётган шу дамларда яна замбила тиржайиб ётган директор кўз олдида нмоён бўлди:

— Мен ҳам эдим сендеқ, сен ҳам бўласан мендек, — хунук тиржайди арвоҳ,

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Ҳали вақт бор. Москвадан кўнгироқ бўлади-ю, пленум менинг фойдамга қарор қабул қилаади. Менга дашном тошларини отаётган мана бу одамлар ҳам ўшанда бошқача сайрай бошлашади.

Дақиқалар ўтган сайин бу умиди дилидаги ишончсизлик билан алмаша боради, охирги илинж ҳам сувга тушган қордек эриб кетаяпти. Бутун умидини тиккан мажлис президиумидаги телефон бирор марта ҳам жирингламади-я!

Арвоҳ тантана қиласди.

— Қалайсан, энди? «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса — бошқага».

— Ҳали вақт бор, — қайсаарлик билан пичирлайди Кочубей.

— Қарор қабул қилингани йўқ ҳали.

— Қарор аллақачонлар ёзиб қўйилган! Булар бари расмиятчилик учун эканлигини ўзинг яхши биласан-ку. Яхшиси

қарор ўқиб эшилтирилмасдан бурун туриб жўна. Мард одам экан, дейишсин.

— Йўқ, кутаман.

— Юрагинг санчиб оғрияпти, оғриқ бутун баданингта тарқа-япти. Менга ўхшаб залда ўлиб қолмаслик учун туриб жўна...

Арвоҳ гойиб бўлди. Владимир Сисоевич чап сийнасида оғриқ сезди. Сесканиб кетди. Баданини совуқ тер босди. «Демак, арвоҳ алдамаяпти, кетишим керак. Барига тупуриб, ғоз юриб чиқиб кетишим керак».

Кимдир қўлтиғидан олиб ёрдамлашиб юборди. Чайқалиб эшик томон юрди. Еру осмон гир-гир айланётгандек. Йиқилмай анави икки қаватли эшикдан чиқиб олса, марра уники. Лекин бу жуда мушкул. Чайқалиш кучайяпти. Нажоткор эшикка ҳали анча бор. Яна бир неча қадам қўёлса...

Кочубей деворни ушлаш учун қўлларини чўзди. Мувозанатини йўқотди, гандираклаб бориб, эшикнинг қиррасига пешонаси билан урилди. Гулдор гиламга қон сачради.

Владимир Сисоевични ҳеч қандай иззат-икромсиз кўтариб, залдан олиб чиқиб кетишиди.

Бундай бўлишини ҳеч ким кутмаганди. Нутқининг белига төпилган Сойибназаров Олтин Юлдузини йилтиллатганча минбарда қотиб турар, у «Энди нима қилсан экан, балки пленумни бошқа кунга қолдирганим маъқулмикан», деб ўйларди. Тошкент уни бугун ишдан олишга рухсат берган. Балки зартага кеч бўлар. Айби бўйнида. Яхшиси, шу бугун ҳал қилиб қўя қоламиз», деган қатъий қарорга келди ва «Пленум ўз ишини давом эттиради», дейиш учун оғиз жуфтлади.

Нотиқнинг сўзи оғзида қолди. ВЧ телефони жиринглади. Оближрокўм раиси гўшакни қулогига олиб борди, мушукникидек майин товушда деди:

— Лаббай?.. Ҳа, пленум бўляяпти... Йўқ, ҳали тугагани йўқ... Биринчи котибми?.. Мана, шу ерда. Ҳозир трубканни у кишига бераман.

Сойибназаровнинг юраги шув этиб кетди.

— Ким?

— Москва. ЦКАнинг котиби.

Сойибназаров телефон трубкасини қулогига олиб борар экан, президиумдагиларга сўзсиз нигоҳ ташлаганди, ҳаммаси гурра ўрнидан туриб, одоб қозасидан нарироққа бориб туришиди.

Биринчи котиб синиң овозда қисқа-қисқа жавоб берар, унинг ички ҳаяжонини қўлларининг қалтираши ошкор қилиб қўяётганди. Сойибназаров шаллоба терга тушди. Суҳбат тугаган бўлса ҳам анча вақт телефон гўшагини ушлаганча туриб қолди. Зал сув қўйгандек жим. Ниҳоят, биринчи котиб тилга кирди:

— Пленум бошқа кунга қолдирилади. Ҳаммага жавоб. Бюро аъзолари қолсин. УВД бошлиғи, прокурор, адлия бошлиғи, сизлар ҳам қолинглар. Облэздрав! Облэздрав бошлиғи қани?

— Мен шу ердаман.

— Владимир Сисоевични қидириб топ. Ҳукумат касалхонасига ётқиз. Тошкентдан, истасанг Москвадан консилиум чақир. Унинг бошидан бир мўйи тушса, бопинг билан жавоб берасан. Тушундингми?

— Тушундим.

Кочубей Москвадан ўринсиз хафа бўлганди. Унинг суюнган тоги Сиёсий бюро йигилишида озроқ ушланиб қолганди, холос. Қолган воқеалар тез авж олиб кетди. Владимир Сисоевични оғир аҳволда яна шифоҳонага ётқизиши. Москвадан қўнғироқ бўлгани, у ўз ишида қолдирилгани ҳақида иегадир унга лом-мим дейишмади. Шу боисдан бемор сал ўзига келгач, миясини ҳар хил шубҳа гумонлар кемира боплади. Лавозимдор одамларнинг тўсатдан ўлиб қолиши, ҳеч бўлмагандা, бирор кор-ҳолга гирифтор бўлиши сабабларидан анча-мунчаси унга маълум эди.

Эсида, районлардан бирида човутни қайта ишлаш ниқоби остида анча-мунча пахта қўшиб ёзилганилиги фош этилди. Комбинат директори, бош бухгалтер, яна уч-тўрт нафар одам қора курсига ўтказилди.

— Мен қора курсига ўтирадиган бўлсан, райкомнинг биринчи котибини ҳам ўтқазасанлар, — деб оёқ тираб олди комбинат директори. Биринчи котибни вазифасидан олиб, чекка районлардан бирига, анча паст лавозимга ишга жўнатишга тўғри келди. Бу ҳам фойда килмади. Ниҳоят, собиқ биринчи котибга терговга чақирув қофози тутқазилди. У терговга етиб келолмади. Самарқандда сирли равишда поезд босиб кетди. У қанчадан-қанча сирасорни ўзи билан гўрга олиб кетди.

Аслини олганда, Кочубей ҳам тирик экан, кимларнингдир кўзига уйқу келмайди, ҳаловатини йўқотади. Душманлари катта ғалабани қўлга киритдилар — ишдан четлатишди, бутун вилоят олдида обрўсини бир пул қилишиди. Энди охирги зарбани

беришмайды, аниқроғи, гүмден қилиб күя қолишмайды, деб ўйлаш мумкинмиди?

Бемор ҳолдан тойганига қарамай, шифохонадан қочиб кетиши режасини тұза бошлади. У палатаниң орқа ҳовлиға қарagan де-разасини лант очиб юборди. Хонага кузакнинг этни жунжиктирадиган ҳавоси ёприлиб кирди. Олтмиш-етмиш метрлар нарида, пастликда Саркашдарёнинг шовуллаб оқиши эшитилди. Яқинда ёққан жала дарёни тоширган. Тұлқинлар қувлашмачоқ ўйнайды. Соҳилга түш уриб, қирғоқларни ўпиради ва яна олға чопади. Халқ феълиға яраша ном билан уни Саркашдарे деб атаган.

Бу маңзарага қараб туриб Кочубейнинг эсига ёшлиқ чоғлари тушди. У Украина пойтхати Киевга яқын Петуховка деган қишлоқда туғилиб ўсади. Қишлоқ Днепр ва Деснадек улкан бўлмасада, йил— ўн икки ой тўлиб оқадиган Припять дарёси ёқасида жойлашган. Қишлоқ этаги асрий ўрмонга туташиб кетган. Припять, айниқса, баҳорда қутириб оқади. Муз кўчиб, кўприкларни, соҳилга яқын жойлашган темир-бетон иншоотларни пайраҳадек ювив кетади. Юзлаб гектар экинзорлар сув остида қолади. Офатнинг олдини олиш учун ҳар йили сапёрлар ёрдамга келади. Улар музни портлатиб, хавф-хатар бор жойлардан одамларни кўчиради. Бу фасл, айниқса, қишлоқ қизлари учун ҳақиқий байрам тусини олади. Не-не қизлар аскар болаларга турмушга чиқиб, олис-олисларга кетиб қолишиди. Володянинг синглиси Мария ҳам баҳтини шу дарё туфайли топди. Қаллиғи қора кўз, қора соч, баланд бўйли йигит эди. Тўйлари дарё соҳилида ўтказилди. Мария эри армия хизматини тамомлагунча қишлоқда яшаб турди. Фарзандлик бўлди. Учовлон йигитнинг ватани — Ўзбекистонга жўнаб кетишиди. Шундан бери Володя синглисини ҳам, унинг қаллиғини ҳам, жиянини ҳам кўргани йўқ. Гоҳ Киевда, гоҳ Москвада ўқиди. Катта-катта лавозимларда ишлади. Ўзи ҳам кутмаган ҳолда Ўзбекистонга партия ишига юборилди. Дастлаб синглиси ни сўраб-сурнштириди, аммо адресини аниқ билмаганилиги сабабли улардан дарак тополмади. Иши шу даражада кўп эдики, бора-бора Марияни қидирмай ҳам кўйди.

Палата эшиги очишиб, кимдир кирди. Кочубей чўчиб тушди. Кирган ҳамшира зкан.

— Шамоллаб қоласиз, деразани ёпинг!

Кочубей деразадан нари кетди. Дарвоқе, у нега ҳамиширанинг шарпасидан бутунлай чўчиб тушди? Бу балки тасодиф змасдир.

Нега уни душманлари фақат пичоқлаб ё отиб ўлдиришлари керак экан. Энг содда усул — укол санчиб ҳам ўлдиришлари мумкин-ку! Демак, суиқасд зұтимоли янада ошади! Тери остига күзешининг юздан бир бўлагича миқдорда заҳар юборилса кифоя, кўз очиб-юмгунча фурсат ичидаги асфаласофинга равона бўласан!

Ана шуларни ўйлаб амалдорни ваҳима босди. Тиқ эттан товушдан чўчиб, жонини ҳовучлаб ўтириди. Балки ҳозир қилинган уколга заҳар қўшилгандир!? Дарвоқе, игна санчилган жой қичиша бошлиди. Мана-мана, оғриқ ҳам бошлиди! Бутун гавдаси оташ-алангидан ичидаги қолди.

— Заҳарлашган!

Кочубей фавқулодда чаққонлик билан сакраб турди ва ҳозир ҳампира ёпган деразани ланг очиб юборди. Тащқарида дарё шовуллайди, тўлқинлар бир-бирини қувиб, кўкка салчиди. Кўзга кўринмас бир куч Владимир Сисоевични гирибонидан олиб, дарё томон судрайди. У итоат этишдан ўзга илож тополмади. Дераза ошиб, ҳансираф олға қараб ошди. Кочубей ҳайқириб оқаётган дарё лабида узоқ турмади. Уни кўриб қолишлари мумкин эди. У згнидаги касалхона халатини, оғидаги ковушини ечиб, бир четга улоқтириди-да, муздек тўлқинлар бағрига ўзини отди. Украина нинг манаман деган дарёларида чўмилган, сузиш мусобақаларида қатнашиб, совринлар олган собиқ сув спорти устаси учун Саркашдарё писанд эмасди. Номи феълига мос дарё ўжар, бунинг устига дард жонини олиб қўйган амалдорни бешикдек тўлқинлар сиртига кўтариб, зарда билан оқизиб кетди.

Оқим Кочубей кутганидан анча кучли эди. Шундай бўлса ҳам қиялаб сузиб, нарига соҳил тарафга сузишда давом этди. Тез толиқди. Қўллари шалвираб қолди. Тез-тез гирдоблар учрай бошлиди. Уларни айланып ўтиш учун маҳорат ва куч зарур эди. Бундай гирdobлар фақаттинга Днепр, Деснага ўхшаган катта дарёларда бўлади, деб ўйларди у. Тўлқин Қочубейни шитоб билан гирдогба улоқтириди. Бўтана сув чирпирак қилиб, комига тортиб кетди. Сув тагида қанча бўлганини билмайди. Гирдобдан-да кучлироқ оқим жонига оро кирди — пўнакгга ўхшатиб сув юзига отиб юборди. Ютоқиб-ютоқиб нағас олар экан, соҳил қайси томондалигини билиш мақсадида аланглаб қаради. Йигирма-ўттиз метр, балки ундан ҳам яқинроқ жойда эрта баҳорда сув ювига кетган кўхна кўприкнинг темир-бетон қозиқлари сўппайб турарди. Тўлқинлар

ана шу қозықларга урилиб, бўлиниб кетар, кўкка сапчир, дарға-заб шовулларди. Қаҳрамонимиз қозықлар орасидан бир амаллаб ўтиб кетиши ҳам мумкин эди-ю, оқим уни сув бетида лоппилаб турган бетон тўсин томон суреб кетди. Тўсиннинг сув юзасида кўриниб турган тарафида узуунлиги бир газча келадиган арматуралар найзадек ялтирайди. Гирдобра гарқ бўлиш ёхуд заҳарланган шприцдан ҳалок бўлиш афзал кўриниб кетди кўзига.

Ҳа, бу муқаррар ҳалокат эди!

Шифохона бош врачининг кабинетига ҳамшира қиз отилиб кирди. Бош врач телефонда ким биландир гаплашаётган эди. Ҳамшира қизга зарда билан «жим» ишорасини қилди-да, телефон гўшагини қулогига маҳкам босиб, суҳбатдошининг сўзларини эшигидан давом этди.

— Ҳа, ҳа, биринчининг ўzlари шахсан топширдилар. Агар Коҷубейнинг бошидан битта сочи тушса ҳам ҳаммангни ишдан ҳайдайман, дедилар. Так что, бу гап ҳаммамизга ҳам таалтуқли.

— Тушундим.

— Аҳволи унчалик оғир эмасдир. Сен нима деб ўйлайсан?

— Кризис ўтди. Энди ишонса бўлади.

— Владимир Сисоевичнинг ҳаётини сақлаб қололсак ўз шанимизни ҳам қутқарган бўламиз, уқдингми?

— Уқдим.

— Яхши, если что, менга телефон қил.

— Хўп бўлади.

— Яна битта гап.

— Қулогим сизда?

— Қулогинг ўзингга сийлов. Ҳодимларингта айт, тилларидан эҳтиёт бўлишсин. Ҳар қандай нарсани валдираб юришмасин.

— Албатта, албатта.

Шундан сўнг телефон гўшагидан «дуд-дуд» деган сигнал эшигилди. Бош врач енгил тортиб, гўшакни жойига қўйди. Зарда билан ҳамшира қизга юзланди:

— Нима, бирон ерга ўт тушдими?

— Анави бемор йўқ?

— Бемор? Қайси bemor? У ёқ-бу ёққа чиққандир, шунга шунча ваҳимами?

— 13-палатадаги bemор.

— Нима?! Нега йўқ бўлар экан?

— Бир соат олдин бор эди. Ҳозир йўқ.

- Аққа-бақа чиққандир?
- Мен ҳам шундай, деб ўйлагандим. Палатанинг орқа деразаси очиқ қолган. Изидан дарёгача бордим... У ерда...
- У ерда нима кўрдинг, гапир!
- Халати билан туфлисидан бошқа нарса йўқ.
- Ўзи-чи, ўзи қаерда?!

Бош врач савол бераяпти-ю, жавобини эшигмасданоқ, қўрқа-нидан қалқиб кетди — сувга ташлаб, ўзини ўлдирган! — деган мудҳиш хуносага келди.

Ҳамшира қизнинг нима деб жавоб берганини эшигмади. Унинг мияси бошига тушажак мушкул аҳволга тадбир изламоқда эди.

«Изла, қидир, чора топ! Йўқса, сен ўзинг қутурган дарёда оқасан! Бошингта шундай кунларни солишадики, кунда бир марта эмас, минг марта ўлиб-тириласан!»

Бош врачнинг бақрайиб тургани ва бир сўз дегиси келмаётгани ҳамшира қизнинг аччиғини чиқарди. У кескин бурилиб, эшик томон қадам ташлади. Аммо қандайдир гайритабиий товуш уни таққа тўхташга ва орқасига қайрилиб қарашга мажбур этди. Бош врач оғиздан кўпик чиқарганча хириллар, кўзга кўринмас рақибини бўғмоқчи бўлгандек қўлларини кўтарган-у, шу ҳолда тош қотган. Ҳамшира беихтиёр орқага тисарилди. Хириллаш кучайиб, увиллашга айланди. Ҳа, ростакам увиллаш эди бу!

Эсида, қишлоқда уларнинг қари итлари бўларди. Ўша ит бир кечак тонг отгунча осмонга қараб увиллааб чиқдан. Худди ҳозиргилик, юракларни увиштирадиган даражада увиллаган. Чол-кампир «Бу яхшиликка эмас, ишқилиб бало-қазодан худонинг ўзи арасасин», деб қўлларидан келганча фотиҳа ўқишишганди. Ўша кечаси тонгта яқин Газлида ер қимирлаб, шаҳар вайронага айланди. Шундан бери итнинг улушкини эшигтса эти жунжикади, ваҳима босади. Мана, ҳозир ҳам эсхонаси чиқиб кетди.

Ҳамшира қиз хонадан қандай қочиб чиққанини билмайди. У узун йўлак бўйлаб чопиб борар экан:

— Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! — деб бақирди. Палаталардан бир неча бемор чопиб чиқди.

— Ана, ана у! — ҳамшира қиз бош врачнинг кабинети томон ишора қилди. Худди шу пайтда йўлдан бош врачнинг ўзи кўринди. У девонасиғат ҳаракатлар қўши-қўши тўплланганларнинг олдига стиг келди. Қаршисядагиларга эътибор ҳам бермасдан чўк тушиб, қўлларини ерга тираб, бошини осмонга кўтариб увиллай бошлиди.

Тұуланғанлар тариқ сочғандек ҳар тарафға сочилиб кетди.

— Баш врачимиз ақлдан озган!

— Балки қутиргандир?

— Яқинлашма, қоч!

Хеч ким қолмаганига ишонч ҳосил қылған шүрлик баш врач дәразадан ташқарига мұралади. Ҳа, ҳамма уни ақлдан озганга чиқаряпты. Ҳозирча дуруст. Бүгенин бүшаштирмаслик керак. Нары борса, жиннихонага ётқизиши. Жиннихона ҳар ҳолда қамоқхона змас-ку. Қолаверса, тепакал ўрис амалдорининг ўлими (унинг ўлғанига сира шубҳаси қолмаганди) изидан ёпирилиб келадиган бало-қазолардан жиннихонадек асрайдиган најот құрғонини тошиб бўладими.

Партиядан ўчирилиш, ишдан бадарға бўлиш, қамалиш, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган яна минг хил саъдоларга гирифтор бўлмаслик учун бечора ҳақиқий итга айланиб қолишга ҳам рози эди шу тобда. Унинг дард-алами аянчли увилашга айланиб кўксидан отилиб чиқдикси, бундан ҳатто ўзининг эти жимирлаб кетди:

— У-у-у-в-в-в...

## XXIV. АРВОҲНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Чўлга бориб, муддаосига эришган Андрей онасига ҳат ёзиб юборди. У отаси туғилиб ўсган юртга ҳам бормоқчилигини, насиб қылса зрта баҳорга қолмай бағрита қайтишини маълум қильди. Онасидан жавоб кутмасдан шаҳарнинг овлоқ жойида, магистрал каналнинг темир йўл кўприги кесишган жойга яқин ердаги автоустахонага ишга жойлашди.

Янги ходим бошлиққа маъқул тушди. Оддий сотувчидан чиқкан бошлиқ бир қарашдаёк қандай тоифа одамга дуч келганилигини пайқади. Чунки Андрей бирваракайига бир неча мутахассисининг ишини бажаар, бу билан зиқна бошлиқни ортиқча сарф-харажатлардан қутқаарди. Аммо шунга қарамай унга арзимагангина маош тўланадиган бўлди. Йигит шунга ҳам рози. Чунки ҳужжатсиз, бетайин бир кишини ишга олишга ҳар қандай одам ҳам рози бўлавермайди-да.

Тахминан бир гектарча майдонда қурилиш материаллари сочилиб ётибди. Бу ерда вилоятда энг катта автоустахона қад ростлайди. Аммо ҳозирча усталар пастқам-пастқам биноларда,

уч-түртта вагон уйларда ишлешеши. Башниңнинг марҳамати билан битта вагон уйни Андрейга бўшатиб беришди. Андрей вагоннинг бир қисмини ётиб туриш учун мослаштириди, қолган қисмига ўзининг қўлбола устахонасини жойлаштириди.

Устахонанинг пахмоқ соқолли қоровули Максим тоганинг тескариси эди. Унинг қулоги оғир бўлиши баробар бадқовоқ, бирор билан осонликча сўзлашмайдиган, кўрс. Кундуз кунлари иш билан бўлиб, кун ўтганини сезмайди, аммо ишдан кейин ёлғиз қолиш йигитни ззади. Бизга маълум сабабларга кўра шаҳарга тушолмайди. Бир гал овқат пишириб, чолни бирга овқатлашишга таклиф этиш учун қоровулхона эшигини тақиллатди. Бирордан сўнг ичкаридан дағал товуш эшишилди:

— Ким?

— Бу менман, отахон, кирсам майлимни?

Бирпас кутди, «Ҳа» ё «йўқ» деган жавоб бўлмади. Таваккал деб эшикни итарди. Тутунга тўла, нимқоронғу хонада қоровул чол ўчиқда қозон осиб, нимадир пишираётган эди. Чол келувчига ёвқарашиб қилди-да, тўнғиллаб қўйди.

— Салом, отахон. Кечирасиз, сизни овқаттага таклиф қилгани келгандим.

— Нима? — сўради чол қўлинин қулогига тутиб.

Чолнинг карлиги энди эсига тушди:

— Отахон, юринг мен билан, бирга овқатланамиз, — деб бақириди.

— Нега бақирасан, кар эмасман!

Андрейнинг ростакам жаҳли чиқди. Қўл силтаб чиқиб кетмоқчи эди ис босган деворга қоқилган таҳта рафларга териб қўйилган катта-кичик шиша идишлар эътиборини тортиб, тўхтаб қолди. «Нима бало, чоли тушмагур қўлбола ароқ тайёрлаш билан шуғулланадими?» Аммо хонада спирт ҳайдайдиган асбоб кўринмасди. Йигитниг аланглаб туриши чолга ёқмади. У ўсиқ қошлари остидан ўқрайиб қараганди, ғўзларидан учкун сачрагандек бўлди. Андрей чўчиб тушди ва нима учун келганини ҳам унутиб, эшикка йўналди. Аммо улгуrolмади. Чол кафтидаги кукунни ўчиқдаги оловга сепиб юбориши билан момақалдироқни эслатувчи гумбурлаш эшишилди. Андрей чайқалиб кетди. Оёги остида ер ларзон-ларzon тебрана бошлади. Таҳта рафлар тебраниб, шиша идишлардан шакур-шакур товуш чиқа бошлади. Андрейни ваҳима босди ва остона ҳатлаб, ташқарига қочиб чиқди. Орқадан масхараомуз қаҳқаҳа янгради.

Қоровулхона эшиги қарсилаб ёпилиши билан ер тебранишдан тұхтади. Андрей ён-атрофға боқди. У зилзила шиддатидан устахонанинг пастқам бинолари кунпаяқун бўлди-ёв, деб тахмин қилганди. Не ажабки, бинолар асл ҳолида туар, ҳатто соchlарини ёйиб юборган мажнунтот ҳам қылт этмаганди. Андрей кўзларини ишқалар экан, ҳайратдан «Мен ухлаёттанга ўштайман, бу ларни тушимда кўраётган бўлсан керао», деб ўйлади. Бир қарорга келомай сирли кулбадан нарироқ кетишга шошилди.

Қоровул чолникига бўлган муваффақиятсиз ташрифидан сўнг, Андрей бир неча кун аниқ қарорга келомай юрди. Балки бу сир бир умрга жумбоқлигича қолиб кетар. Аммо...

Андрей туннларни қисқартириш мақсадида сувга қармоқ ташлаб, соатлаб хаёллар оғушига гарқ бўлишни одат қилди. Насибасига тушган балиқлардан гоҳ шўрва қиласди, гоҳ тузлаб, қуригади, гоҳ битта-яримта касбдошига суттекинга бериб юборади. Лекин қармоқ билан тунни ярим қилишини кўймайди. Унинг севган жойи темир йўл кўпригининг таги. Бу ерда соҳил қумлоқ ва текис, поездларнинг гумбурлаб ўтишининг ҳам ўзгача нашаси бор. У сувга қармоқ ташлайди-ю, хаёлот уммонига шўнгийди. Олисларда қолган онасини ўқтин-ўқтин эслайди. Она-бода соатлаб ғойибона суҳбат қуришади.

Бугун ҳам икки-уч жойга қармоқ ташлаб қумлоқ соҳилга ён-бoshлади. Кўзларини чирт юмди-ю, онаси ҳақида ўйлай бoshлади. Хаёл кўзгусида негадир онаси ўрнига отасининг қотили, унинг бир кечада ёниб ўлган хотини, болалари билан пайдо бўлди. Андрейнинг юраги ҳаприқиб кетди.

Ота арвоҳ тилга кирди:

— Сен мени танимагандирсан? Мен отангнинг қотилиман.

— Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим. Хўш, мендан нима истайсан?

— Баъзи нарсалардан огоҳлантириб қўйинпим лозим.

— Қулогим сенда, эй арвоҳ.

— Отангнинг қабрини зиёрат қилиб, падарингнинг розилиги-га эришдинг.

У сени айрим сирлардан огоҳ этиб қўйишимни мендан илтинос қилди.

— Отам ўз қотилидан нимани илтинос қилар экан?

— Авваламбор отанг уни шаҳидлик даражасига етказишига сабабчи бўлганим учун Яратганинг олдида менинг гуноҳимни сўрайапти. Қолаверса, бу тақдир иши. Мен тақдирда битилганини ижро этдим, холос.

- Яхши-яхши, гапни кўп чўзиб юбординг.
- Мен ҳам, оила аъзоларим ҳам сендан розимиз.
- Сабаб?
- Отанг қабрини зиёрат қилиш чоғингда болаларимга чин дилдан ачингандинг. Эсингдами?
- Қотил сен, болаларинг эмас-ку?
- Баракалла! Аслида қотил мен ҳам эмас, бошқа одам, мен ўтанинг амрини адо этганман.
- Ким «ӯша» деяётганинг?
- Эшназар раис!
- Яна Эшназар раис! Бу ҳақда онам кўп гапирганди. Хўш, отамни ким ўлдирган — сенми ё Эшназар раис?
- Мен раиснинг чизган чизигидан чиқолмасдим. Унинг айтганинги қилмасам, ўзимни ўлдиртириарди.
- Демак, қотил сен ўзинг экансан-да?
- ...
- Нега раиснинг чизган чизигидан чиқолмагансан?
- Раисдан тилим қисиқ жойим бор эди. Бир куни шайтоннинг гапига кириб, томорқамга озроқ кўкнори экдим. Сотиб пулига рўзгорнинг кам-кўстини тўғирламоқчи эдим. Бир куни раис ҳузурiga чақиртирди. Бордим.
- Сен томорқанга кўкнори ўстираётган экансан, — деди дабдурустдан.
- Тош қотиб қолдим. Аввалига тоноқчи бўлдим. Унинг аччиғи чиқди:
- Устингдан маълумот тушган. Бориб текширишади, — деди.
- Шошиб қолдим.
- Кўкнори экканларга неча йил беришларини биласанми? — сўради раис.
- Мен билмасдим. Ер чизиб туравердим.
- Ўн йил беришади!
- Мен йиглаб-сиқтадим, раҳм қилишини сўраб, олдида тиз чўқдим.
- Раҳми келгандек бўлди.
- Майли, — деди раис, — чурвақаларингга раҳмим келди.
- Ҳозир ўн йил олиб кетсанг, уларнинг аҳволи не кечади.
- Бу яхшилигинизни ўлгунимча унутмайман!
- Эвазига нима берасан?
- Истасангиз жонимни берай?
- Йўқ, жонинг ўзингга сийлов. Фақат итдек содиқ бўлишингни истайман!

- Онам ҳаққи вайда бераман.
- Ишонтирдинг. Энди боравер, — деди. Шодликдан теримга сиғмай эшиқдан чиқаётгандим.
- Томорқанғандаги күкнорини битта қолдирмай ўриб, олдим-га олиб кел. Қолганини кейин гаплашамиз, — деб тайинлади.
- Айтганини қылдим.
- Энди боравер, ўзим тинчтиб юбораман, — деди. Чиқиб кетаёганимда яна сўради:
- Хизматларимни унутмассан?
- Яна содиқлигимга қасам ичдим. Хуллас, у менга қилган яхшилигини уч-тўрт марта эслатди. Кошкийди, бир иш буюрса-ю, қиёмат қарзидан кутулсам, деб юрдим. Бир куни ҳузурига чақиритирди.
- Қилган яхшиликларимни унутмагандирсан?
- Унутиб ўлибманми, раис бува.
- Агар ўшанда мен жонингга оро кирмаганимда, ҳозир Сибир ўрмонларида дараҳт кесиб юрган бўлардинг, тўғрими?
- Мени тағин ваҳима босди.
- Қарзингни узадиган вақт келди. Тайёрмисан?
- Қувониб кетдим.
- Тайёрман, раис бува. Буюринг, тогни талқон қиласми?
- Тог жойида тураверсин. Арзимаган хизмат. Уддаласанг айтаман. Шерлигим тутиб кетди:
- Мен уддаламайдиган хизмат бор эканми? Бош тортсам йигит змасман, — деб юборибман.
- Баракалла, йигитнинг хўрози экансан, — деди елкамга қоқиб. — Гап мундай, кассирни бир қўрқитиб қўйиш керак. Негалигини биласанми?
- Йўқ?
- Билмасанг, билиб қўй. Сенга ўхшаган бир-икки кишига яхшилик қилгандим. У абраҳ шундан хабар топибди. «Милицияга ёзиб бераман, раисниям сўрайдиганлар бордир», деб юрганимеш. Бу дунёда бирорвга яхшилик қиласа экан. Агар кассирнинг попуги сал босиб қўйилмаса, бориб айтишдан тоймайди. Мен-ку бир амаллаб сувдан қуруқ чиқиб кетаман. Аммо сенга қийин бўлади. Ўн йилга кесилиб кетишинг тайин.
- Юрагимни ҳовучлаб қолдим.
- Айтинг, нима қиласай ўша абраҳни?
- Фақатгина ўликлар бирорвга сир айтмайдилар. Кўлингдан келса, гумдон қил. Ё қўрқасанми?
- Ҳозир айтдим-ку, сўзидан қайтган номард, деб.

— Ҳукумат қамаса, мен чиқариб оламан. Мен қаматсам, ҳеч ким чиқариб ололмайди, шунис биласанми? Қамалишдан қўрқма!

Шундай қилиб кассирни, яъни сенинг отангни ўлдиришга рози бўлдим. У билан яна бир бегуноҳ бандаси шаҳид кетди. Мен қилмисларимга пушаймон қилганимда кеч бўлганди. Ҳудо қилган гуноҳларим учун тириклигимдаёқ дўзах азобига гирифтор қилди. Хотиним ва болаларим тириклай ўтда ёниб кетишиди. Бу даҳшатлар мени ақлдан оздирди. Қазом етиб, кўзим очилди. Кўкнори масаласини Эшназар раис ўзи ўйлаб чиқарган экан. Мен галварс эса унга лаққа ишонибман. Бир эмас, икки одамни ўлдириргач, сир очилишидан қўрқиб, ўзимни уйда гумон қилиб, кечаси ўт қўйдирган. Мен эса ўша кечаси бошқа ерда тунаб қолғандим. Оқибатда хотиним, бир-биридан ширин болаларим ёниб кетишиди. Оҳ, Оллоҳим, ҳеч бир бандангга бундай кўргуликни раво кўрма! То рўзи маҳшар икки қўлим Эшназар раиснинг ёқасида кетади.

Андрейнинг кўз олдида гулхан бўлиб ёнаётган болалар намоён бўлди. Бу даҳшатли манзара эди... Яхшиямки паравознинг кучли қичқириғидан уйғониб кетди. Фарбдан шарққа қараб оғир юқ поезди ўтиб борарди. Пўлат фиддираклар залворидан кўприк гумбурлайди.

— Қай юрглардан келиб, қай элларга шошасан, эй, оғир карвон? — хитоб қилди Андрей.

Темир излардан садо қайтгандек бўлади:

— Аф-ғон-га, — Аф-ғон-га, — Афғонга.

Албатта, шарққа юрган карвонларнинг охирги манзили Афғон. У ёққа тўлиб кетган карвон ортга бўш қайтмайди. Фақат мажақланган, бир уюм металломга айланган танклар, тўплар ортилган бўлади. Бундай карвон фақат кечаси, ҳамма ширин уйқуда ётган пайтларда ўтади.

Андрей яна хаёллар оғушига чўмади. Баъзан пўкак сувга чўккан-дагина ҳушёр торгади, қармоққа илингани балиқни авайлаб чиқариб олади ва хўрак илиб, қармоқни яна сувга улоқтиради.

Галати товушлардан Андрей сергакланди. Юқорида, темир йўл полотноси томондан дупир-дупир сёқ товушлари эшитилди. Назарида бир неча одам чопиб келаётганди. Яқингинадан таҳдидли қичқириқ янгради:

— Тўхта, отаман!

Унга жавоб аёл кишининг аламли нидоси эшитилди. Бу нидотиниб улгурмасдан икки марта ўқ стилди. Бирор сувга сакради. Сув шалоплаб, Андрей ўтирган ергача сачради. Иигит сувдан

күз узмай тикилар, аммо одам нишонаси күримасди. Назарида вақт тұхтаб қолғандек бўлди. Юқоридагилар сувдан кўз узмай кузатишаётган бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам шундай зди.

— Лашнати сирни ўзи билан олиб кетадиган бўлди, — деди юқоридагилардан бири. — Бошқа изларни ҳам йўқотиш керак.

Шериги пўнгиллаб нимадир деди. Бир оздан кейин узоқлашиб бораётган оёқ товушлари қулоққа чалинди. Ортиқ кутиб бўлмасди. Андрей кийими билан сувга шўнгиди. У мўлжални тўғри олганди. Бир неча дақиқадан сўнг ўлик-тириги номаълум бўлган аёлни соҳилга судраб чиқди. Йигит чўқканларга биринчи ёрдам кўрсатиш усувларини мукаммал билганилиги туфайли бироздан сўнг сувдан олиб чиқилган аёл сийнасида юракнинг дуқдук ураётганилиги эшлишиди. Энди уни ҳушига келтириш зарур.

Орқада кимдир бордек бўлавергач, Андрей ўгирилиб ўша ёққа қаради. Дарҳақиқат, икки қадамча нарида ажабтовур одам унинг ҳаракатларини кузатиб турарди. Унинг узун, оппоқ соқоли ва якtagи шамолда сингил ҳилпираб, ой ёруғида сирли манзара касб этган. Бу — қоровул чол зди. Чол бир сўз демасдан яқин келиб, ҳамон беҳуш ётган аёлнинг қўйини ушлаб, томир уришига қулоқ тутди. Юрак ура бошлаган бўлса-да, ниҳоятда суст, дақиқа ўтган сайин сусайиши ва бутунлай тўхтаб қолиши мумкин зди. Чол аёлнинг бўйнида кўриниб турган ва борган сайин катталашиб бораётган доғта қўйини босди.

— Қонми? — сўради Андрей.

Чол жавоб бермади, белбоғини ечиб, ярани боғлади.

— Кўтар!

Андрей сўзсиз бўйсунди. Совуқ суюк-суюкгидан ўтганилигини шунда пайқади. Чол олдинда юрди. Бир пасда қоровулхонага етиб келдилар. Андрей машъум кулба эшиги олдида тўхтаб қолди. «Нима қилмоқчи?»

— Қоқкан қозиқдек тураверасанми?

Кулбага киришди.

— Мана бу ерга ётқиз.

Аёлни чол кўрсатган чорпояга ётқизиб, четта чиқиб турди. Қоровул тахта рафдаги идишлардан бирини олиб, чироққа тутиб кўрди, кейин бир қошиққа санаб бир неча томчи суюқлик қуиди.

— Бошини кўтар!

Чол аёлнинг оғзига қошиқдаги суюқликни томизди.

— Ўчоққа олов ёқ!

Андрей чўнтағидан гугурт олиб чақди. Гугурт ҳўл бўлганди, ёнмади.

— Гугурт ана у ерда. Тез бўл, имиллама.

Ўчоқда гуриллаб олов ёнди. Чол дарҳол қезон осиб, бир-икки коса сув қўйди, кейин номи ўзигагина маълум бўлган гиёҳлардан бир ҳовуч олиб қозонга ташлади.

— Оловни сусайтирма! — буюрди чол. Ўзи эса аёлнинг бўйнига боғланган белбоғни авайлаб ечиб олди. Белбоғ қонга бўялганди. Аёл оғриқдан ингради.

Қоровул чол аллақандайдир дуони ўқиб, қонли белбоғта дамурди, сўнг уни ловиллаб ёнаётган оловга ташлади.

— У энди ўлмайди, — деб ғўлдиради Андрейни ҳайратга солишда давом этиб. — Уни ўлдирмоқчи бўлганларни қон тутади, жиноят жойидан узоққа кетолмай айланиб юришади.

Аёл тонгга яқин кўзини очди. У дастлаб қаерда эканлигини эслай олмай, ҳайрон қолди. Бир неча муддат кўзларини юмиб хаёлинини жамлашга уринди. Бир оздан сўнг хаёл кўзгуси равшанлашиб, бўлиб ўтган воқеаларни идрок қила бошлади. Ҳуши жойига келди-ю, қўрқиб кетди ва қичқириб юборишдан ўзини зўрга тийиб қолди.

«Демак, менни ушлаб олишибди-да? Нега, қандай қилиб? Ахир мен кўпприқдан сувга сакраган эдим-ку? Бўлиши мумкин эмас! Ундай бўлса, манови иккови ким? Улар қаердан пайдо бўлишди? Мен кимнинг тўшагида ётибман?»

Муҳтарам китобхон сувдан қутқарилган аёл эски танишимиз Валентина эканлигини фаҳмлаган бўлса керак.

Валентина бошидан кечирган даҳшатли воқеаларни бир-бир кўз олдидан ўтказди.

Мана, унга орқасидан ўқ отишди. Сувга сакраётиб, бўйни қаттиқ ачишди. Демак, ўқ тегди. Балки шундандир, ойнадек ялтираб турган сувга етар-етмас ҳушдан кетди. Бир неча муддат ҳеч нарсани эслай олмайди. Пастда ва баландда, ён-атрофларида зилол сув. Қўрқмади, аксинча, душман қўлига тушмаганига амин бўлиб, шодланди. Фақат руҳи гўзал танасини тарк этаётганини кўриб астойдил ачинди. Ой нурлари Фира-шира ёритиб турган канал тубида кераксиз матоҳдек қолиб кетаётган танасини кўзи қиймасди. У ҳали ёш эди. Дунёга келиб бирон нарса қилишгаям улгурмади-я.

Нигоҳи ойнасида Россиянинг олис қишлоғида яшаётган кампир онаси пайдо бўлди. Она ибодат қилиш билан банд:

— О, Тантрим! Мусофиричиликда дайдиб юрган қизалогимни ўз паноҳингда асра!

«Наҳотки, онам менинг бошимга тушган фалокатдан огох бўлган бўлса? Бечора онам! Мен ақлсиз фарзандингни кечир...»

— Қолган кунларингни тоат-ибодат билан ўтказ. Яратганга тавба-тазарру қил! — деган бир садо келди ғойибдан. — Ана сенинг халоскоринг.

Валентина сувга шўнғиётган йигитни кўриб қолди. Пардек ёнгил ҳаракатлар билан унинг олдига сузиб борди. Йигитга қўл узатди.

— Ана у ерда менинг жасадим ётибди. Уни қутқар, руҳлар сенинг шундай қилишингни истайди.

Йигит канал тубига шўнғиб жасадни соҳилга олиб чиқаётган пайтда унинг атрофида парвона бўлди, «Ундай қил, бундай қил», деб маслаҳат бериб турди. Кейин лип этиб ўз жасадига кириб олди. Бошқасини эслолмайди.

\* \* \*

Беморнинг бошучида чордона қуриб ўтирган қоровул чол узоқ вақт дуо ўқиди. Гоҳо бароқ қопларини кўтариб, bemorning юзига тикилар ва яна юмиб оларди. Қироат оҳангидан Андрейнинг баданида чумоли ўрмалаёттандек бўларди. «Афсунгар чол яна бир балони бошламаса гўрга эди», деган ваҳимали ўй айланарди йигитнинг миёсида. У дунёда мӯъжизалар бўлишигага сира ишонмайдиган одамлар тоифасидан. Ҳар қандай мӯъжизага шарҳ топса бўлади, деб хисоблайди. Аммо яқиндагина ўзи поҳиди бўлган воқеага шарҳ тополгани йўқ. Боз устига, мана бугунги воқеалар қўшилди.

Чол узун дуоларни нафас олмай ўқир, зўриқанидан кўкариб кетганди. Андрей чолнинг қон босими кўтарилиб, ўлиб қолмаса эди, деб юрагини ҳовучлаб ўтирибди.

Ниҳоят bemor безовталаниб қимирлади ва кўзларини катта-катта очиб, атрофдагиларга қаради.

Ўрнидан қўзғалган Андрейга чол имо билан «тегинма» ишорасини қилди ва дуохонлиқда давом этди. Бироздан сўнг аёлнинг бўйинидаги яра шиша бошлади ва пақ этиб ёрилиб кетди. Чол тўйиб-тўйиб нафас олди. У дуо ўқищдан тўхтаган эди.

— Кўрдингми? — хириллаб сўради чол йигитдан.

— Нимани?

Чол яранинг оғзида бўртиб турган бир парча қўрғошинни олиб, Андрейга узатди. Бу тўппончадан отилган ўқ эди.

— Аёл энди ўлмайди. Лекин кўп қон йўқотган. Дам олиши керак, — уқтириди чол. Унинг қиёфасидан ўз ишидан мамнунилиги кўриниб турарди.

Оғриқ пасайганидан ҳузур қилиб, кўзларини юмиб ётган Валентина қулоқларига ишонмади. Чол «Ўлмайди», деди. Демак, ҳали яшар экан! Инсон учун бундан-да қувончлироқ хабар бўлмаса керак. Жувон тепасида парвона бўлаётган икки кишига — бири жуда ҳам қари, иккincinnиси айни кучга тўлган йигитта миннатдор назар ташлади. Йигит кўзига таниш кўринди. Ҳар қанча ўйласа ҳам эслай олмади.

Қоровул чол беморга бир пиёла шарбат тутди. Валентина ўзи ни уйқу элитаётганини туйди. Узун-узун киприклари бир-бири билан чирмашиб кетар экан «Йигитни қаерда кўрганимни ўзидан сўраб оламан», деб ўйлади ва шу заҳоти ухлаб қолди.

## XXV. ВИЖДОН АЗОБИ

### I

Сожида укасини иш жойидан топди. Қаергадир шошиб турган экан. Опасини кўриб, тараддулланди, сўнг уни оромкурсига ўтқизиб, хушрўйгина қизга чой олиб келишни буюрди.

— Чойни кейин ичарман, укажон, — деди опа Пўлатни учратганидан хурсанд бўлиб. Чунки уни бир ҳафтадан бери на уйидан, на иш жойидан телефонга чақириб гаплашишнинг иложини қиломай юрганди.

— Чойни кейин бафуржя ичармиз, — дея такрорлариди опа, укасининг вақтини қизғаниб. — Муҳим гап бор эди.

— Нима муҳим гап эканки, сизни менинг иш жойимгача қувиб келибди?

Опа чой олиб келган қиз чиқиб кетишпини кутиб турди, кейин туриб эшикни ёпди-да, муддаога кўчди:

— Тунов куни раҳматли дадамнинг қайнаталари келиб кетди, — деди Сожида Пўлатга қандай таъсир этар экан дегандек унинг кўзларига тикилиб. Унда ўзгариш сезилмади. — Қизлари, яъни аячамиз йўқолиб қолибди.

Пўлат истеҳзоли жилмайиб кўйди.

— Кулманг, рост айтяпман.

— Кулаётганим йўқ, опа. Қаергаям кетарди аячамиз. Ёш боламидики, йўқолиб қолса. Шунга ҳайрон қолаяпман?

— Билганимда сизнинг олдингизга келиб, вақтингизни олиб ўтирумасдим.

— Мен бир савдо ходими бўлсам. Акамга учрашмабсизда? Прокурор-а!

— Акамларга учрашмаганим сабабини мендан кўра сиз яхшироқ биласиз. Шу аёл учун акамлар дадамлар билан қарийб юз кўрмас бўлган эдилар. Аммо ҳозир у гапларнинг мавриди эмас, укажон.

— Пул билан битадиган иш бўлса, мана, биз тайёр, опа. Аммолекин опа, мен изқувар эмасман. Бор-йўғи битта ресторанинг директориман, холос.

Опа укасининг қочиримини сезмаганга олди:

— Хабарингиз борми, йўқми — билмадим, дадамизга эрга теккани учун аячамизни дадаси оқ қилган экан. Дадамлар қамалиб, рўзгорда нимаики бор, ҳаммаси мусодара қилингач, ёш хотин гўдаги билан шипшийдам қилингандай уйда қолаверган. На дадамларнинг ҳурматини қилиб бизлар, на аячамизниң қариндош-уруғлари хабар олишмаган. Ҳар ҳолда унинг фарзанди дадамларнинг юрак қонидан пайдо бўлган-ку, дейдиган азамат топилмади.

Гап шу ерга етганида Пўлат истеҳзоли тиржайди:

— Ким билади дейсиз, бола балки дадамлардандир, балки...

— Муштдек жони билан дадам раҳматлиги қуйиб қўйгандек ўхшайди. Сиз кўрмагансиз-да. Кўрган бўлганингизда бу гапларни айтмас эдингиз.

Пўлат елка қисиб қўяқолди.

— Қаерга кетган бўлиши мумкин? — деди ука ниҳоят опасига юзланиб.

— Кўшини кампирга «Кечгача келиб олиб кетаман», деб боласини қолдириб кетган. Чўлободга, ўғлимнинг қариндошлариникига бориб келаман, деган экан.

— Чўлободга келган бўлса ё сизни кига, ё акамни кига, ё менини кига келарди. Балки ёшлиқ қилиб... боладан қутилиш учун қилгандир бу ишни?

— Гумон иймондан айиради. Ким ҳам боласини тирик етим қилишини истайди. Йўқ, бу бўлмағур гапни хаёлингизга ҳам келтирманг.

— Бўлмаса, қаерга кетиши мумкин?

— Чўлобод катта шаҳар. Яхши бор, ёмон бор.

— Чўлобод сиртдан қараганда тинчга ўхшайди. Унинг комига тушган жон борки, эҳтиёт бўлмаса, ютиб юборади.

— Мен ҳам шундан хавотирдаман. Күнглим сезиб турибди, у шу шаҳарда.

— Ҳозир газеталарда эълон чиқариш русм бўляяпти. Балки биз ҳам сурати билан эълон берармиз? Сурат-пуратини топиб қўйинг.

— Сурати бор, мана. Негадир эрталабдан шу гап ўзимнинг ҳам кўнглимга келган эди, — Сожида қоғозга ўралган суратни укасига узатди.

Пўлат қоғозни очиб, суратга тикилди ва ток ўргандек сапчиб тушди. У сурат эмас, гўёки чўғ ушлагандек уни қўлидан тушириб юборди. Оқ қоғоздан унга қуралай кўз, қошлари камон, киприклари узун-узун бир сувув хилқат тикилиб турарди. «Бу ўша! Бу ўша!»

— Сизга нима бўлди? Бу аёлни танийсизми?

— Йўқ. Йўқ, мен бу аёлни танимайман.

— Ундай бўлса, нега чўчиб кетдингиз?

— Мен... Мен... Ҳалиги... Бирорга ўхшатдим. Шундан чўчиган бўлсан керак. — ўзини босиб олган Пўлат ортиқча сир бермаслик мақсадида ерга энгашиб, суратни олди-да, опасига узатди.

— Газетага эълон бераман дегандингиз, олиб қўймайсизми?

— Ҳа, ҳа, газетага бериш керак. Албатта, берамиз, — Пўлат суратни апил-тапил яширди.

— Бўлмаса, мен кетдим, укажон. Келинга салом, деб қўйинг.

— Бир пиёла чой ичирмай жўнатмайман. Ҳей, ким бор?

Эшикда официант аёл кўринди.

— Тайёрми?

— Тайёр.

— Олиб кел.

Сожида шошиб ўрнидан қўзгалди:

— Айтинг, овора бўлишмасин. Поччангиз ишда, жиянларингизга айтмай қайтганман. Бошқа сафар меҳмон қиласиз, укажон.

— Озиб-ёзиб, баҳона-ю, сабаб билан бир кепсиз?

— Зарари йўқ, яна келаман. Хайр.

— Ундай бўлса, шоферим ташлаб ўтади.

— Қўйинг, шоферниям овора қилманг, пиёда кетавераман.

— Биз катта бўлгандан бери бир келибсиз-у, пиёда юборайликми? Одамлар нима дейди!

Пўлат опасини кузатиб қўяркан, бесабрлик билан қўйнидаги суратни олиб, унга узоқ тикилди. Оғир хўрсиниб, оромкурсига чўкди. У хато қилмаганди. Суратдаги жувон — Маҳфуза исловотхонасининг тутқини, иймонига ўт қўйган ўгай она — Гўзал эди.

Йигитнинг кўнгил кўзгусида кейинги пайтларда бўлиб ўтган воқеалар жонланди. Қаерга боқмасин, ҳамма ерда Гўзал намоён бўлаверарди. Ўша-ўша жозиба, ўша-ўша муңг тўла кўзлар. Қирмизи лаблар гапириш учун жуфтланади-ю, лекин садо чиқмайди. Юзлар дув қизариб, шаҳло кўзлар ҳаёп пардаси ортига бекинади. У нима демоқчи эди? Балки ўзидан хабар бермоқчи бўлгандир? Бўлмаса, Пўлатнинг авлод-авждодини суриштирамиди? Эвоҳ, жон-дилдан севиб қолгани отасининг ёстиқдоши, ўзининг ўгай онаси бўлиб чиқса-я! Қандай даҳшат, қандай қабоҳат!

Пўлат балки Шекспир асарларидаги воқеаларни туш кўраётгандир?! Кўраётгандарни туш бўлиб чиқишини у жуда-жуда истарди. Йўқ, туш эмас, ҳақиқат, заҳардек аччиқ ҳақиқат эди унинг кўнгил кўзгусида чаппар ураётган воқеалар!

Пўлат бот-бот суратга тикилар, бир четга отиб ураг, тагин қўлига олар, хаёллар уммонига фарқ бўлар эди. Босиб-босиб қадаҳ кўтарди. Коняк жунбушга келган жисмни тинчлантиргандек бўлди, бевош ўйлар тиэгинини қўлга олди. Фожиа деб ўйлагандарни оддий, арзимас ҳаётий хаточадан бошқа нарса эмас экан. Нега бунчалик ваҳимага тушгани ўзига кулгили туюлди. Кўп вақтдан бери оғзига олмагани — Ҳафизга ўхшаган арзандалар учун маҳсус тайёрлаб қўйилган қўлбола сигарадан бирини лабига қистирди. Хумор этувчи ис таралди. Йигитнинг зим-зиё ичи чироқ ёққандек ёришди. Кайфияти кўтарилди. Елкасидан тоғ ағдарилиди. Энди кўнгил кўзгусидаги ўйинларни завқ-шавқ билан томоша қиласарди. У энди Гўзал қиёфаси пайдо бўлишидан чўчимас, балки у билан узоқ бирга бўлишни истарди. Мана, яна Гўзал намоён бўлди. Қиёфасидан аразлагани билиниб турибди. Чиройли лабларини буриб, бевафо йигитнинг ичига чўғ ташлайди.

— Нима, мендан хафа бўлдингизми? — сўрайди Пўлат йигитмоқдан бери бўлиб.

— Йўқ, «сурсандман». Ваъдага вафоси йўқ йигитлардан хафа бўлиб бўларканми!

— Сизни хафа қилгудек нима қилибман?

— «Жонидан, сизни еру кўкка ишонмайман, бу зиндоидан олиб чиқиб кетаман», — деб ваъдалар берган сиз эмасмидингиз?!

— Ҳа, эсимда. Аҳдим қатъий!

— Бўлмаса, нега ўтирибсиз?

— Нима қил, дейсиз?

— Ўтирган бўлсангиз туринг, турган бўлсангиз қушдек учиб йўлга тушинг!

Пўлат чўчиб, кўзини очди. Кўнгил кўзгусидан Гўзалнинг тасвири ғойиб бўлди. Кейин ҳарчанд уринмасин ширин лаҳзалар такорланмади.

— У мендан аразлаган! — миясининг аллақайсиdir пучмоғида пайдо бўлган бу фикр йигитнинг оромини ўғирлади. — Мени олдига чорляяпти. Бормасам бўлмайди!

У шиддат билан ўрнидан турмоқчилик ҳаракат қилди. Аммо оёқлари измига бўйсунмади. Иккинчи уринишда оромкурсидан аранг кўтарилиди ва шу заҳотиёқ яна ўтириб қолди.

«Маст бўлиб қолганга ўхшайман», деган ўй кечди кўнглидан уйқу аралаш... Пўлат амалдор отанинг кенжаси эди. Оилада ебичиш, кийинишдан камчилик кўрмади. Ота болалари ичидаги жатойини алоҳида меҳр билан севар, бу бошқа ўғил-қизларнинг фашига тегарди.

— Келажакда бундан зўр одам чиқади, — дерди ота ҳазилчин аралаш. — У катта ишларга ҳозирдан тайёр бўлиб бориши керак.

Ана шундай тадбирлардан бири Пўлатни рус мактабига ўқишига қўйиш бўлди. Тезда ота мансаб пиллапояларидан кўтарилиб, чўл районларидан бирига райкомнинг биринчи котиби қилиб сайланди. Пўлатнинг мактаби баҳона бўлди-ю, бутун оилани шаҳарда қолдирди.

— Пўлатжон мактабини тугатсин, кейин кўчириб кетаман, — дерди амалдор ота. Пўлат мактабни тугатишига эса ҳали кўп йиллар бор эди. Ота ҳафталаб чўлдан бери келмайди. Бу Пўлатни ўкситди. У бўш қолди дегунча кўчага чопади. Таниш-нотаниш болалар орасида кунни кеч қилади. Онанинг тергашлари боланинг асабий йигиси билан якун топади:

— Мени ёмон кўрасизлар, шунинг учун босган қадамимни текширасизлар!

Пўлат улғайган сари унинг тантиқлиги ҳам бўйига, ҳам энинга ўсади. Жанжал чиқадиган иш бўлса, пулга бўлса ҳам сотиб

оладиган сурбестга айланди. Унинг тарбияси ҳаминқадар ёмон-лашдикى, күнлардан бир күн она мактабга чақыртирилди. Фақат байрамлару турли тантаналарда чақыртириладиган, давралар-нинг энг түридан жой бериладиган онага бу хилдаги чақирав, албатта, айил ботди.

— Замонавий аёл бўламан, деб ўттиз ёшгача эр қилмасдан юриб, алал оқибат қари қизлигича қолиб кетган, шу боисдан ҳар бир ҳаракатида ҳаётдан норозилиги сезилиб тураладиган мактаб директори гапни узоқдан бошлиди:

— Пўлатжоннинг ўқишлари пича бўшашиб кетди,— дея ис-тиҳола билан мақсадга яқинлашди директор. Она зътироэга оғиз жуфтлаганини кўриб, у шошиб-пишиб гапини давом эттиради:— Мени кечиринг, билиб турибман, «Бола тарбияси учун биринчи наъбатда мактаб айбдор», демоқчисиз. Тушунаман, мактаб ҳам айбдор. Аммо...

— Ундаи бўлса, бизнинг айбимиз нимада? — кинояли савол қотди она.

Директор эшиитмаганга олиб, гапида давом этди:

— Пўлатжон яқинда ўқитувчисига қўл кўтарди. Мактабимиз тарихида бўлмаган воқеа. Ўша куни мен йўқ эдим. Оёғи қолиб, оғзи югурадиган уч-тўртта ўқитувчи гувоҳликка ўтиб, акт ёзишган экан, яхшиям акт менинг қўлимга тушиб қолди. Мана, иста-сангиз танишиб чиқинг.

Директор қўлидаги бир варақ қофозни онанинг олдига суреб кўйди.

Хат район прокурорига мурожаат билан бошланган бўлиб, унда бойвачча безорини қилмишига яраша жазолаш талаб қилинган эди. Она боши эгилди. Тўкиб солмоқчи бўлган нордон гапла-ри ичилади. Иш у йўлагандан кўра анча мураккаб эди.

Аёл директорга зимдан назар ташлади. У ўзиданда мулзам аҳволга тушган, қўзларини олиб қочади. На қулоғида, на бўйни-да ва на-да, бармоқларида тилла тақинчоқ бор. Она тамоман унинг акси — бармоқларидаги қўш узуклар, оппоқ гарданига ботиб турган тилла занжир, қулоқларини залворли тортиб турган шапалоқдек келадиган тилла балдоқлар кўрган кўзни куйди-ради. Аммо ҳозир бу зару зевар унинг уятдан қизаришига сабаб бўлди ва шоша-пиша қўлларини стол тагига яширди.

— Иш айнимасдан туриб Пўлатжоннинг оталарини хабардор қилсакмикан?

— Арзимаган майда-чуйда иш учун дадасини безовта қилмайсан. Шундай ҳам ишлари бошдан ошиб ётибди. Кейинроқ ўзим босиқтлик билан тушунтириб айтарман. Дарвоқе, жанжалга нима сабаб бўлган? — аёлнинг гууридан нишон ҳам қолмаганди, тинглаб туриб, ҳозир йиглаб юборади, деб ўйлаш мумкин эди.

«Баттар бўл», деб қўйди директор ичида, аммо буни сиртига чиқармади.

— Арзимаган нарсадан. Афгонда контузия бўлган тарих муаллимiga Пўлатжон дарс пайтида «Домла, носадан олинг», деган экан, муаллим:

— Мен нос чекмайман, сенга ҳам маслаҳат бермайман, — дебди.

— Эркакмисиз, ўзи? Носни эркаклар чекади, — дебди Пўлатжон.

Муаллим унинг синфдан чиқиб кетишини талаб қилибди.

— Керак бўлса, ўзингиз чиқиб кетинг, — дебди Пўлатжон муаллимга эшикни кўрсатиб.

Муаллим болани тирсагидан ушлаб, эшик томон судрабди, дарсдан сўнг бирга директорга кирамиз, дебди.

— Мени синфдан ҳайдаб чиқарадиган одам ҳали онадан туғимаган! — шундай деб бола муаллимнинг қалтис жойига тепибди. Муаллимни «Тез ёрдам» да касалхонага олиб кетишган.

Даволовчи врач билан ўзим суҳбатлашдим. Уят бўлса ҳам айтай-у, энди полноценний эркак бўлолмайди. Ана шуниси опасний.

Онанинг боши янада қуий эгилди. У иш ўзи ўйлаганидан анча жиддий эканлигини ҳис қилди. Эри аралашмаса, иш судгача бориши, ўғли ёмонотлиқ бўлиб қолиши мумкин.

Шу куни она қўшни районга қўнғироқ қилиб, эри билан гаплашди.

— Кўп ваҳима қилаверма, онаси, — деди ота бепарволик билан. — Болаликда ким шўхлик қилмайди дейсан. «Боланг бўлса, шўх бўлсин, шўх бўлмаса, йўқ бўлсин», деган гапни эшитмаганмисан?

— Сиз буни шўхлик дейсизми? Қарчиғайдай бир йигит эрлигидан жудо бўлиб, касалхонада қон йиглаб ётибди-я!

— Бўлди-бўлди, ваҳима қилаверма. Йўлига айтдим-қўйдимда. Мана бундай қилиш керак — ўша муаллимни тезроқ касал-

хонадан чиқариш лозим. Қантча тез бўлса, шунча яхши. Буларни ўзимга қўйиб бер. Ҳаммаси яхши бўлади.

Ота-онанинг телефондаги суҳбатига қулоқ осиб ўтирган Пўлатнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Она тиң устида ўғлини койиди, озроқ кўзёши қилди. Эркаторӣ лом-мим деб оғиз очмади. Пахани билан аяси можарони бутунлай бартараф этиш-син-чи, ўшанда кўрсатиб қўяди. Онанинг кўнгли учун тавба қилимоқчи бўлди-ю, бўйни ёр бермади. Тутоқиб кетган она буқадек ер сузиб ўтирган Пўлатнинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Вожабо, шунда ҳам қайсар ўғил пинагини бузмади. Она қилган ишига пушаймон еб, ўғлининг бошини бағрига босди, юз-кўзла-ридан ўпди. Димогига гуп этиб арақнинг қўланса ҳиди урилди. У ҳайрат ичидан Пўлатнинг сузилган кўзларига тикилди. Пўлат гирт маст эди.

Ота ярим кунгина уйда бўлди. Кимларгадир қўнгироқ қилди. Масала қил суғиргандек ҳал бўлди. Муаллим ўз ихтиёри билан касалхонадан чиқишга розилик берибди. Акс ҳолда ҳамма айб ўзига тўнкарилиб, алал оқибат мактабдан ҳайдалиши, иш тер-говга опирилиб, жавобгар қилинишига ақли етибди. Фақат бит-та масалада розилик бермаган — мансабдор ота таклиф қилган пулни олмаган.

Шундан сўнг 9-сinf ўқувчиси Пўлат мактаб безориларининг сардорига айланди. Қолган бир йил ҳам шов-шувли воқеаларга бой бўлди-ю, аммо уларга ҳеч ким ортиқча эътибор бермади.

«Ҳаёттий тажрибаси» ошиб, анча қув бўлиб қолган Пўлат мак-табни битириш кечасида ҳамма гуноҳларини «совди» — муаллим-ларидан кечирим сўради, фаррош аёлдан тортиб мактаб директоригача ҳаммасига совға улашди.

Шу куни синг учидан Пўлатнинг ота-онасига «олтин медал» тақдим этилди. Мактабни битирган йилиёқ Пўлат Савдо инсти-тутига имтиҳонсиз ўқишига қабул қилинди. Унинг ҳаётидан янги истиқболлар юз кўрсата бошлаган эди.

Пўлат акаси ва опасининг йўлидан бормади. Акасининг иши яхши-ю, Пўлатга тўғри келмайди. Негадир бир қаричлигидан суд-прокуратура деса чўчийди. Опасига эса ичи ачиди — дунёда касб қуригандек муаллимликка ўқиди. Бу ҳам етмагандек, бир мири йўқ муаллимга турмушга чиқиб, шаҳарнинг бир четида яшаб юрибди. Одам қайсар бўлса, опасидан ўтадигани бўлмаса керак. Пўлат неча бир савдо дўконларида ишлади, магазинлар-

га директорлик қилди. Энг номдор ресторан хўжайинлигига кўтарилиди. «Опам бош уриб келса, қўлини қайтарган номард», деб ўзига сўз бериб қўйди. Ойлар ойларни, йилларни қувиб ўтсаларда опа ҳамон ўша-ўша, турмушидан мамнун экандек тутади ўзини. Ой туска ҳам эрининг устига туғсан, кун туғсаям эрининг устига. Пўлатнинг баъзан аччиғи чиқади, баъзан спаси билан поччасига ҳаваси келади. Аллақачон бир этак болали-чақали бўлиб олишди. Эвоҳ, Пўлатнинг баҳти кемтик. Тирноққа зор!

Пул дегани сувдек оқиб келади. У бирон марта пулга зориқ-қанини эслай олмайди. Ресторан директорлигига кўтарилач, ошналар давраси янада кенгайди. Суянган тоги Ҳафиз даврарнинг косагули. Пўлатнинг гапини икки қўлмайди. Ҳафиз туфайли вилоятнинг казо-казолари билан ошна тутинди. Ўша казо-казоларнинг Пўлатга тез-тез ишлари тушиб турарди. Начора, минг қўйликнинг ҳам бир қўйликка иши тушар экан. Пўлат имконият даражаси кенгайиб, куч-қудрати ошиб бораётганидан чексиз фаҳр туйди. Кўлини узатса етти фалакдаги ойни узиб олиши мумкинлигидан яйраб кетди. Лоп этиб эсига Гўзал тушди.

«Гўзални Маҳфузанинг исловотхонасидан суғуриб олишим керак! Унга ҳали ит тегмасдан туриб қилишим керак бу ишни. Гўзал! Гўзал!»

Сархуш йигитнинг миёсида чақин чақандек бўлди. Чўчиб кўзини очди. Ҳаёлот оламидан ерга тушди. Боши тинимсиз гувуллай бошлади. Жавон олдига бориб, бир шиша коняқ олди.

«Бир қўлтумгина ичаман-у, миям равшанлашади», деган ўй кечди дилидан. Ичди. Озлик қилди. Яна қўйди. Бошидаги гувилаш камайиш ўрнига баттар зўрайди. Кайфияти бузилди. Кўз олдиди Гўзалининг сиймоси намоён бўлди. Жувон унга бармоқларини бигиз қилганча ўқрайиб қараб турарди.

— Сен мусулмон боласи қилмаган нобакорликни қилдинг! — илдао қилди аёл.

— Мен атайлаб қилганим йўқ, — ўзини оқламоқчи бўлди Пўлат. — Истасанг сир-сирлигича қолиши мумкин.

— Виждон-чи? Виждон нима бўлади?

— Виждон-виждон дейсан! Нима ўзи виждон? Менинг пулим бор, олтинларим бор. Менинг виждоним ана шулар!

— Йўқ, ўзингни алдама, барибир ўзинг ҳам ишонмайсан бунга. Сени одамлар бир умр лаънатлайди. Сен мендан қўрқиб яшайсан. Биласанми, нима учун?

— Хўш, нима учун?

— Шунинг учунки, қабиҳ ишингни одамларга айтиб қўйишимдан хавотирда яшайсан. Ҳушингда ҳам, тушингда ҳам намоён бўлавераман.

— Йўқ, сен бундай қилолмайсан! Қилолмайсан! Қилолмайсан!

Шалаббо терга тушган йигит шахт билан ўрнидан турди. У ҳамон жазава ичра такрорлар эди:

— Қилолмайсан! Мен сени гумдон қиласман. Сирин ўзинг билан гўрга олиб кетасан!

Пўлат йўқотган нарсасини топган боладек қувонди. Кўнгли равшанлашди. Мисси соатдек ишлай бошлади. Бири-биридан ажойиб режалар туғиланди.

У алпанг-талпанг юриб, ҳовлига чиқди.

Оқ «Волга» зарда билан жойидан кузғалди. Бунга бирор зътибор бермади. Фақат машина эпкинидан қари чинор шохлари тебраниб, шоҳда липиллаб турган барт бандидан чирт узилди-да, ҳавода андак учиб юрди, сўнг ифлос кўлмакка аста қўнди.

\* \* \*

Пўлат беканинг ҳашамдор дервозасига етмасдан анча нарида, бақатерак панасида машинасига тормоз берди. Боши гувуллар, хаёлларичувалган. Бир зум бу ерга нима учун келганини ҳам унуди. Манглайнин рул чамбарагига тираб ўйга толди ва ниҳоят, келишдан мақсади ёдига тушди. Ён-атрофни лоқайдлик билан кўздан кечирди. Кўчада одамлар сийрак. Айни муддао. Машина юкхонасидан чоғликина конистр оларкан, баланд девордан ошиб ўтса бўладиган қулай жой бормикан, деб аланглаб қаради. Сал нарида деворга ёпишиб ўсган сербутоқ акацияга кўзи тушди. Беихтиёр ўша томонга юрди. Дараҳтта чиқиб, девордан ошиб ўтиш осон бўлмади. Акациянинг узун-узун тиканлари кийимларини дабдала қилди, қўллари қонга беланди. Ниҳоят деворнинг нариги томонига қўлидаги конистр билан йиқилиб тушди. Турди. Аланглаб қаради. Дараҳтларнинг қуюқ сояси тушиб турганлиги сабаб ҳеч ким кўрмайтганлигига ишонч ҳосил қилди. Дараҳтларни паналаб беканинг фиштинкор уйи томон юрди. Яна бир неча қадам юрса, марра уники. Шу пайт эшик очилиб, ичкаридан Маҳфузга ва Пўлатга таниш башарали киши

чиқиб келишди. Улар хандон кулишиб, дарвозага етганды тұхташды. Нималар ҳақидалыр шивир-шивир гаплашдылар. Гап аллақандай беңаң нараса қақида бўлган бўлса керак, Маҳфузा ёғондакам ноз ила қўллари билан юзини бекитди. Эркак фўлдираган товушда қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Лаб-лунжидағи мамнуниятга қараганда бу айғир Гўзалнинг кучогидан чиқиб келаётганга ўхшайди! Пўлатнинг вужудини қаҳр эгаллади. Шу вақтгача қалбининг бир чеккасида милтираб турган шафқат шамдек охирги марта липиллади-ю, ўчди.

Пўлат бензинли конистрни деразадан ичкарига улоқтириди. Чўнтағидан сигарета олиб, лабига қистирди. Гугурт чақиб, сигарасига тутди. Босиб-босиб чекди. Оғиз-бурнидан қуюқ тутун чиқарар экан, ёниб бўлаёзган гугурт чўпига охирги марта қарадида, сўнг деразадан ичкарига ташлади.

Кўз очиб-юмгунча уй аланга ичидаги қолди.

— Менга бўлмаса, бошқага ҳам бўлмайди! — деган сўзлар учди Пўлатнинг лабларидан. У қилган ишидан мамнун эди. Ичичидан қайнаған келаётган қаҳ-қаҳа вулқондек отилиб чиқди.

Пўлат кўчидан номаълум тарафга кетиб борар экан, чинқириб келаётган ўт ўчириш машиналарига кўзи тушди. «Бирон ерга ўт тушган бўлса керак», деб ўйлади ва шу заҳоти бу ҳақда унуди...

## XXVI. БОЙ ХОТИН

Норгул момо пистафурушликтин юмалоқ-ёстиқ қилиб йигиштириб кўйди. Уст-бошини янтилади, эри раҳматли тириклигига кийган, жулдури чиққан кийимларини кўзини чирт юмиб, тандирга солиб, ёқиб юборди.

Одамни либос, отни згар-жабдуқ безатар экан. Момо ҳам бадавлат оиласаларнинг хотинларидек башанг бўлди-қолди. Набирасига аравача деганинг икки-уч хилидан олиб берди, нуқул хорижда чиққан кийимлар олиб кийдирди. Қарийб бутун умри ўтган кўҳна ҳовли кўзига хунук кўринадиган бўлди. Ҳали уни, ҳали буни янгилаш керак. Эскини сонга согунчча эси кетар экан одамнинг. Шу сабаб момо битта-яримта билан маслаҳатлашди-ми ё ўзининг ақли етдими, ишқилиб, уй-жойни янгидан қуришга жазм этди. Уста чақиртириди. Байлашиб, иш топшириди. «Пул

бўлса, чангандада шўрва», деганларидек, шаҳарнинг машҳур архитектори бошчилигида мутахассислар думба ёққа пиширилган паловни еб, янги ҳовли-жойнинг қозифини қоқиб беришди. Иш қизигандан-қизиб кетди.

Тўридан гўри яқин, умрида ёлчитиб қозони қайнамаган кампир бир думалаб бой хотинга айланиб қолганидан кўни-қўшилар, таниш-билишлар ҳайратда. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Бессуяк тил ҳар нарса дейди:

— Болаларига худо инсоф бериб, онасининг уй-жойини янгилаб беришаётган бўлса керак?

— Бе, бундай қаср қуриш қайси ўғлининг қўлидан келарди! Ўзлари зўрга кун кўришялти-ю.

— Балки уч ака-ука маблағини қўшиб қилаётгандир бу ишларни?

— Сиз уларни билмас экансиз. Қонини бир қозонга солса қайнамайди, биргалашиб онага уй солиб беришармиди!

Момонинг уч ўғли — Тўйчи, Йўлчи, Кенжа ҳам ҳеч нарса билмайди. Эл оғзидан эшитиб, сўнг киши билмас бориб, узоқдан кўриб, қурилиш ҳажмидан анг-танг бўлишди. Айниқса, тўнғичи Тўйчи билан Севара келинининг қўзидан уйқу қочди.

Тўйчи онасини кўрмаганига бир йилча бўлгандир-ов. Сабаб — хотинидан ҳайиқади. Ҳар борганида уйида бўлар-бўлмасга қиёмат кўлади. Буни онаси ҳам билади. «Болам, тинчингни ўила, бола-чаканг бошида соғ-омон юрганингни узоқдан эшитиб турсам ҳам мен учун кифоя», деб қўйган бечора кампир. Кўни-қўшининг онаси ҳақида топиб келаётган гаплари ўғилнинг ичини қиздиради, ҳаловатини ўғирлайди. Гўёки шаҳарда ҳамма шу ҳақда гапираёттандек.

Астагфурилло! Ишонмай деса, уй одам бўйи кўтарилган. Ҳар куни ўн-ўн беш киши замбил кўтариб, гишт териб турибди. Каттакон қозоннинг тагидан олов ўчмайди. Пенсия пулига бу ишларнинг мингдан бирини ҳам қилиб бўлмаслиги кундек аён.

— Тўхта, топдим! — бақириб юборди Тўйчи уйда ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам. — Кампир отамдан қолган дунёни топган! Бу янгиликни тезроқ Севарага етказиш керак. Шайтонга ҳам дарс берса оладиган хотин учун бундай жумбоқларни ечиш писта чақиб ташлашдек гап.

Юраги гупиллаб, қаловланиб қолган Тўйчи хотини ишдан қайтишига сабри чидамай, пиёда унинг ишхонасига қараб лўқиллаб йўлга тушди.

Севаражон қўшни маҳалладаги болалар боғчасида мудира бўлиб ишлайди. Ўзининг ибораси билан айтганда ташкилот бошлиғи, раҳбар! Шу боис қурилиш ташкилотларидан бирида ишлайдиган эрини ўз даражасидан анча паст кўради. Кўча-куйда Тўйчи билан ёнма-ён юрмасликка ҳаракат қилиши ҳам шундан.

Амалдор хотин қўл остидаги қиз-жувонлар билан валақлашиб турганда боғчанинг ҳовлисидан эри ҳаллослаб кириб келди. Шиммининг бир почаси кўтарилган, бир почаси тўпифига тушган, кўйлагининг ёқаси қийшайган. Хотиннинг қош-қовоғи осилди. Раҳбарнинг авзойи бузилганини кўрган ходималар аста туриб кетишди.

— Ҳа, итдан қочтан гадога ўхшаб чопиб келаяпсиз, тинчликми?

— Гап бор, хўжайнин. Четга чиқайлик.

— Гапираверинг. Сизни кўриб ҳамма четга чиқиб бўлди. Мени номусдан ўлдириб...

— Қўявер. Аввал гапни эшиш.

— Яна мелиса-пелисага тушдингизми? Билиб қўйинг, бу сафар орага тушадиган аҳмоқ йўқ. Яхшиси уйга боринг. Сизни бу аҳволда кўрган одам айтмайдими, «Бу пияниста ким?» деб. Боринг!

Севаражон шашт билан бурилиб, боғчага кириб кетди. Тўйчи изига қайтиб, хотинини бетоқотлик билан кута бошлади.

Севара тун алламаҳал бўлганда кириб келди. Кайфияти кутаринки, оғзидан арақ ҳиди келарди.

— Ходимларимиздан бирининг туғилган кунини отмечат қилдик, — деди эри ҳадди сиғиб ундан ҳисобот талаб қилмаса ҳам.

— Так что, озроқ-озроқ ичишга тўғри келди.

— Майли, кампанияга тушгач ичмай бўларканми. Сенга зўр хушхабар топиб қўйганман.

— Хушхабар? — лабини буриштирди ширакайф хотин беписандлик билан. — Айтиқолинг, хушхабарингизни.

— Онам уй қураётганидан хабаринг бор...

— Нима, қарз сўраб келдими?

— Бердисини айтгунча ўлдирмай тур.

— Нима бало, отангиз темирчи ўтганми, бунча гапни чўзасиз?

— Умрингда ҳеч бўлмаса бир мартагина гапимни бўлмай эшиш, хотин.

Хотин ширин хомуза тортиб, кўзларини юмиб мазза қиласар экан:

— Гапиринг, қулоғим сизда, — деди.

— Онам дунё топган!

Севаранинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Ким айтди?  
— Ўзим билдим. Бўлмаса ҳайҳотдек уй-жойни битига қурадими?  
— Ҳаммаси шуми?! Дунё кимдан қолган экан, балки ўткир ақлингизни ишлатиб, буни ҳам билиб берарсиз?

— Кимдан бўларди, отамдан қолган.

Хотин кинояли минғирлади:

— Отангиз ҳоким ўтганмиди?  
— Йўқ, этикдўз ўтганлар. Ие, нега сўрайпсан?  
— Ундай бўлса, «Отамдан бир жуфт ямоқ солинган махсисковуш қолган», десангиз ишончлироқ чиқарди.  
— Ҳа, бунисини ўйламапман. Аммо-лекин, кўнглим сезиб турибди, онам нимадир топган.

Севара эътиroz билдирамди, кўча кийими билан ўзини талпа тўшакка ташлади. Бироздан сўнг унинг пишиллапи эшигилди.

Тўйчи анча вақтгача ухлай олмади. Ўйлаган сари қари онаси дунё топганига ишончи орта бошлади. Шу ишонч билан ухлаб қолди.

Саҳар-мардонда хотин эрини турткилаб уйғотди.

— Нима дейсан, ҳали баравақт-ку?  
— Туринг. Молга ўхшаб ағанаб ётиш бўлса сизга.  
— Мана, турдим. Нима дейсан?  
— Топдим.  
— Нимани топдинг?  
— Кампир дунё топгани ростга ўхшайди.  
— Қайси кампир? Кимни айтаяпсан?  
— Қайси бўларди, онангизни айтаяпман.  
— Бормисан, хотин! Ўткирақлингни ишлатиб, билиб олишинингга ишонардим. Отам ҳар қанча камбағал бўлсалар ҳам у кишидан дунё қолгани рост эканда-а?

— Йўқ, отангиздан ҳеч вақо қолмаган. Аммо ҳовлиниңг олдинги эгасидан нимадир қолган бўлиши керак.

— Аввал ким яшаган экан-а?  
— Бир қулоқ яшаган, сургунда ўлиб кетган, деб эшигандим.

Тўйчи қувониб кетди.

— Кампиршо бойликни топган-у, босиб ётган! Пайт пойлаган-да. «Ўғиллар рўзгорини айириб чиқди, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиб ётибди. Ҳеч ким шерик чиқмайди», деб хулоса ясашга киришди Севара.

— Ундай дема. Онам ёмон хотин эмас. Мана кўрасан, бойликни ака-укалаар тенг бўлиб оламиз. Онам гўрига олиб кетармиди?

— Ака-укалар бўлиб оламиз, деган гапни каллангиздан чиқариб ташланг! У фақат бизники бўлади! — бармогини бигиз қилиб ўдағайлади хотин.

— Нега ахир?

— Сиз онангизнинг тўнгич ўғлисиз. Меросга сиз ҳақлисиз. Тўхтанг, гапимни бўлмай эшитинг! Ука-пукангизни билмайман. Бойлик фақат бизники бўлиши керак!

— Онам... балки бизга раво кўрмас. Ахир унга озмунча озор бердикми?

— Бермаса, ўзи ҳам тешик тоғора билан қолади! Уқдингизми?

— Йўлини қилиш керак. Қарийб бир йилдан бери кампирнинг ҳолидан хабар олмай қўйдик. Дабдурустдан мерос талаб қилиб боролмаймиз-ку?

— Борасиз! Мерос талаб қилиб эмас, меҳрибон ўғил онасини кўришга боргандек, болалардан бир-иккитасини етаклаб, совғасалом кўтариб борасиз. Қарабсизки, ўртадаги гина-кудурат унтилади. Бопқа ҳеч нарса билан қизиқмайсиз, сўрамайсиз ҳам. Кампир уйни қураверсин. Биз ҳам қараб турмаймиз, қўлимиздан келганча ёрдамлашамиз? Уқдингизми?

— Уқдим. Сенга қойил қолмай иложим йўқ, хотин.

Норгул момо ҳақиқатдан ҳам дунё топганидан азиз ўқувчинг хабари бор.

Момо хазина топган куни битта тилло тангани етти тугиб, доғистонлик заргарнинг олдига жўнади.

Заргар юпун кийинган кампирни тиланчи фаҳмлаб, олдига битта уч сўмликни чиқариб ташлади-да, ўз ишини давом эттираверди.

— Болам, мен тиланчи эмасман, олдингизга хизмат билан келдим.

Заргар момони бошдан-оёқ назаридан ўтказди. Қашшоқлиги манман деб турган кампирнинг заргарда неча пуллик иши бўлиши мумкин. Балки уни садақа қаноатлантирумас, каттароқ қарэ сўрамоқчиидир? Бунақаларга қарэ бер-у, изини суриштирма, барабири ололмайсан.

— Қулоғим сизда, тез бўлиниг, мени ишдан қолдирманг.

Момо қўлидаги латтани очиб, тилла тангани кафтига қўйди. Заргарнинг кўзлари ўйнаб кетди. Иш анжомларини бир четга қўйиб, кампирнинг кафтидаги тиллага тикилиб қолди.

— Бу нима?

Момо тангани заргарнинг қўлига тутқазди. Заргар тангани айлантириб кўрди, вазнини билмоқчилик кафтидан-кафтига таш-

лади. Сүнг бир чеккадаги идишдаги суюкликка ботирди. У ниҳоятда ҳаяжонланаётган эди.

— Ҳақиқиј Бухорои тілло. Она, сотасизми, буюм ясатасизми?

— Сотаман, болам.

— Яхши. Қанча сўрайсиз?

— Сиз заргарсиз. Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Нархи ўзингизга ҳавола.

Бир оздан сўнг заргар бир даста пулни онанинг олдига уйиб кўйди.

— Она, ҳалигидан яна бўлса, тўғри ўзимга олиб келаверинг. Ҳаққингизга хиёнат қилган мусулмон эмас.

Шундай қилиб, Эшонгузарда кейинчалик катта шов-шувларга сабаб бўладиган Бойхотин пайдо бўлди.

## XXVII. ҲАЛОКАТ ЁҚАСИДА

### 1

Кочубей қумлоқ соҳилда ҳушига келди. Ҳамон ярим танаси сувда, қўллари билан юлфунга ёпишиб олганди. У судралиб, қирғоққа чиқди. Азойи бадани қақшаб оғрири, юлғун қийган қўли карахт. Корчалон ўлим даҳшатини солган дарёга қўрқа-писа назар ташлади. Дарёнинг олдинги шашти йўқ, тўлқинлар ювощ тортиб қолган. Ярим километрча узоқликда бузик кўприк қорайиб кўринди. Ўша ажал билан қўрқитган кўприк. Рости, Владимир Сисоевич уни тўлқин бетон тўсинларга қараб суриб кетганда, умрида биринчи марта умидсизликка тушди. Мана, қуёш нурида найзадек ялтираб турадиган пўлат арматуралар қўл узатса стадиган масофада. Кочубей кўзларини чирт юмиб, гужанак бўлиб олди. Даҳшатдан ҳушини йўқотаёзган эди. Кучни тўлқин уни кўтариб бетон тўсин томон улоқтириди. Пўлат арматуралар устидан учиб ўтиб, хавф-хатардан холи сувга бориб тушди. Файриинсоний инстинкт қўл-оёқларини ҳаракатлантириб турмаганида ҳоли нима кечиши маълум эди. Тўлқин унинг пажмурда гавдасини соҳилга чиқариб ташлади.

Владимир Сисоевич ўлим билан олишувда ғолиб чиққан эди. Бундан у бениҳоя улкан гуур ҳис этди. Азойи баданидаги оғриқ-

ни ҳам, совуқдан дир-дир титраётганини ҳам унутди. Айни чоғда бўлиб ўтган воқеаларни мушоҳада қилиб, шифохонада қиёмат қўпаётган бўлса керак, деган хулосага келди. Унинг хурсандчилиги узоққа бормади. Дабдурустдан калласига келган хунук фикрдан лаб-лунжи сўлжайди.

«Биз ўлдирмоқчи эдик. Ўзини-ўзи ўлдириб, бизни бундай машиқатлардан қутқариб қўяқолипти-да», деб ҳиринг-ҳиринг кулаётган рақиблари кўз олдидан қаторлашиб ўта бошлади. Бузуқ кўприкдан нарироқла оқариб кўринаётган шифохона томонга қараб мушт дўлайтириди.

«Аҳмоқлар! Галварслар! Пандавақилар! Мени ўлдириш сенлар ўйлаганчалик осон эмас. Мен ҳали кўп яшайман. Ҳали кўрсатиб қўяман сенларга!»

Бу сўзларни айтиш учун қаҳрамонимизнинг чучварадек семиз лаблари пирпираб жуфтланди. Аммо дилидаги пўртана тилига чиқишга улгурмади — орқа томондан машина моторининг овози эшитилди. Кочубей соҳилга яқинлашиб келаётган «УАЗ»га кўзи тушиши билан тарвақайлаб ўсган юлғунларнинг орасига эмаклаб кириб кетди.

Машина Владимир Сисоевич бекинган юлғунзордан ўн қадамларча нарида тўхтади. Ундан икки киши тушди. Бири новча ва ориқ, бир кўзини қора лента билан боғлаб олгани, иккинчиси унинг акси — пакана ва бақалоқ. Ҳар иккаласи ҳам бурундор. Кенг соябонли кепка кийишган. Бегона тилда бироз сўзлашиб туришди. Сўнг бақалоқ зил-замбил қопни судраб дарёнинг лабига олиб келди. Унинг авзойидан қопни ичидаги одам билан (бунга Владимир Сисоевичнинг имони комил эди) сувга чўқтириб юбориш нияти борлиги кўриниб турарди.

— Шошма, — деди бир кўз новча. У қопдаги одамга тушунарли бўлиши учун атайлаб рус тилида гапира бошлади. — Шошма, балки яна бир гаплашиб кўрармиз?

Қопнинг оғзидан шалпангўлоқ бош кўринди. Владимир Сисоевич чўчиб тушди — бу шалпангўлоқлар, туюнинг лабидек осилиб турадиган лаблар фақат бир кишига — Эшназар раисга тааллуқли эди-да. Ҳа, у хато қилмаганди, қопда димиқиб ўлаёзган, оғзини кападек очиб, ютоқиб нафас олаётган одам унинг қадрдони Эшназар Жўраевнинг худди ўзи.

Раис нафасини ўнглаб олгач, шундоққина пойида шарқираб оқаётган дарёни кўриб, ҳушдан кетаёди.

— Қалай, раис, гаплашиб оламизми? Балки ҳазиллашмаёт-  
ганлигимизни энди англагандирсан?

— Ҳа.

— Жуда яхши. Олтингларни яширган жойингни ҳам айтarsан?

— Айтсам тирик қоламанми?

— Қоласан. Бизга сенинг жонинг эмас, олтингларинг керак.

— Қасам ичмасант, ишонмайман.

— Қасам? Биз худога ишонмаймиз. Нима деб қасам ичсак,  
сенга маъқул бўлади?

— Болаларинг боши ҳаққи қасам ич.

— Жуда иозик жойдан олдинг-ку? Майли, болаларимиз боши  
ҳаққи, олтинглар турган жойни айтсанг, сени тирик қолдираримиз.  
Агар қутилиб кетгандан кейин биз ҳаққимизда хабар берсанг,  
қасам ўз кучини йўқотади. Тушундингми?!

— Ҳа, тушундим.

— Ундаи бўлса, давай, сайра!

— Аввал қопдан чиқаринглар.

Уни бетакаллуфлик билан қопда тортиб олишди.

— Хўш?

— Қоғоз-қалам топиладими?

Бақалоқ машинадан ён дафтарча билан ручка олиб келди.  
Эшназар раис алланималар чизиб новчага узатди:

— Мана шу ерда ҳаммаси кўрсатилган. Зинапояда яширин  
зшик бор. Кўэдан яширин бўлсин учун усти бетон билан шувал-  
ган. Олтинглар асал солинган бидонларда.

— Алдамайсанми?

— Йўқ.

Бандитлар бегона тилда маслаҳатлашиб олишди. Сўнг яна  
рууча гаплашишга ўтишди:

— Яхши. Лекин сенинг алдамаслигингта ишониб бўлмайди.

Шу сабабли сени ҳозирча шу ерда қолдириб кетамиз. Алдаган  
бўлсанг, қайтиб келамиз.

Бақалоқ раиснинг кўл-оёгини боғлади, оғзига ифлос латта тиқди-  
да, юлғуннинг соясига итариб юборди. Устига шох-шабба ташлади.

Олтин васвасаси бандитларни телба қилиб қўяёзган эди.  
«УАЗ» қаттиқ газ бериб, ўрнидан қўзғалди. Машина кўтарган  
чанг анча вақт осмонда сузиб юрди.

Кочубей буталар орасидан мўралаб, хатар ариганинга амин  
бўлгач, яширган жойидан чиқиб, бечора бандининг тепасига  
келди. Шох-шаббаларни бир четга олиб ташлади.

Фойибдан келган нажот раисни телба қилаёди.

— Владимир Сисоевич?! Акажоним! Ё алҳазар, ё қудратингдан? Тушимми, ўнгимми?!

— Туш эмас, айнаң ўнгинг, азизим.

Қўл-оғи банддан озод бўлган раис қирғоққа ётиб, ютоқиб-ютоқиб сув ичди. Уни Владимир Сисоевич четга судраб чиқмаса, дарёning ҳамма сувини ичиб қўядигандек эди.

— Кўп ичма, биродар, ўлиб қоласан. Озроқ чанқоғингни қондир, кейин керагича ичавер.

Раис бироз ўзига келгач, ўзиданда абгорроқ аҳволдаги «қиблагоҳи»га тикилди.

— Билаяпман, ҳайрон қолаяпсан, раис. Аммо тушунтириб ўтиришнинг мавриди эмас. Иккаламизнинг ҳам ҳаётимиз қил устида. Тезроқ кетайлик бу ердан.

— Тўғри айтасиз, тезроқ кетиш керак. Анави лаънатилар ҳадемай келиб қолишади.

— Ишонма, уларга. Уларга олтин керак, сен эмас.

— Шунинг учун ҳам қайтиб келади-да. Мен уларни алдадим. Нажот келишини кўнглим сезганди. Қани, кетдик бу ердан. Тезроқ!

Вилоятнинг энг кўзга кўринган икки корчалони энди қочоққа айланган эди. Улар из қолдирмаслик учун бир-икки чақиримча ерга сувдан юриб боришиди, сўнг кескин бурилиб, даштта йўл солишиди.

— Энди яқин қиплоққача йигирма километрча йўл бор, — деди Эшназар раис. — Сизга қийин бўлади, Владимир Сисоевич.

— Дам олиб, дам олиб борамиз. Ҳадемай кун ботади. Кечаси бирон ерда тунармиз.

Бу маслаҳат раисга ҳам маъқул бўлди. Қарияларнинг силласи қуриб, ийқилай-ийқилай деганда қўналға учун қулай саксовулзор тепаликка етиб келишиди. Тун юзига қора пардасини тортгач, олам зулумот қўйнига фарқ бўлди. Қаҳрамонларимиз аддешиб қолишдан кўрқиб, тарвақайлаб ўсган саксовул тагида тушнага қарор қилишиди.

Қочоқлар тўхтаган тепаликнинг нариги этагида чўпон қўши бўлиб, у қаҳрамонларимизнинг ҳаётидаги энг кўнгилсиз маизилардан бири бўлишини ҳали ҳеч ким билмасди.

Шу кечаси чўпон итларининг чақаги тинмади. Бир-икки ой бурун кўпларга ўғри оралаган бўлиб, шундан бери чўпонларнинг ҳам, итларнинг ҳам ороми йўқолган. Тиқ этган товушга кулоқ динг бўлади.

Қари чўпон чўпоқ йигитга уйига жавоб берганидан афсус чекади. Жавоб бермаса ҳам бўлмасди-да. Болапақир уйланиб, чил-

ласи чиқиб-чиқмай чақириб олинди. Бир кечага жавоб сүраб, мұлтайиб турғандан кейин рухсат беради-да. Мана, зәнди хавф-хатарға бир ўзи юзма-юз бўлиб турибди. Отажон умрида ўғрини ҳам кўп кўрган, бўрини ҳам. Иккиси ҳам ёмон. Эҳтиёт бўлмасанг, шўрингни қурилади. Агар сурувни бўлса, кейин қайтариш қийин. Ана шундан эҳтиёт бўлиш керак. Ҳозирча қўйлар хавф-хатардан бехабар, тинч ётибди.

Бўрибосар ити этагидан тишлаб тортқилайвергандан сўнг чўпон ўтовдан қўшофиз милтиғини олиб, итларини эргаштириб, тепалик томон юрди. Ҳар куни кўриб юрган жойлари эмасми, чўпон қоронғида ҳам йўл топиб боряпти. Катта саксовулга яқинлашганда итлар қоронғиликда бирдан ҳурпайиб, саксовулга қараб даф қила бошлиди.

— Бирон жондор қочиб шу ерга кирди шекилли, — деб ўйлади чўпон. Милтиқни тусмоллаб тўғрилаб, тепкини босди. Гумбурлаб отилди. Милтиқ оғиздан чиққан аланга бир зумгина атрофни ёритди. Саксовул тагида биқиниб ётган одамларни чўпон ҳам, итлар ҳам кўрди. Чўпон ҳай-ҳайлаб ҳайдамагунча итлар чақирилмаган мәҳмонарни бир неча марта узиб олишга ултуриши.

Қуёш уфқда юз кўрсатганда тепалик этагида гаройиб манзара кўзга ташланди. Чўпон ўтовидан беш-үн қадамларча нарида кийим-боши пора-пора қилинган, қизил қонга бўялган икки киши қўл-оғи борлиқ ётибди. Уларнинг ҳаракатлари ҳар бири эшакдек келадиган итларнинг назаридан қочмайди. Итларнинг ғазаб билан ириллашлари бандиларни ортиқча ҳаракат қилишдан тийиб турибди. Бандилар эски танишларимиз — Коҷубей ва Эшназар раис эканлигини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бу ерда фақат қари чўпон кўринмайди. Э, ҳа, ҳув, ёлғизоёқ йўлда эшагини оёқлари билан зўр бериб ниҳтаб, кетиб бораяпти. У тунда бўлиб ўтган воқеадан одамларни хабардор қилиш учун шошиб бораётган бўлса керик. Қари чўпон эҳтимол умрида биринчи марта отарни эгасиз ташлаб кетаётгандир.

Чўпон кўздан йўқолиши билан болқа йўлда чанг кўринди. Бирордан сўнг чанг булути орасидан «УАЗ» машинаси пайдо бўлди. Машина тўғри ўтовнинг эшигига етиб келганда тормоз берди. Шу вақтгача бандилар олдидан жилмаган итлар безовта вовуллаб, машина томон чопиши. Ўтов эшигига етиб қолган бақалоқ орқасига кескин бурилди. Унинг қўлида автомат бор эди. Автоматнинг тариллаши ва итларнинг ангиллаши эшишилди.

Бақалоқ ўтовда ҳеч кимни тополмай қайтиб чиқди. Бир күзли шеригига нимадир деган эди, у ҳам машинадан тушиб келди. Ўлиб ётган итлардан бирини оёғи билан туртиб күрди, бошини сарак-сарак қилди. Шундай ажойиб итни ўлдиришганига ачин-ған бўлса керак. Бу хотиржамлик бақалоқ шериги қўл-оёғи боғланган қаҳрамонларимизни кўргунча давом этди, холос. Бандитларнинг қувончи чегара билмасди.

— Дунёда фақат ёвуз руҳларгина бор, деб юрардим,— деди чапак чалиб бир күзли бандит.— Э, худо, ўзинг гувоҳсан, оламда яхши ниятли руҳларинг ҳам бор экан. Бўлмаса, тун бўйи қидириб тополмаганимизни шундоққина олдимишга чиқариб қўярмидинг. Яна қандай денг, қўл-оёқлари боғланган ҳолда! Энди мен бу абраҳимнинг тирноқларига ғаров тиқиб бўлса ҳам рост гапиришга мажбур қиласман. Унинг энг сўнгги тийинигача шилиб олмасам юрган эканман. Буниси ким бўлди экан?

Шериги елка қисди.

— Майли, бу ҳам халақит қилмайди. Жон керак бўлса, ўзи айтиб берар... Вой-вой, бечоралар-эй, сизларни роса қийиаб қўйишибди-ку, а. Золимлар, шунчалик ҳам тортиб боғлашмаса. Майли, тезда бу зормандадан ҳолос бўласизлар. Қани, афандилар, марҳамат қилинглар.

Раиснинг ҳам, Коҷубейнинг ҳам соли сувга тушди. Бир кунда икки марта ўлим чангалидан қутилиб қолишди, учинчисидан умид қилиш нодонлик бўлар эди. Ҳа, бандитларнинг қўлида ўлиш ёзилган экан уларнинг пешонасига.

Машинанинг қаттиқ силтаб отиши Владимир Сисоевичнинг тийиқсиз ўйларини потратиб юборди. У кўзини очиб, атроф-теваракка қаради. Машина йўлдан чиқиб, ўркач-ўркач тепаликлар оралаб бораради. Бироз юришгач, каналнинг суви ялтираб кўринди. Машина тўхтади. Бу Чўлюбод даштларига ҳаёт олиб келган катта магистрал канал эди. Коҷубей бу канални қаричма-қарич юриб ўтган. Қаерда бурилади, қаерда паастлаб оқади ҳамма-ҳаммасини ёддан билади. У ҳозир вилоят марказидан 70-80 километр узоқликда эканликларини тахмин қилди. Бу ерларда газ конлари ни қидирувчилар ва чўпонлардан бошқа одамни учратиш қийин.

Очлиқдан ва яраларидан қон оқиб, силласи қуриган қаҳрамонларимизни машинадан тортиб туширишди. Бандитлар асирилардан хавотир олишмаса ҳам бўларди. Қўл-оёғини очиб қўйганда ҳам уларнинг юрадиган ҳоли қолмаганди. Шу сабабдан улар-

нинг қўлларини ечиб саксовулнинг соясида қимирламай ётишни буоришиди. Икковига ярим буханка нон беришиди ва беш-үн қадамча нарида ўзлари учун дастурхон ёзишиди. Бир пасда дастурхонда балиқ консерваси, шўр бодринг ва албатта, бир-икки шиша арақ пайдо бўлди.

Күёш гарбга томон оққандада кайфи ошиб қолган бандитлар қўшиқ бошлишиди. Кимсасиз саҳрода грузин тилида мунгли куй янгради. Новча гитара торларини чертар экан, совуқ симлардан ҳадсиз ғам-алам тўклиларди. Қўшиқ оналар ҳақида эди. Бандитлар тоғли Гуржистонда қолиб кетган, оқпадар болалари дардида қалли дол оналарини элашиб, нола қилишаётганди. Қўшиқ бирдан тинди. Ҳамма сергакланди. Қаердандир гуриллаш эшишилди.

— Вертолёт! — деди новча қўрқиб кетган шеригини тинчлантириш учун. Дарҳақиқат, ер бағирлаб учиб келаётган вертолётлар эскадриляси кўринди.

— Термизга учишяпти, — деб хўрсинди новча ва давом этди.  
— У ёғи Афгон. Беш йилдан бери кечак-ю кундуз учишади. Мен ҳам учганман. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча қишлоқларни кунпаякун қилмадик. Мозори шариф яқинида ракета билан уриб туширишиди. Ажалнинг оғзидан қайтганман. Кейин асирилик азоби бошланди. Улар томонидан туриб уришишга тўғри келди. Яшаш учун не-не кўчаларга кириб чиқмадим. Ватан эшиклари мен ва менга ўхшаганлар учун таққа-тақ ёпилди. Рости, менга ватанинг кераги ҳам йўқ эди... Бизга ҳар бир ўлдирилган жон учун доллар билан ҳақ тўлашарди. Кейинчалик бу менинг касбимга айланиб қолди. Дунёда олтинсиз, долларсиз шунчаки яшаб бўлмас экан, оғайни.

Бир кўзли бандитнинг тийиқсиз ўйларини янги вертолётлар эскадрилясинг учуб келиши тўзғитиб юборди. Улар ҳам уфқда кўздан ғойиб бўлишиди. Аммо ҳамон кўкда гуриллаган товуш эшишилар ва тобора зўрайиб борарди. Бир оздан сўнг канал бўйлаб учиб келаётган ёлғиз вертолётни ҳамма кўрди. Вертолётнинг қорнидаги «Милиция» деган ёзув яққол кўриниб турарди.

Бандитлар типирчилаб қолишиди. Аммо сиртдан ўзларини хотиржам тутишарди. Вертолётдагилар уларни, албатта, кўришган. Новча ягона кўзини вертолётдан узмасдан фармон берди:

— Ҳеч ким жойидан жилмасин! Ким қимирласа, отиб ташлайман!

Бу тутқунларга қарата айтилган эди. Кочубейнинг нажот истаб осмонга қўтарилилган қўллари шалвираб тушди. Вертолёт давра олиб, тепалик ортидаги ялангликка қўнди.

Вертолёт эшиги очилиб, бирин-кетин түрт нафар милиционер сакраб тушди. Улардан сүнг қоңсук чол чиқди.

— Бизни итта талатиб, құл-оёғимизни боғлаган чўпон-ку?! — деди раис ҳайратдан бақириб. — Мен унинг сүякларини майдамайда қилиб ташламасам... — раис галини тамом қилолмади, «ўғриларни» таниб қолган чўпон қийғир таёғини кўтариб ҳаллослаб бошига етиб келди. Яхшиямки милиционерлардан бири уни ўз вақтида ушлаб қолди.

— Отахон, сиз ўз вазифангизни адо қилдингиз. Қолганини ўзимиз эплаймиз.

Бандитлар гўёки ҳеч нима бўлмагандек гитара чертиб, астасекин хиргойи қилишар, милиционерларнинг ҳаракатларини жимгина кузатиб ўтиришарди.

Милиция капитани Эшназар раисни таниб қолди. У кўзлари га ишонмасди:

— Ўртоқ Жўраев! Раис бува, наҳотки бу сиз?

— Кўриб турибсиз-ку. Тезроқ арқонни счинг.

— Ким бу аҳволга солди?

— Анавилар.

Капитаннинг кўзи бандитларга тушди.

— Улар ким?

— Ўзларидан сўранг.

Бандитлар танг аҳволда қолишли. Отни қамчилаш керак. Хозирча милиция ҳеч нарсадан хабарсиз.

Бир кўз новча ўрнидан турди.

— Капитан, тинчликми?

— Буларни ким боғлади, сизларми?!

— Булар қароқчилар. Биз ушлаб боғладик. Қонун олдида жавоб беришади.

— Кимсизлар, ҳужжатларингизни кўрсатинг!

— Ҳужжатми? Ҳей, ҳужжатларни олиб кел! — деб бақирди машина тарафга қараб. Ҳамма ўша ёққа ўгирилди.

— Та-та-та...

Капитан бир сўз дейишга улгурмади, новча бандитнинг оёғи остига йиқилди. Қолган милиционерлар бақалоқнинг ўқидан ертишланиши. Чўпон саксовуллар орасига уриб кетаётганда орқасидан ўқ еди.

— Ерга ёт! — бақирди бир кўзли бандит асиirlарга.

Итоат этишдан бошқа илож қолмаганди.

Қотиллар милиционерларнинг қонга беланган кийимларини ечиб олишди, қурол ва ҳужжатларини қўйинларига тиқишиди. Кейин мурдаларни оёғидан судраб, сувга ташлаб юборишиди.

Кутилмагандага ҳеч кимнинг хаёлига келмаган воқеа содир бўлди. Қаттиқ гуруллаш эшитилди. Бандитлар вертолёт турган ялангликка отилишиди. Бу вақтда вертолёт ердан кўтарилди.

— Кетиб қолади! — деб бақирди бақалоқ. У чопиб борар экан учар машинага қаратиб тасир-тусур ўқ узарди. Собиқ учувчи эса шошмасдан мўлжалга олди ва тепкини босди. Ўқлар ёнилғи бакини тешиб юборди. Вертолёт қуюқ тутун ичидага қолди. Кейин қўйруғи атрофида гир-гир айланиб, қаноти синган улкан қушдек каналга қулаб тушди.

— Машинага! Тезроқ машинага! — б. юрди гуруҳ бошлиғи асиirlарга. Уларни турткилаб, машинага тиқишиди. Машина ёв-шанларни босиб-янгшиб, номаълум тарафга қараб елиб кетди. Конли драма содир бўлган жойда эса қорни тешилган гитара, пачаги чиққан консерва қутилари ва бир нечта арақ шишалари, ҳар ер-ҳар ерда автомат гилзалари сочилиб ётарди.

## 2

Милиция формасини кийиб олган қотиллар ва уларнинг икки нафар тутқуни тушган «УАЗ» гоҳ йўлсиз, гоҳ бир вақтлар геологлар қолдирган издан кунботар томонга елиб борарди.

Бир кўзли бандит тез-тез осмонга қарап, биронта вертолёт таъқиб қилиб келмаяттимикин, деб қулоқ соларди. Аммо рулда ўтирган бақалоқни бошқа нарса ташвишлантираётганди. Бензин тамом бўлайпти. Датчик охирги нуқтага тушганига ҳам ярим соатча бўлиб қолди. Даشت ўртасида бензинсиз қолиб кетиш — ҳалокат билан тенг.

— Яна қанчага стади? — сўради новча уфқдан кўзини узмай.

— Оз қолди.

Унинг гапини тасдиқлагандек машина бир-икки «йўталди».

— Хув, ана у ёққа қара — пармалаш қудуғи!

Бақалоқ ҳам уфқда қорайған пармалаш қудуғининг минорасини кўрди.

— У ёққа бориб бўлмайди, — ўз-ўзига гапиргандек деди новча.

— Геологлар бир пасда бутун вилоятни оёққа қўйишилари мумкин. Яхшиси, қудуққа борадиган йўлда битта-яримта машина пойлаймиз. Аввал йўлни топишсимиз керак. Чапга олиброқ ҳайдо.

Бироздан сүнг йўлга чиқишиди.

— Биринчи навбатда машинани йўқотишими керак,— дедеи бир кўз бандит.— Вертолёт учувчиси ҳамма белгиларимизни ҳам, координатларимизни ҳам хабар қилган бўлиши керак.

Қуёш уфққа бош қўйди. Кунботар томон қирмизи рангта кирди. Ана шу қизиллик орасидан чанг булутини эргаштириб «ЗИЛ» машинаси келаётганлиги кўринди.

— «ЗИЛ» ҳайдаб кўрганмисан?

— Икки йил армияда «ЗИЛ» ҳайдаганман.

— Бўлмаса, тўхтат машинани!

Йўл устида турган милиционерни кўрган «ЗИЛ» ҳайдовчиси тезликни пасайтириди. У бир неча марта даштнинг гадо топмас чорраҳаларида ДАН ходимларига дуч келган. Аслида улар беш-үн сўмнинг ғариби. Бу ҳам шулардан биттаси бўлса керак. Шофер апил-тапил чўнтакларини пайпаслаб, пул қидирди. Пул йўқ. Юраги орқага тортиб кетди. Кийимини алмаштирганда пул ҳам қолиб кетган. Пул бўлмаса, правадан айрилдим, деявер.

— Пул киссада қопти, aka Фармон. Энди нима қилдик? — деди ёнидаги шопмўйловли пармалаш устасига.

«УАЗ»дан анча нарида тўхташиди. Шофер чаққон тушиб, йўлнинг ўртасида қаққайиб турган милиционернинг олдига йўрғалаб борди.

— Ассалому-алайкум, акахон... — шофер милиционернинг кийимида қотиб қолган қонни кўриб нафаси ичига тушиб кетди. Буни милиционернинг ўзи ҳам сезди.

— Бандитлар билан отишиб, яраландим,— деди капитан ўрисчалаб.— Шеригим ҳам ўлардек ярадор. Жиноятчиларни ушлаб боғладик. Қаерга кетаяпсизлар?

— Районга. Пармаловчиларга юқ олиб келгандик.

— Яхши. Гап бундай. Баъзи бир сабабларга кўра машинамизни алмаштиришга мажбурмиз. Ҳозирча сизнинг машинангизни оламиз. «УАЗ»ни сизларга қолдирамиз.

— Мен ундай қилолмайман, aka, ахир...

— Разговорчики!

Бир пасда бандитлар ва асиrlар «ЗИЛ»га ўтиб жойлашиди. Пармалаш мастери ва шофер оғзини ланг очганча «ЗИЛ»нинг орқасидан қараб қолишиди.

— Оғзингни ланг очиб ўтираберасанми йўлди ўртаси, Пайзулло?— деди уста шофернинг биқинидан туртиб. Мошин кетди, икки халта семен ҳам кетди. Бизлар кетмаймизми?

- Сиз ҳам күрдінгизми, ака?
- Нимани айтопсан, Пайзулло?
- Құли бөғланған анави икки кишидан бири манга таниш.

Кохозимизди раиси. Үлай агар, ўша.

— Колхоз раиси дейсанми? Раисларинг ўғримиidi, каззобми-ди, нимайди?

— Ўғри ёки каззоблигини билмайман, аммо-лекин суюфоёқ, деб эшитғанман. Ҳатто бир марта тутиб олиб, сазой қилишган.

— Баччагар! Шундай одамди колхозға раис қилиб қўйғандан ҳам ўргилдим. Кетдик, ярим кечагача ҳам районга стиб боролмаймиз.

Шофер стартерни қанча айлантиրмасин, машина ўт олмади. Фақат бир-икки марта пақ-пуқ деган товуш чиқди.

— Бензини қолмаганга ўхшайди, деган худосага келди шо-фер тишларини фижирлатиб.

— Пайзулло, чиққилиб ишлотган сенинг соатингми?

— Мен ваабше соат тақмайман, ака... Иби, ростдан ҳам соат чиққилопти-ку?

Уста ҳамма ёққа кўз югуртириб чиқди. Товуш «бардачок» дан чиқаётганди, «бардачок»ни очган уста орқага тисарилди. Бир қарашда собиқ сапёр чиққилаётган будильник қўлбола ми-нага улаб қўйилганини ва ҳар лаҳзада портлаш кетиши мумкин-лигини англади.

— Мина! Тез қоч!

Иккови икки томонга сакради. Улар машинадан ўн-ўн беш қадам узоқлашар-узоқлашмас кучли портлаш эшитилди. Портлаш шу даражада зўр эдики, ҳаҳрамонларимизни ҳаво тўлқини кўтариб ерга урди. Машина титилиб кетди. Осмонга ўрлаган олов портлашдан қолган ишларни охирига етказмоқчидек ҳамма нарсани ямлаб юта бошлади.

### 3

Бандитлар анча олислаб кетишганига қарамай портлаш овози уларга ҳам эшитилди. Тўхташди. Чанг булути ўтиб кетгач, орқа тарафда қоп-қора тутун чиқариб ёнаётган оловга кўзлари тушди.

— Кутилганга ўхшаймиз, — деди новча қайта кабинага ўти-рар экан. — Ҳайда, кетдик! Изимизга тушмасларидан бурун ол-тинларни қўлга киритишимиз керак. Канал тарафга бур!

Бироздан сүнг чироқ ёруғида ўркач-ўркач тепаликлар күринди. Сув ювіб кеттан тик қирғоқда тұхташди.

Чолни шу ерда тинчтиши керак. Тирик гувоҳлар қанча кам бўлса, шунча яхши. Қани, бўл!

Бақалоқ кузовга чиқиб, Кочубейнинг оёқ-қўлини ечди.

— Туш. Сен етиб келдинг.

Владимир Сисоевичнинг юраги орқага тортиб кетди. Ҳар ҳолда у ҳанузгача нимадандир умид қилаётганди-да. Бари пучга чиқди. Балки шу ерда, балки сал нарироқда уни ажал кутиб ётгандир. Қизиқ, қотиллар уни отишармикан, пичоқ уриб ўлдиришармикин? Нима бўлганда ҳам унинг умри поёнига етиб қолган. Лекин у ўзини молдек бўғизлашларига ҳам, чилвир билан бўғиб ўлдиришларига ҳам йўл қўймайди.

— Олдимга туш! — деб итарди бақалоқ. Кочубей олдинда, бандит орқада боришаётти. Ҳар бир қадам ўлимга яқинлаштираяпти. Бир томонда ўркач-ўркач тепачалар, иккинчи томонда сув ювіб кетган ўпқон қорайиб кўринади. Владимир Сисоевич ҳозирги аҳволини ўйлаб титраб кетди. Юрагининг аллақаेरидадир мудраб ётган ғуур ғимирлаб қолди. Бир неча кундан бери тегирмондек эзиб ётган кўркув ўрнини қаҳр-ғазаб эгаллади. Ахир бутун бир вилоятни ёт деса ётқизиб, тур деса турғизиб юрган одамни итдан-да хор қилишларига чидаб бўларканми!

Владимир Сисоевич шиддат билан орқасига ўгирилди. Сүнг чақалоқнинг бошидек келадиган мушти билан гангигб қолган бандитнинг тумшуғига туширди. Бандид хунук сўкинди, ўтирган кўйи тўппончасини чиқарди, асирининг қоқ манглайини нипонга олди. Тепкини босишга шошилмади. Бир неча қадам нарида қоядек қад кериб турган асирининг юзи машина чироғида оқариб турад, унда кўркувдан асар ҳам йўқ эди. Бандит тўппончасини туширди. Ўрнидан туриб, машина томон юрди. Чол қилт этмади. Қочса бўларди. Қочмади. Қаергаям қочиб бораради. Шундай ҳам оёқда зўрга турибди. Машина ўкириб, олға отилди. Душманнинг мақсади ойдинлашди — асири машина фиддираклари билан босиб-янчиб ўлдиримоқчи. Энг азобли ўлим! Владимир Сисоевич шарт бурилиб, ўпқон бўйлаб югуриб кетди. Машина таъқиб этиб келаяпти. Истаган маҳалда босиб, янчиб кетади. Бандит шошилмайди. Чунки у қаншаридан теккан муштнинг аламидан чиқишига қарор қиласан.

Кочубей қанча чопди, ўзи ҳам билмайди. Оёқлари чалишиб, ииқилади, ҳар гал «Энди туролмасам керак», деб ўйлади, жон ширин — туриб кетади, яна югуради, яна ииқилади.

Ниҳоят бандитнинг сабри тугади. У газ педалини қаттиқ босди. Машина бир ўқчиб олди-да, шердек олға ташланди. Владимир Сисоевич йиқилди, думалаб, йўлнинг нишобига бориб қолди. Машина оёқларини босиб-эзиб ўтиб кетди. У шу лаҳзада ҳушдан кетди. «ЗИЛ» нарироққа бориб тұхтаганини ҳам, бандитлар тик соҳилдан сувга ташлаб юборганиларини ҳам сезмади.

## XXVIII. ХУДОНИНГ ҚАҲРИДАН ҚУЁШ ҲАМ ҚЎРҚДИ

### 1

Сирож бобо ҳафта ўтказиб яна Чўлободга тушди. Унинг кўнглиғаш. Сожида шумхабар билан қаршилатамаса гўрга эди, деган қўрқув бор юрагида. Балки күшхабар тайёрлаб қўйгандир? Бир-бирига қарама-қарши туйғулар билан кўзлаган манзилига етиб борди.

Дарвозани Сожиданинг болаларидан бири очди. У бегона чолга анграйиб қараб турди-да, иштонини бир кўтариб қўйиб:

— Шолом, қойбобо, — деди.

Болакай уни Қорбобо деб ўйлаганини фаҳмлаб, бобо кулиб юборди. У ҳақиқатдан ҳам қорбобога ўхшаб кетарди-да.

— Ваалайкум ассалом, мулла бўлинг, мулла бўлинг, — деб йигитчанинг бошини силади бобо. Кейин киссасидан икки дона попукли қанд олиб болага узатди. Бола олсамми-олмасамми деб иккиланиб қолди.

— Қорбободан совға олмайсанми, қўзим?

Бола рўпарасида турган киши ҳақиқатдан ҳам Қорбобо эканлигига ишонди, попукли қандни олиб, авайлаб чўнгагига солиб қўйди.

— Даданглар уйдами, болам?

— Дададмлаям, аямлаям уйдала.

— Бўлмаса, кириб айт, бобомлар келдилар, де.

Бола чопқиллаб кетди. У Қорбобони биринчи кўрганидан еру кўкка сиғмай бораради. Бобо ҳовли саҳнини тўлдирган анвойи гулларга ҳавас билан боқди. Шу шаҳарликлар қизиқ халқ-да, кафтадек бўш ер топсаям гул экади. Қишлоқларда эса томорқаларни ажриқ босиб ётади. Йил — ўн икки ой даладан бери келмайдиган дехқон нимаям қилсин. Унда томорқада ишлашга вақт қаерда.

Нонни ейишга вақтни зўрға топади-ю, томорқада ишлашга бало борми. Сабзавот керак бўлса, дўконда сераб, арзимаган пулга бир халтасини беради. Мева-чеваям шундай. Бунга одатий ҳол деб қараш колхозчининг қон-қонига сингиб кетган. Бозорни обод қилиб ўтирганлар ё шаҳарлик, ё бўлмаса дала ишига бўйни ёр бермай қочиб юрган такасалтганлар. Хузур-ҳаловати, бола-чақасининг роҳатидан кечиб, пахта етиштирадиганларнинг баҳтига бир ҳисобда шундай одамларнинг борлиги ҳам яхши.

Оёқ товушлари бобонинг югурук хаёлларини тўзгитиб юборди. Эр-хотин орқа-олдин чиқиб келишди. Уларнинг олдида ҳалиги болакай чопқиллаб келарди.

Кўришдилар. Сожиданинг эри ўзига ўхшаган очиқ йигит экан. Елкасига чопон ташлаган, оёғида шиппак. У ота билан юз йиллик қадрдонлардай кўришди. Сожида-ку, бобони ўтқизишга жой тополмайди.

— Қалай, болаларим, соғ-саломат ўтирибсизларми? Болалар соғ-саломатми?

Ота сўрашяпти-ю, асл муддаста ўтолмайди. Ўтса, ноҳуш хабар эшитишдан безиллади. Сожиданинг авзойидан на хуш, на ноҳуш хабар борлигини англомайди. «Демак, дарагини топишомаган. Э воҳ, сўнгти илинжим ҳам пучга чиқадиган бўлди! Қайлардасан, қизим? Ўликмисан, тирикмисан? Шўрлик отангнинг қарғишига қолдингми, қизим?! Сени қарғагунча тилим тош қотса бўлмасмиди. Гўрларга кириш навбати ота-она турганда болагами?! Эй, худо, мен гуноҳкор бандангни қандай гуноҳлари учун бунча азобларга гирифтор қилдинг?

Сироҳ бобо ич-ичдан қўйилиб келаётган ва ёлғиз ўзи эшитаётган койишу надоматларни тўхтатиб, қулоқ солишига мажбур бўлди. Унинг қулогига Гўзалнинг қўнғироқдек овози чалинди. Арвоҳ! Қизимнинг арвоҳлари мени чақирмоқда!

Бобо бир сония қўзларини юмиб, товуш тақрорланишини кутди. Арвоҳ бўлсаям майли, қизининг товушини тўйиб-тўйиб эшитади-ку.

Бу гал товуш шундоққина ёнидан эшитилди:

— Дадажон, ассалому-алайкум! Бу — менман.

Бобо қўзларини чирт юмиб олди. Унинг лаблари титраб, қалима қайтара бошлади:

— Ва-ла ҳавла вала қуввата....

— Амакижон, бу қизингиз Гўзалхон-ку, танимадингизми?

Сожиданинг гапидан сўнг бобо арвоҳни эмас, тирик қизини кўраётганини англади. Унинг юраги ёмон ҳаприқди. Ҳолсиз қўлларини чўзганча қизига талпинди:

— Отагинанг ўлсин, болам, бормисан...

Ушлаб қолишимаса бобо юзтубан йиқиларди. Құллари шалвираб, оқсоч боши шилт этиб күксига тушди.

Фам ззид ташлаган Сирож бобо шодликни күтаролмади. Нене яхши ва ёмон кунларда ғинг этмаган юрак қурғур мақсадга етдим деганда панд берди-я! Отакон умри поёнига этиб қолганини тушунди. У шошмади, ваҳимага ҳам тушмади. Энди қаерга ҳам шошарди. Бутун умри давомида Оллоҳнинг ҳар бир баңдаси учун ўлим ҳақ эканлигига иймон келтириб яшаган одамга ўлим юриб چарчаган йўловчи манзилга етгандек гап-ку! Фақат бир нарса армонли бўлди — қизини энди топдим, деганда ундан жудо бўляпти. Дийдорига тўйиб қараёлмади. Майли, шунисига ҳам шукр, соғ-саломат бор экан. Илоё шу хонадон соҳибларининг иймонини саломат қил, топғанлари тўйларига буюрсин. Сен ҳамма нарсага қодирсан ва яна ихтиёр ўзингда...

«Тез ёрдам» куттириб қўймади. Беморни кўздан кечирган шифокор тезда касалхонага ётқизиш лозимлигини уқтириди. Гўзал бирга кетди.

Докторлар навбатма-навбат бобони текшириб, ташхис қўя бошладилар. Уларнинг ҳаракатларидан Гўзал англаники, отасининг куни битган. Ота-бала видолашсинлар деган мақсадда икковини ёлғиз қолдиришди.

Палата эшигидан охирги шифокор чиқиши билан Сирож бобонинг кўзи лоп этиб очилди. Унинг қонсиз лабларида табассум жилваланди. Гўзал отасининг бағрига отилди. Бобо қоқсуяқ қўллари билан жафокаш қизининг бошини силади.

— Дадажон, қалай, энди дурустмисиз? Сиздан ажраб қолдикми, деб роса қўрқдим.

— Қўрқма, қизим, мен ҳали тирикман. Ўлим ҳар бир баңдасининг бошида бор нарса. Яратган Эгамга минг қатла шукрки, армонли дунёда охирги тилагим — сени кўриб ўлишни насиб этди.

— Дадажон, нега ундей дейсиз? Ҳали кўп яшайсиз...

— Қалай, қизим, ўзинг яхшимисан?.. Қаерларда қолиб кетдинг? Сени кўп қидирдим... Майли, қўй, йиглама. Тақдирни ўзгартириб бўлмас экан. Мен осий дадангни кечиринглар. Сизлар кечирмасаларинг худо ҳам кечирмайди, болам.

— Сиз фариштадек бегуноҳсиз, дадажон...

— Йўқ, опа-сингилларингга кўп озор бердим, бахти қаро бўлишларингга мен сабабчи бўлдим.

— Ундей деманг, дадажон, ундей деманг! Гуноҳларингизни кечирдим, дадажон. Сиз ҳам бизларни кечириңг!

— Хайр, болам, мендан рози булинглар...

Отанинг кўзлари юмилди. Лаблари пирпиради. Ҳонада шивирлаб айтилаётган иймон калимаси эшитилди:

— Ла иллаҳа иллалоҳу Мұҳаммадур расулуллоҳ...

## 2

Гўзал Маҳфузанинг ҳашамдор ҳовлисида бошидан кечиргандарини қўрқинч туш каби бир-бир эслади.

Бир тасодиф туфайли Гўзал қандай қопқонга тушиб қолганигини қалбдан идрок этди.

Ҳовлига келиб-кетаётган нозанин қизлар, сатанг хотинлар, башанг қийинган зракларнинг қадами узилмайди. Бу ерда ҳамма ярим овозда, кўпинча шивирлаб гапиради, бирор-бировнинг отини айтиб чақирмайди. Онда-сондагина таққа-тақ берк эшиклар ортидан ширакайф овозлар кулоққа чалинади.

Маҳфуза берган ичимлик жувоннинг ақл-хушини тамом ўзи-ники қилиб олган. Кўз олдида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни идрок этишдан ақли ожиз. Юқорида эслатилган тасодиф бўлмаганда бу ҳол ҳали узоқ давом этарди.

Яқинда эшиқдан ҳайбатидан от ҳуркадиган одам кириб келди. Гўзал бу одамни аввал кўрган-у, аммо қаерда кўрганини эслай олмади.

Маҳфуза меҳмонни қутоқ очиб қарши олди. Қўлтиқлаб, ўз хонасига олиб кириб кетди.

Бу одам бузуқ хотинлар ўртасида анча шуҳрат қозонганд Эшна-зар раис эди. Раиснинг азойи бузуқлиги bekani ҳушёр тортитирди. Қизи учун ўч олишга келган бўлиши ҳам мумкин! Тадбиркор Маҳфуза сир бермади. Меҳмонни илондек авраб, олдига дастурхон ғорди.

— Қани, раис, дастурхонга қаранг. Мен ҳозир...

— Буёққа ўтириш, Маҳфуза. Сенга гап бор.

— Гап ўлгур қочиб кетмас. Гўшт қовуриб келаман.

«Ҳай, майли. Гўшт қовуриб келса кела қолсин. Эрталабдан бери итдай очман».

Бека вақтдан ютмоқчи эди. У эски жазманининг нозик томонларини яхши билар, шу сабабли ундан кўп ҳайиқмасди. Овқат дарагини эшитиб раис ҳам хушнуд бўлганидан аёл Гўзалининг хонасига кирди.

— Нозик мәхмөн келди. Иzzатини жойига қўймасак бўлмас. Қоракабобни ўлгудек яхши кўради. Мен кабоб қилгунча сиз аччиқ-чучук тайёрлаб туринг, қизим.

Кабоб бир пасда тайёр бўлди. Раис ҳам анча шаштидан тушиб, ёқимли нарсалар ҳақида ўйлай бошлаганди. Айниқса, чинни товоқда таом қўйиб кетган жувонни кўрди-ю, бу ерга нима мақсаддада келганини ҳам унуди. Ким эди бу гўзал — одам қиёфасидаги малакми ё малак қиёфасидаги аёл?! Тўхта, тўхта! Бу ахир қўйиб қўйгандек Маҳфузанинг ўзи-ку! Фақат йигирма-йигирма беш йил олдинги Маҳфузга!

Ёшлигига Маҳфузага тенг келадиган аёл йўқ эди. Не-не йигитлар ҳеч ўйламасдан бу оғатикон жувон учун бошдан кечишга тайёр эди. Талашлар кўп бўлган. Бироқ бу талашларда Эшназар раиснинг қўли баланд келган. Бахти чопиб райкомнинг биринчи котиби курсисига ўтиргандан сўнг Маҳфузга атрофидаги хира пашшаларни ҳайдаб юбориб, бир ўзи эгалик қилиди. Мана шу қасрмонанд уй ҳам унинг пуллари эвазига келган. Ҳа, у даврларни ҳеч иккиланмай «Менинг олтин даврларим эди», дейишга ҳақли эди қария. Шунинг учун айтишар эканда «Султонлик келгандада сур, гадолик олдингдадур», деб. Ҳозирча даврини сурниб, майшат қилиб ётибди. Худо хоҳласа, гадоликни кўрмас. Балки умрининг охиригача хор-зорлик кўрмай яшаш насиб этар унга...

Раиснинг бевош хаёlinи тўзғитиб, хонага Маҳфузага билан унинг қиёфадоши бўлган ёш жувон кириб келишди.

— Сиз амакингизга олин-олинг қилиб туринг, — Маҳфузага шундай деб, жавондан бир шиша коняк, биллур қадаҳлар олди. Тошойнада раиснинг Гўзалга ҳирс билан қараб турганини кўриб, дилига туғиб қўйган нияти қатъийлашди.

«Қари айғир, кўзларинг чарвини кўрган мушукникидек ёнмай ўл. Бир бопламасамми...» Бека раис ўзига қарамаётганидан фойдаланиб ёқасидан қўл тиқиб, кўксидан миттигина шишача олди. Шишача оғзини очиб, қадаҳлардан бирига бир неча томчи шаффоф рангли суюқлик томизди ва шишани яна жойига бекитди. Кейин ҳамма қадаҳларга коняк тўлдириб, мәхмонга манзират қилиди:

— Сиз севган «Напалеон». Атайлаб сақлаб қўйгандим.

Раис Маҳфузага узатган қадаҳга қўл чўзди-ю, миясига лоп этиб шум фикр келди.

— Маҳфузага, сен мен билган аёллар ичида энг гўзали эдинг... Сен менга заҳар берсанг ҳам финг демай ичаман. Аммо бугун биринчи қадаҳни сенга бағишладим. Қани, ўзинг оқ қилиб бер.

Маҳфузә хандон отиб кулди. «Вой, иблис, сезиб қолганга ўхшайди. Ичмасам, гумони ортади».

Маҳфузә қадаҳни лабларига олиб борди, симириди. Қадаҳ яримлади.

— Бўлди-бўлди, менгаям қолдир,— деб раис унинг қўлидан қадаҳни олди. Қалин лабларини йирди-ю, оғзини каппадек очди ва қадаҳда қолган ичимликни унга ағдарди.

— Туяни чўмич билан тўйғазиб бўларканми, қани, шишани ол бу ёқда!

Бу ўхшатишдан Маҳфузә яйраб кулди. Гўзал эса одоб юзасидан қўллари билан кулгисини яширишга уринди. Раис ҳақиқатдан ҳам мавжудотлар орасида туяга кўпроқ ўхшарди.

Бир пасда шишанинг таги кўриниб қолди. Маҳфузә «Мардлик — жонга бало» қабилида, раисга аталган қадаҳни шимиришга шимирди-ю, зум ўтмасдан томирларида шайтонбаччалар диконглаб ўйнаётганлигини туйди. Раис ҳам безовталаниб қолди. Унинг қони ёшига номуносиб тарзда гупурар, бундан ҳам кувонар, ҳам ҳаяжонланарди.

Бека Гўзалга «чиқиб тур», деб им қоқди. Ўзини қўйишга жой тополмай ўтирган жувон дарҳол чой олиб келиш баҳонасида даврани тарк этди.

— Нега чиқиб кетди? — сўради раис Гўзалинг чиқиб кетганидан норозилтигини яширмасдан.

— Ҳозир чой олиб келади.

— Конякка нима қўшгандинг?

— Нима қўшардим? Ҳеч нарса.

— Ёлғон гапирма! Анавини чақир.

Маҳфузә ташқарига чиқиб, эпик орқасида бир пас турди-ла, қайтиб кирди:

— Куриқ чой қолмаган экан, магазинга чиқиб кетибди. Ҳозир келиб қолади, — деб ёлғонни ямламай ютди.

Дори ўз ишини қылган, дунёнинг пасту баландини кўп кўрган ҳар иккала қаҳрамонимиз учун ҳам гўзаликка интилиш, ёшлик ва қарилик деган тупшунчалар ўз рангини йўқотиб бўлганди.

Маҳфузә хўқиз сингари ғайрати тошиб турган қари жазманинг бўйнига осилди...

Гўзал туябашара бу одамни илгари қаерда кўрганини эслади. У — бузуқ қизини қари чол билан ушлаб олиб, жанжал кўтарган одам-ку! Қизини нима қилдийкин? Ўшанда важоҳатидан сўйиб

ташлайдигандек эди. Балки ростдан ҳам ўлдириб, кўмиб юборгандир! Йўғ-е, қизини ўлдирган одамга ўхшамайди. Аммо ўзи ҳам суюгоёқликда қизидан қолишмас экан. Ишқилиб, худо унинг кўлига тушгилик қилмасин-да.

Беканинг хонасидан товушлар эшитила бошлади. Гап орасида аёлнинг қийқириб кулишини раиснинг гулдирак товуши босиб кетарди. Бирорларнинг сұхбатига қулоқ солиш одабсизлик деб санаған Гўзал хона эшигини ёпиб қўйиш учун қўзғалган жойида туриб қолди. Нариги хонадагилар эди уни қизиқтирадиган нарсалар ҳақида гаплаша бошлаган эдилар.

— Одам одамга шунчалик ўхшаш бўладими? Қуйиб қўйган-дек ўзингга ўхшайди-я.

— Ўзим ҳам ҳайронман.

— Аммо-лекин ёшликда сен ундан қолишмас здинг.

— Ёшлик оқар сув экан. Оқди-ю кетди.

— Маҳфузә, эсингдами, биричи марта учрашганимиз?

— Унтиб бўларканми.

— Ўшанда эрингни ташлаб келган кунлар эди. Атрофингда қанчадан-қанча жазмалар хира пашшадек айланишарди. Айниқса, бармогининг учигача жун босгани бор эди-ку. Отини эсдан чиқарибман, ким эди?

— Эслодмаяпман.

— Вай-вай, эсларидан чиқардиларми? Ишонгим келмайди-ёв!

— Қассобми?

— Ҳа, қасособ. Мени сўйиб ташламоқчи бўлганди қизталоқ. Сўйиш мана бунаقا бўлади, деб афт-башарасини туқдан онаси ҳам танимайдиган қилганимни эсларсан?

— Албатта. Устига-устак ўн беш суткага қаматиб ҳам юборгандингиз.

— Балли, эсингда экан. Майли, гап бунда эмас. Мен баъзан сендеқ ҳурлиқо аёл ҳар қандай эркакнинг рўзгорини гуллатиб яшши мумкин эди-ку, деб ўйлаб кетаман. Рости, сенга раҳмим келади. Сендеқ аёлнинг қадрига етмаган эрингни танимайман, танисам ушлаб олиб уриб ўлдирган бўлардим. Нега у сенинг қадрингга етмади. Қизларинг бор, деб эшигандим. Уларнинг тақдирни нима бўлди?

— Ўлик-тиригидан бехабарман, — деб хўрсинди аёл.

— Қиз бола боққунча ит боққан яхши экан. Қизим мени қаро ср билан тенг қилишга бир баҳя қолди. Яхшиямски олдини олдим.

Институтдан академический олиб, уйда ўтирибди. Яқинда эрга узатаяпман. Ўша тепакал профессорни эса худо ўзи жазолади. Кўлдан ўлигини топиб олишганмиш.

— Қизларимни эсимга солиб, зада юрагимнинг яраларини тирнадингиз, раис. Мени бағритош дейишингиз мумкин. Ҳа, бағритошман. Бургага аччиқ қилиб, кўрпасини ёқсан одамларданман. Эримга ҳасд қилиб, қизларимнинг баҳридан кечдим. Оҳ, ёмон дардимни қўзғадингиз, раис!

— Ундаи бўлса, мени кечир...

— Мен ўзимни кечиролмайман. Тақдиримнинг чил-чил синишига фақат ўзим айборман... Негадир охирги пайтларда қизларим тез-тез тушимга кирадиган бўлиб қолишиди. Некликками, бадликками — билолмай қолдим. Шунча йиллар ўтибдиямки, улар ҳамон ўша-ўша. Жамалаксоч, бўйлари бир қаричгина. Айниқса, ўрганчам тушларимдан чиқмайди. Унга меҳрим бўлакча эди, балки шундандир. Тунов куни яна тушимга кирди. Мени кимлардир гулханда ёқишаётганмиш. Эрим гулхан яхшироқ ёнсин, деб қуриган шоҳ-шабба ташлаб турибди. Қизларим чепаклаб сув ташиб, оловга сепишади. Ўрганчам Гўзал «Аяжон, мен ҳам сиз билан бирга ёнай, шояд бу дунёниг азоб-уқубатларидан кутилсам», деб йиглаб, гулханга интилармис. Унинг оловга кирган-кирмаганини билолмай қолдим. Шундан бери юрсам ҳам, ўтирсам ҳам ўша мудҳиш манзара кўз олдимга келаверади.

— Ваҳима бўлиб қолибсан, Маҳфузा.

— Жинни бўлиб кетмаганимга ҳайронман.

— Ҳеч бўлмагандав кеч бўлгани ҳам маъқул, деган мақол бор. Қизларингни дараклаб топ. Ўтар дунё, беш кун фарзандларинг бағрида бўл.

— Топдим ҳам дейлик, хўш, кейинчи? Улар мени она сифатида қабул қилишармикан? Йўқ-йўқ, уларнинг йўли бўлак, менини бўлак. Мен бу дунёда неки ёмон от чиқарган бўлсам, ўзим билан ҳаро ерга кетиши керак. Қизларимнинг менинг касримга қолишларини истамайман! Истамайман!!

— Начора, унда тақдирга тан беришингга тўғри келади.

— Тақдиргинамга ўт тушсин...

Гўзал караҳт бўлиб қолди. Эшикни аста ёпиб, тўшакка тапта ташлаб, эшигларини бир-бир ақл тарозисига тортиб кўра бошлиди. Наҳотки шу аёл унинг туққан онаси бўлса?! Йўқ! Унинг тасаввуридаги онаси фарипгадек пок, боласи учун жонини фидо қилишга ҳам

тайёр туралынан инсон бўлган. Бу туйғу мурғак ёшидан бери юрагидан жой олган. Буни унга бирор ўргаттани эмас, опа-сингиллар ўзлари ўйлаб топишган ва кейинчалик чипта-чин ишонишган.

Гўзал бир қарорга келолмай тўлғонарди. Нима қилин — Маҳфузанинг олдига кириб «Мана, мен қизингиз Гўзал бўламан», десинми? Онасику уни бағрига босар, хурсанд бўлар. Ўзи-чи, ўзи хурсанд бўладими? Шу вақтгача орланиб юрганларини унугта оладими?

Жувон ҳамон ўзи билан ўзи мунозара юритарди:

— Дунёда ўхшаш тақдирлар озми? Сен ана шундайлардан бирига дуч келиб турибсан, — дер эди кўнгли.

— Ўхшаш чеҳралар-чи? Ахир у менга қўйиб қўйгандек ўхшайди-ку? Онам эканлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

— Сенинг онанг фариштадек пок, болалари учун бир жонини минг марта фидо қилишга тайёр туралынан аёл эмасми? Бу-чи...

— Ҳа, тўғри айтасан. Ростдан ҳам адаптанга ўхшайман.

Энди иккинчи «мен» ўжарлик қила бошлади:

— Қанақа одамсан, ўзи! Маҳфуза онангми, онанг эмасми?

— Билолмай қолдим. Бошим айланиб кетди.

— Ундей бўлса, ўзидан сўраб, масалани узил-кесил ҳал қилиб қўймайсанми? Тур, олдига кир, сўра.

— Албатта, шундай қиласан. Ҳар куни минг ўлгандан кўра бир марта ўлганим беҳ. Фақат анави тұябашара чиқиб кетсин.

Иккинчи «мен» бир сўз демади. Жувон мәҳмон кетишини кутиб, тўшакка ёнбошлади. Кўзи илиниб, тұябашара кетиб қолганини сөзмади. У ваҳимали қичқириқдан уйғониб кетди. Димогига аччиқ тутун кирди. Қия эшикдан аланга кўринди.

Уй ёнаётган эди.

Үйнинг бека туралынан қисмида олов ўз ишини қилиб бўлгач, даҳлиз орқали Гўзал турган хонага ўтди. Бу билан қаҳрамонимизнинг қочиб чиқиши мумкин бўлган ягона нажот йўли аланга ичида қолди. Бу муқаррар ҳалокат эди. Жувоннинг миясида «Ўлсам шарманда гарчилликдан бир йўла қутиласман-ку», деган фикр пайдо бўлди. Шу боисдан аланга ҳалқасидан чиқиб кетишига унча ошиқмади. Оловнинг тафтидан бадани жаз-жаз күя бошлаганда эса фурсат бой бериб бўлинган эди. Гўзал тутундан бўғила-бўғила қўшини ҳовлига қараган темир панжара ўрнатилган деразани очиб юборди. Ташқаридан кирган тоза ҳаво оловни баттар алангалантирди. Хонадаги жиҳозлар ёна бошлади. Ёвуз оловнинг тили жувоннинг қўл-оёқларини ялаб ўта бошлади. У талваса ичида қўли-

га илингандын залворлы нарса билан темир панжарани ура бошлади. Беш-олти зарбадан сүңг панжара лиқиллаб қолди. Гүзал жон аччиғида панжарага ёпишган эди, темир түсиққа құшилиб, тизза бүйі ажриққа ағдарилиб туshedи. Тутундан бүгилгап жувон ҳушини йүқтөтгөнини ҳис этиб улгурди, холос.

Фалакда нур сочиб турған қүёш Чүлбодда содир бўлаётган бу воқеаларни томоша қилиш учун бир пас ўз йўлидан тўхтаб, назар солди. Сўнг Оллоҳнинг даҳшатли ғазабига гирифтор бўлиш даҳшатини идрок этгандек, қип-қизарди ва шоша-пиша уфққа бош қўйди.

Сожида болаларни боғчадан олиб келиш учун кеттан эри чикканилигидан безовталаниб, ҳовлига чиқди-ю, қотиб қолди. Қўшини уй алана ичида қолган. Олов осмону фалакка ўрлайди. Қулоқларни қоматга келтириб ўт ўчириш машинаси ўтди, фалавонур кўтарилиди.

Қўшниси ёмон ном чиқаргани сабабли у билан борди-келди қилишмаган. Ҳатто Сожида қўшни аёлни кўчада қўрса танимайди. Нас босган уйнинг бир деразаси ҳовлисига қарагани учун эри билан бир-икки марта ади-бади ҳам айтишиб олган. Шу сабабли олов ямлаб ютаётган уйга қараб «Ажаб бўлибди, хўп бўлибди», деб юборганини ҳам билмай қолди, кейин тавба, деб ёқасини ушлади.

Ёнгин қўшни уйларга ҳам даф қила бошлади. Сожида чопиб-югуриб, оловга яқин жойларда ёниши мумкин бўлган нарсаларни хавфсизроқ жойга таший бошлади. Эри ёнида бўлганда-ку, бунчалик қўрқмас эди. Айниқса, дераза тагида ҳаракатсиз ётган аёлга кўзи тушиб, даҳшат босди. Аёлнинг кийимлари тутай бошлаган эди. Сожида аёлни хавфсизроқ жойга судраб борди. Бир пақир сув келтириб, устидан қўйди. Аёл сесканиб кўзини очди. Тепасида таниш чеҳрали аёлни кўриб, ўйланиб қолди.

— «Қаердаман? Бу аёл ким, уни қаерда кўрганман?»

Сожиданинг лаблари ҳам шу саволни такрорлаб, шивирлар эди.

— Сиз... Гўзалхон эмасмисиз?

— Сожида... опа, бу сизмисиз?! Худога шукр, ахир топдим! — шундай деб Гўзал ҳўнграб йиғлаб юборди.

Сал ўзига келган Гўзал бошидан кечирғанлирни эрининг қариндошларига гапириб берди. Фақат Пўлат ҳақида лом-мим демади.

## XXIX. ҚОТИЛЛИК

### I

Норгул момо Сирож бобонинг таъзижида Гўзални кўрди. Йигисиги ичида кўнгил сўраган бўлди-ю, сұхбатлашишдан қочди. Уч кундирки, момонинг ичига лах ча ўт тушган — икки кўзи эшикда. Бугун бўлмаса эртага Гўзал қелиб ўғлини олиб кетади! Момо Бахтиёржонга қанчалик боғланиб қолганини ана шунда ҳис қилди. У Гўзалнинг дом-дараксиз йўқолиб кетишини истаганмиди? Йўқ, ўлиб қолсаям бирорга ёмонлик тиламайди у. Бўлмаса, нимадан умид қилганди? Бу саволга ҳам момодан жавоб ололмайсиз.

Отасининг учини ўтказган Гўзал тўғри момоникига жўнади. Эшонқишлоқликлар удумига кўра бошдан-оёқ оқ либосга ўралган жувон ўзини бирор таниб қолишидан қўрқмаса ҳам бўларди.

Гўзал Норгул момонинг эски ҳовлиси ўрнида баланд гиштин уй қад кўтариб турганини кўриб, шошиб қолди. У адапиб бошқа кўчага кириб қолибман, деб таққа-тақ тўхтади. Қаерга борсин, кимдан сўрасин?

Зимдан назар солиб, адашмаганини, фақат эски ҳовли-жой ўрнида баланд деворли ҳовли ва гиштин-ҳашамдор уй қад ростлаганини фаҳмлади. Демак, момо ё оламдан ўтган, ё бирорта пулдорга сотиб кеттан. Дарвоза олдида қумдан уй ясад ўтирган болалардан сўраса ҳам бўлади.

Гўзал нақшин-нигорли дарвоза ясенида қумдан уй қуриш билан банд бўлган болаларга разм солар экан, ҳаммасидан ёш, дўмбоққина, бежирим кийинган болакайни кўриб, юраги қинидан чиққундек потирлади. Оналик меҳри бу бола ўз кўксидан чирқи-ратиб узиб, кампирнинг қўлига тутқазиб кетган дилбанди эканлигини айтиб турарди. Она қанот пайдо қилиб, бола томони отилди. Бола «ютаниш» холадан қўрқиб, чинқираб йиғлади. «Хола» боланинг типирчилаб йиғлашига қарамай бағрига босиб, коз-кўзларидан ўпакетди. Ичкаридан Норгул момо ҳаллослаб чиқиб келди. У гап нимадалигини англаб, бир зум тошдек қотди.

Биринчи бўлиб Гўзал ўзига келди. Болани бағридан бўшатиб, ҳамон қимир этмай турган момонинг истиқболига юриб, кўксига бошини қўйди. У ич-ичидан қайнаб келаётган кўзёшларини тийиб туролмади. Шу аснода бошидан желаги сирғалиб ерга тушди. Сунбул соchlари тўзгиб кетди. Йигитларнинг маству мажнун қиласидан бу соchlарга қирор тушганлигини кўрган момо сесканиб кетди. У ўз ғамини унугиб, Гўзални бағрига босди.

\* \* \*

Ўринбойнинг ҳўқизини сўйиб, жиноят устида ушланган ўғрилар қўйиб юборилди. Жиноятни исботловчи далиллар етишмас эмиш! Қанақа далил-қанақа исбот? Бу ҳолдан маҳалла фаолларининг жигибийрони чиқди. Ниҳоят, уч-туртта фронтовой чолни гапнинг тагига етиш мақсадида ички ишлар бўлимига юборадиган бўлишиди.

«Парламентёрлар»ни милиция бошлигининг ўзи қабул қилди.

— Сизлар ўғри деб гумон қилган одамларни қамаш учун далиллар етишмайди. Шу сабабли озод қилишга тўғри келди.

— Қандай далил етишмас экан, билсак бўладими? — савол ташлади Икром чатоқ деб ном чиқарган қария. — Ҳўқиз сўйилгани далил бўлолмайдими? Далил! Халталарга жойланган гўшт-чи? Буям далил. Кўл-оёғи танғиб боғланган ўғриларнинг ўзи-чи? Далилми? Далил! Яна қандай далил етишмаслигини тушунолмай қолдик?

— Қизишманг, отахон. Биламиз, бу ерга сизлар аллақандай муттаҳамни жазодан қутқариш учун змас, балки жазога тортишимизни талаб қилиб келгансизлар. Қани эди, ҳамма ҳам сизлардек бўлса. Аммо айни масалада қонунчиликка сал тишларинг ўтмайроқ турибди. Айтинглар-чи, сизлар ўғри деб гумон қилган кишиларни ҳўқиз сўйганини ким кўрган? Ким ёки кимлар ушлаб боғлаган? Қандай шароитда? Нега ўша «қаҳрамонлар»нинг ўзлари жуфтакни ростлаб қолишиди? Уларнинг ўзлари ким ва мақсадлари нима?

— Биз билмасак? — деб елка қисишиди чоллар.

— Демак, жиноят иши қўзғатиш учун зарур бўлган муҳим бўғин етишмайди. Бу фактми, факт змасми?

— Гап шундаки, сизлар ўйлаётган одамлар ўғри змас, қонуний жазодан қочиб юрган анави «кўзга кўринмас қасоскорлар» ўғри, балки учига чиқсан жиноятчилардир. Ана шулардан қўрқиш керак. Биз уларни ушлаш учун ҳамма чораларни кўраяпмиз. Сизларни ишонтириб айтаманки, улар ўз қилмишлари учун қонун олдида, албатта, жавоб берадилар.

Отахонлар миқ этолмай қолишиди. Милиция бошлиғи ўзининг оташин нутқидан мамнун эди. У киссасидан бежирим халтача чиқарди.

— Чекасизларми?

— Йўқ, раҳмат.

Милиция бошлиғи халтача боғичини очиб, кафтини носга тўлдирди. Сўнг оғзини очиб, носни тилининг тагига ағдарди. Кафтидаги нос юқини «куф» деб пуллаган эди, димоқларига қўланса ҳид урилди.

Милиция бошлиғи сўзини давом эттирди:

— Хўс, тусунайлими?

Ҳамма учун Икром чатоқ жавоб берди:

— Анча чалкаш экан, бизнинг ақлимиз етмай қолди.

— Ҳа, балли, тан олганлайинг яхси. Бу исни қилни қийқ өйадиган қонун посбонлайига қўйиб бейинглай. Сизлайга маслаҳат — маҳаллада тайбиявий ислайнин кучайтийис ҳақида кўпийоқ ўйланглай. Маҳалла — милисанинг таянчи. Маҳалла сизларга таянади. Хўс, ҳамма найсани келисиб олдик секилли?

— Ҳа, албатта.

«Парламентёрлар» билан осонгина тил топишганидан мамнун бўлган милиция бошлиғи деразани очиб, ташқарига носини тупурди, сўнг деразанинг шоҳи пардаси билан лаб-лунжини артаркан:

— Келганинг учун ташаккур, — деб хайрлапди.

Отахонлар милиция бошлиғининг хонасидан ўзгача кайфиятда чиқишиди. Ҳа-я, замон ўзгарибди, одамлар ўзгарибди. Ўғриказзоблар ҳам илгаригиларга ўхшамайди. Етти ухлаб тушингга кирмаган нарсаларни ўйлаб топишади-я.

## 2

Баротнинг баҳтига яхшиямки Норгул момо бор экан. У йигитнинг барча айтганларига ишонди, жони ачиди.

— Болам, балки балоҳўрларнинг оғзини ёпиш учун пул керакдир? Пул топиладиган нарса.

— Пул берадиган бўлсам гуноҳимни тан олган бўлмайманми, момо?

— Иложинг қанча, бу дунёда гуноҳсиз яшаш қийин, гуноҳкорларнинг пичоги мой устида бўлиб қолди.

— Пул ҳам топилди дейлик, аммо уни кимга, қандай қилиб бераман? Йўқ, момо, бу менга тўғри келмайди. Фақат яна бир неча кун шу срда яшаб туришимга рухсат берсангиз бўлди.

— Вой ўргилай, болам, бир умр яшасанг ҳам розиман. Баҳтиёржон ҳам сенга ўрганиб қолди. Қаерга борсанг, изингдан қолмайди неварагинам.

Момонинг галини тасдиқлаб Бахтиёржон Баротнинг қучоғига кириб, ўтириб олди. Йигит дилидаги гусса қўл билан сидириб ташлагандек йўқ бўлди. Қалби бир олам қувончга тўлди. Бахтиёржонни бағрига босиб ўпакетди. Кейин осмонга отиб, ярим йўлда ушлаб қолди. Бола қийқириб кулар, яна кўкларга парвоз қилиш учун қанотларини ёзарди. Бир неча марта кўкка сапчиб, хуморидан чиқди.

Момо икки «гўдак»нинг қилиғидан завқ олади, қалби олижаноб ўй-фикрлар билан тўлади. Қани эди, ўзининг фарзандлари ҳам шулардай оқибатли бўлишса топган-тутганини уларга сарф этмасмиди.

Барот тез-тез ўйга толади. Индамаса, кун бўйи бир нуқтага тикилганча ўтираверади. Бундай пайтларда момо ўзининг ўтмаслашган нигоҳи билан ҳам йигит кўзларига чўккан мунгни кўргандек бўлди. Йигитдан-да баттар зилиб кетади.

— Болам, — деди бир куни кампир Баротнинг елкасига қўлинни қўйиб, — нега бунча кўп ўйлайсан? Ўй-ғам — умрнинг заволи. Айбинг бўлгандаям бошقا гап эди. Ҳаммасини елкангдан ирритиб ташла.

— Айбим бўлганда сира ўйламасдим, момо. Қайтангта яхши бўларди. Суд қилишарди-ю, айбимни бўйнимга қўйиб фалон йилга кесиб юборишарди. Баридан бир йўла қутипардим.

— Астағфурилло де, болам. Қамоқнинг юзини Оллоҳ тескари қиссин. Душманингга ҳам раво кўрма уни.

— Ҳозир тураман-у, тўғри прокурорнинг олдига бораман. Бошимдан ўтганларни айтиб бераман. Ишонса, бахтим, ишонмаса, пешанамдан кўраман.

— Бир иш қилишдан олдин пухта ўйлаб кўр, болам. Сенинг айбсиз эканлигингни мен биламан — ярамас ишлар қўлингдан келмайди. Лекин прокурор, мелиса дегани қуруқ гапингга испонармикан? Ўзинг айтдингку, ҳе йўқ, бе йўқ ярим йил қамаб қўйишиди, деб. Пухта ўйлаб кўр, болам.

— Кўп ўйладим, момо. Бугун бормасам кейин ҳеч қачон боролмайман. Тўрт девор адо қиласи мени, моможон...

Шу пайт ташқаридан боланинг чинқириб йиғлагани эшитилди. Момо шоша-пиша ўша ёққа йўртди. Бирордан сўнг дарвоза ёнидаги дарча очилиб, момо билан бош-оёқ оқ лиbosга ўранган аёл кириб келди. Аёл Бахтиёржонни кўтариб олган. Ҳовлига киришгач, аёл бошидан желагини қўлига олди.

«Гўзал! Бу ўша!!!»

Норгул момо Баротга Сирож бобонинг таъзиясига борганини, ўша ерда Гўзални кўрганини гапириб берганди. Ўшанда Баротнинг юраги ичнiga сифмай кетганини у қаердан ҳам билсин.

Бола типирчилааб, хархаша қилар, Гўзал уни қаттиқроқ бағрига босарди.

— Адага бояман, адага бояман.

Гўзал ярқ этиб боласига қаради. Бола тинмай бир сўзни такрорларди:

— Адага бояман, адага...

Момо изоҳ беришдан қочиб, меҳмонни ичкарига таклиф қилиди. Остонага етганда момо Барот яшириниб юрганини эслаб, тўхтаб қолди. Шу сабабли Гўзални бошқа хонага бошлади. Момо бекорга хавотир бўлаётганди. Чунки Барот аллақачон кўча дебраздан чиқиб кетган, айни чоғда хона бўм-бўш эди.

\* \* \*

Прокуратура биносига етгунча Барот юз тусланди — уни қарама-қарши тўйғулар исканжага оләётганди.

Қабулкона эшигидан кирди-ю, тўхтади. Рўпарадаги столда котиба жувон қофоз титкилаш билан банд эди. У кирувчига бир қур назар ташлади-да, яна ўша ишпини давом эттирди. Барот аста орқага қайтмоқчи бўлиб турганди, котиба тилга кирди:

— Хўш, хизмат?

— Прокурорга кирмоқчи эдим.

— Чақиришганми?

— Меними? Йўқ, ўзим шундай.

— Шахсий масалалар билан ҳафтанинг сешанба кунлари қабул қиласидилар.

Барот бундан ниҳоятда қувонди. Орқага бурилиб, эшик тутқичига қўл узатди. Котиба уни тўхтатиб қолди:

— Шошманг-чи, ҳозир ўзларидан сўраб бераман.

Йигит ноилож курсига ўтириб, кута бошлади. Сал ўтмай ичкаридан чойнак кўтариб котиба чиқди.

— Киринг.

Барот қўштавақали эшиклардан ўтиб, ўзини ҳашаматли ва кенг хонада кўрди. Деразаларга узун шоҳи пардалар осилган. Бежирим қандиллардан хонага нимтатир нур тараплади. Хона ўртасига узун стол қўйилган, унинг икки тарафида баланд суюн-

чиқли юмшоқ стуллар саф тортган. Столнинг тўрида олтин нақши ромда Ленин синчков назар ташлаб турибди. Баротнинг назари сирғалиб, ўзига синчков назар ташлаб турган, хумкалла кишига тушди. Уни кўрди-ю, шоша-пиша салом бериб, «Кирсам бўладими?» деб сўради. Хумкалла бир ишшайди-да:

— Киришга-кирдингиз. Энди мана бу ёққа ўтиринг, — деб жой кўрсатди. — Қани, укам, менда ишнингиз борми?

Барот маъқуллаб бошини иргитди.

— Қулогим сизда?

Барот бу учрашувга узоқ тайёргарлик кўрди. Айтадиган сўзларини обдон ўйлаб олди. Ҳар зҳтимолга деб айтиши лозим бўлгандарини дафтарга ёзиб чиқди. Мана, энди гапирай, деса ўйлаб юрган сўзлари думини ҳам тутқазмайди. Қўйнидан букланган дафтар чиқариб, прокурорга узатди.

— Ҳаммасини шу дафтарга ёзганман.

Прокурор дафтарни олиб, бир сўз демасдан ўқий бошлади. Ўқиган сайин дўнг пешонаси тиришар, ўқтин-ўқтин хат муаллифига қараб қўярди. Мана, ниҳоят прокурор дафтарни ёпиб, бир четга қўйди. Унинг пешонасида реза-реза тер пайдо бўлган эди.

— Мен сизга баъзи саволларни бераман, фақат рост жавоб беринг, — шундай деб прокурор бир четда турган ихчамгина магнитафонни олдига тортиб, қулогини буради. — Тайёрмисиз?

Барот «ҳа» ишорасини қилди.

— «Акамникига ўғирликка тушганларни ушлаб, қўл-оёғини боғладим», деб ёзгансиз. Улар неча киши эди?

— Уч киши эди.

— Сиз-чи?

— Ёлғиз эдим.

— Бу қанақаси бўлди — уч кишига қарши бир ўзингиз? Ҳеч ақлим етмаяпти. Ҳа, яхши, уларнинг шакл-шамойилларини тасвирлаб беринг-чи.

— Қоронғида яхши кўролмадим. Лекин шундай бўлса ҳам иккитасини яхши эслаб қолдим. Бири семиз, бақалоқ. Иккинчи-си новча, ориқ. Спортчига ўхшайди. Ўша ориғи шерикларига иш буюриб турди.

— Улар асосан нима ҳақда гапирдилар?

— Аллақандайдир милиционер ҳақида. Билишимча, ўғрилар унга ҳақ тўлашар экан. Ҳа, яна битта гадой тўғрисида гапиришди. Ўша гадой ўғриларнинг разведкачисидек одам экан.

Прокурор стол ғаладонидан бир даста сурат олиб, йигитнинг олдига ёзиб қўйди:

— Бир қараб кўринг-чи, ўша ўғриларнинг сурати йўқмикан?

Барот улар орасидан иккита суратни танлаб, бир четта сурини кўйди.

— Адашмаяпсизми? — деди прокурор мамнунлигини зўрга яшириб.

— Йўқ, манависи топшириқ бериб тургани. Каратист. Мана бу бақалоқ ҳам яхши эсимда қолган.

— Сизга раҳмат. Булар ҳақиқатдан ҳам катта ўғрилар. Уларни бутун республика бўйлаб қидириб юришибди. Афсус, бу сафар ҳам қочиб кетиши.

— Қочиб кетиши, дейсизми? Ахир...

— Очиқроғи, милициядаги одамлари қочириб юборган. Лекин энди уларнинг ҳомийлари ҳақида биламиз. Бу ҳақда бировга оғиз очманг. Тушундингизми?

— Тушундим.

— Келиб яхши қилдингиз. Бу сизнинг айбингизни бир даражада енгиллаштиради. Ишонаманки, иш судгача бормайди. Сизнинг ишингиз билан ўзим шуғулланаман. Илтимосим шуки, махсус руҳсат бўлмагунча шаҳардан кетиб қолмаслигинги лозим.

— Хўп.

Барот прокурор билан бўлган суҳбатдан кўнгли тоғдек ўсиб, ташқарига чиқди. Табиат ўзгача жозиба касб этган. Қушларнинг чағир-чугур сайрашлари, ариқчадан оқаёттан сувнинг шилдираши ҳам танга ҳузур бағишлайдиган нағмага айланган.

— Олам аввал ҳам шунчалик гўзалмиди? Нега мен буни олдинлари сеъмасдим??

Мана, кекса чинордан бир жуфт барг узилиб, йигитнинг боши узра ҳаволанди, гўё табиат йигитнинг бошидан сочқи сочаётган эди. Барот атайлаб кўччанинг ўртасида шахдам қадамлар ташлаб кетиб бораётди. «Кўриб қўйинглар, одамлар, мен жиноятчи змасман, мен озод қушман!» деб бақиргиси келади. У Норгул момонинг уйига пана-пасқамдан юрмасдан, тўғри кириб борди. Уни Бахтиёржон қучоқ очиб қаршилади:

— Адамла телдила, адамла телдила.

Гўзал дув қизарди. Момо маъноли кўз қисиб қўйди. Йигит хиджолат бўлганини билдирамаслик учун болани бағрига босди.

— Гўзалхон, салом! Яхши юрибсизми?

- Шукр. Ўзингиз қалай, соғ-саломат бормисиз?
- Қалай эмас, тилла деяверинг, тилла!
- Аёллар қизиқиб, унинг оғзини пойлашди.
- Ҳа, бундай қараб қолдиларинг? Ишонаверинглар, ишим беш!

— Вой, бўйгинангдан айланай, болам, ишинг ҳар доим беш эмас, ўн бўлиб юрсин! Қани, бир бошдан гапириб бер. Қаерларга бординг?

Гўзал шу вақттагача Баротнинг саргузаштларидан бехабар эди. Гапнинг бир учини эшлитибоқ ҳанг-манг бўлиб қолди. Сўраб билай деса, момодан истиҳола қилди. Буни сезган момо чой олиб келиш баҳонасида ёшларни ёлғиз қолдирди...

### 3

Эл оғзида юрган миш-мишларда жон борлигига Тўйчи ўзинг болалик йиллари ўтган ҳовлига стиб келганда амин бўлди. Ҳовли бошдан-оёқ қайтадан қурилган. Эски лойшувоқ томли уй ўрнида қизил гиштдан тагконали бино қад ростлаган. Бир неча ой ичизда бунча ўзгариш! Қурилишдан ортиб қолган гишт, тахта ва ёғочлар бир четга тартиб билан тахланган. Уч-тўртта уста елиб-югурниб ишлайди. Иш-боши ҳам ўзларидан. Бир четда катта қозон қайнаб турибди.

Момо уйда экан. У остоңада турган тўнғичини кўриб, анграйиб қолди, шашт билан ўрнидан турди.

— Тўйчимисан? — сўради она ҳамон кўзларига ишонмай. Узоқ вақт ўғлини бағридан бўшатмай унсиз йиглади онаизор. Тўйчи қўлидаги тўрхалтани бир четга қўйди.

— Нималар кўтариб юрибсан, болам?

— Ошнинг ҳомини олиб келдим, она. Мана бу сиз яхши кўрадиган пашмак ҳолва.

— Вой, садағанг кетай, нима қиласардинг ортиқча чиқим қилиб. Худога шукр, ҳамма нарса етарли. Пашмак ҳолва ейдиган тиш қолганми онангда, ўғлим. Жўжабирдек жонсан, уйингга олиб бор, болаларинг билан баҳам кўр. Эшлиб қолса, хотининг билан айтишиб юрма.

— Она, нима деяпсиз, келинингиз ўзи бериб юборди. Анча вақтдан бери иш билан бўлиб, келолмай уятли бўлдик. Олмасангиз келинингиз мени уйга қўймайди-я. Эрта-мертан болаларини етаклаб ўзиям келади.

Она ҳушёр тортди, демак, ўғлининг кутилмаган ташрифида бир гап бор. Айниқса, Севара келин аралашган бўлса, текликка эмас.

Она ичидагини ташига чиқармади. Югуриб-елиб ўғлининг тагига адрес кўрпачалар ташлади, биқинига пар ёстиқларни қаторлатиб қўйди. Дастурхон ёзди. Писта-бодом, қанд-қурс, Эшонгузарнинг ҳозиргина тандирдан узилган машҳур ширмон нонлари бор эди дастурхонда!

— Ўғлим, сен дастурхонга қараб ўтири. Мен усталарнинг овқатидан хабар олай.

Тўйчи ёлғиз қолди. Ҳайратдан оғзи лант очилган. Кўзлари олмакесак теради. Тўрт девордан учтасига Хива гилами қоқилган. Полга учта араби гилам тўшалган. Устига сўзана ёпилган тахмон шифтга тегай деб турибди. Булар ҳали бир хонадаги нарсалар. Буларни Севара ўз кўзи билан кўрса ҳасаддан ёрилиб ўлади.

Тўйчи ҳамма хоналарга бир-бир бошини тиқиб чиқди. Бир хонада одам бўйи баробар холодильник, каттакон телевизор, ёнғоқ дарахтидан ишланган диван, худди шундай оромкурсларни кўриб эси оғиб қолаёзди. Деворда чиройли ромларга солинган рангли-рангсиз суратлар кўйилган. Тўйчи суратларга куз югуртирди. Суратдаги сулув аёлни танимади. Иккинчи ромда дўмбоқчина ўғил бола кулиб турибди. Уни укаларидан бирининг ўғли бўлса керак, деб ўйлади ва ёмон кўриб қолди.

Ҳаммасидан ҳам учинчи сурат унда ноxуш кайфият ўйғотди. Суратдаги йигит — болаликдаги жўраси Ўринбойнинг Барот деган укаси. Норгул момо ўғилларига иш буюрса, улар бир-бирига солиб, онани хуноб қилиб юборишарди. Ана шундай пайтларда оёқ-қўллари чаққон Барот момо айтган ишни қилар ёки айтган жойига гир этиб бориб келарди. Мақтоворни ҳам у эшитарди. Шу туфайли бўйний ўғиллар Баротни зимдан ёқтиришмасди.

Тўйчининг ичини ҳасад ўти куйдира бошлади. Унинг назаридаги онаси ўлиб-нетиб қолса, ҳозиргина кўрганлари — мол-давлат, ўй-ҳовли кимга қолади? Балки туғишган ака-укалар ўртасида тенг бўлинар? Эҳтимол, она оқибатсиз ўғилларининг меросхўр бўлишларини истамас? Бунга унинг тўла маънавий ҳаққи бор. Нима қилиш керак? Нимадир қилиш керак-ку?

Тўйчи ҳар қанча ўйламасин, унинг аҳмоқ калласига бирон ақлли фикр келмади. Тўхта, бунақа жумбоқларни счишга Севаранинг суюги йўқ-ку! Хотин эмас, бало, илоннинг ёгини ялаган донишманд.

Норгул момо ўғлининг кутилмаганда келиши-ю, дабдурустдан кетишга чоғланганини кўриб:

— Менинг тўрт кунлигим борми, беш кунлигим борми, хабар олиб тур, — дейищдан бошқа иложи қолмади. Тўйчи хайрлашиб, чиқиб кетди.

Тўйчи дарвоза олида бола кўтарган аёлга дуч келди. Саломлашиб, нарироқ боргач, бу хотинни таниди. Бир вақтлар Эпонгузарда шов-шуввларга сабаб бўлган Гўзал деган жувон. Собиқрайкомнинг беваси. Ҳали кўрган суратдаги аёл ҳам шу эканлигини сал кейин фаҳмлади.

Севара эринни сабрсизлик билан кутаётган эди.

Мана, Тўйчи уйга кириб келди. Оғзи қулоғида.

— Бордингизми?

— Бордим, хотинъон, бордим. Онам салом айтиб юбордилар.

— Саломат бўлсинлар. Гапиринг-чи, нималарни кўрдингиз, нималар эшитдингиз?

— Айтсам ишонмайсан. Уй эмас, қаср! Нуқул қизил фиштдан. Баландлигидан қуш учиб ўтолмайди. Уйнинг ичидаги одам жонидан бошқа нарса бор. Ақлдан озиб қолишимга оз қолди.

— Яхшиямки менинг баҳтимга ақлдан озиб қўяқолмапсиз. Бунча пулни қаердан олганини ҳар ҳолда сизга айтмагандир қайнонагинам?

— Айтмади. Мен ҳам сўрамадим. Аммо-лекин меросга давъогарлар биз ўйлагандан кўра кўпроққа ўхшайди.

Севара чаён чақъандек салчиб турди:

— Сабаб?

— Деворга ҳўанави Ўриннинг укаси бор-ку, оти Барот, ўшанинг каттайтирилган суратини осиб қўйибди. Тағин битта оғатижоннинг сурати. уни сен ҳам яхши танийсан. Қамалиб кетган раёном бор эди-ку, ўшанинг беваси. Мен чиқаётсан, у кириб келди. Бироз ўтирсан бўларкан. Қазоси етиб онам ўлса, ана шулар меросга шериклик қилишмасмикин?

Севаранинг мияси соатдек ишлай бошлиди: «Райкомнинг беваси бўлса, иш жиддийга ўхшайди. Эри қамоқда ўлган. Топган тутганини давлат олиб қўйган, деб эшитгандик. Қатиқ тўкилса, юқи қолади-ку. Демак, бу аёл давлатининг бир қисмини қайнонамниги яширган. Қурилишни кампип эмас, ана шу бева қилаялти. Вой тулкилар-еъ, вой фирибгарлар-сий!»

— Меросимизга шерик бўлади, деб қўрқаяпсизми?

— Ҳа, албатта, шундай бўлиши мумкин.

— Йўқ, улар меросга шерик эмас, қонуний эга бўлиб чиқадилар! Сизга ҳам, укаларингизга ҳам бу меросдан ҳемири тегмайди, деб ўйлайман.

— Нафасингни иссиқ қил, хотин. Нега ундаи дейсан?

— Сизнинг ақлингиз етариши бундай масалаларга. Менинг гапларимга яхшилаб қулоқ солинг. — Севара зрига ўз тахминларини гапириб берди.

— Ақлингта қойилман, хотин. Шу фикр нега менинг калламга келмаганинга ҳайронман. Хўш, эндиғи маслаҳат қандай бўлди?

— Энди шошмай турасиз. Бу ишни икковимиз уddaрай олмаймиз. Мен озроқ ўйлаб кўришим керак. Фақат сиз оғзингизга эҳтиёт бўлинг.

Севарани қайнонасининг давлатига шерик бўлиш қаноатлантирумас эди. Шундай қилиш керак-ки, ҳовли-жойлар бутунлигича уники бўлиши керак. Шундай йўл топиш керак-ки, кампир уларни ўзининг меросхўри қилиб тайинласин. Кампир ўлиб қолса ҳам ўз ихтиёри билан бунга рози бўлмайди. Уни мажбур қилиш керак!

Севара калаванинг учини топгандек бўлди. Дили чағонлашиб, бири-биридан яхши режалар туғила бошлади. Афсуски, қовоқбош эри билан бу ишни уddaраб бўлмайди. Шошма-шошма, бундай ишда унга кўмаклашадиган одам бор-ку! Бу ўзи ишлаётган боғчанинг хўжалик ишлари мудири Қўчқор. У Севаранинг бир оғиз сўзига маҳтал, «гаҳ» деса қўлига кўнади. Исми жисмига мос. Одамдан тап тортмайди. Шунчалиги билан Севаранинг олдида ҳалимдек юмшоқ, кўзичноқдек ювош бўлиб қолади. Тўйчи хотинини ана шу йигиттага зимдан рапш қиласди, кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ.

Ана шу йигитни ишга солади. Бу режанинг ярми бажарилди, деган гап. Иккинчи қисми манави галварсни кўндиришда. Кўнади, кўнмай қаергаям борарди. Ҳар қандай йиглоқи боланинг қўлига хўрөзқанд тутқазсанг бир зумда овунади-ку.

Тўйчи анчадан бери хотинининг оғзини пойлади. Унинг узоқ вақт ўйга толиши бир шум фикрни ўйлаётганидан дарак беради. Мана, ниҳоят, хотини жилмайди. Юзидағи тундликдан асар ҳам қолмади.

— Агар сиз истасангиз, онажонингиз топган-тутганини уй-жойга қўшиб, сизга қўшқўллаб топширадилар.

— Йўғ-е? Нималар деяпсан, хотин?!

— Ўзингиз айтасиз-ку «Бир хотиннинг макри қирқ эшакка юк бўлади», деб. Энди мен шундай бир макр ишлатайки, сизга ўхшаганлардан қирқтаси кўтаролмай, беланги бўлсин.

Хотин қиқир-қиқир кулиб эрининг биқинидан ноз билан чимчилади. Тўйчи ушламоқчи бўлди, тутқич бермай қочди. Эр қувди, хотин ўзини уйга урди. Эр орқасидан кирган эди, Севара тарс этиб эшикни ёпиб, илгакни илди.

— Ҳа, нега тўхтаб қолдингиз?

— Болалар кўриб қолишади, жинни-пинни бўлиб қолдингми?

— Болаларингиз ҳали кўчадан бери келмайди. — Шундай деб Севара елкасидаги боғичларни счиб юборган эди, оқ шойи кўйлак сирғалиб, оёқлари тагига тўшалди. Аёл эр олдида шир яланғоч турарди. Тўйчи олабўжи кўргандек серрайиб қолди.

«Нега бақрайиб турибсан, галварс, келавермайсанми? — деб нафрат билан ўйлади хотин, — Кўчқорнинг тирноғига ҳам арзимайди-я...

## 4

Бугун негадир кўча чироқлари барвақт ўчирилган. Ҳаммаёқ зулмат қўйнига чўккан, икки қадам наридаги нарсани илғаш қийин.

Тун ярмидан оққанда Норгул момонинг дарвозаси олдида учта шарпа пайдо бўлди.

— Мен ўтиб, дарвозани очаман, — деди келувчилардан бири шивирлаб. Шериларидан бири згилиб турди, гапиравчи унинг елкасига чиқди, у ердан деворга кўтарилди. Ҳовлида ит ҳурди. Девор устида турган одам итнинг отини айтиб, сёкингина ҳуштак чалган эди, чакаги ўчди. Бир оздан сўнг деворнинг нариги томонидан «тўп» этган товуш эштилди ва анча вақтгача жимлик ҳукм сурди. Ташибаридагиларнинг тоқати-тоқ бўлаётган ҳам эдики, дарвоза қулфи шиқирлади.

— Товуш чиқармасдан киринглар. Итни қамаб қўйдим.

Бу гапдан кейин қолган икки шарпа ҳам дарвозадан сирғалиб ўтди. Ишонч билан ҳаракат қилишларига қараганда ҳовлининг ўнқир-чўнқиригача бари уларга таниш эканлигини бисса бўлар эди.

Чақирилмаган меҳмонлар Норгул момо яшаётган хона деразаси ёнида тўхташди. Дарвозани очиб берган одам товуш чиқармай деразани ҳам очди.

— Сизлар шу ерда кутиб туринглар,— деди шерикларига дарвозаны очиб берган киши шивирлаб. У чаққонлик билан деразадан ошиб, хонага кириб кетди. Бир оз ўтиб хонада чироқ ёнди. Ташқарыда қолған иккى киши ҳам ўзини хона ичига олди. Уларнинг ҳаммаси бетига қора ниқоб тутган эди.

Босқинчилар хонани кўздан кечиришди. Полга қатор қилиб жой ташланган. Кўрпани бурнигача тортиб ухлаётган жувон безовта қимирлади, сўнг кўзини очиб, тепасида серрайиб турган нотаниш одамларни кўриб, эсонаси чиқиб кетди.

«Ҳозир дод солиб, ишни расво қиласди!»

Яқин турган босқинчи белкуракдек бесунақай кафти билан аёлнинг оғзини ёпди ва дўриллаган овоз билан:

— Финг десанг, асфаласофинга жўнатаман! — деб пўписа қилди. У шу даражада қаттиқ гапирдики, Норгул момо ҳам уйғониб, ёстиқдан бошини кўтарди. Унинг оппоқ сочлари тўзгиб кетган, турмуш қийинчиликларидан орттирган чукур ажинлар пешонасини қоплаган. Момонинг киртайган кўзлари босқинчиларга қадалди. Улардан бири бенхтиёр ўзини панага олди.

Момонинг ўқтам товуши эптилди:

— Кимсизлар, сизларга нима керак?

— Кимлигимиз билан ишинг бўлмасин. Нима учун келганимиз худога ҳам, бандага ҳам аён — пул! Пул, пул!!

— Пулми? Пул де. Қанча керак?

— Эллик, йўқ, юз минг!

— Бунча пулни қаердан оламан?

— Бу ҳовли-жойни, ҳою ҳашамни ниманинг ҳисобидан қурдинг? Юз минг сенда бўлмай, кимда бўлади??

— Бор эди, зинди қолмади.

— Оқ сочинг билан ёлғон сўйлама, кампир! Биламиз, сенга катта мерос қолган.

— Йигитгина ўлмагур, кимлигинги билмадим-у, сал овсар одамга ўхшайсан. Эрим раҳматли оддий ямоқчи ўтган. Ўшандан мерос қолармиди?

— Гапни айлантирма! Кимдан мерос қолгани мени қизиқтирамайди. Ё мен айтган пулни топиб берасан, ё манави болани кўзинг олдида бўғизлайман!

Бу сўзлар ҳамон доңг қотиб ўтирган жувонга яшин теккандек таъсир қилди. У боласини бағрига босди:

— Йўқ, йўқ, боламга тегманглар!

— Кампир мен айтган пулни топиб берса, болангга тегмай-  
миз. Акс ҳолда...

— Холажон, боламни қутқаринг! Ахир сиз уни жон-дилингиз-  
дан яхши күрасиз-ку?!

— Құрқма, қызим, құрқма. Неварагинамнинг бир тола ҳаром  
тукига арзимайды дунёнинг моли, — шундай деб босқинчига юз-  
ланди: — Кучинг норасида болага етдими? Қўйвор уни!

— Пул-чи?

— Анави тахмонни тушир. Пул ўша ерда.

Бир пасда кўрпа-тўшак тўрут томонга улоқтирилди. Ерга дас-  
та-даста пуллар тушди. Босқинчилар уларни очкўзлик билан  
қўйинларига тиқа бошлашди. Ўғрибошининг миясига ажойиб  
фикр келди — калирнинг олтинлари ҳам бўлиши керак! Сал қий-  
наса, олтинлар яширилган жойни ҳам айтиб беради.

— Олтинлар қани?!

— Менда олтин нима қилсин?

— Ҳали шунақами? Ўз ихтиёринг билан айтмасанг, ўзингдан  
кўр!

Тўйчи дилининг туб-тубидан илондек ғимирлаб чиқиб келаёт-  
ган виждан азобига аранг чидаб турарди. «Бари ҳазил, ёлғонда-  
кам пўписа. Пулларни оламиз-у, чиқиб кетамиз», — деб ўзини  
ишонтиromoқчи бўларди у.

Эвоҳ, ҳазилнинг зили чиқадиган бўлди!

Қизишиб кетган Қўчқорнинг қўлида чилвир пайдо бўлди. Шу  
вақтгача эси оғиб ўтирган Гўзал бир шиддат билан сапчиб туриб  
уни итариб юборди, иккинчи босқинчининг юзидағи ниқобини юлиб  
олди. Ниқоби йиртилган босқинчининг узун соchlари елкасига ёйи-  
либ кетди. Гўзал аёлни таниб, донг қотди, аммо бир сўз айтишга  
улгурмади, бошидан зарба саб, момонинг оёқлари остига йиқилди.  
Қўчқор момонинг бўйнига чилвир солиб бўға бошлади.

Тўйчининг ичиди портлади! У Қўчқорнинг бошига  
мушт туширди. Кўзи қонга тўлган Қўчқор бир тепиб, рақибини  
ерга ағдарди.

— Қўчқор, ўлдир уни! — деб бақирди Севара. — Ўлдирма-  
санг, икковимизният сотади. Мана, болта. Ўлдир!

Ҳаммаёққа қон сачради.

Қўчқор ҳушини йиғиб олганда ўзини чопиб ташланган мур-  
далар орасида кўрди. Рўпарасида бойқушга ўхшаб Севара қараб  
турарди. Нигоҳи бирам совуқ. «Нима қилиб қўйдим? — алам

билин ўйлади қотил. — Энди нима бўлади?! Ҳаммасига мана бу фар сабабчи! У кутқу солди дилимга. Тинчтина яшаб юргандимкү? Илондек авради, қўлимга болта тутқазиб, «Ўлдир!» деган шу иблис эмасми!?

Қўчқор энгашиб, ерда ётган болтани олди. Бармоқларига қон чилп-чилп ёпишиди. У Севара томон юрди. Аёл ўйнашининг мақсадини сезди. Тили танглайида қотди. Бақирмади, қочишга ҳам уринмади. Фақат қўллари билан юзини бекитди...

Қўчқор авваллари одам ўлдирмаган бўлса ҳам ҳар хил жиноятлари учун бир неча марта қамалиб чиққанди. Шу боис қамалишдан кўп ҳам қўрқмади. У миясига келган фикрдан хунук тиржайиб:

— Шундай қиласки, устаси фаранг изқувар ҳам бу жумбоқни ечолмай, бармоқ тишлиб қолсин! — деб ғўлдиради...

### XXX. ПОЛКОВНИК ДАРҒАЗАБ

#### I

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Қорабоевнинг атрофи баланд девор билан ўралган уйи. Ҳовлига кираверишда фуқаро кийимидағи киши мудраб ўтирибди. Аслида бу бошлиқ уйини қўриқлаш учун қўйилган навбатчи милиционер. Унинг изнисиз ҳовлига пашша ҳам киролмайди.

Дам олиш куни бўлгани учун Қорабоев бошқармага шошилаётгани йўқ. Навбатчига қўнғироқ қилиб, муҳим янгиликлар бор-йўқлигини билди. Полковник бугунни кечага, эртани бугунга таққослаб, хулосалар чиқаришга одатланган.

Бугун ҳам ана шу одатини тарқ этмади. Кечакуди шу пайтда яқинда тоғли қишлоқлардан бирида ўзига ўт қўйган билим юртининг ўқувчиси бўлган қиз ҳақидаги ҳужжатларни кўздан кечириб чиқаётганди. Текширишда ғалати ҳодиса аниқланди. Ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси бўлмиш қиз ўз курсдошини севиб қолибди. Йигитга мактуб ёзиб, муҳаббат изҳор қилибди. Мактуб қандайдир йўл билан билим юрти хотин-қизлар кенгаши раисининг қўлига тушади. Шунда у барча ўқувчиларни сафга турғизиб қўйиб, муҳаббат мактубини ўқиб эшилтиради. Бу ҳам етмагандек, ишқий мактубни олган йигитта «ёмон йўлта

кирган қыз»нинг юзига тупуришни буюради. Бундай шармандалика чидай олмаган қыз кечаси ўзининг устига бензин түкиб, ёқиб юборади. Ўлгандан сұнг ҳам шармандалик уни тарк этмайди. Билим юрти раҳбарияти жазодан қутилиб қолиш мақсадида гапта кирадиган уч-тұртта қызға туҳматдан иборат хат ёздериб олади. Гүёки «мархұма ѡмон йўлга кирганига аңча бўлган, дугоналари уни бу йўлдан қайтариш учун кўп ҳаракат қилишган. У қорнидаги ҳомиласини олдирмоқчи бўлиб, шу дугоналарига маслаҳат ҳам солған» экан. Хуллас, фарзандидан жудо бўлган отона номус ўтида ҳам куяди.

Марҳуманинг дугоналаридан бири бу ҳақда хат ёзиб юбормаганида сир-сирлигича қоларди. Қорабоеvнинг ўзи бу ишга бошқаш бўлиб текширув ўтказади. Мурда гўрдан чиқарилиб, қайта экспертиза қилинди. Ҳақиқат ойдинлашди — қыз бокира, гуноҳлардан холи, ҳали ўн гулидан бири очилмаган гунча экан. Ноҳақликнинг пойига болта урилди. Айборлар жазога тортилади.

Полковник ўз ишидан ғурур туйган ҳолда газета-журналларни кўздан кечира бошлади. Улар орасида хат ҳам бор эди. Кимданлиги кўрсатилмаган. Иккиланиб турди-да, очди. Хатнинг биринчи сатрида ёқ чаён чаққандек салчиб тушди: «Сен — Гдлян ва Ивановнинг ялоқхўри! Уларга қўшилиб, орқа-олдингта қарамай ҳаммани бир бошдан қаматаяпсан. Ўзинг ҳам оппоқ эмассан-ку! Сен раҳбар бўлган ўнлаб милиционерларнинг жиноятта бош кўшганлигидан тонасанми?! Улар сенинг ҳам оёғингдан тортади. Сен ҳам борасан ҳамма бораётган жойга! Ҳалиям кеч эмас, ишдан кет! Акс ҳолда суюкли неварангнинг жонига зомин бўласан. Мактубни ким ёзганлигини алтариб овора бўлма, барибир тополмайсан».

Қирқ йиллик иш тажрибасида ҳар хил дўқ-пўписаларни эшиставериб, эти ўлган Қорабоеv ўзини котиржам тутишга ҳар қанча уринмасин бунинг уддасидан чиқолмади. Бу гал душманлари полковникнинг оғриқ жойини бехато нишонга олганди. Ёлғиз ўғлидан нишона — неварасини у жон-дилидан яхши кўрар, еркўкка ишонмасди. Олис сафарларда бўлган чоғларida зумда қўнгироқ қилиб, неварасини суриштирас, то унинг овозини телефонда эшишмагунча тинчимас эди.

Ўтган йили бола қизамиқ билан оғриди. Касаллик оғир кечди. Бир неча кун ўлим билан ҳаёт оралғида яшади. Ҳатто тажрибали врачлар ҳам унинг соғайиб кетишидан умид узишганди. Ана шунда бечора бобо невараси устида қари арслондек юм-юм

ёш түкди. Балки унинг кўзёшларига Худонинг раҳми келгандир. Ҳар ҳолда талваса такрорланмади, тириклик билан ўлим орасидаги узоқ уйқудан сўнг бола шалаббо терга тушиб, кўзини очди.

— Энди хавф ўтди, бола яшайди, — деди доктор енгил тортиб.

Бу хотиралардан полковник кўзи намланганини ҳис этди, бирор кўриб қолмасин, деб апил-тапил рўмолчасини кўзига босди. Сўнг келинини чақириб, боласини боғчага юбормасликни қайта-қайта тайинлади.

— Дада, тинчликми? — Ташвишланиб сўради келин.

— Ўзим шундай. Замон нозик. Аламзадалар кўп. Эҳтиёт бўлган яхши.

Келин маъқул ишорасини қилди. Қайнота-келиннинг суҳбати тугашини кутиб тургандек телефон босиб-босиб жиринглади.

— Эшитаман?

— Ўртоқ полковник, бу сизми?

— Ҳа, менман. Тинчликми?

— Ҳозиргина Эшонгузардан хабар олинди...

Қорабоев наебатчининг ахборотини миқ этмай охиригача тинглади. Тинглаган сайнин пешонаси тиришиб, чакка томирла-ри ўйнаб чиқди. Яна қотиллик! Яна қон! Тафсилоти номаълум.

Охириги пайтларда Эшонгузар районни оғир жиноятлар содир этилаётган жойга айланниб қолди. Район ички ишлар бўлими бошлиғи жиноий гуруҳлар билан ҳамкорлик қилгани учун ишдан олиниб, устидан тегов олиб бориляпти. Унинг ўрнига тайинланган одам эса ишни уддалай олмаяпти. Қасддан одам ўлдириш, ўғирлик, номусга тегиш каби жиноятларнинг аксарияти шу район зиммасига тўғри келади.

— Э, вож, менинг она шаҳрим, сенга нима бўлди? Нега бағриннга бунча кўп бағритошларни жо қилдинг?! — деган сўзлар учди Қорабоевнинг лабларидан.

Бир вақтлар у жонажон қишлоғи билан фахрланарди. Қишлоғи ҳам энинга, ҳам бўйига ўси, паҳта тозалаш заводлари, ёғ экстракция корхонаси қурилди. Қишлоққа шаҳар мақоми берилди. Ўз наебатида эшонқишлоқликлар ҳам Қорбоевни «Қишлоғимиздан чиқдан чекист, биринчи полковник», деб ардоқлашар, у билан фахрланишарди. Сир эмас, бу алқашлар Қорабоевга сариёғдай ёқарди. Дилида «эшонқишлоқлик биринчи генерал» бўлиши орзуси кучайиб бораётган бир пайтда иш тескари кетди. Вилоят раҳбарлари назарида Эшонқишлоқ криминал ҳудуд, қирқ

йил жиноят оламига даҳшат солиб келган Қорабоев эса «қўлидан иш келмайдиган қария»га айланиб қолганди. Айниқса, бу гунги фожиа ҳаммасидан ўтиб тушди. Полковник ўз душманларининг ҳузур қилиб тиржайишларини кўз олдига келтирди. Улар Қорабоевни пенсиятга чиқаришга уриниб кўринишлари учун баҳона топилган эди.

— Балки ростдан ҳам қариб қолгандирман? — деб алам билан ўйлади полковник. — Олдинги шиддат, қаттиққўллик ўрнини сокинлик, мулоҳазакорлик эгаллаганга ўхшайди. Бир вақтлар номимни эшигтан ҳар бир жиноятчи зир титрап эди. Энди бевосита қўл остимда ишлаганлар ҳам ўғри-муттаҳамлар билан тил топишяпти, ҳар хил жиноятларга қўл уришяпти. Вазифадан олиб ташлапларини кутиб ўтирасдан истеъфога чиқаришларини сўраб ариза берсанмикан? Йўқ, бундай қилсам жанг майдонини ташлаб қочган бўламан. Бу менга тўғри келмайди.

— Мен Эшонқишлоқда жўнаятпман, — деди полковник бошқарма навбатчисига кўнгироқ қилиб.

— Машиналарни юборайми?

— Йўқ, керак эмас.

Беш дақиқалардан сўнг фуқаро кийимидағи Қорабоев ўзининг шахсий «Жигули»сида йўлга чиқди. Шаҳар кўчасида машиналар гужон уради, ҳар хил чандаст «ас»ларнинг кутилмаган қалтис ҳаракатларидан эҳтиёт бўлмасанг, туртиб кетишдан ҳам тоймайди, шоввозлар.

Қорабоев бир оз йўл юргач қора рангли «Волга» анча вақтдан бери изма-из келаётганини сезиб қолди. Тезликни пасайтириб, йўл берди, «Волга зса аксинча, секинлашди, боз устига бошқа машиналарнинг панасига бекинишга уринди. Қорабоевнинг шубҳаси ошиди. «Дўстми, душманми, ҳозир текшириб кўрамиз». Полковник газ педалини қаттиқ босди. Машина човидан қамчи еган тулпордек олға қараб сапчиди. «Дум» бир зумда кўздан йўқолди. Аммо кўп ўтмасдан орқани кўрсатадиган ойнада яна қора «Волга» пайдо бўлди. У тобора яқинлашиб келарди. Унинг номер белгиси йўқлиги Қорабоевнинг шубҳасини оширди. «Уҳ, лаънати, ниятинг ёмонга ўхшайди-ку. Майли, яқинроқ кел-чи, башарангни бир кўриб қўяй, ким экансан?»

«Волга» «Жигули» билан ёнма-ён келганда рулда ўтирган кимса беихтиёр Қорабоевга ўгирилиб қаради. Катта қора кўзой-нак унинг юзини тўсиб турарди. Кенг соябонли шляпасини пешо-

насига бостириб кийган. «Ҳозир ё ўқ узади, ё машинаси билан туртиб, йўлдан чиқариб юборади», деган фикр кечди Қорабоевнинг кўнглидан. У машинасини ўнг томонга олиб, тормоз педалини босди. Худди шу дақиқада «Волга» кескин ўнгга бурилди ва қаноти билан «Жигули»га тегай-тегай деб ўтиб кетди.

Олдинда ДАН пости оқариб кўринди. Қора «Волга» тезликни ошириди-да, гўёки ҳеч нима бўлмагандек ўзи йўлига кетди. ДАН постида ҳам уни ҳеч ким тўхтатмади. Жигибийрони чиқсан Қорабоев дабдурустдан йўл ўргасига чопиб чиқсан ДАН инспекторини уриб юбормаслик учун яна бир карра чапдастлик қилишига тўғри келди.

— Ҳужжатларингизни кўрсатинг! — деди сержант бетакаллуфлик билан. Граждан кийимидағи бу одам ўзининг энг катта бошлиғи эканлигини у хаёлига ҳам келтирмаганди. Қорабоев ҳайдовчилик гувоҳномаси ва машинанинг техник паспортини сержантнинг қўлига тутқазди.

— Машинанинг калитини ҳам!

— Нима, қоидани буздимми?

— Буздингиз. Қани, калитни чўзинг!

Машина калитини беришга тўғри келди. Сержант Қорабоевнинг ҳужжатларини очиб ҳам қарамади.

— Калит ва ҳужжатларингиз менда қолади. Сизга рухсат, — сержант шундай деб постга яқинлашиб келган «Москвич»га «тўхта!» ишорасини қилиб, машина йўлига кўндаланг бўлди. «Москвич» шоferи ДАН инспектори танк остига ўзини ташланган жангчи мисол машина олдини тўсиб чиқиши мумкинлигини хаёлига келтирмаган экан шекилли, шошиб қолди, машина биланглаб бориб йўл четидаги ола-була бетон қовиқча урилди. Сержант бир четга чалпак бўлиб йиқилди. Шофернинг ранги девордек оқарди. Чопиб бориб сержантнинг қўлитиғидан олиб, туришга ёрдамлашди, бир четга учиб кетган шалкасини олиб бошига кийгизиб қўди. У тинмай жаварар эди:

— Ака, жонизда қасдиз борми, машинни тайига ўзиэди урасиз?

— Аблаҳ! Кўзингга қарасанг ўласанми?!

— Кўзимга қарадим, ака. Сиз чопиб чиққаниздан сўнг шошиб қолдимда.

— Нияting мени бостириб ўлдириш бўлган! Бўйнингта ол!!

— Иби, ман сизни нега бостириб ўлдрай? Сиз мани арпамни хом ўрдизми?

— Гапни калта қил, правани чиқар!  
— Права мана, ака. Мана буниси мошинни бошпурти.  
Сержант қўлидаги ҳайдовчилик гувоҳномасини тўрт бўлак қилиб йиртди-да, шофернинг бетига қараб отди.  
— Иби! Иби! Нима қилдиз правамди? Правилада права йиртиш йўқ-ку? Устиздан шикоят қиласман! Қилмишиз учун ҳали жавоб берасиз!  
— Бор, истаган жойингта шикоят қил!  
— Бораман! Сизди сўрайдиганлар ҳам топилар!  
Сержант шоферга қараб ҳезланганди, Қорабоев унинг тирса-гидан ушлаб қолди.  
— Сиз ноҳақсиз, сержант.  
— Мен ноҳақман? Бекорларни айтибсан!  
— Сержант! Одамлар билан бундай муомала қилишга сенга ким ҳуқуқ берди?! — ниҳоят портлади Қорабоев.  
— Ҳуқуқни бирор бермайди, уни тортиб оладилар. Тушундингизми, тақсир?!

— Сержант, ким билан гаплашаётганингни биласанми, ўзинг?  
Мен полковник Қорабоев бўламан!

Сержант бир зумгина меровланиб турди, холос:

— Сиз... Сиз Қорабоевмисиз?

— Ҳа!

— Мен сержант Жўраев бўламан. Амирқул Эшназарович.  
Мени танимаслигингиз мумкин, аммо падаримиз сизга яхши таниш бўлишлари керак? — шундай деб сержант тиржайиб полковникка кўл чузди. Полковник бу сурбет одамга нима дейишни билмай қолди.

## 2

Норгул момонинг нақшинкор дарвозасига бир неча кундан бери отнинг калласидек қулф осилган. Дарвоза тирқишига «Бир ҳафта уйда ҳеч ким бўлмайди, кутманглар», деб ёзилган қофоз қистирилган. Дабдурустдан бойхотиннинг ҳеч кимга айтмай кетиши усталарни ажаблантириди. Момонинг бунаقا одати йўқ эди. Усталарнинг кўпи билан икки-уч кунлик иши қолган. Ҳунарманд аҳлига эса вақт ғанимат. Шу сабабдан усталар келишиб, яқиндан бери серқатнов бўлиб қолган Тўйчиникига бориб, момо қаерга кетганини суриштиришга, агар дарвозани очиб берса, қолган ишларини давом эттиришга қарор қилишди.

Тўйчиникида усталарнинг олдига ўн-ўн икки ёшлардаги қиз чиқди. Унинг ҳиққиллаб туриб айтганиларидан маълум бўлдики, онаси билан отаси уч кундан бери уйга келмаган, қаерга кетиштанини ҳам айтишмаган. Ҳатто ишхонасидан Севарани бир неча марта сўраб кетишибди.

Усталарнинг ҳайратига-ҳайрат қўшилди. Кўнгилларга шубҳа мўралади. Бамаслаҳат ички ишлар бўлимига бу ҳақда хабар беришди. Участка инспектори маҳалла вакили ҳамда усталар иштирокида дарвозанинг қулфини синдириб ҳовлига киришди. Қалин қор ёққанлигидан ҳовли сатҳида ҳеч қандай гайритабиий нарса кўзга ташланмасди. Аммо эшиги очиқ турганинги зътиборни тортиди. Милиционер ва бир-икки нафар киши эшикдан кирипди-ю, дарҳол қочиб чиқишибди. Уларнинг ранги девор бўлиб кетган эди.

Бирпастда бу ерга район прокуратураси ва ички ишлар бўлимининг раҳбарлари, суд-медицина экспертизаси ходимлари ҳам етиб келишибди. Манъум воқеа ҳақидаги хабар тезда ҳаммаёқка тарқалди. Қотиллик тафсилотини эшитган жон борки, даҳшатдан сесканиб тушди.

Жиноят жойидан топилган ашёвий даллиларга таяниб, қотил бегона эмас — Норгул момонинг тўнгич ўғли Тўйчи деган қарорга келинди. Кўни-кўшиллар ҳам ана шу гумонларни тасдиқлашди. Аммо разолат сабаблари ҳозирча тахминлардан иборат. Қотил нега онасини, хотини Севарани, Гўзал исмли жувонни ёвузларча чопиб ўлдирган? Қотил ёлғизмиди? Қурбонлар-чи?

Кийим шкафидан топилган, ўлик-тириги номаълум икки-уч ёшлардаги болани шифохонага олиб кетишибди. Мўъжиза юз бериб, докторлар болакайни ҳаётга қайтаришибди. Аммо бола одамови бўлиб қолганди.

— Бу қўрқувдан пайдо бўлган, — деган хулосага келди врач, — уни асл ҳолига қайтариш учун кўп вақт талаб қилинади. Шу сабабли болани ҳеч ким безовта қилмаслиги керак.

Экспертиза қотиллик тахминан 72-80 соат бурун рўй берган деган хулоса чиқарди. Шунга қараб қотилни ушлаш режаси тузилди.

Эл орасида миш-мислар ўтлаб кетди. Улардан баъзилари ҳақиқатга яқиндек кўринарди. Масалан, Тўйчи билан унинг хотини Севара иккови икки олам, эр — оғир-босиқ, топганига қаноат қиласидиган. Хотини унинг акси — аро-тарони яхши кўрарди, эрини оёғи билан кўрсатишини қўшиллар яхши билишарди. Боз устига, сал суюғоёқлиги ҳам йўқ эмас. «Йўқ, дейди бошқа бир

қўшни, қотилликка қайнона-келиннинг ўзаро келишмовчиликлари сабаб бўлган. Икки ўт орасида қолган эр навбатдаги можаро устига тушиб қолган бўлса, аччиқ устида икковини ҳам тинчтиб қўяқолган-да».

Хуллас, ана шунақа ақл бовар қилмайдиган таҳминлар ичидан ростини қидириб топиш мушкул бўлиб қолди.

Кўни-қўшни оғзиға келганини деб тураверсин, биз ҳам қотиллик рўй берган машъум хонага бир қур назар ташлайлик.

Эшикка яқин жойда боши мажақланган Норгул момо шифтга қараб ётибди. Патила-патила оппоқ соchlари боши атрофида ҳосил бўлган қонли кўлмакка тушиб, ёпишиб қолган. Сал нарироқда, гўёки момонинг оёқларидан кучмоқчи бўлгандек кўлларини узатганча Гўзал мук тушган. Ўнг елкаси бўйнига яқин жойдан чопилган, жароҳат жуда чуқур. Дераза ёнида яна бир жасад ётибди. Бу эркакча кийинган аёл жасади. Унинг ўткир қурол билан чўрт узуб ташланган боши бўлиқ сийналари устида ётибди. Кўзлари очиқ қолган, ияги тушган. Жағидаги тилла тишлари чироқ ёруғида чўғдек ялтирайди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Қорабоевнинг тўсатдан кириб келиши терговчиларни шошириб қўйди. Унга рўй берган фожиа ҳақида ахборот беришди.

— Қотил кимлиги аниқландими? — сўради полковник терговчидан.

— Тўпланган далилларга қараб қотил марҳумнинг ўғли Тўйчи эканлиги аниқланди.

— Ушандими?

— Ҳозирча йўқ. Тезкор гуруҳ ташкил этилди. Узоги билан кечгача қўлга олинади.

— Бундай ишонч билан гапиришингизга қараганда қотилнинг изига тушганга ўхшайсизлар?

— Ҳозирча йўқ. Лекин Тўйчи содда, муғамбирликни билмайдиган, дунё кўрмаган одам. Қочиб қаерга ҳам борарди. Борадиган иккита-учта адресини аниқладик.

— Агар Тўйчи сиз айтганчалик содда, дунё кўрмаган одам бўлса, қандай қилиб қотилликка қўл урди экан?

Бу саволга терговчи бирон жўяли жавоб беролмади.

Қорабоев ҳозиргина стиб келган район прокурори ва ички ишлар бўлимининг бошлиғи билан қотиллик бўлган хонани кўздан кечирди. «Милиция ёмон ишлайти. Жиноятчилар бема-

лол ўз ишини қиласыпти. Одамлар ҳалок бўляяпти. Талончилик кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Сен эса ҳеч нарса бўлмагандек кўкрак кериб юрибсан. Тағин генераллик погонини орзу қиласан. Ҳайф сендеқ бошқарма бошлигига!» — деган ичкى ҳайқириқ ларзага солди полковникни. Қотил топилиб, жазога тортилмас экан, эшонқишлоқликлар уни кечирмасликларини ҳис этди.

У керакли топшириқларни берди-да, машинасига ўтириди. Аммо юргизишга улгурмади. Томошибин оломон ичидан ўрта ёшлардаги киши чиқиб, имо-ишора билан бир оз сабр қилишни сўради. «Ким у, дўстми, душманми? Менда нима иши бўлиши мумкин? Балки шикояти бордир?»

— Ўртоқ полковник, узр, бир минутгина вақтингизни сламан.

— Қулогим сизда?

— Мен Норгул момонинг тузларини кўп ичган одамман. Касбим устачиллик. Ана шу уйнинг барча ёғоч ишлари менинг қўлимдан чиққан. Гапнинг қисқаси, шу ҳовлиниңги ишидан-игнаси гача менга маълум.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Ўқимаган одам қурсин, икки оғиз гапни жуфтглаб гапириш ҳам қўлимдан келмайди. Демоқчиманки, ана шу ҳовлида битта бетон ҳовуз бўларди. Ичига мармар териб, фонтанга ўхшаган нарса қилишмоқчи эди. Негадир ана шу ҳовуз жойида йўқ. Фақат момо қурилишдан ортган бир машина семенни ҳовузга тўктириб қўйган эдилар.

— Шошманг, шошманг! Юринг, ўша ҳовузни кўрсатинг, — деди Қорабоев машинадан тушар экан. — Қани бошланг.

— Мана шу ерда бўлиши керак, — деди уста Қорабоевдек улуғ одамни ишонтиrolганидан қувониб.

Бир пасда анча-мунча жойдаги қор кураб ташланди. Ҳовуз ўрнини топиш қийин бўлмади. Лом ва киркалар ишга тушди. Кўнгилли ёрдамчилар кўп бўлғанлиги сабабли ҳадемай ҳовуз тубига етамиз деб ўйлашганди. Бироқ қазиш ишлари осон бўлмади. Цемент билан тўла ҳовузга темир-терсак ташланиб, сўнг сув бостирилган экан. Бир неча кун давомида цемент қотиб, ҳақиқий темир-бетонга айланганди.

Машаққатли меҳнатдан сўнг каттагина ўра очилди. Ўранинг бир четида одам оёғининг панжаси кўринди. Кўнгиллилар чуввос солиб, ўрадан қочиб чиқишиди. Кирка ва лом милиционерларнинг қўлига ўтди. Улар эҳтиёткорлик билан бетонни ушатиб ола бошлашди.

Күн шомга яқынлашғанда қазиши ишлари тугади. Хандак лабига ётқизиб қўйилган мурда ҳамма шубҳасиз қотил деб ўйлаган ва аллақачон қидирув зълон қилинган Тўйчиники эди!

Қидирув боши берк кўчага кириб қолди.

Район прокурори Қорабосев билан маслаҳатлашиб, Норгул момоникига келиб-кетувчиларни аниқлаш, бир-бир сўраб-суриштириш, салгина бўлса ҳам шубҳа уйғотган шахсларни қамоққа олиш ҳақида буйруқ берди. Улар орасида ўғри қассоблар устидан бошланган суд жараёнида гувоҳ сифатида қатнашаётган Барот ҳам бор эди.

\* \* \*

Ўғри қассобларнинг айбини бўйнига қўйиш осон бўлмади. Юзлаб одамларни тергов қилиш, ашёвий далиллар тўплаш керак бўлди. Айниқса, Баротнинг гувоҳлигидан сўнг қассобларнинг кўлидан ҳилич-қалқони ерга тушди. Улар талваса ичидан барча ҳомийларини сотишиди. Оқибатда район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, ОБХСС бошлиғи, яна аллақанча милицияга тегишли одамлар қора курсига ўтқазилди.

Мана, бир неча ой давом этган шов-шувли суд охирига етайдеб қолди. Судга раислик қилувчи «Ҳукм зартага ўқилади», деб зълон қилди.

Барот яна бир кечи шаҳар меҳмонхонасида ётиб қоладиган бўлди. У зартага суд залидан меҳмонхонага келиб юрмаслик учун сафар анжомларини тайёрлаб, кейин каравотга чўзилди. Тезда уйга қайтишини, онасидек бўлиб қолган Норгул момони, туғишган инисидек суюқти Баҳтиёржонни ва албатта, малаклар малаги Гўзал билан дийдор кўришишини ўйлаб, ширин орзулар оғушида ухлаб қолди.

Туш кўрди. Қизиқ, Норгул момо билан Гўзал гижинглаган қизил от устида кетиб боришарди. Олдиларига Баҳтиёржонни ўтқазишган. От мункиб кетиб, Баҳтиёржон йиқилиб тушди. Момо ҳам, Гўзал ҳам бепарво. Бола «Мени ҳам олиб кетинглар», деб йиғлаб, уларнинг ортидан чопади. Барот болани кўтариб олди, бағрига босиб эркалади.

— Ҳозир сени отга миндириб қўяман, қўй, йиғлама, — деб болани кўтарганча отга эргашади. Барот ҳам қўлларини силкитиб парвоз қиласди. Етдим-етдим деганда нимадир сёғидан ерга қараб торта бошлади. «Ҳалиям тошдан қутимаган эканман-да», деб афсус қиласди.

Барот шалаббо терга тушеб уйғонди. У ҳамон құлларини қанотта үхшатып қимирлатаётганини сезди. Юрагига ғашлик ўрмалаб кирди. Туриб душга тушди. Ғашлик тобора кучайды. Яна қаравотта чүзилди. Ҳар қанча уринмасин тонг оттунча күзига уйқу келмади.

Суд соат 10 га тайинланган. Айбдорлар, даъвогарлар, оқловчилар-у, қораловчилар, Баротта үхшаган гувоҳлар-у, шунчаки томошабинлар жамулжам. Судья ва халқ маслаҳатчилари чиқиб, ҳукмни зылон қилишига барча маҳтал. Ҳамманинг күзи эшикда. Эшик очилиб, суд залига ўн чөгли милиционер кириб келди. Улар барча эшик ва деразаларнинг олдини ўраб олипди. Ҳамманинг зътибори ўшаларга қаратылди. Барот ҳам бундай зътиёт чораларини маъқуллаб, жим қузатып ўтирибди. Милиционерлар орасидан икки нафари ажралып чиқиб, Барот томон кела бошлади. Улар йигитнинг икки ёнига ўтиб тұхтапди. Йигит сергакланди.

— Қаршилик қилиш бефойда, сиз қамоққа олиндингиз! — деб шивирлади қўнғиз мўйловли зобит. — Кўлингизни беринг! — Иккинчи зобит чаққонлик билан Баротнинг қўлига кишан солди.

### XXXI. ОЛТИН БАЛИҚЧА

Валентина уйқудан тиниқиб уйғонди. Мазза қилиб керишди. Шундан сўнгтина ўзининг бегона жойда эканлигини пайқаб қолди. Каравотда оёқларини осилтириб ўтирганча хонани кўздан кечирди. Ис босган деворлар, тахта рафдаги беҳисоб шиша ва сопол идишлар. Қаердадир кўрган эди у буларни аввал ҳам. Қаерда? Эслолмади. Аммо кўнгли тинч, хотиржам, ҳатто хушнудлик қамраб олган эди унинг вужудини. Пардоз-андозга ўчбўлганилиги боис хонада ойна бормикан, деб атрофга аланглади. Шапалоқдеккина ойна дераза олдида ётарди. Қувона-қувона қўлига олди. Ойнада сутга чайиб олгандек оппоқ юэлар, мовий дентгизни зслатувчи кўзлар боқиб турарди. Бўйни нега боғланган? У зътиёткорлик билан босиб кўрди. Жароҳат? Қачон, қаерда, қандай?

Лоп этиб бири-биридан кўрқинчли воқеалар эсига тушди. Владимир Сисоевичнинг тасодифий ўлеми, даҳшат ичидан шаҳар кўчаларида чопиб юргани, милиция машинасига дуч келиб, кўл кўтаргани, уни овлоқ жойдаги ДАН постига олиб боришгани...

Даҳшат! Разолат! Милиционерлардан бунчалик разилликни кутмаганди. Уларнинг ифлос кучогида ётишдан ўлимни афзал кўрди. Дарвоҷе, унга ўқ узишди-я! Бўйнидаги яра ўшандан бўлиши кепрак. Сувдан қандай чиқди, уни бу ерга ким олиб келди?

Валентинанинг хотирасида кейинги воқеалар аста-секин жонланди. Пахмоқ соқолли чолни ва ёш йигитни эслади. Ҳатто чолнинг «Энди ўлмайди», деган сўзлари қулоқлари остида жаранглаб эшигилгандек бўлди.

— Оҳ, менинг халоскорларим! Мен бир умрга сизлардан қарздорман. Қаердасиз, азизларим?

Эшик очилиб, кулбага чол кирди. У хона ўртасида турган аслни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди. Унинг лабида табасум пайдо бўлди.

— Қалай, яранг оғримаяттими? — деб сўради ўзбекчалаб. Аёл чол нима ҳақда сўраганлигини фаҳмлади:

— Яхши-яхши. Адашмасам менинг халоскорим сиз бўласиз.  
**Топдимми?**

— Нима деяпсан, қулоғим оғир, қаттиқроқ гапир?

— Мени сиз қутқардингиз, тўғрими? — деб бақириб сўради **хумон**.

— Э, йўқ.

— Бўлмаса, ким, анави йигитми?

— У ҳам эмас.

— Бўлмаса, ким?

— Оллоҳ.

— Ким?

— Бизда Оллоҳ, сизларда бог дейишади. Сени ўша қутқарди. Унинг марҳамати кенг. Биз бир сабабчи бўлдик, холос.

— Раҳмат, ота, яхшиликларингизни бир умрга унутмайман.

— Аввало Оллоҳга шукр қил. Биз бандалари унинг иҳтиёриз бирон иш қилишга ожизмиз.

— Ота, кечадан бери роса ухлабман. Гўёки ҳеч нима бўлмандек сезаяпман ўзимни.

— Кечадан бери дейсанми? Йўқ, қизим, сен кечадан бери эмас, бир ҳафта ухладинг. Ҳамма нарсанинг давоси вақт. Менинг доридармонларим қувватингга-қувват қўшган, холос.

Валентинанинг ҳайрати чексиз эди:

— Бир ҳафта! Наҳотки?!

Чол ҳамон қўлида ушлаб турган тугунни столга қўйди.

— Озроқ егулик олиб келдим. Овқатланиб ол.

Жувоннинг мижжаларида ёш кўринди. Бу севинч ва миннатдорчилик ёшлари эди.

\* \* \*

Ойдин кечаси. Канал ёқаси. Катта шаҳарнинг шовқин-сурони стиб келолмайди бу ергача. Тун жимлигини сувда балиқларнинг ўқтинг-ўқтинг шалоплаб ўйноқлашигина бузиши мумкин.

Сувга қармоқ ташлаб, тиззаларини қучоқлаб ўтирган Андрей ширин ўйлар уммонига ғарқ бўлган. Шу боис қумлоқ йўлдан овозсиз юриб келаётган шарпани пайқамай қолди. Келувчи аёл киши эди. У йигитдан бир неча қадам нарида тўхтади. Шамол унинг этакларидан тортқилаб қочди, кейин елкасига тўклиб турган соchlарига ёпишиб тўзғитиб юборди. Аёл нозик бармоқлари билан сочини таради. Унинг бўлиқ кўкраклари ички сирини ошкор қилиб қўйгудек кўтарилиб тушади. Юраги қинидан чиққу-дек потирлайди. У шу пайтгача бирон эркак зоти олдида бу қадар ҳаяжонланмаган, тўғрироғи, бу ҳақда гапирган дугоналари устидан мазах қилиб куларди. Бир ҳафтадирки қалбida ўзгача туғен жўш юради. Муҳаббатми, бу? Шу ёшда-я?! Бўлмаса, нима? Андрейнинг нимаси ёқиб қолди унга. Укаси тенги йигитча. Киссасида ҳемири йўқ балиқчи. Лекин Валентинанинг назарида бошқаларда бўлмаган нимадир бор эди Андреяда. Ўша «нимадир» нима эканлигини жувоннинг ўзи ҳам билмайди.

Андрей кимнингдир нигоҳи ўзига қадалганини сезиб, ўгирилиб қаради. Афсоналардаги сув париси сингари қиёфа касб этган аёлга кўзи тушди.

— Чўчитиб юбордимми, Андрюша? — шундай деб жувон йигитнинг ёнига чўқкалади.

— Жим! — деб шивирлади балиқчи. У тун қаъридан злас-злас келаётган товушларга қулоқ солаёттанди. Овоз эшишилмай қолди. Айни пайтда қармоқлардан бири силтаниб, сув шалоплади. Кўз очиб-юмгунча қумлоқда каттагина зорора балиқ биланглай бошлади. Андрей уни дарҳол сувли челакка ташлади.

— Ҳамма вақт шундай омадлимисиз ё менинг қадамим ёқдими? — кулиб сўради Валентина суҳбат учун баҳона топилганидан суюниб. — Вой, бу балиқнинг чиройлилигини қаранг, тангалари кумушшдек тобланади-я!

— Шуям балиқ бўптими? Ҳозир мен сизга олтин балиқча тутиб бераман.

— Ростдан-а?

— Ҳа, ростдан, — шундай деб ўзига сўйкалаётган жувонни кучоқлаб олди. — Мана, олтин балиқча ушладим!

— Вой-вой, бу кишини қаранглар...

— Чавақ балиқ эмас, нақ олтин балиқ. Гапиришниям билади.

— Ҳа-да, олтин балиқ бўлгандан кейин гапиради-да, — деб эркаланди Валентина йигитнинг қучоғидан кутилиш учун ёлғондакам типирчиларкан. Олтин балиқча пайрови унга ёқиб қолган эди:

— Жон балиқчи, мени қўйиб юбор, қўйиб юборақол?

— Йўқ, семизгина экансан, сендан ажойиб балиқ шўрва пишираман. Ўзиям қорним роса оч қолган пайтда учраганингни қара-я.

— Ёшгина жонимга раҳминг келсин. Мени сувга қўйиб юбор. Эвазига тилаган нарсангни бераман.

— Биламиз, ҳозирги замон олтин балиқларини. Ишлари битса, қайтиб сувда думларини кўрсатмай кетишади.

— Мен ундаилардан эмасман, қўйворақол?

— Йўқ!

— Жон, балиқчи...

Жувоннинг сўзи оғзида қолди. Шу яқин ердан сувнинг шалоплаши ва аянчли товуш эшигилди.

Валентина қўрқанидан Андрейга маҳкам ёпишди. Ой булутлар орасига кириб кетганлиги сабабли ҳаммаёқ зулмат қўйнида қолган эди.

— Кимdir чўкайти, — шивирлади жувон.

— Шунақага ўхшайди.

Йигитнинг гапини тасдиқлагандек, сувнинг шалоплаши ва ёрдамга чақираётган одамнинг фарёди янгради. Шу пайт ой булутлар остидан сузиди чиқди, ҳаммаёқ сутдек ёришди.

— Ана, ана у!

Ўйлаб ўтиришнинг пайти эмасди. Дақиқа сайн ой яна булутлар орасига кириб кетиши мумкин. Шошилиш керак. Андрей бир неча қадам жойгача чопиб борди-да, сувга сакради. У бир шўнгигиб, сув юзига чиқди. Бир неча қадам нарида номаълум одам гарқ бўлаётганди. У жон-жаҳди билан чўкиб кетмаслик учун ҳарашат қилар, аммо тобора бунинг уддасидан чиқолмай қолаётган-

ди. Майиб оёқлари ишламасди, қўллари бир неча соатдан бери ишлайвериб караҳт бўлиб қолганди. Ҳар қанча эҳтиёт бўлмасин, оғзидан ўпкасига мўл-кўл сув кетди. Бундан у жон ҳолатда талвасаланди. Шу вақтгача унинг кўнглида «Бир неча марта жонимга оро кирган најоткор қудрат яна бир марта ёрдамга келмасмикан», деган умид бор эди. Мана, ўша умид ҳам сўнди. Беихтиёр кимдир ва қачондир айтган бир гап эсига тушди. Шу вақтгача бунга сира аҳамият бермаган экан, умрининг поёнида ўша гапни эслаганига ҳайрон қолди. Эмишки, ўлим олдидан ҳар бир одамнинг яшаб ўтган умр йўли унинг кўз олдидан кино лен-тасидек бир-бир ўтаркан. Савоб ишлар бир томонга, гуноҳ ишлар иккинчи томонга хирмондек уйилиб, бандасининг ўзига кўрсатилармиш. Ана шунда осий банда гуноҳ ишларига пушаймон бўлиб, тавба-тазарру қиласмиш-у, аммо тавбалари қабул қилинмасмиш. Бизнинг қаҳрамонимизга ҳам тириклиқдаги яхши ва ёмон томонлари кўрсатиладиган бўлди. Болалигида қилган анча-мунча савоб ишлари хатта тушириб қўйилган экан. Бундан яйраб кетди. «Аканг қарағай ҳам чакки эмас эканман, иш шу зайлда кетаверса, жаннат аталмиш санаториянинг гўзал гўшаларидан менга ҳам муносиб участкалик жой ажратилса ажаб эмас... Ие, буёғи қандай бўлди?»

Ёши улғайган сари, хусусан мансабдорлик рутбасига эришгандан сўнг умрида қилган савоблари тош босмай қолди. Арзимасдек кўринган камчиликлар ҳам гуноҳлар рўйхатига тиркаб қўйилиби. Уларнинг аксариятини унубтиб юборган экан. Баччагар фаришталар битта қолдирмай қофозга тушириб қўйишибди-я.

«Қўшиб ёзишлар аслида бизга нариги дунёдан келганга ўхшайди. Фаришталардан ҳам кўнглим қолди. Шу ишни мен қилган бўлсам, бўйнимга қўйиб бер, исботла! Раз, исботинг йўқми, нима қиласан рўйхатта тиркаб, худони чалғитиб! Бу ишларда бир чеккаси худонинг ўзи ҳам айбдор. Бўлмаса, олий ҳукмдор бўлатуриб бандасининг бутун ихтиёрини ўз ихтиёрига бериб қўярмиди. Ахир ҳозирги замонда бирорни назоратсиз қолдириб бўларсанми. Қўйиб берсанг, бошининг чиқиб олишиади, шоввозлар... Мана, чўкиб ҳам бўлдик. Сассиқ балчиқ — сўнгти маконимиз. Уёғи маълум, гуноҳларимиз кўплиги сабабли асфаласофинга йўлланма тайёрлаб қўйишган бўлса керак. Бу уларнинг кўлидан келади».

Бечора сўнгги дақиқада қопқоронги ўпқонга учиб тушаётган-литини идрок этди. У ярим йўлдаёқ ҳущдан кетди.

\* \* \*

Андрей иккинчи марта сувга шўнғиб, чалажон гавдани қирғоққа судраб чиқди. Валентина ҳам елиб-югуриб ёрдамлашди. Анча саъй-ҳаракатдан сўнг сувдан олиб чиқилган одамнинг юраги ура бошлади ва яна бир оздан сўнг кўзини очди. Ой ерда бўлаётган ҳангомаларни дурустроқ кўрмоқчи бўлгандек булутлар пардаси орасидан мўралади. У нинг мўл-кўл нури ҳозиргина нариги дунёдан қайтган бечоранинг тепакал бошини, сўнгра юзини ёритди. Валентина «вой» деганча орқага тисарилди. Андрей уни бирон газанда чақиб олган гумон қилиб, у томон ўтирилди. Аммо жувон бир сўз демасдан кўмлоқ йўлдан чопиб кетди. У иимадан бунчалик қўрқиб кетди? Ё манави одамни танирмиди? Ахир, Валентина-нинг ўзи ҳам бу овлоқ ерга сирли равишда келиб қолмаганиди?

Андрей анча пайтгача ойдинда югуриб бораётган аёл изидан сўёзиз қараб қолди...

## XXXII. ТҮЙ

Қуёш ботиб, тун қора пардасини судраб келиб қолди. Далани биринчи бўлиб ўқувчилар тарқ этишиди, уларнинг изи билан колхозчи аёллар йўлга тушиши. Чанг кўтариб даладан қайтаётган сигирларнинг, қўй ва эчкиларнинг мўраши ҳаммаёҳни тутиб кетди. Кун бўйи таққа-тақ ёпиқ турган дўконнинг зшиги очилди. Аммо бугун ҳеч ким дўконга чопмади, тандирларга ўт ҳам ёқилмади. Қизу жувонлар бисотларини кавлаштириб, қачонлардир сотиб олинган ва шу вақтгача кераксиз матоҳдек сандиқнинг бир бурчагида ётган упадону сурмадонларини қўлларига олдилар. Йигитлар ҳам қадоқ қўлларини атирсовунлар билан юваб, соч-соққол қиртишлашга тушиши. Момолар зса бутун маҳоратларини қатлама пиширишда кўрсатиши.

Бир ҳафтадан бери дув-дув гап. Кимсан Эшназар раис қизи Гулшодани эрга беряпти!

Гулшода ҳақида эл оралаб юрган висир-висир гапларга қарамасдан уни келин қилиш орзусида юрган мансабтарастлар оз змасди. Уларни Гулшоданинг ўзидан кўра отасининг бойлиги кўпроқ қизиқтираётган эди. Аммо ҳеч ким кутмаган воқеа рўй берди. Област партия комитети биринчи котибининг укаси, мат-

лубот бошқармасининг раиси Эшназар раиснинг қизини ўғли учун сўратиб, совчи юборди.

Бўлажак куёвини Эшназар раис яхши танирди. Мажнуннамо, қасб-корининг тайини йўқ, аммо уч-тўртта ўзига ўҳшагав тақасалтангларни атрофига тўплаб, тегмаганга тегиб, текканга кесак отиб юрган безори. Бўлажак қудасининг давлати ётиб еса етти пуштига етади. Шундай одамга қиз бермай кимга ҳам бе-парди. Аччиқ устида Гулшодани ўзининг шоферига ўз ёнидан тўй қилиб бериб юбормаганига шукр қилди. «Сабрнинг таги сариқ олтин», деб шунга айтсалар керакда.

Совчилар келиб кетишгач, тўйга тайёргарлик қизиб кетди. Бўлажак куёв кунда бўлмаса ҳам ўзининг қора рангли «Мерседес»ида қайлигини кўргани келиб турди. «Почча»ни кўришга мұяссар бўлган аламзада «ошибқарлардан бири куёв ҳақида гап тарқатди. Кечга бориб ҳамма шу ҳақда гапира бошлиди:

- Куёвнинг бир кўзи кўр экан!
- Ол-а, бу гапни қаердан олдинг?
- Қулоғимга қарга шивирлаб кетди. Ишонмасанг, тўйда кўрасан.
- Ти-ш-ш!...
- Вой, ўлибманми бироннинг сирини биронга айтиб.
- Раисимизнинг бўлажак куёвлари мафия эмиш!
- Мафия эмиш? Бу яхпими, ёмонми?
- Оббо, соддасан-да! Мафия дегани, мен сенга айтсан, жиноятчидан ҳам ёмон.
- Ундай бўлса, одам-подам ўлдириганикан, а?
- Жим, овозингни чиқарма!

\* \* \*

Қишлоқ узра карнайларнинг «fat-fat» янгради.

Одамлар гурос-гурос бўлиб тўйхонага шошилдилар.

Минг шамлик электр чироқлари тўйхонани кундузгидек чарогон қилган. Районнинг амалдорман дегани бел боғлаб, хизмат қилиб юрибди. Минг кишига мўлжаллаб жой қилинган. Сархил ноз-неъматлар кўплигидан столларнинг бели букчайган. Лекин ҳали дастурхонларни очишига рухсат йўқ. Күёв томон кечикаётган эди.

Ниҳоят, кўча бошида турнақатор енгил машиналар эскорди кўринади. Карнайлар баланд пардаларда «вата-ват» қилишга

тушди. Сурнайлар нолишидан юраклар сел бўлиб кетди. Эскорд дарвоза олдига етиб тўхтади...

Эшназар раис бошдан кечирган даҳшатли воқеалар оқибатида оғир касалга чалиниб, бир неча кун «ана кетди, мана кетди», бўлиб, ўлим билан тириклик орасида ётди. Биринчи котиб билан қариндош бўлиш севинчи сабаб бўлдими, ҳартугул дарди енгиллашиб, бошини кўтарди. Атрофидагилар ҳам эркин нафас олишди. Тўй тадориги бошлаб юборилди.

Раис ҳамон қувватга кирмаган бўлса-да, қудаларни ўзи кутиб олишга аҳд қилди. Сойибназаров тўйга, албатта, бораман, деб ваъда қилган.

— Кудалар кўриниши билан менга хабар қилинглар, деди раис қўлтиғидан олиб турган йигитга. — Ҳозир эса мени ёлғиз қолдир.

Эшназар раис хаёллар оғушига шўнғиди. Тўйхонанинг повқин-сурони ҳам раиснинг тизгинсиз ўйларига халақит беришдан ожиз эди. Ундан хаёлида жонлантирган иккинчи «Мен» босиб ўтган умр йўли ҳақида сарҳисоб талаб қилаётганди.

\* \* \*

У ёмон яшамади. Эсини танибдики, ҳаётдан ўз улушкини олиш учун курашди. Гоҳ енгди, гоҳо енгилди. Мағлубиятларга ҳам ўргана билиш керак экан. У ҳеч қаҷон тушкунликка тушиб, кўз ёши тўкманган. Йиғлоқиларни жини суймайди. Йўлига тўғаноқ бўлғанларни иймонини сотиб бўлса ҳам маҳв этар экан «Менинг ўрнимда бўлишганди улар ҳам шундай қилишар эди», деб ўзини оқтамоқчи бўлади. Обкомнинг биринчи котибининг укаси билан қариндош бўлаётганини эшигтан дўсту душманлари Эшназар раиснинг ботаётган қуёғи қайтадан порлашидан фол очишиди. Ҳа, унинг омади келган эди.

Омад билан омадсизлик бирга ташриф буюрди. Гулшоданинг унаштириш тўйидан бир-икки кун ўтгач, идорасига номаълум икки киши кириб келди.

— Кимсизлар, сизларга нима керак? — деб жаҳли чиқиб сўради раис.

Унинг изнисиз кабинетига чивин ҳам киритилмасди-да. Раис котибани чақириш учун электр қўнфироқнинг тутмачасини устустига босди.

— Овора бўлма, раис, — деди қора кўзойнакли новча «меҳмон». — Қўнфироқ ишламайди. Котибанг ҳам кетиб қолган. Тез бўл, биз билан бир ерга боришинг керак!

Эшназар раис рўпарасида турғанлар кимлигини фаҳмлади. У қачон бўлса ҳам бу кун келишини биларди. Қўрқанлигини билдирмасликка уринди.

— Қулогим сизларда. Мендан нима истайсизлар?

— Нима исташимизни кейинроқ билиб оласан. Ҳозир биз билан боришинг керак.

— Қаерга?

— Боргандан кейин биласан. Агар бақиришга уринсанг, ўзингдан ўпкала! — деди бандит раиснинг қорнига тўппонча тираб.

Куппа-кундуз куни Эшназар раис йўқолиб қолди. Аввалига бунга ҳеч ким эътибор бермади. Бир-икки марта райондан сўрашгач, уйига одам юборилди. Уйидагилар ҳам унинг қаерга кетганини билишмас экан. Фақат бир киши — раиснинг котибаси фожиа рўй берганини фаҳмлади, аммо ўз вақтида тилини тишлаб қолди.

Шундан сўнг китобхонга бундан аввалги боблардан маълум бўлган шиддатли воқеалар бошланиб кетади. Бандитлар раиснинг бопига итнинг кунини солиб, қийнашди. Пул ва олтинлари яширилган жойни кўрсатишни талаб қилишди. Бир неча марта ўлим билан рўпара келди. Энди адо бўлдим, деган пайтда Владимир Сисоевични етказди. Тақдир яна бандитларга рўпара қилди. Энди нажот йўқдек бўлиб туюлди. Бечора Владимир Сисоевични машина фиддираклари остида зэғилаб, жасадини каналга ташлаб юборишгач, раис пул ва олтинлари яширилган жойни кўрсатмас азоблаб ўлдиришларига кўзи етди. У бойлигининг каттагина қисми яшириб қўйилган жойнинг дарагини айтди.

Бандитлар ўз тилларида маслаҳатлашиб олишди. Яхшиямски уларнинг нима ҳақида гаплашганиликларини Эшназар раис тушунмади, акс ҳолда даҳшатдан шу ернинг ўзида ўлиб қўяқолган бўларди.

— Олтинларни қўлга киритишимиз билан мана бу лаънатини ҳам асфаласофинг жўнатамиз, — деди новча. — Умримда мени ҳеч ким бунчалик лақиллатмаган эди.

— Тўғри, мени ҳам жонимдан тўйдириб юборди. Агар рухсат этсанг, ҳозироқ чавақлаб ташлайман, — деди бақалоқ.

— Йўқ, у ҳали бизга керак бўлади.

Бандитлар тонг отмасдан Эшназар раиснинг қишлоғига етиб келишди. Заҳкаш ариқдан нариёғи раиснинг қишлоғи. Баланд деворли ҳовлига кириш осон бўлмайди. Ҳар бири эшакдек кела-диган итлар кечаси билан занжирини шалдиратиб, ҳовлида айланаб юришади. Бандитлар бунинг чорасини топиб қўйишган. За-

ҳарланган колбаса билан итлар тинчтилади. Қолгани бандиттарнинг маҳоратига боғлиқ.

Оббо, лаънати, ариқ кўпргида рўзапоя ортилган тележка қийшайиб ётибди. Бир гилдираги кўприкдан тушиб кетган. Кўпrik тор бўлганлиги сабабли ёнидан ўтиб кетиб бўлмайди. Ё шатакка олиб тортиб чиқариш керак, ё биратула ариққа итариб юбориб, йўлни очиш лозим.

— Бу тузоқ эмасмикан? — деб шивирлади новча бир зум иккиланиб.

— Ҳозир текшириб кўрамиз, — деди бақалоқ ва хунук сўкиниб, кабина эшигини очди.

— Тушма! — буюрди новча. — Мен одам шарпаларини кўрайман. Бизни лақиплатишиди! Аммо қўлга тирик тушадиган аҳмоқ йўқ. Машинани орқага қайтар! Қутилиб кетишга ҳаракат қиласмиз.

Бақалоқ машинани буриб юборди. Машина чироқлари яхши қуролланган аскарларни ёритиб ўтди.

— Бизни ўраб олишган!

— Кўриб турибман.

— Машинадан тушинглар, қаршилик кўрсатиш бефойда! — деб хириллади қоронғилик бағридан овоз кучайтиргич.

Жавоб бўлмади.

— Ҳей машинадагилар, ухлаб қолдиларингми, нима бало?

Босқинчилар овоз келган тарафга қаратса тасирлатиб ўт отишди. Кимдир додлаб юборди...

Машина бакини ўқ тешиб ўтди. Кучли портлаш эшитилди. Кузовда қўл-оёғи боғлиқ ётган Эшназар раис ўтда тириклай қовурилиш даҳшатидан ҳушини йўқотди.

У касалхонада ўзига келди. Ит талаган жойлари йириинглаб, катта ярага айланган, машина ёнгандан қўл-оёғи қаттиқ куйган эди. Юраги тез-тез хуруж қиладиган бўлиб қолганди. Докторларнинг айтишига қараганда асаблари ҳам ишдан чиқкан, астайдил даволанмаса оқибати яхши бўлмас экан.

Раис сал ўзига келгач, у ётган палатага фуқаро кийимидағи терговчи келиб, сўроқ қилди. Бандитларнинг қўлига қандай тушиб қолгани, у билан қандай муносабатда бўлишгани, қаэрларга боришгани ҳақида сўраб олди. Терговчи вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Кочубей бандитлар қўлида ҳалок бўлганини эшигтгач, сўроқни тўхтатиб, бу ҳақда бошлиғига хабар қилиш учун чиқиб кетди.

Эртаси куни терговчи яна келди. Унинг оғзи қулогида зди.

— Сиз берган маълумотлар жиной гуруҳнинг қонли қилмишларидан бир қисми ва энг охиргиси бўлди, — деди терговчи. — Улар бир неча йилдан бери ёлланма қотилликларда айбланиб, мамлакат бўйлаб қидиругуда зди. Кўп одамнинг ёстигини қутишишган. Сизнинг баҳтингиз бор экан, тирик қолдингиз.

— Ҳойнаҳой бандитлар бу сафар ҳам қутилиб кетишгандир?

— Йўқ, қўлга олиш пайтида иккови ҳам ўлдирилди.

Раиснинг томогига нимадир тиқилди, у шу топда ҳўнграб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди.

— Итга итларча ўлиш насиб этипти-да! Дарвоҷе, бандитларнинг изига қандай тушдиларинг?

— Дастреб вертолёт учувчиси хабар қилди. Кейин пармалаш қудуғидан радиограмма олдик. Бандитларнинг ҳаракат маршрутини ўрганиб, икки-уч жойга пистирма қўйдик. Ана шундай пистирмалардан бири қишлоқ кўприги ёнига қўйилганди. Пистирмада турган жангчилардан бири оғир яраланди.

— Владимир Сисоевичнинг жасадини топишмадими?

— Ҳозирча йўқ. Фаввослар қидиришаётди.

Раиснинг юрак хуружи бошланаётганди. У терговчининг қоғозларига шоша-пиша имзо чекди-да, «Докторни чақиринг», — дейишга улгурди...

\* \* \*

Эшназар раиснинг тўсатдан йўқолиб қолиши, сўнг бир абгор ҳолатда топилиши тўйни анча орқага суриб юборган бўлса, унинг оғир хасталиги сабабли тўйни номаълум муддатга кечиқтириш хавфи туғилди. Бу куёв томонни ҳам, Эшназар раиснинг ўзини ҳам қаноатлантирумас эди.

— Тўй қудалар белгилаган кунда ўтказилади. Қудаларга шундай деб хабар қилинглар, — деди раис. У кўзи очиқлигига енгилтак қизининг тўйини кўришга шошилаётганди.

Куёв томон ва қудалар ташрифидан хабар бериб, карнайлар фат-фатлашга тушди. Ўттиз-қирқтacha енгил машинадан иборат эскорднинг олдида қора зулукдек «Мерседес» келарди. Тўйхонадан сал нарида бошқа машиналар тўхтади. «Мерседес» дарвозага етганда тормоз берди. Ундан жингалак сочлари елкасига тушиб турган, қора кўзойнак тақсан бақалоқ йигит чиқди. Раис

куёви ҳурматига ўрнидан турмоқчи бўлгандек ҳаракат қилди. Ҳафиз илдамлаб етиб келди-да, қулоқлашиб кўриши:

— Салом, адажон. Қалай, тузалиб қолдингизми?

— Раҳмат, ўғлим, бироз дурустман. Ўзингиз яхшимисиз, қудалар дурустми?

— Ҳали-замон кеп қоладилар.

— Амакингиз-чи?

— Амакимни срочний цекага чақиришган. Ўшоқдан поздравительний коборармишлар.

— Бахай, тинчликми?

— Билолмай қолдик. Амаким доим шунаقا. Цекани қоровули телефон қиласаям «Лаббай, нима хизмат?» деб турадилар.

— Амакингизгаям осон тутманг, ўғлим. Элнинг отаси бўлиш осонмас. Бир ёғи замон нозик. Бизларга «Обкомнинг фарроши айтсаям айттанини қилишга мажбурсизлар», деб таълим берганлар. Бу ҳам раҳбарлик санъати ҳисобланади. Майли, ўғлим, сизлар бемалол ўйнаб-кулиб ўтиринглар. Мен бориб бироз дам олай...

Тўй базми бошланди.

Дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Саҳнада республиканинг донғи кетган санъаткорлари баланд авжларда хониш қилишмоқда. Ўртада товуснинг патидан жига қадаган гўзал раққоса чархпалак уриб айланади. Хонандалар ҳам, раққосалар ҳам зумда алмашиб турибди. Шундай номдор тўйда ҳамма ўзини кўрсатиб қолгиси келади-да. Эстрада хонандаларига навбат етганда ҳамма ёқ қий-чув бўлиб кетди. Оркестр даранглаб, ҳалқ куйларидан бирини бошлаб юборди. Ширакайф йигитлар жувон атрофида йўргалай кетиши. Раққоса ҳам бутун маҳоратини кўрсатишига ҳаракат қилиб, хира пашшадек суйкалаётган йигитни думбаси билан туртиб юборди. Давра қий-чув бўлиб кетди. Йигит ўйнаб туриб раққосани таъқиб этар, аммо бу ишнинг роса ҳадисини олган жувон уни доғда қолдириб, нозик жойлари билан туртиб, баттар ҳирсини оширади.

Бечора йигит шалаббо терга тушди. Давра ўртасида туриб, киссаларини ковалаштира бошлади. Қўлига битта ўн сўмлик илашиб чиқди. У пулни боши узра баланд кўтарди. Раққоса яқинроқ келди, пул ёпиширишини кутиб, қилипилай бошлади.

— Битта ўптиранг, пул сеники бўлади.

— Ҳо, ўн сўмга битта ўничми?

— Яна берамай.

— Насияни ўғрига чиқарган, кўзидан.

Йигит чўнтагини кавлаштира бошлаганди, раққоса чақонлик билан қўлидан пулни юлиб олди. Даврада шодумон қийқириқлар янгради. Мулзам бўлган йигит жойига бориб ўтири.

Даврага колхоз омбор мудири билан бош бухгалтер чиқиши. Ҳар иккаласи ҳам шуҳратпастликда бир-биридан қолиш маслигини билган давра аҳди уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини зўр қизиқиш билан кузата бошлиди.

Омбор мудири машшоқлардан бирининг қулоғига нимадир деди. У бош силкиб, «маъқул» ишорасини қилди, сўнг, шерикларига мудирнинг ганини етказди. Мусиқа тинди. Ўйнаётганлар жой-жойида тўхтаб қолишибди. Омбор мудири қўлига микрофонни олди, бир-икки марта «пуф-пуф»лаб, тилга кирди:

— Ҳурматли даврадошлар, азиз меҳмонлар-у, мезбонлар! Бугун ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган раис бобомизнинг фарзандларининг баҳт кечасида ўтирган эканмиз, ҳар биримиз ана шу кечани эсда қоладиган қилиб ўтказишимиз керак. Бунача тўй ҳар юз йилда битта бўлади. Даврамиз тўрини тўлдириб ўтирган укамиз, куёвтўра бўлмиш Ҳафизжон санъат соҳасида беназир. Келинпошша эса ажойиб педагог бўлиб стишиш арафасида турибдилар. Мен ҳозир удумларимизга эндиғина кириб келаётган анъанага асосланиб, даврага куёвтўра билан келинпошшани таклиф этаман!

Унинг қўлидан микрофонни бош бухгалтер олди:

— Мен омбор мудиримизнинг галларига юз фоиз қўшиламан ва яна шуни илова қиласманки, — бош бухгалтер оёқда зўрға турган бўлса ҳам ҳали тили бурро эди, — Ҳафизжон укамиз қўшиқ айтадилар, раққоса синглимиз ўйин тушадилар. Омбор мудири билан мен эса пул қистирамиз.

— Фақат бир шартим бор, — деди омбор мудири оғзиининг таноби қочиб.

— Шартингизни айтинг.

— Бир пачкадан икки марта пул олмайсиз. Ҳар гал янги пачкадан қистирасиз.

Бош бухгалтернинг дами ичига тушиб кетди. «Йўқ», деса — сингилгани бўлади, «Ҳа», деса — бели синади. Яхшиямки, темир сандиқдан икки-уч пачка ўнталик билан йигирма бешталикни олиб, киссасига солиб қўйгани. Шавла кетса-кетсин-у, обрў кетмасин, деган хаёлда:

— Ҳамма шартингиз шуми? — деди қаддини тик тутишга ҳаракат қилиб. — Мана, биз тайёрмиз.

Омбор мудири машшоқларнинг бошлиғига қараб им қоқди. Оркестр даранглади. Даврадагиларнинг қий-чуви ва чапаклари остида келин-куёв даврага тушишди. Колхознинг икки амалдори келин-куёв бошидан пул сочиб юбориши. Одамларнинг ҳайратига, ачинишига ва яна ифодалаш қийин бўлган аллақандайдир ҳислар билан булғанган пуллар бир неча муддат ҳавода сузиб, бу қадар хор бўлганидан ўкингандек бирин-кетин ерга қўнарди.

Келин-куёв даврани бир айлангач, Ҳафиз қайлигини етаклаб, ўз жойига кузатди. Кейин машшоқларнинг олдига келди. Гитарачи йигит тавозе билан унга жой бўшатди. Давра узра ёшлар ўртасида машҳур бўлиб кетган қўшиқ янгради.

Ўртага кийикдек сакраб раққоса чиқди. Унинг қадам ташлашлари ва барча ҳаракатларидан ширақайф йигитлар «оҳ», «уҳ» қила бошладилар. Бош бухгалтер киссасидан бир пачка ўн сўмлик чиқарди-да, ундан бештасини суғуриб олди. Кўз остидан омбор мудирига қараб қўйди. Омбор мудирининг юзида истеҳзо жилваланди.

Раққоса пул қистириёттан бойваччага ўзини тутиб берди. Бош бухгалтер жувоннинг оппоқ маммалари орасига пулни тиқар экан, иккинчи қўли билан ўнг юзига ишора қилди. Раққоса ўша жойидан бағоят ихлос билан чўлпиллатиб ўпди. Бош бухгалтер мамнун тиржайиб, четга чиқиб турди. Навбат омбор мудирига келган эди. У ҳам ўнталик пачканни очди, ўнта ўн сўмликни ўнта бармоғи орасига қистирди, кўриб қўйинглар, дегандек қўлларини баланд кўтарди. Қорнини силкитиб, терга тушиб, ҳарсиллаб қолгунча ўйнади. Пулларни раққосанинг қўлига тутқазди. Яна навбат бош бухгалтерга келди. У ички бир дард билан ўнта ўн сўмликни қистириб юборди. Мудир пинагини ҳам бузмасдан саккизта йигирма бешталиктини бериб юборди. Қистир-қистирнинг охири кўринмасди. Мудир бирваракайига беш юз сўмни қистириб юборгандан сўнг бош бухгалтернинг мазаси қочиб қолди. Ҳақиқатдан маст бўлдими ё ўзини мастиликка солдими, ҳар ҳолда ранги девордек оқарди. уни икки-уч йигит қўлтиғидан олиб, даврадан чиқариб қўйиши. Омбор мудири охирги сўмларни ҳам чиқарди-да, ўз тўйида ёниб қўшиқ айттаётган Ҳафизнинг устидан «садқайи сар» дегандек сочиб юборди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Қудалар келинни олиб жўнаш тараддудига тушишди. Кайфи ошиб қолган куёвни жўралари кўтариб, келин тушган «Мерседес»га тикишди.

Эшназар раис шу кеча ухлай олмади. Тўй яхши ўтган бўлса ҳам кўнгли ғаш, юраги сирқираб оғрийди. Ҳафақонлик сабаби-

ни англай олмайди. Түйни қутлаб келувчилар ҳам раиснинг таъби хира эканлигидан ўзларича маъно қидиришади.

Сиқилиб кетган раис транзистор кулоғини буради. Диктор қандайдир муҳим маълумотни ўқиб тутгатаётган экан:

«Нафақага чиқданлиги муносабати билан област партия комитетининг биринчи котиблити ва бюро аъзолигидан озод қилинди.»

Ким? Қайси област ҳақида гапирди? Нега радиони олдинроқ қўймади?! Раис жон-жаҳди билан радио тўлқинларидан янгилик қидира бошлади. Ярим соатдан сўнг ахборот такрор ўқиб эшиттирилганда у кечадан бери эзиз келган ғашликкниң сабабини тушиунди. Сойибназаров ишдан олинган! Бу ҳам гўрга, энг даҳшатлиси олдинда. Шу вақтгача ҳали биронта раҳбар ишдан олиниб, осонгина қутилиб кетган эмас. Ҳаммаси жавобгарликка тортилди, баъзилари ҳозир ҳам авахталарда азоб чекаяпти, баъзилари Сибир ўрмонларида дараҳт кесиб юрибди. Уларнинг бола-чақалари, қариндош-уруғлари азобга шерик. Наҳотки, қариган чоғимда менинг ҳам бошимга қора кунлар тушса?! Нима учун, ким учун?! Мен ўзимни донишманд, валий санаб юрадим. Дунёнинг келишини олдиндан айтиб бера оламан, деб мақтанардим. Афсус, афсус, хато қилган эканман! Ўз бошимни ўзим кундага қўйиб берибман. Сойибназаров вазифасида бир умр қолади, деб ўйлаганимидинг, мијасини еган чол!

Раиснинг юраги санҷди. Азойи баданини совуқ тер босди.

— Ҳой, ким бор? — дея ингради бемор тобора ҳолдан кетаркан. Унинг нидосини ҳеч ким эшитмади...

### XXXIII. ҚОН ИСИ

#### 1

Баротни бир ойга яқин ушлаб тургандан сўнг қўйиб юборишиди. Нега қамашибди-ю, нега қўйиб юборишиди? Олдинги иш бўйича бўлса керак, деб талмин қилганди. Аммо у ҳақда бирон марта бўлсин эслатишгани йўқ. Мавҳумлиқдан ёмон нарса йўқ, лекин аста-секин одам ўрганар экан.

Кун оралатиб сўроққа чақиришади. Терговчи тўтига ўхшаб фақат битта саволни такрорлайди:

— Норгул момо билан қандай қариндошлигинг бор? Қариндошинг бўлмаса, уникига тез-тез боришдан ва уникида ётиб юришдан маҳсадинг нима эди?

Терговчи ҳар гал Баротга аллақандайдир қофозларга кўл қўйдириб, пўлат сандиқقا ташлайди.

Барот данғиллама уй қурдиргани учун Норгул момо қийин-қистовга олинаётган бўлса керак, деган тусмол-хуносага келди. Бечора момо! Бир умр қўли косов, сочи супурги бўлиб япагани етмаганими бечоранинг. Йигит ўз кулфатларини ҳам унутиб, онасиdek қадрдан бўлиб қолган аёлга ачина бошлади.

Хуллас, Барот навбатчи милиционердан ҳужжатларини олди-ю, хайр-хушни насия қилиб, кўчага чиқди.

Балиқпазлик дўкони олдидан ўтаётib дўсти Андрей-Аҳмаджон эсига тушди. Юраги орзиқиб кетди. Кўргиси келди. Бошига не кўргиликлар тушди экан бечоранинг? Ё ҳаё-ҳуйт деб юртига кетиб қолдимикан? Шунча жойга келиб кўрмай кетса инсофдан бўлмас. Барот «Кўриб кетганим бўлсин», деди-ю, яна ўйланиб қолди. Ахир Андрейнинг манзилини билмайди-ку? Балки Максим тоға билар? Жила қурса бобо билан сұхбатлашиб қайтар.

Максим тоға Баротни хушнуд қарши олди. Отахоннинг соч-соқоли ўсиб кетган, уст-боши бир ҳолатда. Аммо кайфи чоғ.

— Борис, болам, мен қарияни койима, сал анави дардисардан тортганман, — деб ўзини оқлаган бўлди қария. — Дунёда одам кўп экан, ўлган билан адo бўлмас экан. Ҳар куни уч-тўрт кишини дағн этишади. Балки бир кун менинг ҳам навбатим келиб қолар. Аммо қачон? Буни бир Худо билади. Мен ўлимдан кўркмайман. Айтсан ишонмассан — тирикликтан зерикиб кетдим. Очиги, бу ҳаётдан бездим. Паҳлавон Иванинни тупроқка қўйган кунимдан бери тириклар ҳисобида йўқман. Қани, дейман, худонинг менга санаб берган кунлари тезроқ тугаса-ю, болагинамнинг ҳузурига отлансан, — отахоннинг патила-патила соқолларига кўзёшлари томди. У кафтининг орқаси билан кўзларини артиб, гапида давом этди. — Болам, мени айбга буюрма, бу мастиликдан эмас, сени кўриб, ўғлимни кўргандек бўлиб кетдим. Ҳеч кимга фарзанд доғини тортиш насиб этмасин экан.

Барот чолни қандай қилиб овутишни билолмай лол бўлиб қолди. Жонига қариянинг ўзи оро кирди. Кружкага арақ куйиб, йигитнинг қўлига тутқазди:

— Ич! Йўқ, ерга қўймасдан ич! Ҳа, эсим қурсин, айтиш эсимдан чиқибди, бугун Иваниннинг туғилган куни. Зап кел-

дингда, болам. Иккөвлашиб Иванимнинг туғилган кунини нишонлаймиз.

Барот кружкани бошига күтарди. Шур бодринг билан газак қилди.

— Мен вайсақи чолдан хафа бўлма, ўғлим. Ўзингнинг ишларинг қалай? Оқланиб кетдингми?

Барот бошидан кечирғанларини сўзлаб берди. Арақ баданини қиздириб, сўзамол қилиб қўйганди.

Максим тоға бир вақтлар гурзиҳек залворли бўлғанлиги кўриниб турган қоқсук мушти билан столни урди:

— Ўҳ, лаънатилар, ҳалиям тинч қўйишмаяпти, де?!

— Шунақа бўлди.

— Шунақа бўлмаслиги керак!

Барот умидсиз шивирлади:

— Худо билади.

— Тинч қўйишга мажбур қиласмиш!

Баротнинг лабида истеҳзо жилваланди:

— О-ҳо, отахон, зўрсиз-у!

Қария бир сўз демасдан Баротнинг тирсагидан ушлаб, лашлушлар уюлган бурчакка етаклади.

— Манави қопни очиб қара-чи, нима бор экан?

Барот чарм қопнинг оғзини очди-ю, ҳайратдан қотди. Қоп лиқ тұла пул эди. Йигитнинг ҳайратига-ҳайрат қўшиб бир неча даста бели синмаган элликталик ва юзталик пул ерга тап-тап тушди.

Барот унсиз чолга қаради. Унинг рўпарасида тамоман тушкунликка берилган, мункиллаб қолган чол ўрнида елкаларини кериб, бошини мағрур кўтарган паҳлавонсифат одам турарди.

— Кўзларингта ишонмаяпсан, тўғри топдимми?

Барот туш кўрмаёттанига амин бўлди:

— Манавилар қаердан келди? Бари ... ўзингизникими?

Қария гумбуzlаб кулди:

— Банкни ўмарғанман! Шунча пулни банкдан бошқа яна қаердан топасан?

Йигит ифлос нарсага тегиб кетгандек қопдан қўлинни тортиб олди. Буни кўрган чол хохолаб кула бошлади.

— Мен қароқчиларнинг пири бўламан!

Барот аста орқага тисарилди. Унинг дилида ёқимсиз ҳислар уйғониб келаётганди.

Чол кулишдан тўхтади:

— Банкин ўмардим, деганимга лақха ишондингми? Демак, сен ҳали Максим тогани яхши билмас экансан!

— Бўлмаса... бу пуллар қаердан келди?

— Қани, бу ёққа ўтириш. Бир бошдан гапириб бермасам ишонмайдиганга ўхшайсан.

Ўтиришиди.

Қарияни юзида зуҳр этган сохта мағрурлик тарк этиб, у яна ўзининг асл қиёфасига қайтган эди.

\* \* \*

Күш уйқусида ётган Максим тоға аллақандай шарпалардан ўйғониб кетди. Вақт алламаҳал бўлган. Бу пайтда мозористонга ким ҳам келиши мумкин? Балки кафандўзлардир? Ундаи деса, одамлар бу касб билан шуғулланмай қўйишганига кўп йиллар бўлган.

Чол ҳар қанча қулоқ тутмасин шарпалар бошқа эшитилмади. Лекин отахонни уйқу тагомон тарк этиб, дилига безовталик ўрнашиб олганди. Ташқарига чиқди. Осмонда милт этган юлдуз кўринмайди. Икки қадам наридаги нарсани илғаб бўлмайди. Чол бир холосага келганича йўқ эдики, катта йўл тарафдан «тўўп» этган товуш эшитилди. Кейин машинанинг чироги ёниб-ўчди. Узуқ-юлуқ сўзлар, хашакни шитирлатиб босиб келаётган қадам товушлари қулоққа чалинди. Чақирилмаган ва боз устига пусиб келаётгандар ким бўлди экан? Оёқ учиди юриб, кулбасига кирди, деворга осиғлик қўшогиз милтиқни олди, шошмасдан ўқлаб, ташқарига қайтиб чиқди.

Шамол туриб, жоҳилларнинг кўнглидек қоп-қора булатларни тумтарақай қилиб ҳайдаб юборди. Осмон гардишида тўлин ой пайдо бўлди. Ўликлар салтанати сутдек ёришди.

Ташландиқ қабрлардан бири ёнида икки кишининг қораси кўринди. Улар жон-жаҳдлари билан гўрни очишарди. Қабр ниҳоятда абгор бўлиб, у ерга ким ва қачон дағнин этилгани биргина Парвардигорга аён эди. Турган гапки, сирли гўрковларни ўликларнинг энг сунгти бисоти — кийим-бошларини тунаш қизиқтири маётганга ўхшайди. Ундаи бўлса, нега зўр бериб титишашяяпти? Максим тоға уларнинг мақсадларини билиб олмагунча ўзини ошкор этмасликка аҳд қилди.

Эски қабр ўрнида чуқур пайдо бўлди. Қачонлардир тобут вазифасини бажарган, чириб битган тахта бўлаклари ва бир уюм одам суюклари атрофда сочилиб ётарди.

— Бўлди, — деди гўрковлардан бири, — қопни келтири!

Шериги нари кетди. Инқиллаб қопни кўтариб келди.

Қопни икковлашиб гўрга туширдилар. Тобут бўлаклари ва одам суякларини қоп устидан ташлаб, кўмиб юбориши.

Максим тоға халтада битта-яримтанинг жасади бўлса керак, деб тахмин қилди.

Қаерга кўмганимизни эслаб қол, — деди гўрковлардан бири.

— Олдинда нима кутаётганини бир худо билади. Қамалган тақдиримда ҳам бу пулларга дахл қилманглар. Озга қаноат қилисанг, кўпни тежайсан. Пул кўмилган жойни зинҳор-базинҳор ҳеч кимга, ҳатто онангта ҳам айтма. Үқдингми?

Максим тоға кўп вақт ўзбекларнинг орасида яшаганилиги боис улар тилини ҳам бир нав ўрганиб олганди.

Ёши улуғ гўрков ўз васиятини давом эттиради:

— Пахта заводига директор бўлиб топган-тутганим шу ерда. Қанчадан-қанча одамларнинг кўзёшлари звазига келган бу пуллар! Бир тийинини ўёқ-буёққа сарфласаларинг гўримда тикка тураман. Бу гапларимни қулогингта қуиб ол!

Кўча тарафда чироқ ёниб ўчди. «Гўрков»лар шоша-пиша қабристонни тарк этишди. Бирпастдан кейин қабристон девори орқасида машина мотори гуриллади. Худди шуни кутиб турган-дек, милиция машинасининг чинқириги эшитилди. Тун оромини бузган бу товушлар анча вақт шаҳар томондан эшитилиб турдида, кейин тинчиди.

Максим тоға пул кўмилган эски қабр устига ота-бона ўрнатган хочни суғуриб, анча наридаги чўккан қабр устига элтиб ўрнатди. Қайтиб келиб бошқа изларни ҳам йўқотди. У бир неча кун мобайнида пул яширилган қабрдан хабар олиб турди. Тоға ҳазинани нима қилиш устида узоқ ўйлади ва ниҳоят уни давлатта қайтариш керак, деган холосага келди. Пул солинган халтани кулбасига элтиб яшириб қўйди. Баротнинг ташрифи шу кунларга тўғри келган эди.

— Мана, мен пулларни қаердан топганимни ҳам билиб олдинг, — деди отахон Баротга. — Хўш, ана шу пулнинг бир қисмидан фойдаланишга ҳаққим борми-йўқми?

Барот нима дейишни билмасди.

— Мен ҳаққим бор, деб ўйлайман, — деди қария ўз саволига ўзи жавоб бераркан. — Менга тегишли бўлган улушни сени кутқариш учун сарф қиласми. Милициясиниям, судьяниям, прокурорниям пора бериб сотиб олса бўлади бунча пул билан.

«Пора» деган сўз йигитнинг капалагини учирив юборди.

— Пора олганни ҳам, берганни ҳам аяб ўтиришмайди, — деди у шоша-пиша. — Ҳозирча бунга ҳожат ҳам йўқ.

Отахон «Ўзинг биласан», дегандек қўл силтаб қўяқолди.

Нокулай жимлик чўқди.

Барот Аҳмаджон-Андрейни эслади. Отахоннинг тунд юзи ёришиб кетди. Йигитнинг:

— Андрейни кўриб турасизми? — деган саволига:

— Бўлмасам-чи, — деди фуур билин. — Азаматнинг ишлари беш!

— Йўғ-э?

— У сенинг ҳам мушкулингни осон қиласди, деб ўйлайман.

Барот ёрдамига муҳтоҷ бўлмаса-да, дўстининг дарагини топганидан қувонди. Чолни саволга кўмид ташлади.

— Шошма, шошма. Мен ҳали гапирадиган гапимни тугаттаним йўқ. Эшигиб оғзинг ланг очилиб қолади, — отахон атайлаб гапни чўзиш учун шўр бодрингни карт этиб тишлади-да, сўнг уни мазза қилиб чайнади. Шу топда четдан қараган одам отахон учун бодринг кавшашдан муҳимроқ нарса бўлмаса керак, деб ўйларди. Ниҳоят у луқмани ютиб, лаб-лунжини қўли билан артди.

— Ҳа, Андрюшанинг омади кулиб боқди. У нақадар баҳтиёр эканлигини сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан.

— Рост, тасаввур қилолмаяпман?

— Вилоятдаги энг зўр одам, — деди чол кўрсаткич бармоғини осмонга нуқиб. — Андрейнинг тоғаси бўлиб чиқди. Ана шунаقا.

Чол кружкада қолган ароқни бир зарб билан шимириди. Газакка бодринг тишлаб ўтирмади. Йигитнинг тоқатини тоқ қилгиси келмади чоғи.

— Нақ обкомнинг иккинчи котиби — Андрейнинг туғишган тоғаси! Мансабдор тоға жиянига автосервис директорлигини таклиф қилган.

— Оҳ-о, «Худо берса қулига, чиқариб қўяр йўлига», деганлари рост экан-да? Ҳозирдан тасаввур қиляпман ошнамнинг мансаб курсисида талтайиб ўтишини.

— Аммо ошнанг автосервис директорлигига унамабди.

— Сабаб?

— Онамни соғиндим, кетишшим керак, дебди. Тоғаси «Ҳеч бўлмаса, баҳоргача кетмай тур», деб аранг кўндирибди.

— Ақлли йигит. Ишқилиб худо омадини берсин. Бутун бўлмаса, бошқа кун кўрарман. Энди мен кетай, — деб қўзғалди Барот.

— Бир кун-ярим кун ёнимда қолсанг бўларди, — деди қария.  
— Анави дардисарни бирга элтиб топширадик.

— Бормасам бўлмайди. Бошқа вақт бўлганда-ку, албатта, қолардим. Ҳа, дарвоқе, пулни элтиб топшириш шарт эмас. Масалан дейлик, банкка бориб хабар берасиз, вассалом, ўзлари олиб кетишади. Фалвасиям кам бўлади. Сиздан ўзим хабар олиб тураман.

Максим тоға Бароттага Андрейнинг адресини берди. Уни қаердан топишни обдан тушунтириди.

— Яна у ёқ-бу ёққа чақиришса чопиб бориб юрмасдан, аввал Андрейга учраш, — деб тайинлади чол Барот билан қучоқлашиб хайрлашаркан.

## 2

Барот билан хайрлашган Максим тоға шаҳарга тушишга ҳозирлик кўрди. Янги бўлмаса ҳам йиртиқ-ямоқсиз, бир қадар дуруст костюмини эгнига илди. Ранги ўнгиб кетган кигиз шляпасини бошига кўндириди, анча вақтдан бери бир бурчакда ётган ҳассасини қўлига олиб, кулбасидан чиқди. Лиқилдоқ эшикни ёпиб, қулф урди. Эшик олдида тикка турган кўйи папирос тутатди, мириқиб чекди. Оғзидан чиқаётган паға-паға тутунга маҳлиё бўлгандек қараб қолди. Йўқ, у папирос тутунига маҳлиё бўлмаётганди, балки тутун орасидан қабр тошлирига ўйиб ёзадиганлар устахонаси ёнида турган икки нафар бегона одамни кўриб қолганди. Шаҳар «Дафи маросимлари бюроси»нинг қабристон дарвозаси олдидаги устахонасида ишловчиларнинг барини тоға яхши танийди. Булар нотаниш. Сира кўрмаганди. Биттаси бу томонга тез-тез қараб кўяётганилиги чолни сергаклантириди. Бошқа вақт бўлганда-ку, қўл силтаб қўяқолган бўларди. Аммо кулбада, эски шолча билан усти ёпиб кўйилган чарм қопдаги хазина уни ҳушёр бўлишга ундарди. Чол шу топда қалтис ишга қўл урганилигини фаҳмлади. Бирпастда кайфи тарқаб кетди.

Устахона эшиги очилиб, мармартош кўтарган уста чиқди. Атрофга алангләётган одам ва унинг шериги ёрдамга шошилдилар. Улар бир оз гаплашиб туришди. Сўнг уста дўконига, мижозлар эса ўз йўлига қараб кетди. «Илондан қўрқянга чилвир ҳам илон бўлиб кўринаркан-да», деб мийифида кулиб қўйди Максим тоға, кейин сал буқчайганча ҳассасини дўққилатиб, шаҳар томон йўлга тушди.

Бешкент ариғи устига қурилган пивохона одамлар билан гавжум. Бу жой Максим төганинг ҳам севимли масканларидан бири бўлиб, шаҳарга тушса у бу ерга бирров кирмай ўтмасди. Таркиодат амримаҳол, деганларидек отахоннинг сёклари уни тўғри пивохона томон етаклади.

Кружкаларга кўпиртириб пиво қуяётган семиз хотинни кўрди-ю, ҳуши жойига тушди. «Аввал банкка бориб хабар қиласай, пивохўрлик бўлса қочмас», деган ўй кечди унинг дилидан. Шарт бурилиб, кетаётган эди пивошуруш аёл уни кўриб қолди:

— Максим Максимич, нима бало, пулингни ташлаб келдингми, пиво ичмай орқангта қайтаяпсан?

Тоға тўхтаб, жавоб қилмасликнинг иложини қилолмади. Аммо пивошуруш аёл уни галиришга қўймади:

— Ҳа, майли, пулинг бўлмаса ҳечқиси йўқ. Ахир сенга ҳаммамизнинг ҳам ишимиз тушиб туради-ку. Ма, ич, — хотин чолнинг олдига ақлни ўғирлайдиган даражада хушбўй ҳид таратагётган пиволи бокални қўйди.

Чол «бир мири йўқ» деган от қозонмаслик учун киссасини ковлаб бир бойлам юз сўмлик чиқарди. Бу пулларни «Менга ишонишмаса, ашёвий далил қилиб кўрсатаман», деб чарм қопдан олганди. Нафсоният кучлилик қилиб, шу пулдан сарфлашни, қўлига пул тушса ўрнини тўлдириб қўйишни дилидан ўтказди.

— Майли, Афоня, ичсам-ичақолай. Аммо ўз пулимга ичаман, — деди чол сўнг авайлаб битта юз сўмликни дастадан суғуриб олди-да, бунақа пулни ҳар куни кўраётган одамдек камоли хотиржамлик билан пивошурушга узатди.

Сотувчи чолнинг пул ҳовучлаган қўлидан кўз узолмай анграйиб қолди. У пиволи бочка жўмрагини ёпишни ҳам унутиб қўйганди. Шу сабабли кружка тўлиб, роҳатбахш ичимликнинг анча-мунчаси ерга тўкилди. Пивохўрларнинг шодон қийқириқларигина уни ўзига келтирди.

— Максим Максимич, ичкари хонага ўтиб ўтира тур. Озиб-ёсиб бир келибсан, деди кампир маъноли қилиб. Кейин нағбатда турганларга қараб бақирди:

— Ўртоқлар, пиво тамом бўлди, нағбатга турманглар!

— Оббо, энди нағбат етди деганда-я!

— Балки бир кружка-ярим кружка қолгандир?

— Йўқ, бир томчиям қолмади!

— Яна олиб келишадими?

— Албатта, олиб келишади.

Пивохўрлар тарқалишди. Пивофуруш Афоня эса буфетдан бир шиша коняк олиб очди. Шишадаги ичимликий иккита боқалга бўшатди, сўнг устидан кўпиклатиб пиво қўйди. «Максим Максимич, бунаقا антиқа ичимлиқдан ичмабсан, дунёга келмабсан, — деб ҳиринглаб кулди Афоня ўзича. — Ана шу антиқа пиво ёрдамида қабристон қоровулининг шоҳлардек бой бўлишининг сирини билиб оламиз!»

Унча-мунча ичган билан маст бўлмайдиган Максим тоға учеб қолди. Пивофуруш мамнун — ахир чолнинг чўнтағидаги 10 минг сўм оппа-осон унинг чўнтағига тушганди-да. «Чолни иссиғида бу ердан жўнатиш керак. Лекин қандай қилиб... Э, ҳа, топдим, на сих куяди, на кабоб!» — ажойиб фикр калласига келганидан мамнун тиржайиб, телефон номерини терди:

— Бу нол иккими?

— Ҳа, бу нол икки. Нима гап, тинчликми?

— Тинчлик бўлса, сизларни безовта қилармилик. Битта миясини еган чол ичиб олиб, роса тўполон қиласпти.

— Адрессингизни айтинг?

Пивофуруш адресини айтди.

— Кутинглар, наряд юборамиз.

### 3

«Хушёрхона»га олиб келингган Максим тоғани аяб ўтиришмади. Устидан совуқ сув қуйиб, ўзига келтиришди.

— Мен қаердаман? — атрофдагиларга жовдираб, сўради қария.

— Қаерда бўларди — «хушёрхона»да. Шу ёшда тўнғиздек ичишга уялмадингми, қари чўчқа!

Оғзидан она сутининг ҳиди келиб турган сержантнинг бу гаплари Максим тоғанинг суюк-сугидан ўтиб кетди. «Нега мени ҳақорат қиласди! Арпасини хом ўрибманми?!»

— Ҳей бола, нега мени ҳақорат қиласан? Аввал тушунтир, мениям тингла, кейин бақир!

Сержант тутоқиб кетди:

— Ҳафа бўлдиларми? Ҳе, сенинг паҳмоқ соқолларингга...

Максим тоға ўзини тарбияли одам, деб ҳисобларди. Лекин милиционернинг куракда турмайдиган сўзларидан сўнг жон-пони

чиқиб кетди. Умрида уни ҳеч ким бунчалик сұммаганды. У дило-зорнинг гирибонидан олиш учун отилди, лекин қаншарига тек-кан муштдан тисарилиб, зарб билан деворга урилди.

Хушдан кетаётіб, дуч келган жойига тепищаётганини ҳис-қылды.

Мушт ва тепки үз ишини қылғанды. Чолнинг ҳаммаёғи мұма-талоқ бўлиб, аёвсиз қалтаклангани кўриниб турарди. Навбатчи офицер чол шикоят қылгудек бўлса, анча-мунча кўнгилсизлик-лар ортириши мумкинлигини фаҳмлади. Қариянинг кўзига сержантни бўралатиб сўқди. Кейин отахоннинг елкасига қўлини кўйиб, уни аврай бошлади:

— Яхши иш бўлмади, — деди милиция навбатчиси. — Сер-жант сал ошириб юборипти. У, албатта, қылмишига яратпа жазо-сини олади. Лекин қариган чоғингизда идорама-идора юриш, ҳар куни терговга чақирилиш сизга, сизнинг ёшингизда тўғри келар-микан?

Максим тоға унинг мақсадини дарҳол англади:

— Мен ҳеч қаерга шикоят қилиб бормоқчи эмасман, — деди у чўрт кесиб. — Мени ҳеч ким ургани йўқ, ўзим йиқилиб у ёқ-бу ёғимни қашқа қилиб қўйдим, холос.

— Бор экансиз-у, бобой! Ана шу гапларингизни ёзиб бера ола-сизми?

— Ёзим берсам қўйиб юборасизларми?

— Албатта, мана бу протоколни қайта ёзамиз, холос.

— Undай бўлса, қалам-қофоз беринг.

Уларнинг сұҳбатига тумшайиб кулоқ солиб ўтирган сержантнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Ишнинг қолган қисми кўп вақтни олмади. Чолнинг шахсий буюмларини қайтиб беришди. Буюмлари орасида бир тийин ҳам пул йўқ эди. Қариянинг юраги ёмон бир нарсани сезгандек орқасига тортиб кетди:

— Пуллар-чи?

— Қанақа пул? Тинтув ўтказилганда ёнингизда бир тийин ҳам топилмаган. Ишонмасангиз, мана протокол, — навбатчи чолга тинтув рўйхатини тутқазди. Отахоннинг кўз олди тиниб кетди. Ушлаб қолишимаса, йиқилиб тушарди.

Максим тоға ўлганинг кунидан судралиб, ўз кулбасига етиб олди. Бир амаллаб құлфни очди. У чарм қондаги хазинадан ха-вотирда эди. Бекорга хавотирланган экан. Қандай қолдирган бўлса, шундай турғанди пул тўла қоп. Ана шундан сўнгтина ота-

хон оёқда зўрға турғанлигини ҳис этди. Яна бир сониядан сўнг ўзини тўшакда кўрди. У кечадан бери бошидан кечирғанларини бир-бир хаёлидан ўтказишга уринди. Аммо пивофуруш аёл меҳмон қилгани-ю, милиция тепкилашганидан бошқасини эслолмади. Шу орада бир неча марта ҳушдан кетиб қолди. Алоқ-чалоқ туш кўрди. Туш ваҳимали эди.

Жант майдонида бошидан яраланиб, душман қўлига асир тушганмиш. Уни тергов қилаётган немис сержанти нуқул:

— Хазинани қаерга яширгансан, айтсанг, ўлмай қоласан! — дермиш. У:

— Қанақа хазина, ҳаммаёқда уруш кетаётган бўлса, хазина нима қилсин? — деб гапни олиб қочармиш. Фашистнинг жаҳли чиқармиш-у, тепкилай кетармиш.

— Ур, уравер! Ўлдирсанг ҳам хазинани яширган жойимни айтмайман!

Кейин икки киши бўлиб тепармиш. Ҳушдан кетгач, оёғидан судраб кўчага чиқариб ташлармиш.

— Мени совуқда музлатиб ўлдиришмоқчи, лаънатилар, — 1. ан ҳаёл кечади асирнинг дилидан.

Бошини кўтариб қараса, тепасида ўғли Иван (ё тавба, Максим ҳали уйлангани йўқ эди-ку!) мўлтираб қараб турибди.

— Вания, Ванюша, сен бу ерга қаердан келиб қолдинг? Сени ҳам армияга олишдими?

— Йўқ, дада, сени уришаётганини кўриб, осмондан тушиб келдим.

— Осмондан, дейсанми? Осмонда нима қилдинг?

— Қизиқмисан, дада, ахир мен ўлганман-ку. Рудим осмонда бўлмай, қасерда бўлсин. Авваллари ҳам тез-тез сени кўришга келиб турардим. Фақат сен мени кўрмасдинг.

— Вания, Ванюша, сени кўрганимдан бопим осмонга стди! Туш кўраётган бўлсам ҳам хурсандман. Балки тушдамас, ўнгимда кўраётгандирман сени-а?

Иван жавоб бермайди, отасини ёш боладек қўлларига кўтариб олади... Максим тоға совуқдан тиши-тишига тегмай дилдираб, уйғониб кетди. Чол анчагача туш таъсирида бўлди. Аммо унинг кекса қалбida турғен бошланганди. Унинг бугунги баҳтсизлигига чарм қопдаги пуллар сабабчи! Ҳазинанинг мингдан бир улуши шунчалик кулфат келтирди-я! Одамлар, одамлар, иймон-инсофни еган одамлар! Ҳақиқий хазинани кўришса борми, бир-бирини қирғин қилишдан ҳам тоймайди.

— Уф-ф, қон исими? Ҳа, чарм қопдаги пуллардан келаяпти қўланса ис. Уни фақат олов йўқота олади. Дарвоҳе, барча кулфатларнинг сабабчиси бўлган бу пуллар билан хонани иситаман.

— Уҳ-уҳ, қандай мазза. Тарашадан ҳам зўр ёнаркан. Пулнинг олови балки, бундай лаззатга эришмоқ учун милионер бўлиш керак, жаноблар! Ваҳ-ҳа-ҳа...

Қабристон қоровулининг кулбасидан анча вақтгача оҳ-воҳлар эшитилиб турди. Кечга бориб дардли нолишлар телбаларча қаҳ-қаҳага айланди.

Табиат бир гувраниб олди. Шамол қўзғалди. Бу пайт ўликлар салтанати чанг-тўзон оғушида қолди. Лекин бунга зътибор қилгудек жон йўқ эди бу маконда. Жаҳали чиққан бевош шамол аллақайлардандир қоп-қора булутларни ҳайдаб келди. Шаррос ёмғир қуйди, кейин қорга айланди. Дўппайган қабрлар усти қор билан қопланди. Шодлигини яширомаган қарғалар томоғига зўр берарди:

— Қар-ррр... Қор-ррр...

#### 4

Афония Максим Максимични шип-шийдам қилиб, боз устига милицияга топшириб юбориб, «Омад кулиб боққани шу бўлса керак», деб сармаст юрган кунлардан бирида «слоп» этиб калласига ажойиб фикр келди. «Чўнтақ харжи учун ўн минг сўм олиб юрган Максим Максимич хазина топмаганмикин? Топган! Акс ҳолда бунча пул унда нима қилсан!» Ана шунда Афония ростакамига шошиб қолди. Тезроқ ҳаракат қилмаса, пуллар бошқа чўнтакларга тушиб кетаётгандек бўлаверди. У Максим Максимичнинг пулларининг ҳаммасига бўлмаса ҳам бир қисмига згаллик қилип йўлларини қидира бошлади. Топди. Кувончидан тесрисига сифмай кетди. Ўйлаган йўли шу қадар маъқул эдики, ҳамма ишларини бир четга йиғишириб қўйиб, қўлга киритилажак пулларни қаэрда сақлаш ва уни нималарга сарфлап тўғрисида фикр юрита бошлади.

Пул деса ўзини томдан ташлайдиган пивошуруш ҳозир ҳам ёмон яшамаётганди. Унча катта бўлмаса ҳам олди боғчали ҳовлиси бор. Лекин бир кўча нарида яшаётган ресторон директориникидан ўн чандон ғариб. Дарвоҳе, ана шу қўшниси яқинда савдойи бўлиб қолди. Жиннихонага олиб кетишли. У ҳақда бирор

ундай дейди, бирор бундай. Баттар бўлсин. «Соҳилбўйи» ресторанинг буфетини бермаганди. Мана, ундан ҳам қолди. Афония пулларнинг бир қисмини ишлатмасдан яшириб қўяди. Қарз бериш деган сўз луғатдан ўчирилди.

Ўғли билан қизи ҳам пулга кўз тикмасин. Улар сал оқибатлироқ бўлишганда бошқа гап эди. Ўтар дунёда роҳат қилиб яшай билиш ҳам керак. Эрга тегади! Нима қилибди — эзлиқдан ошган бўлса ҳам етти мучаси соппа-соғ, пардоз-андоз қилиб юрса, ҳар қандай жувондан хушрўй бўлади. Пул бўлса, эр йўлда!

Афония якшанба куни эрталабдан эрининг қабрини зиёрат қилиб келиш баҳонасида йўлга отланди. Устига одми палтосини илди, елкасига тивит рўмолини ташлади. Такси чақириб, бўла-жак бойвучча обрўсига яраша «24»да борсаям бўларди-ю, оёғи қолиб оғзи билан юрадиган қўшнилардан ҳайиқди. Шу сабабли пиёда жўнади.

Христианлар қабристонига келиб-кетувчилар анчагина. Улар орасида бизнинг қаҳрамонимиз ҳам бор. У аввал эрининг қабрига борди. Сўнг зиёратчиларнинг кўзини шамгалат қилиб, четга чиқди. Ҳар ким ўз дарди билан овора бўлгани сабабли кулба томон зипиллаб бораётган семиз хотинга зътибор беришмади.

Афония кулба эшигини сёкин чертди. Ҳеч ким жавоб бермади. Қаттиқ-қаттиқ тақиилатди. Яна жимлик. Журъат қилиб эшикни тортди. Фийқилаб очилди. Димогига қўланса ҳид урилди. Аёл орқага тисарилди. Кейин бурнини рўмоли билан бекитди-да, остона ҳатлади. Кундуз бўлишига қарамай, кулба ичи анча қоронги эди. Эшикдан тушаётган ёруғлик хона тўридаги каравотни ёритди. Унда осмонга қараганча Максим Максимич ётарди. Афония оёқ учиди юриб, каравотта яқинлашди. Этилиб, чолнинг юзига тикилди ва чўчиб орқага тисарилди. Максим тоға ўлиб қолганди!

Аёл саросимага тушиб қолди. Аммо тезда ҳушини тўплаб хонага кўз югуртириб чиқди. На сандиқ, на шкаф бор. Бир четда буржуйка деб аталадиган печка. Девор тагида кўлбола стол, стол устида тунука чойнак, лаби учган пиёла. Деворга қўшофиз милитиқ илинганди. Печка олдида чармдан бўлган бўш қоп ётарди. Афония зғилиб, қопни олди. Силтаб, қоқди. Бир варақ қоғоз тушди. Хавфсизлик билан қоғозга кўз югуртирди. Кувончдан қичқириб юборди:

— Ура, топдим!

Пивофуруш аёлнинг шодланишига сабаб бўлган қоғоз оддий қоғоз бўлмай, чарм қопдаги пул описи эди. Унда фалон даста юзталик, фалон даста элликталик, фалон даста бешталик, деб қайд этилган. Афония шоша-пиша рўйхатнинг якуний қисмига куз югуртириди:

«Жами 2 млн. 600 тыс. Руб. 1984 йил».

Афония нақадар семиз бўлмасин, торгина хонада қувончдан дикир-дикир сакраб, рақс тушар ва икки миллион олти юз, икки миллион олти юз», деб вайсади.

— Мияси айнигандан манави чол пулларимни еб адо қилмаган бўлса, улар шу хонада бўлиши керак. Қани, менинг пулларим?!?

Афония ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Пул ҳеч ерда йўқ эди.

— Балки тўшагининг остидадир? Ҳа-да, пул яшириш учун тўшакдан қулай ва ишончлироқ жой топиб бўларканми!

Ўзини аллақачон миллионер деб ҳисоблай бошлиган пивофуруш каравотнинг бир томонидан кўтарди. Мурда гурсиллаб ерга ағдарилди.

Пул бу ерда ҳам йўқ эди. Демак, чол пулни қаергадир кўмиб қўйган. Лекин қаерга?!?

Афония саволига жавоб олмоқчи бўлгандек мурданинг устиста зингашди. Шунда мурданинг ўнг қўлида ғижимлаб ушлаган қоғозни кўрди. Мурданинг бармоқларини йириб, қоғозни олди. Эшикдан тушаётган ёруфга солиб хатни ўқиди:

«Бу хат одамлар қўлига текканда, балки мен бу дунёни тарк этган бўларман. Умримда бирорга ёмонлик қилмадим, яхшилик-нинг пайида бўлдим. Кеча билан кундуз, оқ билан қора ёнма-ён юргандек, яхшилик билан ёмонлик ҳам бирга юаркан. Қўлимга тўсатдан тушиб қолган хазинани ҳақиқий згасига топширмоқчи эдим, звазига уриб, майиб қилишди. Тўшакка михланиб қолдим. Тақдирга тан бермай иложим йўқ. Қопда қанча пул борлигини билмайман. Тахминимча, миллиондан кам эмас. Лекин бу пуллар ҳеч кимга яхшилик келтирмайди, қон ва кўзёшлар тўкилишига сабаб бўлади. Хазина қаердалигини билишни истасанг, печкани очиб қара...»

Афония печка томон отилди. Печканинг эшиги очиқ, ичидаги бир уюм кулдан бошқа нарса кўринмайди. Кулни титиб, чала куйган пул қолдиқларини топиб олди. Икки миллион олти юз минг сўмлик хазинадан қолгани шу эди...

\* \* \*

Шу куни Чўлобод кўчаларида «Менинг пулларим! Менинг хазинам!» деб санғиб юрган телба аёл пайдо бўлди. Сочлари патила-патила бўлиб тўзғиган, юзларига қоракуя суртилган бу аёлни кўпчилик танирди.

— Қаранглар, бу пивофуруш Афония-ку! — дерди улар ҳайратдан ёқа ушлаб...

## XXXIV. ЗУЛМ ҚИЛИЧИ

Сойибназаров ишдан олингач, вилоятда қама-қама кучайди. Барча район партия комитетларининг биринчи котиблари, ижроқўм раислари, хўжалик бошлиқлари янгипанди. Сойибназаровнинг иши ҳам чатоқ. «Соғлигингизнинг мазаси йўқ, беш-олти кун даволанинг», деб Тошкентдаги ҳукумат касалхонасига жойлаштириб қўйишиди. Номига бемор. Аслида тутқун. На бола-чакаси, на таниш-билиши билан озиб-ёзиб суҳбатлашади. У анча вақтдан бери палатага яширин микрофон ўрнатилмаганмикии, деб ҳадиксираб юрганди. Шу сабабли хонани синчиклаб ўрганиб чиқди. Аммо бирон шубҳали нарса топмади.

— Бўлиши мумкин эмас, — деди ўэига-ўзи Сойибназаров. — Қаергадир микрофон ўрнатилган бўлиши керак. Кўнглим сезиб турибди. Эски фронтчининг, собиқ разведкачининг ички сезгила-ри алдамайди. Барibir топаман!

Йўқ, тополмади. Чарчаб, каравотга чўзилди. Радио қулогини буради. Ахборот беришаштган экан. Яна республиканинг аллақайсиdir районида қўшиб ёзишлар аниқлангани, айборлардан катта миқдорда пул топилгани, улар давлат фойдасига мусодара қилингани ҳақида хабар берилди. Сойибназаров радиони ўчириш учун жаҳл билан қўлинин чўзганди, диктор «Радио мухбирининг Ўзбекистонда иш олиб бораётган ўртоқ Гдлян гуруҳи раҳбарларидан бири билан қилган суҳбатини эшиттиришга қўямиз», деб эълон қилди.

Сойибназаров сергак тортди. Чунки номи эълон қилинган гдлянчини яхши танирди. У бир неча ой мобайнода Чўлободда ков-ков қилиб, юзлаб кишиларни тергов чиғириғидан ўтказганди. Қанчадан-қанча кўзёшлари тўқилишига сабабчи бўлганди у.

Сүхбат мухбирнинг саволи билан бошланди:

— Сиз раҳбар бўлган гуруҳ анча вақтдан бери Ўзбекистонда иш олиб бораяпти. Юзлаб қонун бузиш ҳоллари фош этилди. Айтинг-чи, бу жараён енгил кечдими?

— Йўқ, асло, аксинча, фоятда оғир кечди. Бошданоқ шуни айтиб қўяйки, ҳали тергов, суриштирув ва қидирув ишлари та- мом бўлгани йўқ. Бир қатор вилоятларда иш энди бошланаяпти.

— Қийинчиликлар нималардан иборат бўляяпти, билсак бўла- дими?

— Албатта. Бизнинг ҳалқдан яширадиган гапимиз йўқ. Энг катта қийинчилик шундаки, жиноятчилик чуқур томир отган. Уни бамисли ракка ўхшатгим келади. Рак барча соғлом органларни чирмаб олиб, фалаж қилгани каби жиноятчилик ҳам аҳолининг каттагина қисмини ўз тўри билан ўраб олган. Булар бригадирлар, раислар, директорлар, партия, совет ходимлари, уларнинг бола-чақалари, қариндош-уруглари ва ҳоказолар. Айрим мансабдор шахслар томонидан тергов натижасига таъсир ўтказиши- га уринишлар ҳам учрайдити. Мен гуруҳимиз олиб бораётган ишни фронтда жанг қилаётган жангчининг жасоратига ўхшатгим ке- лади. Бу ерда ҳам фронтдагига ўхшаб на дам олиш бор, на меҳ-нат таътили. Терговчиларимиз икки йилдан бери ана шундай фронтчасига кураш олиб боришадиги.

— Редакциямиз почтасига «тергов қонун-қоидлари бузила- япти, ота учун ўғилни, она учун қизни қамаб қўйишаётги», деган шикоят хатлари ҳам келиб туради. Мумкин бўлса, шуни шарҳ- лаб берсангиз?

— Мен ҳозиргина гуруҳимиз фронт шароитида ишлайдиги, деб айтдим. Ўз-ўзидан маълумки, тинчлик даври қонунлари фронт даври қонунларига тўғри келавермайди. Шу нуқтаи назардан баъзи бир ўжар қариндошларга салгина сиёsat қилиб қўйишга тўғри келаётгандир. «Урди, қамаб қўйди» қабилидаги шикоят- ларга эса бўхтон деб қараш керак. Давлат манфаатларидан ке- либ чиқиб, бундай ғаламис шикоятларга зътибор бермасликни маслаҳат берардим.

— Ҳа, албатта, Сизга охирги саволим.

— Қулогим сизда.

— Айборлардан тортиб олинган пулларнинг миқдори ва кей- инги тақдирли қандай бўляяпти?

— Тергов манфаатлари нуқтаи назаридан саволнинг биринчи қисми ҳақида бирон нарса дея олмайман. Иккинчи қисми ҳақида

комил ишонч билан айтаманки, пуллар ўзининг ҳақиқий засини топди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат!..

Сойибназаров караҳт бўлиб қолди. Ҳозиргина эфирдан бул-булдек сайраган одам Чўлобод вилоятida кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликларга сабабчи бўлди. Уялмай-нетмай «Урди, қамади деган гаплар гирт ёлғон», деб дунёга жар солаяпти-я! Унинг ёвузликларидан айримларига ўзи шоҳид бўлганди.

Сойибназаров Сўфи қишлоғига келганида совхоз идораси олдида тумонат одам тўпланган экан. Улар машинадан тушиб келган Сойибназаровни ўртага олишди.

— Бу не бедодлик бўлди, обком бува?! — деди вилоятда донг таратган чўпон йигит кўзида ёш билан. Унинг кўксидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин юлдузи ялтираб турарди. — Адолат борми ўзи?! Мен сиздан сўрайпман, обком бува, адолат борми?

— Адолатта нима қилибди? Томдан тараша тушгандек мендан «Адолат борми?» деб сўрайсиз. Аввал ётиғи билан тушунтиришинг, сўнг сўранг. Хўш, тинчликми?

— Тинчлик бўлса, адолат сўрармидик. Мана шу одамлардан сўрангчи, Сўфи қишлоғида нималар бўлаётганини гапириб беришади.

— Улар билан ҳам гаплашишга улгурамиз. Аввал сиздан эшитмоқчиман.

Чўпон ўпкаси тўлиб, гапиролмай қолди. Бопқалар ҳам ер чизиб туришди.

— Қаҳрамон, деб сиз билан фахрланиб юрадик. Юрак ўрнида ўпка кўтариб юрган экансиз-ку, оғайнини, — деди Сойибназаров ярим ҳазил-ярим чин қилиб.

— Сиз ҳам менинг қаҳрамонлигимни юзимга соласиз! Сиз ҳам терговчининг гапларини тақорлайсиз. Воз кечдим бунақча қаҳрамонликдан! Ўз қўлингиз билан тақиб қўйган эдингиз, мана, ўзингизга ечиб олинг! — чўпон йигит биринчи котиб олдида кўкрак кериб турди. Сойибназаровнинг астайдил жаҳали чиқди:

— Мен бу ерга сенинг Олтин юлдузингни ечиб оламан, деб келганим йўқ! Унвонни сенга мен берган эмасман. Олиш керак бўлса, партия сендан сўраб ўтирумайди!

Чўпон ҳиқиқиллаганча четга чиқди. Оппоқ соқоли кўксига тушиб турган мўйсафид бир қадам олға юрди:

— Ассалому алайкум, обком бува, — деди қўлини кўксига қўйиб. — Биз қишлоқиларни маъзур тутинг. Бу ерда бўлаётган ишлардан сизнинг хабарингиз йўққа ўхшайди?

— Қандай ишлар ҳақида галираяпсиз?

— Бир ой-қирқ кундан бери Сўфи қишлоғининг тинчи йўқолди. Одам бошига биттадан мелиса, прокурор, терговчи келиб қишлоқни босган. Нима эмиш, ҳаммамиз қамалған совхозимизнинг директори Қорахоннинг думлари эмишмиз. Шунинг учун ишдан бўшатилган эмишмиз. Тўгри, қариндош-уругмиз. Тонмаймиз. Қаҳрамон чўпон — Қорахоннинг кўсви. Яна кимдир бўласи, кимдир узоқ қариндоши. Бурним ёмон, деб кесиб ташлаб бўлмайди-ку. Ўн-ўн беш кундан бери хотингларимизни, қизларимизни клубга қамаб қўйиб, тонготар сўроқ қилишаётти. Дунё дунё бўлиб бундай бедодликни кўрганми? Бугун янги гап чиқди. «Қорахоннинг пуллари қаерга яшириб қўйилганини айтмасаларинг, аёлларингни Тошкентта жўнатиб юборамиз, у ерда эркаклар билан бир авахтага қамаб қўйилса, ўшанда тиллари чиқиб қолади», деган шарт қўйилди. Қайси мусулмон одам бундай иснодга чидай олади! — чол бироз тин олди-да, босиқлик билан давом этди. — Ўрисни ўрис десанг, ўзимизнинг ўзбек терговчилар улардан ҳам ўтиб тушаяпти. Ўзбекнинг орияти қаерида эканлигини яхши билган ўрис амалдорлар ўзимизни ўзимизга гиж-гижлатиб қўйган.

Сойибназаров нима дейишни билмай қолди. Чунки «Тергов гуруҳи ишига аралашманлар!» деб юқоридан буйруқ берилган. Аралашса, пашшадан фил ясадб кўрсатишлари мумкин. Ҳар ҳолда одамларни тинчлантириш учун нимадир дейиши керак-ку.

— Қандайдир тушунмовчилик бўлганга ўхшайди, ўртоқлар, — шундай деди-ю, биринчи котиб шоша-пиша атрофга аланглаб олди. Назарида терговчилар унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини синчиклаб кузатиб туришгандек, сўзларини ўзларининг ён дафтарчаларига ёзиб олишаётгандек туюлди.

Шу боис икки қадам наридагилар аранг эшитадиган даражада овозини пасайтириб сўзини давом эттириди:

— Мен терговчилар билан гаплашаман. Ваҳима қилаверманлар. Ҳаммаси жойида бўлади. Қани энди иш-ишларингга боринглар.

Директорнинг кабинетида Сойибназаровни узун бўйли, башарасидан ёшини аниқлаш қийин бўлган малласоч киши қарши олди.

— Давлат хавфсизлиги комитетининг алоҳида ишлар бўйича терговчиси, — деб исм-шарифини айтиб ўзини танишитирди. — Чўлободнинг биринчи котиби Сойибназаров бўласиз. Адаммадимми?

— Йўқ, тўғри топдингиз. Хўш, қалай, ишлар яхши кетаяптими?

— Ў, ишлар зўр кетаяпти. Бу ерда жиноятчиларнинг катта уясини фош этдик. Собиқ совхоз директори Қораҳоннинг думларини тутиб қамадик. Улар терговни турли йўллар билан чалғитишга уриниб ётишибди. Аммо билмайдиларки, терговчилар ҳам анойи эмас, СССРда энг довруғ чиқарган чекистлар бизга ёрдамга ташланган. Ҳақиқатни қарор топдириш учун бизга чекланмаган ҳуқуқлар бериб қўйилган. Афсус, афсус, жиноятга анча обрўли одамлар ҳам аралашиб қолибди. Масалан, Меҳнат Қаҳрамони бўлган чўпон қайнатаси. Қораҳоннинг пул ва тиллаларини яшириб қўйишда у билан жиноий тил биринтирганлиги аниқланди. Бу ишга хотинини ҳам жалб этган Қораҳоннинг бошқа бир қариндошиницида унга тегишли бўлган катта бойлик сақланётганлиги аниқланди.

Сойибназаров қўйиб қўйса ҳали-бери жаги тинмайдиган суҳбатдошининг слкасига қўлини ташлади:

— Ҳаммасидан обкомнинг хабари бор, — деди овозига сохта мамнунлик оҳангি беришга уриниб. — Биздан ёрдам керак эмасми?

Алоҳида муҳим ишлар терговчинининг юзида истеҳзо жилва қилди:

— Керак. Жуда ҳам керак.

— Қайси соҳада?

— Ўндан ортиқ жиноятчи киссасида партия билетини кўтариб юрибди. Арзимаган расмиятчилик туфайли масала парткомдан райкомга, райкомдан парткомга оширилаялти. Шундайлардан бири Қораҳоннинг күёви Меҳнат Қаҳрамони... Уни партия билети билан қамоққа олсанк яхши бўлмас, деб ўйлайман.

— Бўлди, бўлди, тушунарли. Бу масалани обком бюросига қўйиб, айборларни жавобгарликка тортамиз, — деди шошапиша Сойибназаров.

У сўфиликларнинг дардини енгиллаштироқчи эди, эплолмади. Давлат хавфсизлиги комитетининг масъул ҳодимида шубҳа уйғотишдан қўрқиб, яна бир қанча одамларнинг, улар бегуноҳ эканликларига шубҳаси бўлмаса ҳам қамалишларига розилик бериб юборди.

Совхоз идораси олдида ҳамон одамлар тұтпданың турарди. Улар «Хозир обжомнинг биринчи котиби чиқади-ю, ҳаммани хурсанд қылалып келген хүшкабарни бізге айтади», деган илінжала туришарди. Қаҳрамон чүпон ҳам Сойибназаровга қаттық ботадиган гап қылганидан пушаймон еди. Кечирим сұрашни дилига тұгды. «Ишларим юришиб кетса, зиёфатта қақириб, бугунғи гаплар учун кечирим сұрайман, күңқор змас ҳұқызы сұяман. Эл суйган ҳофиз Тожиддин Муродовни олиб келаман. Ишқилиб бошимдан бало-қазо ариса бүлгани».

Идорадан малласоч терговчи кузатувида Сойибназаров чиқиб келди. Унинг қиёфаси тунд. Одамларнинг күзига қарамасликка, уларни сезмасликка уринади. Бир зумгина мұқаддам ғоз турған қоматлар мутеларча әгиліб, бошлар хам бүлганини күриш, ич-ичидан зил кетса-да, лом-мим демайды, дейдемайды ҳам. Деса, боши кетади. Ҳаммага жон керак. Унга ҳам.

Одамларнинг құлбаччаларға ўхшаб бөш згиб туриши тәпакалға сәдек екди. У ҳар қанча құвонса арзирди. Чунки обжомнинг биринчи котиби киссасида партия билети бүлганса яқын одамнинг үйини тиңтишпа, тергов қилишга, зарур бўлса ҳибсга оқ фотиша бериб қўйганди. Ишнинг буёғи хамирдан қыл суғурғандек осон кўчалиди. Қаҳрамон ва унга ўхшагилар қамалса, бошқаларнинг эси кириб қолади. Қанча кўп кўзёши тўқипса, шунча кўп пул тұтпанаади. Ҳаменниң оғзини каттароқ очиб, бошқариб турсанг, бас.

Сойибназаров терговчи билан қылған суҳбатнинг натижаси ни кўп кутмади. Сўфи қишлоғида қама-қама авжига чиқди. Обжомга келған хабарлар бири-биридан хунук эди. Қаҳрамон чүпоннинг хотини ўзини осиб қўйибди, деган машъум хабар ҳаммасидан ошиб тушди. Даҳшатлиси ҳали олдинда экан. Марҳумани дағи этиш маросими ўз-ўзидан митингга айланып кетади. Шу вақтгача қўй оғзидан чўп олмаган қишлоқ муаллими одамларнинг олдига тушиб, мавжуд давлат тузумини қоралай бошлиди. Уни қўллаб-куватлайдиганлар ҳам дарҳол топила қолди.

— Битта терговчи ишдан олингани билан бошқалари ўз билганиларидан қолмайды, «оқ ит, қора ит, бари бир ит», деб ҳайқи ради кимдир.

— Тўғри, терговчиларни бошимизга юборғанлар ҳам жавоб-гарликка тортилиши керак! — жўр бўлади бир неча овоз.

— Зўрликка зўрлик билан жавоб бериш керак! — дейди қуруқ ердан ҳам чанг чиқаришга ўч йигитлардан бири. — Қачонгача бошимизда тегирмон тоши айланади!

Оломон гувиллайди:

— Ҳақ гап. Зулм қиличини синдириб ташлайлик!  
— Қуруқ гап билан бир нарсага эришиб бўлмайди,— дейди ҳамфикрлари кўпайиб қолганидан дадиллашган муаллим.

— Домла, йўл кўрсатинг, нима қипайлик?

— Маслаҳат шу — марҳуманинг вафотидан фойдаланиш керак. Ахир бундай фожия ҳар куни бўлавермайди-ку. Ҳаммамиз тўғри райкомга борамиз. Битта-иккита бўлиб борсак, арзимизга ҳеч ким қулоқ солмайди. Бирлашсак, тоғни қулатамиз.

— Марҳумани ҳам бирга олиб борамиз! У ўлимидан сўнг бўлса ҳам душманларидан ўч олиш қуроли бўлиши лозим, — дейди шу вақтгача бициниб-қисиниб турган киши. Аммо унинг кимлигига ҳеч ким зътибор бермайди.

— Тўғри, жуда тўғри!!! — мушт бўлиб тугилган қўллар баланд кўтарилади. Мулланинг ҳай-ҳайлashingга қарамай, тобут кўтарган оломон қабристон қолиб, районга қараб йўлга тушади.

Совхоздан райкомга қўнгироқ қилиб, ғазабга мингган оломон бораётганлигини хабар қилишган экан. Милиция наряди оёққа турғизилади, ички хизмат аскарлари жанговор ҳолатга келтирилади. Оломонни район маркази чегарасида тўхтатишга муваффақ бўлинади. Қуролланган аскарларни кўрган айрим «мард»-лар ими-жимида жуфтакни ростлайди. Район милициясининг бошлиғи оломоннинг кўзини қўрқитиш мақсадида беш-ўнта одамни ушлашга буйруқ беради. Кимdir тартиб посбонларига қарататош отади. Ана шундан сўнг умумий тартибсизлик бошланади. Боши ёрилган, қўли синган одамлар дуч келган тарафга қараб қочади. Тобут ағдарилиб, мурда тупроққа беланади.

Бу воқеадан Тошкент зумда хабардор бўлади, сўнг юқорига — Москвага шошилинчнома юборилади. Тартибсизлик ташкилотчиларини тафтиш қилиш бошланади. Бу қама-қама кампаниясини кучайтириш учун янги баҳона бўлди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Қорабоев вазифасидан четлаштирилди. Унга «Сиёсий вазиятни атайлаб танглаштирган», деган даҳшатли айб қўйилди. Пахтани қўшиб ёзиш билан боғлиқ бир ишда кимдир унинг номини ҳам тилга олади. Ҳуллас, бир одамни маънавий кунпаякун қилиш учун етарли ҳужжатлар тўпланган эди. Баланд мартабали Сойибназаров ички ишлар бошқармасининг содиқ бошлиғига ёрдам қўлларини чўзишдан ожиз. Бу қўллар кўзга кўринмас иплар билан чандиб ташланганини ким ҳам тушинарди.

Телефон қаттиқ жиринглаб, Сойибназаровнинг хаёлларини тўзғитиб юборди. У трубкани қулогига тутди. Хотини экан. Овозидан билдики, нимадир бўлган.

- Ҳа, тинчликми?
- Тинчлик бўлмай ҳам ўлсин...
- Бирон нарса бўлдими?
- Қорабоев ўзини отиб қўйибди.
- Нима?! Нега ўзини отади?
- Негалигини мен қайдан билай. Бирон ерга кетмасликка тилидан тилхат олишган экан. Бугун тушликка чиқмабди. Кириб қарашса, қўлида тўппонча, ўлиб ётган экан. Оғзидан отган. Бираам даҳшат-бирам даҳшат!
- Одамлар нима деяшти? Балки ўзини-ўзи отмагандир?
- Ҳар хил гаплар юрибди. «Биров ўлдирган», деган тахминлар ҳам бор. Нима бўлгандаем, яхши иш бўлмади. Сизни ўйлаб, ваҳмим ошаяпти.
- Бунақа гапларни телефонда гапириб бўлмайди-ку, нодон!
- жеркиб берди Сойибназаров хотинини.— Ҳа, айтганча, Эшназар раиснинг маъракаси бор эди, нима бўлди?
- Раиснинг қирқини ўтказишипти. Дадаси...
- Қулогим сизда?
- Бир нарса сўрасам йўқ демайсизми?
- Хоним, олдинлари сўраб ўтирмасдилар, тўғридан-тўғри талаф қиласкерадилар. Сизга нима бўлди?
- Бир-икки ҳафтага чол-кампирниги бориб турсам, дегандим...
- Сабаб?
- Айттолмайман. Телефонда гапирадиган гап эмас.

Сойибназаров хотинининг йиғлаётганини сезди. Нимадир бўлган. Сабабини айтмади. Айтмагани ҳам яхши. Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин.

— Майли, борақолинг,— деди Сойибназаров ўзини беғам кўрсатишга уриниб.— Мен ҳам яқинда бориб қолсан керак. Чол-кампирга салом айтинг.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг, дадаси.

Сойибназаров гўшакни жойига қўйди. Хотинидан эшитганинни мушоҳада қилган сайин юрагига фулгула тўлди. Қорабоевнинг ўлимни (унинг ўз жонига қасд қилганига сира ишонмасди), хотинининг «телефонда айтиб бўлмайдиган» сирли хабари ўйга

толдирди. Ўйлаган сайин калавасининг учини кўпроқ йўқотаёт-  
гандек бўлди. Кўзи рўпарасида илиғлик портретга тушди. Тас-  
вирдаги доҳий кўзлари чақнаб кетгандек бўлди. Сойибназаров  
чаён чаққандек салчиб, ўзини четта олди. Ҳар қанча даҳрий бўлма-  
син, бундай гаройиб портретта яқинлашди, диққат билан кўздан  
кечирди. Рангли полотнода усталик билан ўрнатилган бир жуфт  
митти микрофон ялтираб туарди.

Сойибназаров сўзсиз орқага чекинди. Дераза олдида туриб  
қўлларини кўксида чалиштирганча шу палатага келганидан бери  
бўлиб ўтган суҳбатларни, телефон сўзлапшувларини хотирасида  
тиклашга уриниб кўрди. Ҳар қанча эҳтиёт бўлишига қарамас-  
дан қовун тушириб қўйғанлигини фаҳмлади. Энди тақдир уммо-  
нида сарсон кезаётган умр кемасини тасодифий амоли нажот қир-  
ғоқларига чиқариб ташлашини ёки фалокат қояларига уриб чил-  
парчин қилишини кутишдан бўлак йўли қолмаганди унинг...

## XXXV. ТАҚДИР ТАЪҚИБ ЭТАДИ

### 1

Барот Норгул момонинг муҳрланган қоғоз ёпиштирилган дар-  
возасига анграйиб қараб қолди. Нохушликни сезгандек юраги  
гупиллаб ура бошлади. Кимдан сўрасам экан, деб атрофга қара-  
ди. Сал нарида папирос тутатиб турган кишини кўриб унга яқин-  
лади.

— Мени кечирасиз, — мурожаат қилди у нотаниш одам билан  
қўл бериб кўришаркан, — манови дарвоза муҳрлаб қўйилгани-  
нинг сабабини билмайсизми?

Нотаниш киши жавоб беришдан олдин Баротни бошдан-оёқ  
кўздан кечириб чиқди. Барот ўнғайсизланди.

— Биламан. Саволингизга жавоб беришдан олдин менинг ҳам  
битта саволимга жавоб бера олмайсизми?

— Нима савол экан?

— Кимсиз?

— Фалати одам экансиз-ку, менинг кимлигимнинг сизга нима  
қизиги бор?

Нотаниш киши бундай қўрсликка эътибор бериб ўтирмади:

— Мен ички хизмат ходимиман. Мана, ҳужжатим, — у шундай деб қизил жилдли гувоҳномани очиб, Баротнинг кўзи олдида тутди.

Баротнинг хаёлига «Илоннинг ёмон кўргани ҳазорисбанд, у ҳам иининг оғзида ўсармиш», деган мақол келди. Қўйнидан паспортини чиқариб узатди.

— Бу бошқа гап, Баротвой, — деди суҳбатдоши паспортини згасига қайтариб бераркан. — Сиз ҳақингизда эшитганман. Қутилиб қелганингиз билан табриклайман.

— Миннатдорман.

— Мендан хафа бўлманг, ука, — деди милиция ходими Баротнинг ранжиганини кўриб. — Вазифамиз шунаقا.

— Менинг саволимга жавоб бермадингиз?

— Ука, гап бундай. Бу ҳовлида қотиллик бўлган. Бир эмас, тўрт киши ўлдирилган.

— Момо-чи? Момо омонми?

— Йўқ, момо ҳам ўлдирилган. Момонинг Тўйчи исмли ўғли, унинг хотини, яна Гўзал исмли жувон ҳам ўлдирилган. Мен бунақа ваҳшийликни биринчи марта кўришим.

Барот ҳозир эсим оғиб қолса керак, деб хаёл қилди. Кўз олди тиниб, тили зўрға калимага келиб сўради:

— Ким ўлдирилган?

— Ҳозирча номаълум. Очиги, гумон қилинаётганлар орасида сиз ҳам бор эдингиз.

— Мени қотиллиқда гумон қилиб қамашдими ҳали?!?

— Сиз нима деб ўйлагандингиз?

Барот елка қисиб кўйди.

— Милиция ҳисобида турғанларнинг кўпчилиги гумон қилиниб қамалди. Сиз ҳам ҳисобда турар экансиз. Оператив чора кўриш керак бўлган-да.

— Гўзал деган жувонни тилга олдингиз. Ўғли-чи? Ўғли тирикми? — сўради Барот юраги эзилиб.

— Тирик. Тасодифан тирик қолган. Лекин у жуда қўрқсан кўринади. Врачлар унинг тузалиб кетишига энди умид боғласа бўлади, дейишшайти. Очиги, мен сизга айтсам, қотилликнинг очилиши шу боланинг тузалишига боғлиқ бўлиб қолди. Ҳа, дарвоҷе, марҳума... кимингиз бўларди?

— Норгул момоми? Қўшнимиз, раҳматлини онамдек кўтардим.

- Тушунмадингиз, Гүзал кимингиз бўларди, деб сўрамоқчи эдим.
- Гүзал... Гүзал билан мактабда бирга ўқиганмиз.
- Синфдошим, денг, — деб қўйди милиционер тагдор қилиб.
- Ҳа, синфдошим, — гапни калта қилди Барот. Сўнг милиционер билан совуққина хайрлашди.

Қари тут олдига етганда тўхтади. Ўпкаси тўлиб кетди. Чидамлади — ёшлиқдан сирдоши ва дардкаши бўлган дарахт оғочини қучиб аччиқ-аччиқ кўзёшларини тўқди.

\* \* \*

Барот адрес олиб, вилоят болалар касалхонасини топиб борди. Шаҳар чеккасида экан. Неврология бўлиммини топиш қийин бўлмади. Акация дарахтлари қуршовида қолган бир қаватли бинога кираверишда семиз санитарка йулинни тўсди:

- Яхши йигит, қасқقا?
- Опажон, шу бўлимда жияним даволанаяпти. Шуни кўриб кетмоқчи эдим.
- Қайси палатада?
- Палатасини билмайман. Биринчи келишим.
- Исл-фамилиясини айтинг?
- Бахтиёржон. Фамилияси... фамилияси...
- Ёшини биларсиз, ўша жияннингизнинг?
- Тўртда.
- Билиб чиқаман. Шу ерда кутиб туринг.

Анча кутишга тўғри келди. Ниҳоят санитарка оқ ҳалат кўтариб келиб қолди:

- Ўн учинчи палатага боринг. Фақат ўтириб қолманг.
- Раҳмат, опажон!

Ўн учинчи палата эшиги қия очиқ эди. Йигит ичкарига кирди-ю, таққа тўхтади. Рўпарасида унга ҳайрат билан ... Гўзал қараб турарди! «Тушимми, ўнгимми, деб ўйлади Барот: — Наҳот, Гўзал ўлган, деб мени алдашган бўлса?!»

- Келинг, сизга ким керак эди?

Бу савол йигитни ҳушига қайтарди. У Гўзалнинг синглиси бор, деб эшитганди. Ўша бўлса керак.

— Салом, — деди ўнгайсизликдан оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб. — Мен Бахтиёржонни кўриб кетмоқчи эдим?

Қиз ҳамон ҳайрон қараб турар эди.

Баротнинг кўзи қизнинг пинжига кириб турган болага тушди:

— Бахтиёржон, укажоним!

Бола кўзини каттга-каттга очганча анграйиб қолди. У гапиришга чоғланиб, лабларини қимирлатди. Афти қийшайиб кетди. Фулдурашга ўхшаган товушлар эшитилди. Ниҳоят оғзидан:

— Адајон! — деган сўз стилиб чиқди.

— Укажоним! — Барот болани бағрига босди. Қиз ўз қулоқларига ишонмасди:

— Сен гапирдингми, Бахтиёржон?! Наҳотки, худойим сенга қайтадан тил берган бўлса! Яна бир марта гапир. Гапир, гапирақол?

— Нимани гапияй, хола?

— Вой, хола деган тилларингта қурбон бўлай! — сўнг Баротга юзланиб деди:

— Акажон, авлиёмисиз, фариштамисиз?! Шунча вақтдан бери гунт бўлиб ётган бола сизни кўрди-ю, тилга кирди!

— Э, менин уялтирунг. Мен на авлиёман, на фаришта. Худонинг бир гуноҳкор бандасиман, холос. Исмим Барот. Гўзалхоннинг синфдоши бўламан. Сўраганнинг айби йўқ, Бахтиёржоннинг холаси...

— Холаси Мақсадаман, — қиз дув қизардида, йигитга қўл узатди.

— Танишганимидан жуда хурсандман. Ростини айтсан опангизга ўхшар экансиз.

— Унчалик эмас, — деди уни сулувликда танҳо бўлган опасига ўхшатишганидан боши осмонга етиб. — Опам жуда (сулув демоқчи бўлганди, тилини тишлиб қолди) бошқача эди.

— Эҳтимол. Лекин менинг назаримда сиз унинг бетакор нусхасига ўхшаркансиз. Сизни кўрдим-у, опангизни кўргандек бўлдим.

«Опамни яхши кўрар экан, — деган ўй кечди Мақсаданинг дилидан. —Faқат синфдошмиди улар?»

Мақсада курси суриб қўйди:

— Қани ўтириинг. Ҳали қулоқларимга ишонгим келмайди Бахтиёржоннинг тилга кирганига.

Барот ўтириши билан Бахтиёржон унинг тиззасига чиқиб олди. Унинг бу қилиғидан кулипиди. Барот болани бағрига босиб ўпар, ҳар хил сўзлар билан эркалаторди. Гўёки палатада бола билан

болажон йигитдан ўзга ҳеч ким йўқдек эди. Қиз четдан уларга қараб тураркан, миёсида савол кетидан савол туғилиб келаверди. «Барот ака опамнинг синфдоши холосми? Нега Бахтиёржон уни «ада-ада» деб, ундан ажралгиси келмай қопди? Демак, опам билан ораларида мен ўйлагандан ҳам кўра бошқачароқ муносабат бўлган. Муҳаббатми? Балки жиянимнинг отаси ҳам аслида шу йигитдир? Бўлмаса «ада»лаб бағрига отилармиди...»

Бола ҳар гал «ада» деганда Мақсада ғалати бўлиб кетаётганидан Барот англадики, унинг дилида тил билан ифодаланиши қийин бўлган, шу ерда, ҳозирнинг ўзида аниқлик киритишни талаб қиласидаган саволлар гужон урайти.

- Мақсада, нималарни ўйлаяпсиз?
  - Менми?
  - Ҳа, сиз.
  - Ҳеч нимани...
  - Балки менга шундай туюлгандир.
  - Балки... Ҳа, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.
  - Сўранг.
  - Қандай бўларкин, саволим сал қаттиқроқ тегиб кетиши мумкин?
  - Кимга, менгами?
  - ...
  - Сиз мени ранжитадиган гап қиласиз? Истасангиз бермоқчи бўлаётган саволингизни ўзим айтаман?
  - Йўғ-э?
  - «Бахтиёржон нега сизни «ада» дейди?» деб сўрамоқчисиз.
- Тўғри топдимми?
- Мақсада ундан кўзларини олиб қочди:
  - Шундай ҳам дейлик...
  - Бу савол мени жичча ҳам хафа қилмайди. Чунки бугун бўлмаса, эртага шу саволни берардингиз. Тўғрими?
  - ...
  - Бўлмаса, эшитинг...

Барот Гўзал билан ўн йил бир синфда ўқиганлигини, Гўзалнинг ҳамма қизлардан ҳам гўзалроқ бўлиб етишгани-ю, юқори синф болалари бирдек севиб қолганини, шу жумладан ўзи қанчадан-қанча тунларни шу қизни деб бедор ўтказганлигини яrim ҳазил, ярим чин қилиб гапириб берди:

— Гўзалхонга муҳаббат изҳор қилмаган бола қолмади. Ҳаммасини рад этди. Мен ҳам рад жавобини олдим. Буни ўзим учун

ҳалокат сигнали деб қабул қилдим-у, «Мұхаббатим юз үгирған шаҳар менга ҳаром», деган шиорни үзимга байроқ қилғанча Тошкентта жүнавордим. Аслида юрагим Гүзәлхон билан ана шу шаҳарда қолған эди. Одам ҳар нарсага күникар экан. Үзимни ўтта урдим, чўққа урдим. Институтта киролмаган бўлсан ҳам Эшонгузарга қайтгум йўқ эди. Самолётсозлик заводида ҳам ишладим, ҳам билим юртида ўқидим. Кутимагандан отам билан онам автоаварияда ҳалок бўлишмаганида, балки ҳозир ҳам Тошкентда юрган бўлармидим. Хуллас, бу орада Гүзәлхон турмушига чиққан, ҳатто фарзанд ҳам кўриб улгурган эди. Унинг тақдирига роса ачинганман, тақдирни лаънатлаб йиғлаган пайтларим ҳам бўлган. Лекин шунга қарамасдан, Эшонгузарга қайтиб келганимдан кейин ҳам Гүзәл билан учрашувлардан қочиб юрдим. Аммо тақдирдан қочиб бўлмас экан. Бир кун вилоят марказига кетаётсам Гүзәлхон бескатда автобус кутиб турган экан. Кўзим тушди-ю, ғалати бўлиб кетдим. У мени кўриб қолмасдан аввалроқ туёғимни шиқиллатиб қолмоқчи эдим. Унга икки-уч нафар олифта хиракиқ қилаётгандек бўлиб туюлди. Ташлаб кетишга гурурим йўл қўймади. Опангизни уларнинг нақ бурнининг тагидан олиб кетдим. Шу дақиқадан бошлиб менинг ҳаётим остин-устун бўлди. Мен сабабли опангиз ҳам анча-мунча азият чекканини кейин зпитдим. Ўша куни опангизга яхшилик қиласман, деб уни баҳтсизликка гирифтор этган эканман. Унинг олдидаги гуноҳларимни ювишим керак эди. Хуллас, дессангиз, биз иккаламиз ҳам үзимиз сира истамаган ҳолда бир-биримизга суюниб қолдик. Лекин буни мұхаббат деб бўлмасди. Қандай аташни ҳам билмайман. Опангизнинг ўлимидан сўнг мен кўп нарсани англадим. Инсон якка-ю ёлғиз яшай олмас экан. Ёшликтаги аразларни ўргатга солиб қайсаарлик қилмаганида, эҳтимол опангиз менинг мұхаббатимни рад этмасди. Буни энди тушуна бошлаганимда эса Гүзәлни бутунлай йўқотдим... Мен опангиз руҳи олдида ҳамиша боп згаман. Унинг фарзандини оёққа турғизаман, уни ажойиб одам қиласман, — деб үзимга-үзим сўз бериб қўйганиман.

Барот оғир сўлиш олиб, жим қолди. Мақсада йиғлаб юборди. Кўзёшлари лўппи-лўппи юзларини юваб оқа бошлади.

Йигит шошиб қолди. Қўйиб берса, ўзи ҳам ўкириб йиғлашга тайёр эди шу топда. Четга ўгирилиб, намланган мижжаларини артди. Хайрият, унинг бу ҳолатини қиз сезмади.

Мақсуда унсиз анча йиғлади. Аччиқ-аччиқ күзёшлари дилидеги гумон-хавотирни ҳам ювиб кеттәндек бўлди. Бахтиёржонни бағрига босганча унсиз тикилиб турган йигитни олдин ҳам қаердадир кўргандек бўлар, қаерда ва қандай шароитда кўрганлигини сира эслай олмас эди. Илоҳий бир илиқлик бор эди йигитнинг нигоҳларида!

Барот кетиши учун қўзғалди. Бахтиёржонни қучиб ўпдида, бағридан бўшатди:

— Ақдли бола бўл. Бахтиёржон, холангта азоб берма — Сўнг қизга юзланди. — Омон бўлинг, Мақсадаҳон!

— Келганингиз учун раҳмат, ака, — қиз ўрнидан туриб хайрлашиб учун қўлини чўзди. Нигоҳлар тўқнашди.

«Гўзалга қуиб қўйғандек ўҳшайди-я», — деб ўйлади йигит.

«Ўлай агар, бу йигит билан аввал ҳам ҳамсуҳбат бўлганман. Аммо қаерда?» деб боши қотди қизнинг.

Илиқ хайрлашдилар. Йигит ортидан палата эшиги ёпилди. Худди шуни кутиб тургандек, Мақсуда ҳозиргина чиқиб кетган йигитни қаерда кўрганлигини эслади! У чопиб бориб, деразадан ҳовлига қаради. Бироздан сўнг касалхонанинг кўча эшиги очилиб, Барот кўринди. У эшик олдида бироз тўхтаб аланглади. Ниҳоят, очиқ деразага кўзи тушди. Дераза олдида Мақсуда масур қараб турарди. Йигит кўл силтаб хайрлашган бўлди ва йўлида давом этди. Мақсуда эса анча вақт унинг изидан қараб қолди. Илиқ хотиралар хаёл кўзгусидан кино лентасидек бир-бир ўта бошлиди.

## 2

Бошқа тенгдошлари сингари Мақсуда ёшликтининг завқу сафосини суролмади. Марғубанинг арзимаган касалдан вафот этиши опа-сингилларни букиб қўйганди. Кекса ота энди уларни тергаб, қисти-бастига олмаса-да, уларнинг ҳар бир босган қадамини назаридан қочирмасди. Эсида, Мақсуда еттинчи синфда ўқирди. Ўқиши «аъло» ҳам эмас, ёмон ҳам. Аммо математикадан бир оз оқсайди. Синфда «профессор» лақабли бола бўлиб, математикани қуиб қўярди. Оқи-оққа, қизили-қизилга ажралиб турган лўппи юзли бу йигитча синф қизлари ўртасида талаш эди. Шоди — йигитчанинг исми шундай эди — Мақсудага уй вазифаларини ечишга астойдил ёрдам берар, бундан бошқа қизлар ўлгу-

дек рашк қилишарди. Шоди бошқа қизга ёрдам бергудек бўлса Мақсуданинг дарду дунёси қоронгулашар, аммо буни ўзидан бошқа ҳеч ким сезмасди. У Шодини севиб қолганди!

Шаддод дугоналаридан бири Шодини «ўзиники» қилиб олгандан сўнг Мақсуда касал бўлиб қолди. Бир неча кун кўрпатўшак қилиб ётди. Аммо ички дардини на опасига, на биронта дугонасига айта олди. У Яратганга илтижо қилиб сўрарди. Лекин на муҳаббати қайтди ва на дили ором топди. У яшашдан кўра ўлимни афзал кўра бошлаган эди.

Нажот кутилмаганда ўз оёғи билан келди.

Ҳарорати баландлигидан алаҳсираб ётган Мақсуда тушкўрди. Ўзига нотаниш жойларда юрганмиш. Қайси томонга юришни билмайди. Фарёд қилиб Шодини чақиради:

— Шоди! Шоди! Қайлардасан, Шоди? Нега мени ташлаб кетдинг, овоз бер, Шоди!

Ердан чиқдими, осмондан тушдими, бошдан-оёқ оппоқ кийинган, оқ соқолли чол пайдо бўлди. У Мақсудани саволга тутди:

— Қани, қизим, бу ерларда нима қилиб йиғлаб юрибсан?

— Ассалому алайкум, бобо, мабодо сиз Хизр бобомлар эмасмисиз?

— Балли, қизим, тўғри топдинг. Тила тилагингни.

— Менга Шодини қайтаринг. Шодисиз ўлиб қоламан!

— Шодини унут,— деди қария ғамзода овозда.— уни Оллоҳ ўз олдига чақирган. Ана у, кетиб бораётти.

Мақсуда чол кўрсатган тарафга ўгирилиб, булутларга қоришиб кетаётган шарпани илғади. Биринчи муҳаббатидан айро тушган қиз кўзларидан ёш сел бўлиб қуйилди.

— Бўлажак умр йўлдошингни кўрсатайми?

Қиз индамади. Фақат чол ишора қилган тарафга юзланиб, туман ичидан чиқиб келаётган йигитни кўрди. Танимаса ҳам унга нисбатан бир илниқлик тыйди. Йигит унга қўл узатди. Қўлинин олиними, олмасинми? Балки бобо бир маслаҳат берар? Аммо чол ғойиб бўлган эди. У ҳозиргина турган жойда гира-шира яшил рангли туман қолган эди, холос.

Шу кечаси қизнинг ҳарорати тушиб, кўзини очди. Алаҳсирапшардан асар ҳам қолмади. Фарзандининг дарди арий бошлаганидан боши осмонга етган ота-онаси Эшонгузар авлиёга битта қўй атаб юборди.

Тонгда жанозага айтиб кетишди. Қўшни маҳаллада бир болани трактор босиб кетган экан. Мақсуда ота-онасига қўшилиб,

марҳумга чин дилдан ачинган бўлса-да, ҳали унинг Шоди эканини билмасди...

Шодини қалбидан ситиб чиқариш қизга осон бўлмади. Лекин вақт ўтиши билан қалб изтироблари енгиллашди. Бироқ ҳар қанча уринмасин, тушдаги йигит сиймосини асло кўз олдига келтиролмасди. «Тушда қўрганларим иситманинг зўридан бўлган алмойи-алжойи босиринқираш экан-да», деган ҳуносага келиб қолган эди бечора.

\* \* \*

Мақсада ҳамон дераза олдида турарди. Унинг қирмизи лаблари ҳаяжон зўридан пирпиарди. У ҳозиргина ёнидан чиқиб кетган йигитни қаерда кўрганини зслади. Тушсида! Ҳа, Шоди ўлган кечаси тушига кириб, қўл узатган йигит! Ўша тундан бери биринчи марта йигитнинг қиёфаси аниқ-тиниқ кўз олдига келди.

Қизнинг узун-узун киприклиридан юзига бир неча томчи ёш думалаб тушди. Бу қувонч ёшлари эди.

Инсон табиати қизиқ экан — хафа бўлса ҳам, хурсанд бўлса ҳам йифлайверади. Яхшиямки, кўзёшлари бор, дарду ҳасратни ҳам, қувонччу шодликни ҳам меъсрига солиб туради. Бўлмаса, унинг тафтига инсон зоти тоб беролмасди.

## ХОТИМА

Яна баҳор келди. Олам япил либос кийди. Бойхотиннинг ҳовлиси олдида болалар ғужгон уради. Нақшинкор дарвозанинг дарчаси очилиб, ундан атлас кўйлак кийган жувон чиқди. У чангтупроққа беланиб ўйнаётган болалар томон юрди.

— Хў, Бахтиёрjon, қайдасан, болам?

Болалар ўйинга шу даражада берилиб кетишганки, бирори «Ҳа», демади.

— Бахтиёрjon, мен сени чақирайман.

— Ҳа, ая, нима дейсиз?

— Тез уйга юр. Аданглар билан Чўлободга бориб келамиз.

— Ихтиёрчаям борадими?

— Боради.

— Ура!

Болалар ўйин-кулгини йигиштириб, Бахтиёржонга ҳавас билан қараб қолипади.

Она-бала ҳовлигага кириб кетишиди. Бир оздан сўнг дарвоза ланг очилиб, сутдек оппоқ «Волга» чиқди. Машина рулида эски танишимиз — Барот. Орқа ўриндиқда эса чақалогини бағрига босганча унинг хотини Мақсада, унинг ёнида яна бир танишимиз — Бахтиёржон ўтирибди. Аяси уни олд уриндиққа ўтиришга қўймай, ўз ёнига ўтқазгани учун қовоғидан қор ёғади.

— Болаларнинг олд ўриндиққа ўтиришлари мумкин эмас, — деб аясининг ёнини олади дадаси ҳам.

— Нега мумкин эмас, жимгина кетаман?

— Йўқ, милиция кўриб қолса штраф қиласди.

— Адангни гапга солмай, жимгина ўтири. Мана, қара, уканг биттаям гапирастгани йўқ.

— Ҳо, унингиз ҳали гапиришни билмайди-ку. Дада, ашула қўйиб беринг?

— Кимнинг ашуласини қўйиб берай, ўғлим.

— Миллион-миллион алиҳ роз бор-ку, ўшани.

— Битта гапингиз, оғайнини. Марҳамат, сиз учун Алла Пугачева кўйлади.

Чўлободга етиб келишганини сезмай ҳам қолишиди.

— Суд қайда бўлади? — Сўради Мақсада бирдан ғамгин бўлиб.

— Вилоят судининг биносида.

— Қачон бошланади?

— Ҳали яна икки соат бор. Анча олдин келибмиз. Унгача мен сизларни шаҳар айлантираман.

— Ура! Морожний ҳам олиб берасизми, дада?

— Томоғинг оғрийди, — ташибеҳ беради Мақсада.

— Бўлмаса, пепсикола олиб берасиз.

— Майли.

Машинани қўйиш учун қулай жой қидиришаётганди, йўл четида турган йигит ва қиз қўл кўтаришиди. Барот машинани тўхтатди.

— Вокзалгача ташлаб қўймайсизми?

Таниш товушни зшлишиб Барот йўловчининг юзига тикилиб қаради ва хурсандликдан қийқириб юборди:

— Андрей, дўстим, ўзингмисан?!

— Худди ўзиман. Борка, наҳот бу сенсан! Сен билан хайрлашомлай кетаётганимдан хафа эдим. Тасодифни қара-я!

— Андрей, биродар, мен ҳам сени бир кўриб, юракдан отамлашиш иштиёқида эдим. Ростини айтсан, сени менга худонинг ўзи етказди. Агар жуда шошилмаётган бўлсаларинг, мана шу истироҳат боғига тушиб, мазза қилиб гурунглашардик.

Андрей ҳамроҳига ўгирилиб, сўради:

— Валентина Михайловна, мен сенга ана шу йигит ҳақида гапириб бергандим, эсингдами?

— Эсимда, Андрюша, эсимда. Шундай ажойиб ўргонинг бор эканлигидан хурсандман.

Қаҳрамонларимиз истироҳат боғининг кўркам майдончаси-да стол атрофида тўпланишди. Бу ерда ҳар доим қовурилган жўжанинг хушбўй ҳиди бурқисб туради.

Официант йигит столга бир неча дона «Пепсиcola» қўйиб кетди. Бир оздан сўнг чинни товоқларда қовурилган жўжа олиб келди.

— Яна нимадир етишмай турибди, чамамда? — деди Барот Андрейга маъноли қараб.

— Йўқ, ошиам, йўқ. Сен рулласан, мен эса самолётта чиқаман.

— Мен рулдалигим ҳақ рост. Аммо сен бор-йўғи самолётда кетадиган йўловчисан. Демак, самолётни бошқаришга сенинг ҳеч ҳам алоқанг йўқ. Тўғрими?

— Тўғриликка тўғрику-я.

— Мана бу гўзал хонимларни шампан виноси билан меҳмон қилмаслик мумкин-ми, ахир?

— Шампан бўлса, розиман.

Суҳбат қўр олди. Икки йигит ўтган давр ичидаги бошдан кечирганинни бир-бир эслашди. Барот дўстидан Максим Максимичнинг фожиали ўлимни ҳақидаги хабарни эшлитиб, ачинди. Андрей тоғасини топганини, унинг жуда катта амалдор эканлигини, ҳозир Москвада даволанаётганини қистириб ўтди. Андрей тоғаси ҳақида гапираётгандага Валентина дув қизарганини Мақсудадан бошқа ҳеч ким сезмади.

— Тоғанг ҳадемай тузалиб келади. Қолиб ишласанг бўларди? — юрагига кўл солиб кўрди Барот.

— Келаман. Фақат тоғасини орқа қилиб келаяпти, деб ўйлама. Огамнинг хоки кўйилган чўл совхозига япаш учун келамиз. Балки ўшандага Фарғонага бориб, отамнинг қариндошларини ҳам топармиз. Ишқилиб, ниятлар жуда катта, оғайни.

— Жуда яхши ўйлабсан, Андрюша. Табрисклайман!

— Раҳмат. Хўш, оғайничночилиш, энди ўзингнинг ишларинг ҳақида гапир-чи?

Барот ҳам дўстидан ҳеч нарсани яширмади. Қамалиб кетишига бир баҳя қолганини, бунга Эшонгузарда юз берган даҳшатли қотиллик сабаб бўлганини сўзлаб берди. У қотиллик ҳақида гапира бошлигандага Мақсуда ўзини тутиб туролмади, узун-узун киприкларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Орага ўлик сукунат чўқди.

— Юр, азизим, боғни айланиб келамиз, — деди Валентина Мақсудани елкасидан қучиб. Аёллар узоқлашиши билан Барот сұхбатини давом эттирди:

— Норгул момо уй-жойини, «Волга» машинасини, омонат кассасидаги пулларини менинг исмимга васият қилиб, нотариусдан тасдиқлатиб қўйган экан. Менга нисбатан нега бундай олижаноблик қылганини ҳозиргача тушунмайман. Чунки унинг бир змас, уч ўғли, ўндан ортиқ неваралари бор эди. Уларга бир чақани ҳам раво кўрмалти.

— Қотил топилдими?

— Ҳа, топилди. Бугун ўшанинг суди бўлади. Қотилни биласанми, ким топган?

— Сенми?

— Йўқ, мен змас. Манави йигитча — Баҳтиёржон тасодифан таниб қолган. Қотилнинг айбини бўйнига қўйиш қийин бўлмади.

— Демак, сени яна судга чақиришибди-да?

— Бу гал жавобгар сифатида змас, гувоҳ сифатида. Ёлғиз змас, Баҳтиёржон билан биргаликда. Асосий гувоҳ у.

Бир пас айланишгач, аёллар келиб ўтиришди.

— Суднинг нима билан тугашини билгим келаяпти, — деди Андрей Баротта. — Самолётта билет олиб қўймаганимда, албатта, қолардим.

— Билетни қайтариб топширамиз, вассалом, — деди қатъий қилиб Барот. — Қалай, розимисан?

— Валентина Михайловна, яна бир неча кун мени меҳмон қилишингга тўғри келади.

— Қолавер, Андрюша. Сенсиз зерикиб қолардим. Ҳа, айтгандай, тезда бориб билетингни топширишимиз керак.

— Ундан бўлса, олға, оғайнилар! — шодон хитоб қилиб ўрнидан турди Барот.

Мақсада хушнуд жилмайиб қўйди...

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан .....	3
Муқаддима .....	4
I. Гўзал .....	5
II. Барот .....	18
III. Тутқунликда .....	25
IV. Айбсиз айбдор .....	31
V. Бош савдоси .....	35
VI. Лўлининг ўлими .....	39
VII. Сулҳ .....	44
VIII. Шаҳло кўзлар юм-юм ёш тўқди .....	49
IX. Қочиш .....	53
X. Тўйдаги «томоша» .....	63
XI. Полковникнинг шахсий агенти .....	69
XII. Арпа эккан арпа ўради .....	75
XIII. Ҳазина .....	85
XIV. Висол ва алам. Майорнинг кўзёшлари .....	88
XV. Қонли базм .....	101
XVI. Иван .....	106
XVII. Ота қизини ахтаради .....	113
XVIII. Раис қасос олмоқчи .....	117
XIX. Совуқ хабар .....	122
XX. Чўккан қабрлар .....	127
XXI. Макр .....	134
XXII. Сир-асрорга тўла кечा .....	137
XXIII. Сирли йўқолиш .....	145
XXIV. Арвоҳнинг деганлари .....	157
XXV. Виждон азоби .....	166
XXVI. Бой хотин .....	176
XXVII. Ҳалокат ёқасида .....	181
XXVIII. Худонинг қаҳридан қуёш ҳам қўрқди .....	193
XXIX. Қотиллик .....	203
XXX. Полковник дарғазаб .....	217
XXXI. Олтин балиқча .....	227
XXXII. Тўй .....	232
XXXIII. Қон иси .....	241
XXXIV. Зулм қиличи .....	255
XXXV. Тақдирга тадбир этади .....	263
Хотима .....	271

*Адабий-бадиий нашр*  
**ЮСУФ СИДДИҚОВ**  
**ТОКЧАДАН ТОПИЛГАН ХАЗИНА**

Мұхаррир М.ХУДОЁРОВА  
Бадиий мұхаррир Б.БОЗОРОВ  
Рассом Р.ЗУФАРОВ  
Тех.мұхаррир В.ДЕМЧЕНКО  
Мусаҳиҳ Г.МИРЗАЕВА  
Компьютерда сағифаловчи Е.НАЗАРОВА

Муқомма «Artfol» дизайни марказида тайёрланды

ИБ 3935

Босишига 26.07.2004й.да рұхсат этилди. Бичими 84x108 1\32.  
Босма тобоги 8,625. Шартли босма тобоги 14,49.  
Адади 1500 нұсха. Буюртма № 198.  
Бағоси келишилгандарда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланды.  
«Ёшлар матбуси» босмахонасида босилди.  
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.